


РЕДКОЛЛЕГИЯ:

Барот Бойқобилов  
Эркин Воҳидов  
Одил Ёқубов  
Нормурод Нарзуллаев  
Абдулла Орипов  
Муҳаммад Салом  
Туроб Тўла  
Худойберди Тўхтабоев  
Носир Фозилов  
Џурбон Али рассом  
Иброҳим Гофуров  
Ойдин Ҳожиева  
Ўткир Ҳошимов



К  $\frac{70500-273}{356 (06)-78}$  49-78

© Издательство «Еш гвардия», 1978.



ШЕЪРЛАР,  
ҲИКОЯЛАР,  
БОЛАЛАР  
АДАБИЁТИ,  
ЁШЛИК  
ТАБАССУМИ,  
АДАБИЙ УЎЛАР,  
МУШОИРА

ЁШЛИК

Ёшлик. Альманах. Шерлар, ҳикоялар, болалар адабиёти, ёшлик табассуми, адабий ўйлар, мушоира. (Редкол. Б. Бойқобилов ва бошқ.) — Т. «Ёш гвардия», 1978С.—152б.

Ёшлик. Альманах. Стихи, рассказы, произведения для детей, юмор, литературные раздумья, поэтическое состязание.

Уз2

\* \* \*

# НАЗМ ВА НАСР





Социалистик Меҳнат Қўрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари, академик, ёзувчи Комил Яшин, Ҳамза номи Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреатлари,— ёзувчи Раҳмат Файзий ва профессор Лаазиз Қўломовлар ёш ижодкорлар орасида.

М. Тўйчиев фотоси.

---

# Ғайрат АСРАНОВ

---



1950 йили Андижон областининг Пахтаобод районида туғилган. Ҳозир ТошДУ филология факультетининг кечки бўлимида ўқийди.

1972 йилдан буён Главташкентстройга қарашли 70-қурилиш бошқармасида ёшиг терувчи бўлиб ишлайди.

---

## ЯХШИ

Ҳар кимсани ўз юрти-ю ўз хонаси яхши,  
Хоҳ қинғиру хоҳ қийшиғу остонаси яхши.

Ўзга эли майхонасини мақтама соқий,  
Қўй, ўз элими кулчали чойхонаси яхши.

То танда бу жон ўзгани қасрин ҳавас этмам,  
Ғайратни ўзин гулшани—кошонаси яхши.

## МУСТАЗОД

Гул ишқида булбул чекиб оҳ айлади афғон,  
гул бўлмади шодон,  
булбул дили вайрон.

Бул ҳолни кўриб йиғлади ёш тўқдию осмон,  
гул бўлмади ҳайрон,  
булбул дили вайрон.

Гулнинг тикани булбул учун берса ҳам озор,  
ул куйлади тун-кун,  
гул тингламас асло.

Охир шабада айлади гул баргини яксон,  
гул бўлди паришон,  
булбул дили ҳам қон.

Лаълинг майдан, эй гўзалим, бенасиб этма,  
лутф айла ўзимга,  
гирёнинг ўзимман.

Умринг ўтадир, шундоғ экан бўлмаки нодон,  
бўлгил менга жонон,  
Ғайрат сенга қурбон.

## ҲАБИБИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Сенинг ҳажрингда мен девона, бир кел,  
Қилай кўз гавҳарим тўёна, бир кел,  
Дилим бўлсин бу кун гулхона, бир кел,  
Дил оромим, сен эй фарзона, бир кел,  
Юзинг нурига мен парвона, бир кел.

Дилим ёндир вале кўзни нам этма,  
Тилим лол эт, вале бошим ҳам этма,  
Ўзи йўқ лутф ила хотиржам этма,  
Унутма, илтифотингни кам этма,  
Эл ичра бўлмайин афсона, бир кел.

Менга айт, не сиринг бор кокилингда,  
Хиром этсанг у тўлғонса белингда,  
Дилим, жоним бўлиб қолгай кўлингда,  
Рақиблар қон ютиб қолсин йўлингда,  
Очиқ-ойдин, дадил, мардона бир кел.

Бу Ғайрат зор бўлиб малҳам кутарман,  
Алангам ичда-ю, ташда тутарман,  
Менга айт-чи, наҳот ёлғиз ўтарман?  
Ўзим танҳо Ҳабибий, кўз тутарман,  
Қадам еткурмагай бегона, бир кел.



Ёзувчи ҳамма нарсани — бутун ҳаёт оқими ва бу оқимнинг энг майда шохобчаларини, воқеликнинг бутун зиддиятларини, қайғули ва кучли томонларини, унинг қаҳрамонлик ва разиллиги, сохталик ва ҳақиқатини билиши лозим.

М. ГОРЬКИЙ.



# Ёқубжон АҲМАДЖОНОВ



1946 йили Наманган шаҳрида туғилган. Касби — ўқитувчилик. Шеърлари «Ёшлик баёзи» ва турли га-зета ҳамда журналларда босилган.

## ЎЗБЕКИСТОН

Сен учун ташбеҳлар излаган чоғим  
Япроқлар шивирлаб кўрсатишди йўл.  
О, Ватан аталмиш муқаддас боғим  
Ниҳол илҳомимга ўзинг паноҳ бўл...  
Ташна нигоҳларим гулингга банда,  
Шабнамга омухта кўзларим ёши.  
Менга диёр йўқдир ортиқроқ сандан,  
Бошимга болишдир тоғларинг тоши...  
Киприкларим нам-у, титрар руҳи-жон  
Мен сени куйласам, о, Ўзбекистон!..

Оламда яшолмам ташвиш чекмасдан,  
Бағрингдан кетмасман қолдирмай асар.  
Ўзбек ўз юртига бир гул экмасдан  
Фано бўлмоқликдан қилади ҳазар...  
Шул ўзбек бахш этди сенга жилолар,  
Ҳам сени айлади сайқали олам.  
Бағрингда булбуллар қилса наволар  
Рашқдан қоврилади Эрам гули ҳам...  
Жаннатлар бағрини тирнайди армон  
Мен сени куйласам, о, Ўзбекистон...

Нафис гулларингни куйладим аммо  
Гуллардан гўзалроқ қизларинг бордир.  
Шулар мени этди ҳаётга шайдо,  
Шулар кўшиғимга ҳамиша ёрдир...  
Шулар гўзалликка мен учун тимсол,  
Шулар юрагимга илҳомлар солмиш.  
Шуларнинг кўзидан юлдуз эҳтимол  
Бир замон жозибга ўғирлаб олмиш...  
Уфқингга лаб босур юлдузли осмон  
Мен сени куйласам, о, Ўзбекистон!..

Ўз юртин юракдан севмаган одам  
Ўзга эл меҳрига бўлолмас ошно,  
Назмимни номингдан бошладим, зотан  
Сендан бошланади мен учун дунё...  
Мен сени куйлагум қаерга бормай,  
То тирик эканман, то омон бошим.  
Ўзим-ку ишқингга ҳамиша ёрман,  
Дўстни ҳам айлагум кўркингда ошиқ...  
Сармаст қулоқ солур жумлаи жаҳон  
Мен сени куйласам, о, Ўзбекистон...

## ОНА

Тушимда учибман бургутдай гўё,  
Юксак муз чўққини кўзлаб қолибман.  
Қалбимни поралаб даҳшатли рўё  
Ўша шум чўққида музлаб қолибман...  
«Шунчалар ожизми кўкдаги қуёш,  
Не учун эримас менинг муз танам?» —  
Кўзимдан юмалаб саноқсиз муз — ёш,  
Бағрим кемираркан муз каби алам,

Ногоҳ янграб кетмиш бир таниш нидо:  
— «Қаёндасан, менинг болажоним-ови!»  
Тоғлар тилга кириб бериш акс-садо:  
— «Қаёндасан, менинг болажоним-оп!»  
Шу заҳот вужудим тарк айламиш муз,  
Сеҳр оқиб киргандай гўё қулоқдан...  
«Болажоним...» — о, онам айтган сўз  
Бунчалар қудратни олдинг қаёқдан?!

Сен мени кечир-у, ноҳақ дарду ғам  
Ҳали ҳам бағрингда яшайди, дунё.  
Фақат тушда эмас ҳатто ўнгда ҳам  
Ташвишдан муз ютиб қоламан гоҳо...

Ва лекин қалб музин бир оловсимон  
Волидам садоси зумда эритар.  
Мен учун қуёшнинг қудрати ёлғон,  
Борлиқни у эмас — она ёритар...

### САБО ТОНГДА ТИТРАТДИ ГУЛНИ

Сабо тонгда титратди гулни,  
Юрагимга тушди ҳаяжон.  
Кўрмоқдаман нурафшон йўлни.  
Фотиҳа бер, азиз онажон...

Мени имлар бир қалам қошли,  
Ул кўрмоқчи бағримга ошён,  
Шу қиз бўлсин умрим йўлдоши,  
Фотиҳа бер, азиз онажон...

Бошгинамга тушса машаққат,  
Ҳолдан тойсам ошганда довон,  
Қатра сўзинг руҳимга мадад,  
Фотиҳа бер, азиз онажон...

Бахтлиларга қилмайин ҳасад,  
Ожизларга бўлай меҳрибон.  
Покликни деб яшайин фақат,  
Фотиҳа бер, азиз онажон...

### ҲАЁТ

Севмоқ учун яралганми ё  
Билолмайман, азалда иссон.  
Ишқ уйими бу кўҳна дунё,  
Туғилдимки бағримда туғён...

Ё дарддан бахт топар одамзод —  
Дил туғёним боиси шулми?  
Сулув қиздай туюлган ҳаёт  
Тиканларга ўралган гулми?

### МЕНИНГ ИККИ БОБОМ

Менинг икки бобом икки буюк пир,  
Иккисин номи ҳам машҳури олам.  
Бири менга мерос қолдирди шамшир,  
Иккинчиси эса сеҳркор қалам...

Бугун қалам олдим, дўстлар, қўлимга,  
Бобом Навоийга содиқ қоламан.  
Аммо ёвуз душман кирса элимга  
Муқанна шамширин қўлга оламан!...



---

# Матназар АБДУЛҲАКИМОВ

---



Хоразмлик. Урганч районидаги СССР 50 йиллиги  
колхозининг аъзоси.

## ТУРНАЛАР ҚУШИҒИ

Дўстим, турналарга тўйиб қараб қол,  
Майда ташвишларни қўйиб, қараб қол.  
Ширин тушга ўхшаб ўтмоқда улар,  
Шу тушни толега йўйиб қараб қол.

Тарк этиб диёрнинг сернеъмат кузин,  
Учарлар, хаёлни юксакка чорлаб.  
Кексалар ўйидек салмоқдор, узун,  
Фусункор қўшиқни мағрур такрорлаб.

Ҳаволаниб борар пурвиқор бир куй,  
Қалбим шу куйга жўр шеър айтмоқ тилар.

Бу куй чунон ёниб янграяптики,  
Тафтидан япроқлар сарғаймоқдалар.

Шу навога тўниб термилса инсон,  
Мийиғига қўнар ўйчан табассум.  
Тўнкарилган денгиз мисоли осмон  
Шовиллаб қалбига қуюлар шу зум.

Наво янграб борар фалак қаърида,  
Олислашиб борар самовий сирлар...  
Балки шу турналар қўшиқларида  
Дўстларга меҳримни элтаётирлар.

## ОППОҚ ДАМЛАР

Тагин қайтаётир ул оппоқ дамлар,  
Тагин ёғаётир паға-паға қор.  
Тумтарақай бўлиб мижғов аламлар,  
Қошингда турибман бахтдан умидвор.

Сезяпсанми сира, ёлғизим, эркам,  
Ҳозир ҳар лаҳзада мангулик бордек.  
Шундай оппоқ эди биз учрашган дам,  
Лекин эримади бахтимиз қордек.

Тошларни оралаб сузгани замон,  
Урилмай ўтгандек кема қояга,

Дардли синовлардан ўтолдик омон,  
Не бахтки, бахтимиз етди вояга.

Не бахтки, ҳис қилдик: одамзод ёрсиз  
Нафақат ўзгага, ўзига ҳам ёт.  
Қандай хунук бўлса қиш фасли қорсиз,  
Шундай кўримсиздир меҳрсиз ҳаёт.

Оппоқ дамлар келди толега тўлиб,  
Керакмас ишқ ҳақда сўйламоқ менга.  
Шундоқ ҳам пок меҳрим лайлак қор бўлиб,  
Оҳиста қўнмоқда киприкларингга...

## ОТАЛАР КҮЗ ЮМСА...

Оталар күз юмса  
Эмасдир осон,  
Букчайтирмоқ истар, ғам дилни босиб.  
Қийинроқдир бироқ оталарсимон  
Яшамоқ,  
Уларга бўлиб муносиб.

Йиллар ўтаётир оҳудек елиб,  
Оталарнинг сафи тобора сийрак.  
Яшаяпмиз, диллар жунбушга келиб,  
Оталарда дардга гирифтор юрак.

Бу дард  
Азал-абад башарга маълум,  
Биласиз.  
Кексалик дея аталар,  
Келгач ўлим деган бешафқат малъун  
Елкамизда кетар оталар.

Не дердик. Ўлим — ҳақ.  
Гарчи бу — қонун.  
Биз унинг қошида турмаймиз тизда.  
Яшаймиз оталар муборак қонин  
Авлодларга ташиб томиримизда.

Лекин бу ҳаммоллик эмас шунчаки,  
Ҳарорат қўшамиз дилдан бу қонга.  
Қудратли, оташқалб, етукроқ, балки,  
Зурёдлар қолади биздан жаҳонга.

Бахтимизни кўриб жаҳон-ла баҳам,  
Кетсак, замин олгай оғир бир сўлиш..  
Ишонаман: шунда фарзандларга ҳам  
Қийин бўлар  
Бизга муносиб бўлиш.



# Салим АЗИМОВ



1951 йили Бухоро районида туғилган. Ҳозир Бухоро Давлат педагогика институтини тугатди. Республика ва область вақтли матбуотида қатнашиб келади.

## ПАХТАЗОР МАВЖЛАРИ

Сўнгсиз самоларда чарақлар офтоб,  
Мовий кенгликларда ёғду жавлони.  
Сахро узра кезар янгроқ бир хитоб,  
Далалар қўйнида меҳнат сурони.  
Хирмонлар бўй чўзиб турар улуғвор,  
Бунда тун кетидан оппоқ тонг отар.  
Дилларда шукуҳи мангу барқарор —  
Зумрад пахтазорлар ястаниб ётар.  
Чаноқлар шодумон айлаган ханда,  
Бошидан нур тўкар қўёш беомон,  
Сўнмас бир қудрат бор ҳар тирик танда,  
Бунда шон — бир тараф, меҳнат — бир  
томон.

Ҳамон давом этар тарафлар жанги  
Бир лаҳза тўхтамай шу долзарб палла,  
Шубҳасиз, яқиндир ғалаба тонги,  
Ғолибга бахшида қўшиғу ялла.  
Пахтазор кун сайин топаркан оро,  
Кумуш тола узра қўлларнинг рақси,  
Гоҳо қизиб кетар эгатлар аро,  
Муқаддас аталмиш муҳаббат баҳси.  
Пахта ҳам севгидек зилол бир чашма,  
Пахта ҳам севгидек мўтабар, суюк,

Пахта ҳам ишқ қадар ардоққа ташна,  
Пахта ҳам ишқ қадар муқаддас, буюк.  
Боғлардан таралар сархуш бир наво,  
Чаноқлар беармон кулар жилвагар,  
Дала — жасоратга чорловчи маъво,  
Пахта — майдон аро саф тортган аскар.  
Тарафлар кураши чўзилмас узок,  
Майдонга отилса қўшин мардона.  
Рақиб — аскар эмас, оппоқ ҳар чаноқ,  
Ўлка — асир эмас, кумуш дурдона.

Зафар фидокорга кўрсатар жамол,  
Меҳнат курашларда очади баҳр,  
Инсон курашларда топади камол,  
Кураш ғалабадан топади қадр.  
Далалар қаърига ташласам назар,  
Ёниқ ҳисларимдан олиб тасалло.  
Унда барглар ичра порлаб қўринар,  
Машати пиёла тўла нишалло.  
Кумуш ҳар пиёла ярқираб турар,  
Қаршимда юксалар жавоҳир тоғи.  
Неки тақдир йўлин шон сари бурар,  
Дилларда абадий яшар ардоғи...

## БИР ЎЛКА БОР

— Бир ўлка бор дунёда кўркам,  
Маҳобатли, бетимсол диёр.  
— Уша менинг дилрабо ўлкам,  
Боғларидан аримас баҳор.  
Шундай юрт бор дунёда гўзал  
Қуёшiston номи бор қутлуғ.  
У ҳам менга муқаддас азал,  
Бир ўлкаки, буюк ва улуғ.

— Бир диёр бор дунёда зебо,  
Пахта уни буркәмиш шонга.  
— Уша ўлка номи дилга жо,  
Меҳри эса пайвастдир жонга.  
— Бир ўлка бор дунёда тенгсиз,  
Эллар аро гўзал бир чаман.  
— Меҳрим унга шу боис сўнгсиз,  
Уша ўлка мен учун Ватан!

## КЕЛ, ҚАЛДИРҒОЧ

Кел, қалдирғоч, қанотлари оқ,  
Дилга ёқар чуғуринг бу тонг.  
Чуғурингга солайин кулоқ,  
Яшириндир унда минг оҳанг.  
Кел, қалдирғоч, соғинтирмай кел,  
Уйимизни айлагин маскан,  
Шамол каби түрт томонга ел,  
Шу ўлка-ку сен севган Ватан!

Қаноти оқ жажжи қалдирғоч,  
Кел, қишлоғим узра парвоз эт.  
Бунда ўсар бир жуфт қайрағоч,  
Барғларига қўшиқ битиб кет.  
Кел, қалдирғоч қаноти укпар,  
Қўшиқ бошла оромбахш, янги.  
Бошлар узра тўкиб инжу-зар,  
Бўзармоқда навбахор тонги.

## ДЕРАЗАНГДА ЯЛТИРАЙДИ НУР

Зим-зиё тун... Борлиқ уйқуда,  
Бор мавжудот ухлабди масрур.  
Кўчалар ҳам сокин, осуда,  
Деразангда ялтирайди нур.  
Шаҳар узра жимлик ҳукмрон,  
Тун қаърида тин олар чорбоқ.  
Сен туйғулар дастидан нолон,  
Олам ухлар, аммо сен уйғоқ,  
Паришонсан, не боис бу тун?  
Чарх уради хаёлинг бебош.  
Хуноб бўлиб йиғлабсан нечун,  
Кўзларингда ҳалқа-ҳалқа ёш?

Севгимни рад этиб бир кезлар,  
Ўзга дилга кетгандинг боғлаб.  
Қайтишингни зор кутди кўзлар,  
Мангу кетдинг бағримни доғлаб.  
Сен дил берган ўша бевафо,  
Ғойиб бўлмиш бедарак бүгун.  
Ваъдасига қилар деб вафо,  
Сен қолибсан юзларинг сўлғин.  
Юзларингда ёш қалқир секин,  
Борлиқ ширин уйқуда масрур.  
Хиёбон ҳам осуда, сокин,  
Деразангда ялтирайди нур...



---

# Иброҳим АЗИМБОВ

---



Наманганда туғилган. Тошкент политехника институтининг химия-технология факультетини 1970 йил тамомлаган. Ҳозир «Ёш гвардия» нашриётида ишламоқда.

---

## ҚОЧИБ БОРАЁТГАН ОҲУГА

Чечакларга бурканган баланд тоғлар бағрида,  
Табиатга кўрк бўлиб яшар эди охулар.  
Келар эди олисдан айнаи чошгоҳ чоғида,  
От миниб, елкасига милтиқ осган овчилар.  
Гумбурлаган овоздан тоғлар берди акс-садо  
Ҳаво титраб силкиниб, ўқ узилди ногаҳон.  
Ёш бир овчи отган ўқ тегди, ана, бемадор  
Қочаётган оҳудан томаётир иссиқ қон.  
Охуни отган йигит завқланар кўкрак кериб:  
— Олган эдим мўлжалга, юрагига тегмади.  
Жон ҳолатда оҳужон бораётир югуриб,  
Балки боласин кўрмоқ унинг сўнгги умиди.  
Манзилига етолмай эсиз, тошга йиқилди,  
Зўрға нафас олмоқда хира тортиб кўзлари.  
Умид тўла нигоҳ-ла чўққиларга тикилди,  
Бошида кўм-кўк осмон айланмоқда бўзариб.  
Хаёлидан бирма-бир ўтмоқда бахтли дамлар.  
Битта ўқнинг қурбони бўлишин қайдан билсин.  
Гўё пичирламоқда: «Бағри тош сиз одамлар!  
Сиздаги бир парча гўшт, Сизда юрак на қилсин!»  
Чўкиб бораётибди юрак тубига дарди,  
Балки айтмоқчидир у бирор гап гўдагига.  
Тили бўлса, юракда бор дардини сўзларди,  
У ҳозир муштоқ жуда инсоннинг кўмагига.  
Охунинг илтижоли ғам тўла кўзларига,  
У бағритош овчилар бепарво боқишарди.  
Хушчақчақ қувганича қон томган изларидан  
Оху отган ўғилни дадаси олқишларди.  
Чечакларга бурканган баланд тоғлар бағрида,  
Табиатга кўрк бўлиб яшар эди охулар....

## ОНА КУЙЛАМОҚДА

Ярим тун.  
Мудраган боғлар, қишлоқлар,  
Ҳавода учмоқда ширин бир қўшиқ.  
Уйғониб бир нафас тингланг, ўртоқлар,  
Она куйламоқда тебратиб бешик.  
Она куйламоқда.  
Тўхтаб йиғидан —  
Уни тинглаётир маъсум гўдак ҳам.  
Юрагим сел бўлиб алла сеҳридан,  
Ёниб тинглаяпман, кўзларимда нам.  
Она куйламоқда,  
Унда мужассам

Бир мунис юракнинг шодлиги, дарди.  
Гўдаклик чоғингиз эсланг, одамлар,  
Сизнинг онангиз ҳам шундай куйларди.  
Олам гўзаллигин кўряпман унда,  
Кўряпман гулларни, гўдак кулгусин.  
Майин овоз билан шу ярим тунда,  
Она куйламоқда бузиб уйқусин.  
Меҳрибон мунис ёр, захматкаш она,  
Фарзандга бахш этиб меҳр тафтини,  
Чайир қўл-ла бешик тебратиб тунда  
Куйламоқда тилаб гўдак бахтини.

## КЎҲНА ОЛАМ

Сочдимикан ер юзига қуёш бугун чечаклар,  
Кўҳна олам юз минг марта ёшарганга ўхшайди.  
Яратувчи табиат ё қўлларимдан етаклаб,  
Афсонавий жаннат томон бошлаганга ўхшайди.  
Ажаб, ўтли эҳтиросим гурламоқда гулхандай,  
Нотинч, бебош туйғуларим тўкилмоқда қоғозга.  
Менинг оташ юраккинам дунё кезиб юргандай,  
Куйламоқда тўлиб-тошиб дўриллаган овозда.  
Сезмоқдаман ўзимда бир беқиёс куч, ажабо,  
Томиримда жўш урмоқда боболарим қонлари.  
Бугун қандай ҳол рўй берди, о, табиат бер жавоб,  
Тонгги сабо уйғотдими болалиқдан ё мени?  
Ёқмай қолди болалиқнинг ўйинлари ҳам энди,  
Сухбатлашгим келаётир ким биландир ўтириб...  
Иштиёқ-ла қўшиқ айтай жўшиб-жўшиб мен энди,  
Олиб кетсин шамол уни олисларга учуриб.  
Менга қанот бағишлади уйғонган шу ҳисларим,  
Орзуим ҳам, мақсадим ҳам жиддийлашди шу ондан.  
Оппоқ-оппоқ хаёл менинг бўлиб қолди, дўстларим,  
Сипқоряпман ҳаёт тутган толе, қувонч лим жомдан.

Сочдимикан ер юзига қуёш бугун чечаклар,  
Кўҳна олам юз минг марта ёшарганга ўхшайди...

## СЕҲРЛИ ҚЎШИҚ

Бир қўшиқ тингладим олди ҳушимни,  
Қалбимни сеҳрлаб учиб кетди у.  
Ҳайрон эдим ўнгим ёки тушимми,  
Ташлаб кетди дилга ўтли бир туйғу.  
Мафтункор қўшиқда эди мужассам,  
Севишган қалбларнинг шодлиги, дарди.  
Орзуим: қайтадан қониб эшитсам,  
Ёдлаб олсам ўша ноёб ғазални.

Кўзимга суртардим ҳар бир сатрини,  
Қувноқми ва ёки бўлса-да мунгли.  
Қўшиқда кўргандим инсон қадрини,  
Мазмунидай ўтса умрим мазмунли.  
Овозим борича куйласам жўшиб,  
Сеҳридан маст бўлиб тингласа олам,  
Уйғотиб юборса у ноёб қўшиқ  
Мудраган, беташиш юракларни ҳам..



## ТИНИҚ КҰМ-КҰК ОСМОН

Тиниқ кўм-кўк осмон бошим устида,  
Ғуборсиз осмонга боқаман тўймай,  
Дарё бўйидаги толнинг остида  
Завқ билан чалади чўпон бола най.  
Ёнимда пишқиранар шовуллаб дарё  
Ташвишсиз болалик чулғанар ёдда.  
Болалик —ўтмишим о, сирли дунё  
Хаёлим жиловлаб олиб кетмоқда.  
...Ана кемшик Аҳмад хихлаб эшагин  
Олиб келаётир хирмондан сомон.  
Мавлуда кўтариб жажжи бешигин  
Шошиб чопаётир соҳилга томон.

Ҳабиб судраб келар қовоқ палласин,  
Ўктам миниб олган кўк велосипед.  
Сора билан Қумри олма талашиб  
Йиқилиб тушишди сувга кетма-кет...  
Жуда қувноқ эдик, чопардик тинмай,  
Уй-уйга қайтардик тунда толиқиб.  
Ўсдик биз қайғунинг нелигин билмай  
Дориламон ўтди бизнинг болалик.  
Ҳар ёққа биз учиб кетдик вақт етиб  
Касб-корлик бўлдик, бўлдик уйлик ҳам.  
Энди кўмсаёпман эҳ, йиллар ўтиб  
Қайтиб келса эди бир зум ўша дам.



**Шоир деган сўз юксак ва муқаддас сўздир; бу сўз-  
да мангу шуҳрат бор!**

**В. Г. БЕЛИНСКИЙ**



---

## Қўчқор БЕКМУРОДОВ

---

Қашқадарёлик. Биринчи шеъри 1962 йили эълон қилинган. Ҳозир Чироқчи районида ўқитувчилик қилади.

---

### ПАХТА МАДҲИ

Сой ҳам пахта, қир ҳам пахта,  
Қияликлар пахтазор.  
Пахтаданми ё тупроғинг,  
Айтгин ўзинг, жон дийр?!

Усимликлар бекаси,  
Офтоб гўё оқ пахта.  
Деди: «Ўзбек кўнглиданман»,  
Қалбим каби пок пахта.

### КУЗ

Тиниқ осмон юзини қоплаб,  
Булут кезар, ёмғир томчилар,  
Гўзалликни қандай олганин —  
Билмай, ёзни қувиб қамчилар.

Чангу тўзон, увиллаб шамол,  
Манзил ошиб қишни чақирар—  
Олтин тоғин уйиб одамлар  
Юрагида қуёш ярқирар!

### ҲАЙКАЛ

Гоҳ номарддан кўрдим ёмонлик,  
Гоҳ ифвогар панд берди йўлда.  
Гоҳ нотаниш қилиб яхшилик,  
Суянч бўлиб турғазди қўлда.

Яшаяпман кўплар қатори,  
Тинчлик бермас бир орзу ҳар гал.  
Бўлса дейман ижодим бари —  
Яхшиларга тикланган ҳайкал.



---

# Садриддин БОЗОРОВ

---



Бухоро областининг Қизилтепа районида 1955 йил туғилган. Ҳозир ўрта мактабнинг кечки бўлимида таҳсил кўрмоқда.

---

## БИР КАФТ ТУПРОҚ

Кафтимда бир сиқим қорамтир нам тупроқ,  
Кафтимда бир сиқим она ер парчаси.  
Шу бир кафт тупроқда ердаги ҳис-титроқ,  
Шу бир кафт тупроқда она ер нафаси.

Шу бир кафт тупроқда ердаги суқунат  
Ва ерга хос бўлган яратиш кучи бор.  
Шу бир кафт тупроқда ердаги сир-ҳикмат,  
Ердаги ҳоксорлик ва ҳиммат барқарор.

Шу бир кафт нам тупроқ, муқаддас еримдир,  
Мен унинг бағрида ғурур-ла юрибман.  
У менинг еримдир,  
  у менинг меҳримдир,  
Мен уни кафтимда кўтариб турибман.

## БАҲОР

Муаттар хидларга бурканди олам,  
Гулларга ўралди ерда неки бор.  
Боғларда куйлайди булбул субҳидам,  
Севги қўшиғини айлайди такрор.  
Такрор қўшиғидан янграйди баҳор.

Шивирлаб кўз ёши тўкар булутлар,  
Томчилар ер томон шошар шиддаткор.  
Қалдироқ гулдираб кўкламни кутлар.  
Қалдироқ бонгидан уйғонар диёр  
Қудратли бонгидан янграйди баҳор.

Кўлида гулдаста йигитча шодон,  
Висол онларини кутар интизор.  
Юраклар ҳаққириб гупурар чунон,

Узоқдан кўзларга кўринганда ёр,  
Шу қалблар зарбидан янграйди баҳор.

Меҳнат завқи билан ёнади инсон,  
Гавжум далаларда меҳнатдир шиор.  
Ерга илк уруғни қадайди деҳқон,  
Сўнг уни асрайди мисоли тумор.  
Шу оддий уруғни ундирар баҳор.

Шу оддий уруғни ундирилса у,  
Оламга қайтади такрор ва такрор.  
Шу оддий уруғда яшайди мангу,  
Кўрк очиб яна ҳам гўзал, мафтункор.  
Бир оддий уруғ-ла жонланар баҳор.

## БИРПАС ГҶДАК БЎЛГИМ КЕЛАР...

Бирпас гўдак бўлгим келар,  
Лекин қайта яшаш-чунмас.  
Гўдак бўлиб кўргим келар  
Онажонимни бир нафас.

Бирпас гўдак бўлгим келар,  
Ҳис этмоқ-чун туйғусини.  
Гўдак қалбга туйгим келар,  
Гўдакликнинг туйғусини.

Бирпас гўдак бўлгим келар,  
Гўдакликни сезмоқ учун.  
Ҳаёл суриб гўдак қадар,  
Борлиқ ичра кезмоқ учун.

Беланчакни силаб мамнун,  
Онажоним алла куйлар.  
Шу аллани тинглаш учун,  
Бирпас гўдак бўлгим келар.

## ГУЛ

У кўз очди гулзорда навқирон баҳор чоғи,  
Қонди баҳор меҳрига мурғак яшил япроғи.

Муаттар ҳидлар билан баҳор гулни бурқади,  
Гул-чи, баҳор ҳидини олам бўйлаб пурқади.

Баҳорнинг элчисидай қабул қилди уни ёз,  
Гул барқ уриб яшнади ёз бўйи гўзал, мумтоз.

Гулни асрай олмади кузнинг салқин шамоли,  
Гулбарглар қуриб қолди, сўлди гулнинг жамоли.

Вафодор ёр жамолин шу гул менга эслатар,  
Шўрлик қуриб қолса ҳам баҳор ҳидин таратар.



Ёзувчи энг маданиятли одамлардан бири бўлиши керак. Акс ҳолда у қандай қилиб ёзувчи бўлади!..

М. И. КАЛИНИН

# Зайниддин БАҲРИДДИНОВ



Самарқанд областининг Иштихон районида туғилган. Ҳозир район газетаси «Колхоз ҳаёти»да редактор. Шеърлари республика газета ва журналларида босилган.

## БАХТ

(Оқ шеър)

Бахтни ҳалол  
Меҳнат билан,  
                    Ҳиммат билан,  
                                    шон билан,  
Ақл билан,  
                    Идрок билан,  
Даркор бўлса қон билан,  
Одабийлик заковати,  
Покиза виждон билан,  
                                    жон билан,  
Эли учун,  
                    Юрти учун  
Ҳар бир инсон,  
Яратади бегумон.  
Ким ўзининг тўрт кунлик  
Роҳатин,

Фароғатин  
Бахт деса,  
                    деяверсин —  
Мен фикримда қоламан.  
Бахтим дейман —  
Халқим бахтин,  
                                    Шодлигини-шодлигим.  
Ватанимнинг ободлиги —  
                                    Уйимнинг ободлиги.  
Элим тинчдир,  
Тинч ҳаётим,  
                                    Турмушим.  
Ривож топар ҳар ишим,  
Фақат шундай бахтнингина,  
Мен бахт деб тан оламан!

## КЕМТИК НОН

(БАЛЛАДА)

I  
Эрк, дея Европа  
Тутганда мотам,  
Жанг сари отланди  
Менинг ҳам отам.  
Ўзбекининг удумин  
Қилмайин қанда,  
Бир тандир нон ёпди  
Бувим ўшанда.  
— Соғ-омон қайтаман,  
Қайтаман ғолиб, —  
Деб отам онт ичди  
Қўлга нон олиб...

II  
Уй тўрида турди доим  
Отам тишлаб кетган нон.  
Биз омонлик тилар эдик  
Отамизга ҳар шом, тонг.  
Гўдак эдик, билмас эдик  
Олов нима, ўт нима,  
Нон бўлса бас, ажратмасдик  
Кемтик нима, бут нима.  
Отамизнинг қадрини ҳам  
Билмас эдик ўша он,  
Ҳеч ғуборсиз қуринарди

Бизга еру осмон...  
Ишончлари қаттиқ эди  
Бувимларнинг дилида,  
Қарар эди доим илҳақ  
Фарзандининг йўлига.  
Кечалари деразани  
Чертса ногоҳ шўх шамол.  
Шошиб туриб очар эди  
Дарчамизни у хушҳол.  
Қарар эди йўлларига  
Йўлчивинлар учганда.  
Қарар эди йўлларига  
Кеча-кундуз у такрор.  
Бутун олам гулга тўлиб,  
Сеп ёйганда навбахор.

### III

Олис эди бизга уруш,  
Қиёмат — у жаҳаннам.  
Аmmo ҳиди етиб келди  
Ора узоқ бўлса ҳам.  
Меҳнат билан, ташвиш билан  
Утарди ҳар онимиз.  
Ўша кемтик нондан бўлак  
Қолмаганди нонимиз.  
Ойимизнинг топганига  
Беш жон эдик, тўймасдик,  
Бувимиздан гир айланиб,  
Нон, дейишни қўймасдик.  
Охир бувим чидаёлмай  
Кўзин юмди-ю, шартта  
Ўз қалбини синдиргандек  
Кемтик нонни ушатди.  
«Енглар!» деди ҳаммамизга  
Бир бурдадан узатиб.

Оч бўлса-да, ўзи нондан  
Ҳатто кўрмади татиб.  
Очлик, даҳшат сўриб ояғач,  
Танимиздан қонни ҳам,  
Шундай қилиб, едик отам —  
Тишлаб кетган нонни ҳам.  
Ҳозиргача армон билиб,  
Баъзан ўйга ботамиз.  
Балки ризқин емасак биз  
Келармиди отамиз?!

### IV


Шундан буён ўтди йиллар,  
Оқиб ўтди қанча сув,  
Биз улғайдик она юртда,  
Иқболимиз бўлди шу:  
Бир сония мен ўзимни  
Етим каби сезмадим,  
Одамларнинг орасида  
Парча нон, деб кезмадим.  
Эй одамлар! Менга чексиз  
Меҳр-шафқат қилган сиз,  
Мен отасиз ўсдим, бироқ  
Яшамадим Ватансиз.  
Лекин «ота» деган сўзни  
Гар эшитсам ногоҳон,  
Юрак-бағрим титраб кетар  
Шамол теккан баргсимон.  
Кезиб чиқдим бутун Русни  
Отам қабрин топай деб,  
Топсам агар тупроғини  
Кўзларимга суртай деб.  
Яраланган кенг бағрини  
Очди менга улуғ Русь  
Мархум солдат фарзанди деб  
Инъом этиб нон ва туз.



---

# Яхшибой ЖАББОРОВ

---



1943 йил Сурхондарё областининг Термиз районида туғилган. Касби — ўқитувчилик. Шеърлари район ва область матбуотларида босилган.

---

## МЕН ҚИШЛОҚДА ЯШАЙМАН

Кўклам шабадасига қайноқ кўксимни тутиб,  
Жамбилу райхон ҳиди учган ҳаводан ўпиб,  
Серқўшиқ жилғаларнинг бўйидан сархуш ўтиб,  
Завқимдан ўзлимгни гоҳ эслаб, гоҳ унутиб,  
Мен қишлоқда яшайман.

Ким эдим: бир хизматкор, қўл учида кун кўрган,  
Бугун-чи, буюк зотман ўз даврин ўзи кўрган,  
Менга ҳеч керак эмас ҳар қандай шуҳрат ва шан,  
Бас, фақат яшнаб турса мангуга ушбу ватан,  
Мен қишлоқда яшайман.

Шаффоф само турналар созига чулғонди-ку,  
Баҳорга чирой бўлиб бор қушлар уйғонди-ку,  
Недан бу: патирлашиб ҳисларим тўлғонди-ку,  
Она юрт назаримда етмиш хил товланди-ку,  
Мен қишлоқда яшайман.

Қишлоғим кичкина-ю, лек Эрамбоғ атагум,  
Бунда бор тирик жонни улфат-ўртоқ атагум,  
Мен қишлоқ шоириман, кўнгилни тоғ атагум,  
Неки тоғ, оҳанги кўп, куйчи булоқ атагум,  
Мен қишлоқда яшайман.

Бунда ёз ажиб дунё, хаёлларни олади,  
Зарга ўраниб олам дилга ҳайрат солади,  
Қуёш ҳам тепамиздан узоқ кетмай қолади,  
Демак, ул ҳам дилига ер ишқини жойлади,  
Мен қишлоқда яшайман.

Минг шеърда куйлай олгум қишлоғим одамларин,  
Шаҳарлик дўст, бунда кел, юрак қисган дамларинг,  
Бу ерда тарқаб кетар сездирмасдан ғамларинг,  
Тўпидан ортда қолмай нияти ўқтамларинг,  
Мен қишлоқда яшайман.

Кел, бунда бир умрга сеҳрланиб юрарсан,  
Кўп эртақ ҳақиқатга айланганин кўрарсан,  
Шоймардон Қудратовнинг қаршисида турарсан,  
Унутиб барча дардинг, ширин хаёл сурарсан,  
Мен қишлоқда яшайман.

Қишлоқ — бор гўзаллики жамлаган гўзал юрт бу,  
Тарихда ўз ўрни бор, номи бор азал юрт бу,  
Шеробод эмас асли, Нуробод — зарҳал юрт бу,  
Ўзга кўп буюк юртдан мен учун афзал юрт бу,  
Мен қишлоқда яшайман.

Жаннат дегим келади бу жойни кўпроқ, дўстим,  
Емак, ичмагим мўл-кўл, йўқ асли ками-кўстим,  
Барига етказолдим қайга гар қўлим чўзим,  
Мангуга танги ўсгум, шунгача танги ўсдим,  
Мен қишлоқда яшайман!

### ИСЁНКОР ҲИСЛАР

Баъзилар тан олмас шоирлигимни,  
Ҳатто шеърларимни кўрмаслар ўқиб.  
Тиёлмай куйлашга мойиллигимни,  
Мен-чи, яшайман қўшиқлар тўқиб.  
Мени ташлаб кетманг, исёнкор ҳислар,  
Қалб сиз-ла бир умр яшамоқ истар.

Шоирлик — бу эплаш ёниб, куйишни,  
Уйлар қуюнида чекмаклик ташвиш.  
Менга демасинлар: «Кўйгил бу ишни,  
Топганинг маъқулдир бошқа тинчроқ иш».  
Қўлимдан келмас бу, исёнкор ҳислар,  
Мен ёзгум, сиз ёр-ку, исёнкор ҳислар.

Кўнглимда кўп гаплар тўпланиб турар,  
Уларни айтмасам ором билмасман.  
Ўзимдан кечгум гар қалб лоқайд урар,  
Унда шоир деган одам бўлмасман.  
Шоирлик заҳматин бергансиз сизлар,  
О, дўст тутунганим, исёнкор ҳислар.

Майли, мени қийнанг, бермангиз уйқу,  
Сокинлик мен учун оламдан кетмоқ.  
Менга бахт-иқболдир сиз берган туйғу,  
Қалбимга қайнаган ҳис керак кўпроқ,  
Мен сизга интилгум, исёнкор ҳислар,  
Мен сизсиз йиқилгум, исёнкор ҳислар.





# Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ



1945 йили Наманган область Чуст районида ту-  
тилган.

«Наманган ҳақиқати» газетасида ишлайди.

## СИНОВ

Қалбим тубида бир мунг бор. Мана бир неча кундирки, у туфайли ҳаловатимни йўқотганман. Баъзан вужудимни қалтироқ босиб, тунлари уйқу тутқич бермай юлдузли осмонга боқиб ўлтиришга, ўша кеча бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеани эслашга мажбур қилади.

Агар Маҳмуд ўша кунни мен билан бирга бўлмаганда, бу кўнгилсизлик рўй бермасмиди? Лекин бари бир ўзим айбдорман. Ахир мутлақо бегона одамнинг гапига кириб иш қилдим-да!

...Ҳамма ёқ оппоқ. Бўғотларда сумалак. Кечагина ёққан қор томларни, дарахт шохларини қоплаб олган, шаҳар кўчалари махсус машиналар билан тозаланган бўлса-да, қорнинг юпқа қатлами ерга ёпишиб, бамисли муздек ярқирайди. Йўлақларда болалар ўтган-кетганга қор отишга, тўсатдан қор юмалоғи тегиб, атрофга аланглаб қолган йўловчилар устидан кулишга ошиқадилар.

Маҳмуд билан бирга борарканмиз, ўзимни шундай енгил ҳис қилардимки, гўё дунёда мендан бахтлироқ одам йўқдай эди. Икковимиз институтимизнинг концерт залига, янги йил балига шошардик.

— Маҳмуд, биласанми, юрагим қувончдан ёрилиб кетай деяпти. Қиш бўлса ҳам худди баҳор иссиқкиётгандай.

— Райҳонни ўйлаётгандирсан-да...

— Райҳон... у менинг ҳаётим, ростини айтсам, менга олам-олам қувонч бахш этган шу қиз. Агар у бўлмаганда балки ўқишни ҳам эпловмай ташлаб кетган бўлардим.

Маҳмуднинг мийғида кулиб қўйганини кўриб, таажжубландим. У икки қўлини жерси пальтоси чўнтақларига тиқиб, ондара телпаги қулоқчинларини пастга тушириб олганди.

— Ҳайронман, умуман, баъзиларга ҳайронман, — деди. — Битта қизнинг этагига ёпишиб олиб, қочиб кетмагунча эргашаверадилар. Сен ҳам худди шунақаларга ўхшайсан.

— Нима? — тўхтаб қолдим.

— Узингни бос, — деди у хотиржам. — Кўзинг кўр эмас, мен қанча-қанча жононлар билан юрганман, хоҳлаган қизни «гаҳ» десам қўлга қўндирганман. Сен бўлсанг... Райҳонинг ким бўлиб кетибди? Уша қизларнинг уруғидан-да...

Мен чидай олмадим. Унг қўлим билан елкасидан маҳкам ушлаб, уни тўхтатдим. Ҳозиргина олам-олам қувонч бахш этиб турган табиат манзараси ҳам кўзимга хунук кўриниб кетди.

— Нима деяпсан ўзи, Маҳмуд?

— Бу умр савдоси, шошилмагин, деяпман. Қизлар дарёга олиб бориб суғорман келади сени. Жуда бўшсан, — насиҳат қилди кетди у.

Ҳўш, нима қил дейсан. Райҳонни ташлаб, бошқасига ёпишайми? Хоҳламаймэн. Қалбимга ундан бошқа ҳеч ким сиғмайди, сиғмайди, — дея илдам кета бошладим.

— Уни ҳеч синаб кўрганмисан? Ахир, синаш ҳам керакми, йўқми? — деди ордан.

— Синаш... Биламан... менга содиқ,

Уртамизда бир зум жимлик чўкди. Маҳ.

муд бир оз суюк оёкрок йигит бўлиб, лекин қобилиятли студентлардан бири эди. У бошқа гурпуада ўқиса ҳам менга ҳаминша илиқ муносабатда бўлар, ҳатто семинарларга бирга тайёргарлик кўрардик. Наҳотки, Райҳон ўшанақа қизлардан. Юрагимга шубҳа учқунлари тушганди. Балки ростдир...

— Сен у ҳақда нималарни биласан...

— Умуман, шубҳам бор. Зокир билан кўпроқ чақчақлашади. Баъзан кечқурунлари ҳам бирга бўлишади.

— Зокир гурпуа старостаси, у — ком-сорг. Жамоатчилик ишларини биргалашиб ҳал этишади, — дедим-у, нафасим ичимга тушиб кетганини, Райҳон билан ўртамида қандайдир кўринмас девор пайдо бўлганини ҳис этдим. Юрагим эзилиб, газаб, алам ҳислари тўлиб-тоша бошлади.

— Умуман мен бир синай, кўрасан, лаққа тушади.

— Қандай қилиб?

— Ҳозир кўрасан, сен балга ярим соатча кеч кирасан. Шунда уни мен танцага таклиф қиламан. Икки-уч гапимга эриб кетса керак.

Маҳмуднинг гапларидан тишларимни гижирлатиб юбордим. Юрагимда икки ҳис бир-бири билан тўқнашарди: муҳаббат ва рашк.

Балки Маҳмуднинг гапи тўғридир. Мумкин эмас!!! Ахир Райҳон билан уч йилдан бери ёнма-ёнмиз. Утган йили пахта вақтида прицепдан йиқилиб оёғим синганди. Икки ой гипсда ётдим. Шунда Райҳон ёнимдан кетмади. Унинг сутдек юзларига узоқ тикилиб турардим. Ишонч тўла кўзларига тикилиб, шундай йўлдошим борлигидан қалбим фахр ҳислари билан тўлиб-тошарди. Тез оёққа туришга, имтиҳонлардан аъло ўтишга у ёрдам берди. Ушанда Зокир унинг икки-уч марта мени кўргани келганди. Наҳотки, Зокир у билан ёмон ниятда келган бўлса. Маҳмуднинг гапида жон бормикан?

Бошим ғувиллаб қолди. Наҳотки, у... Наҳот!!!

Балга ярим соат кеч киришга рози бўлдим. Маҳмуд вестибюлда пальтосини қолдирди-да, танца залига кириб кетди. Бир неча минут ўтгач эшик тирқишидан ичкарига назар ташладим. Бурчакдаги стуллардан бирида Райҳон ўтирар, у қизил кофта кийган, қўллари эса тиззасида эди. У ҳар қачонгидан ҳам маънос ва паршон. Маҳмуд унга нималардир дер, танцага таклиф қилиб, атрофида парвона бўларди. Аммо ундан садо чиқмасди.

Ярим соатдан ортиқроқ вақт ўтди. «Қизларни гаҳ деса қўлига қўндирадиган» Маҳмуднинг иши юришмасди. Шунда у

Райҳоннинг қўлидан ҳаёсизларча ушлаб, мажбурлаб торта бошлади. Чидаб туролмадим. Узимни ичкарига отдим. Аммо шу пайт тарсаки товуши эшитилди. Оркестр садолари бир неча дақиқага тинди. Райҳон мен томонга шаҳдам одим ташлаб келар, унинг кўзларида ёш ҳалқаланарди.

— Райҳон...

— Қаерда эдингиз? Шу ерда эканлигинизни Маҳмуд дўстингиз айтди.

Бошим қуйи эгилди. У ечинши хонасига кириб, пальтосини олиб чиқди-да, кийина бошлади.

— Нега бундай қилдингиз, Вали ака? — деди жаҳл билан у.

— Синамоқчи... — оғзимдан чиқиб кетди.

— Нима, синов?..

Менинг ҳам юзимга тарсаки тушди. Кўзларимдан ўт чакнаб кетган бўлса-да, жойимдан кўзғалмадим. Юрагимга кўринмас ханжар санчилаётгандай, вужудим қалтирар, бошим айланарди. Мен севгилим олдида оғир гуноҳ қилиб қўйганимни энди чуқур ҳис қилгандим.

— Шунча бирга бўлиб менинг кимлигимни билмаганмидингиз. Ишонардингиз-ку. Яна бир бедавони синашга юборибсиз-а? — деди у ўксиниб. — Демак сиз ҳали ўзингизга ҳам ишонмас экансиз.

У ўшақарига отилиб чиқиб, ётоқхона томон йўл олди. Эргашдим.

— Мени холи қўйинг, — деди у.

Мана ўшандан бери бир неча кун ҳам ўтиб кетди. Унинг олдига боришга ботина олмайман. Юрагимдан мунг аримай, борган сари кучаймоқда. Райҳонни синамоқчи бўлдим. Лекин уни эмас, ўзимни синабман. Қандай кучсиз эканлигимни билиб олдим. Синовда у эмас, мен йиқилдим.

Энди Райҳонга бўлган муҳаббатим янада алангаланиб, ўзимга ҳамда Маҳмудга бўлган нафратим кучайяпти. Бу суюк оёк, ҳаёсиз йигит билан бутунлай алоқани узишга аҳд қилдим.

Ташқарида тун. Хаёлларим чувалашади. Қалбим яна эзилади. Райҳонга талпинади. Эртага унинг туғилган куни. Мен албатта унинг олдига бораман. Қаршисида бош эгаман. У-чи? Мени кечирармикан?



Яхши билиш керакки, қалам ўқлоғи ва матбуот кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирга келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат эмасдир. Сўз — қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин. Кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин.

Абдулла ҚОДИРИЙ

---

# Алижон ЙЎЛДОШЕВ

---



1944 йили Ленинобод область Пролетар районида туғилган.

Ҳозир район газетаси «Пролетар тонги»да ишлайди.

---

## БАҲОР

Тоғ ясаниб, киймиш кўк шоҳи,  
Шалода минг бир хил жилва,  
Дилбар қизнинг қирда нигоҳи,  
Кўшиқ, куйга тўлибди жилға.

Қўй-қўзилар яшил ўтлоқда,  
Чўпон дардин сўзламоқда най.

Кўрмаганлар қоладир доғда,  
Қирда лола— пиёлада май.

Келинчакмиш баҳор дегани —  
Тақиб олган қип-қизил балдоқ.  
Йўқ, йўқ, дўстлар, авф этинг мени,  
Тоғ бағрида — лолақизғалдоқ!

## ЧИРОҚ

Борлиқ мизғир ширин уйқуда,  
Кеча сукут этмоқда... бироқ,  
Деразамга тўғри хонада,  
Ҳалигача ўчмаган чироқ.

Балки шоир тўқимоқда шеър,  
Балки фарзанд кутмоқда она,

Балки ошиқ мактуб ёзмоқда,  
Ёр ишқида ёна ва ёна.

Яхшилик бу, майлига, дўстлар,  
Туни бўйи ёнса ҳам чироқ,  
Аммо, ифво тўқилар бўлса  
Ёнмагани дейман яхшироқ.

## САККИЗЛИК

Гўдак интилади юлдузга қараб,  
Отанинг юраги ҳаприқиб қолар.  
Жажжи фарзандини суюб, эркалаб,  
Ёрдан уни азод кўтариб олар.

Ота ўйнатади ўғилчасини,  
Болакай қийқирар, ота дили шод.  
Аммо йиллар ўтиб, тақдир бунориб,  
Ўғил «ўйнатмасин» отани, ҳайҳот!..

## ТОМЧИ

Олтин япроқ узра марварид томчи,  
Қуёшни орзиқиб кутади мудом.  
Рости гап, томчида бир жаҳон илҳом,  
Толе дейман, менинг ҳам кафтимга том-чи!

Ажал-ла тўшакда курашган бемор,  
Шу томчи туфайли сақлаб қолди жон,  
Томчи юракдаги юз йиллик армон,  
Наштар киприklarда бўлар шашқатор.

Чўллар гулистонга айланиб борар,  
Созланиб, нозланиб, яшнаб боқар гул,  
Гулларнинг завқидан сайрар шўх булбул,  
Кўкдан мафтун бўлиб юлдузлар боқар.

Азим саҳроларда кезган сайёҳлар,  
Томчига зориқиб бўлади ташна.  
Томчи жон бағишлар ва дейди, яша,  
Ўлкамнинг ҳокими — қалби дарёлар!

Томчининг хислатин, ҳеч санаб бўлмас,  
Бироқ баъзида-чи, кўзга илмаймиз,  
Томчининг кучини парво қилмаймиз,  
Деймизки, томчи-да... дарёга тенгмас!

Аслида-ку, томчида олам тасвири,  
Дарё, денгизларни тоширган томчи,  
— Том, дейман, менинг ҳам кафтимга том-чи,  
Кўргум бор мен сенда қуёш аксини!



# Фозил КОМИЛОВ



Ишчи. У севган хунари пойабзал тикишдек сер-  
машаққат касби билан шеър ёзишни қўшиб олиб бо-  
ради.

Машқлари республика матбуотларида чиқиб ту-  
рибди.

## ОНАЖОН

Ёдимда болалик йиллар бир умр,  
Хаёлан эслайман уни бирма-бир,  
Гоҳида бўларди тўкин дастурхон,  
Кўпинча обжўшу қуруқ бурда нон.  
Бари бир не бўлса кўрардик баҳам  
Ҳатто ўша қуруқ бурда нонни ҳам.  
Таом тугагач сўнг онам қўл очиб,  
Эл, юрту бизни ҳам қиларди дуо.  
«Обод бўлсин!»— дея хонадонимиз,  
«Тўкин бўлсин!»— дея дастурхонимиз.  
Тинчликни тиларди юрту оламга,  
Соғлиқ, бахт тиларди барча одамга:  
«Жудолик бўлмасин эл топсин камол,  
Файзли хонадонда фарзандлар бисёр».  
Мана йиллар ўтди тўкин дастурхон,  
Хонадон ободу истаганча нон.  
Она, не истардинг бўлди муҳайё,  
Нени орзу қилдинг у бўлди пайдо.  
Орзулар ушалди, етдик тилакка,  
Кўнгилда не бўлса етдик ниятга.  
Замонам тинч, бу кун элим фаровон.  
Кўнгилда алам йўқ, юрт дориламон.  
Она, фарзандларинг бари бахтиёр,  
Келин, куёв кўрдик, фарзандлар бисёр.  
Фақат тушларимга кирасан ҳар он,  
Пешонам силайсан бўлиб гиргиттон.  
Фарзандлар дея-ку бердинг ширин жон...  
Яна не камлик бор айтгин, онажон,  
Баъзан суратингга маҳлиё бўлиб,


Кўздан ёш тўкканда соғинча тўлиб,  
Хаёлан бошимни силайсан кулиб,  
Парвонам бўласан гўдакдай суйиб,  
Жисминг жо бўлса ҳам қора тупроққа.  
Онани ёд этиб, маънос эгиб бош,  
Қўлга қалам олдим, лек кўзимда ёш.  
Бу севинч ёшимас, гар эгилса бош,  
Она меҳри ҳатто эритгай-ку тош.  
Сабр қил дилдагин айла муҳайё.  
Она юрт, она ер, она ҳурмати,  
Она бедор ўтган тунлар ҳурмати,  
Номаълум солдатга гулчамбар қўйиб,  
Кўзлардан ёш тўккан она ҳурмати.  
Куни битганда ҳам бўлиб умидвор,  
Фарзандин ёд этган она ҳурмати.  
Сабр қил, тўхтама, тўхтама асло,  
Э қалам, дилдагин айла муҳайё,  
Сабр этинг, ўқувчим, тўхтаган бир нафас,  
Бу порлоқ ҳаёту бу орзу ҳавас.  
Висол оқшомларда айтилганда сўз,  
Келинчак жамолин этганда кўз-кўз.  
Қадаҳлар қуюлиб бўлса ҳам юз-юз,  
Она ер, она юрт, онани бу тун,  
Ҳаққин бажо айланг ёд этиб бу кун.  
Барча онажонлар, оналар учун  
Бахтиёр, барҳаё оналар учун,  
Бунёдкор, ижодкор авлодлар учун,  
Фозил юрак сўзи зарраи учқун.

## НОМАЪЛУМ СОЛДАТГА

Гул уздим боғимдан бугун тонг атай,  
Бу узган гулларим дилдор учунмас.  
Вафодор кўзлари хуммор учунмас,  
Гул уздим, гул уздим, бир инсон учун.  
Қабрига гул қўйдим—дилда ҳаяжон,  
Бунда мангу ухлар табаррук инсон.  
О... Сен ким, кимсан, эй номсиз қадрдон,  
Шоирми, бастакор, моҳир пахтакор?  
Билолмам, номаълум солдат оғажон,  
Миллионлар бахти-чун берибсан жонинг.  
Бормиди севганинг — вафоли ёринг,  
Фарзандларинг азиз, кенг пахтазоринг?  
Номинг ким, не эди аҳду қароринг,  
Навқирон ё падар, кимсан оғажон?  
Ёвни Берлингача қувиб беомон,  
Яратмоқчимидинг боғ ила бўстон.  
Элга ёзмоқ бўлиб тўкин дастурхон,  
Экканмидинг дарахт, атаб ерга дон.  
Фашистлар еримиз этганда пайҳон,  
Оға кўксинг ёвга этдингми қалқон.  
Боғларинг кўкарди, элим фаровон,  
Фарзандлар улғайди, юрт дориламон.  
Оҳ, бир армон шуки, қайтмадинг омон,  
Ҳамон умид узмай кўзлар нигорон.  
Ҳамон йўл пойлайди онаизоринг,  
Кўнгил узмас ҳамон вафоли ёринг,  
Падаринг, элингу дўст қадрдонинг.  
Ўкинма, ўкинма, эй марду-майдон.  
О... сен келтирмасанг ёвларга қирон,  
Ёвга қарши кўксинг этмасанг қалқон,  
Қайда бўлур эди бундаин даврон.  
Сенга таъзим қилар жумлаи жаҳон,  
Сенга қойил қолур еру кўк-осмон.  
Сени унутмагай жумлаи авлод,  
Унутиб бўлурми, абадул абад!



# Низомиддин МАҲМУДОВ



1951 йилда Фарғона областининг Бувайда районида туғилган. ДошДУнинг филология факультетини тугатган. Ҳозир Тошкент Давлат Маданият институти ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ўқитувчи. Филология фанлари кандидати.

## СОҒИНЧ

Қалбимни хаёллар маскан этсалар,  
Қўрқинчли шубҳалар солсалар ғулу;  
Ногаҳон юлдузинг сўнди десалар,  
Юракда туғенин бошласа туйғу,  
Ўкинчдан, аламдан, сарғайса юзим—  
Сени қўмсагайман — мен зор, ёлғизим.

Муқаддас куррамнинг ўзим кўрмаган  
Бир чекка жойидан келганда нола,  
Ёвузлар нияти кўкка ўрлаган  
Пайтида дилгинам бўлганда лола,  
Асрим ташвишидан тинганда кўзим —  
Сени қўмсагайман такрор, ёлғизим.

Дўстларим меҳридан бўлганимда маст,  
Ўлкам боғларидан учганда наво;  
Тийрак нигоҳимда қорли тоғ эмас,  
Ўзбегим ғурури бўлганда пайдо,  
Гулу чечакларга бурканса изим —  
Сени қўмсагайман такрор, ёлғизим.

Ҳайҳотки, ул тенгсиз кўзлар сеҳрига  
Ўзгалар оғзида тўқилса эртак.  
Ҳали тўёлмасдан кўзлар меҳрига  
Ёрилмоқ бўлганда рашқдан бу юрак,  
Бўғзимда қолганда охири сўзим —  
Сени қўмсагайман сўнг бор, ёлғизим.

## ЮКСАКЛИК

Бошини қуёшга қўналға қилган  
Шамширий чўққилар ҳақида дилдан  
Одамлар ҳавас-ла сўзлади...

Сирли само, ҳатто энг йироқ юлдуз...  
Юксак-юксакларни кечаю кундуз  
Одамлар азалдан кўзлади...

Учқур орзулари қоқаркан қанот,  
Машаққат баридан тутди одамзод—  
Пойида чўққилар бўзлади...

Кимларга боққанда адашган иқбол,  
Ўзини чўққига айлади тимсол...  
Сўнг эса заминни излади...

Муаллақ қолганча музлади...

## ХАЁЛ СЕНДАН СЎРАЙДИ ШАФҚАТ

Хаёл сендан сўрайди шафқат,  
Сочларингни ўргим келади...  
Оққанича йиллар ҳам лоқайд,  
Туйғуларни оққа белади.

Шул оққина туйғуларимдан  
Сочларингга пилик солсайдим.

Мангу кечиб уйқуларимдан,  
Лабларингдан олов олсайдим.

Лекин қайда мукаррам журъат,  
Қайда олов — нотамом армон?  
О журъат-ку, сенда бу фурсат,  
Лекин олов қайларда сарсон...




Ўз даврининг олдинги идеялари савиясида турмасдан, уларни чуқур англамасдан ва ҳатто шу идеяларни асословчи ва бойитувчи бўлмасдан туриб, ёзувчининг ўз асрига лойиқ асарлар бериши ҳеч бир мумкин эмас.

ҲАМИД ОЛИМЖОН



# Ўтқир МУҲАММАД



1956 йили Тошкентда туғилган. Касби — оддий ишчи. ТошДУ филология факультети кечки бўлимининг сўнгги курс талабаси.

## КЎРМАНА

Ҳаёт гўё сирли китоб  
Ҳар варағи дурдона.  
Гоҳо сокин, гоҳо шитоб  
Билан, жўшган пўртана!

Ҳаёт гўё сахий боғбон.  
Бахт, қувонч шона-шона.  
Дер: — Шодликка тўлгин инсон,  
Бахтимдан қона-қона!

Еш гўдакнинг йиғисидан  
Жаранглаб кетди хона.

(Синглим қизи билан келган  
Тоға бўлибман мана!)

— Жиянингиз кўрмоқ учун  
Бермайсизми кўрмана.  
Бу қадимдан қолган удум  
Бахт қувончдан нишона.

Сингилжон, ол борлиғимни!  
Ушбу шеърим ҳам яна —  
Коммунизм кишисини  
Кўрганам-чун кўрмана!

## ТОҶҚА СОЛДИМ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИМНИ

Тоғқа солдим машаққатли йўлимни  
Қўл-оёқ зорига солмадим қулоқ,  
Ширин ҳислар чулғар эди дилимни  
Ҳаяжондан дилда бор эди титроқ.

Ҳар қадамда гўзаллик пешвоз чиқар,  
Машаққат ҳам ҳар қадамда ҳамроҳим.  
Гоҳ шод илҳом қалбимга олов ёқар,  
Гоҳ тушкунлик каби таралар оҳим,

Ҳар бир қийин йўлни ўтганим замон,  
Майсалар шодланиб қарсақ чаларди.  
Ол лолалар «Биз билан қол, эй инсон»—  
Деган каби ортимдан ёлборарди.

Арчалар ҳам «қол» деб йиғлади зор-зор,  
Наъматак ҳам дўстим бунда қол деди.  
Унда ёлғиз бир ўзимга нима бор?  
Бизларни ҳам йўқса бирга ол деди.

## БАХТ ҚУШИҒИ

Қўғирчоғин эркалаб синглим  
Куни кеча алла айтарди.  
Гўдак қалби меҳрга лим-лим,  
Қўғирчоқ-ла куни ўтарди.

Куни кеча дедим, шунга ҳам  
Узоқ йиллар ўтиб кетибди...  
Бахт қонуни синглимга ҳамдам,  
Узга уйга бека этибди.

Бугун синглим қўғирчоқ мисол  
Жажжи қизга она бўлибди!  
Уқувчим, сиз сўрмангиз савол:  
— Она бўлса нима бўлибди?

Оддий ҳаёт қонуни шундай,  
Бу сўз билан не демоқчисан?  
— Йўқ, мен буни оддий деб билмай,  
Бахт куйидек куйламоқчиман!

## ОНА ЮРТИМ

Рўпарамда мағрур турар кўҳна тоғ  
Гўё кўк тўн кийган улуғ паҳлавон.  
Тоғ бағрида ўзим танҳо қолган чоғ,  
Хаёлларим тирмашар чўққи томон.

Хаёлларим тирмашар чўққи томон  
Келажакдай сирли кўринган тоққа,  
Келажакдай нурли кўринган тоққа  
Интиламан чарчоққа бермай омон!

Интиламан чарчоққа бермай омон,  
Майли зирқираса оёқларим ҳам,  
Майли кўчиб тушса тирноқларим ҳам  
Орқага қайтмайман аммо ҳеч қачон.

Орқага қайтмасман аммо ҳеч қачон,  
Чўққиға—орзумга етмай қўймайман...  
...Чўққида турсам ҳам, бўлсам ҳам «осмон»  
Аммо она юртим сени ўйлайман.



---

# Иброҳим МУСАЕВ

---



Наманган областининг Янгиқўрғон райониде ту-  
ғилган. 1971 йили Наманган Давлат педагогика инсти-  
тутининг чет тили факультетини битирди. Ҳозир шу  
институтда ишламоқда.

## СУКУТ

Қўлларида бир даста анвойи гуллар —  
Сизни олқишламоқ  
    истаги бугун  
20 миллион гулдаста қилиб  
20 миллион қабрингиз устига  
Сизларнинг  
    орзу ёнган  
    кўксингиз устига  
    қўймоққа ҳозирман.  
Сукутда қотади киприклар  
Бир томчи ёш эса айланар гулга...  
Йўқ! Йўқ!  
Асло керакмас йиғи,  
Сукут сақланг,  
    керакмас бир сўз.  
Бугун тинч ухляпти  
    20 миллион қалб,  
Мангулик уйқуга юмилган киприк.  
Сукут сақланг,  
    керакмас бир сўз.  
Керак эмас асло кўз ёши:  
Ахир, улар кўз юмган чоғи,  
Қулиб кетган, кўз ёш биланмас.  
Ғалабага эришгани-чун  
Авлодига бахт бергани-чун  
Етолмаган орзуларига,  
Фарзандлари етиши учун  
Ўзи тўккан қайноқ қонини  
Ватанига бахш этгани-чун  
Шодлик билан юма олган кўз.

Йўқ! Йўқ!  
    Асло керакмас йиғи,  
Керак эмас дарё-дарё ёш,  
Фақат бир дам сақлангиз сукут.

Афсуссиз кўз юмиб  
орзуларини  
Бизга мерос қилиб кетган  
20 миллион қалб ҳаққи  
Лаҳзалик умрни улар-чун яшаг.  
Улар кўрмай кетган орзуларини

Шу дамда юракка бир ҳоқим этинг,  
Бизни деб —  
Сизни деб,  
Сарф бўлган умр —  
Ҳаққига айлангиз,  
бу дамда сукут!!

## УРИК ГУЛЛАЯПТИ

(Ҳамид Олимжонга)

Урик гуллаяпти қайта ва қайта,  
У маъсум юракни эслатиб такрор.  
Яна сўлим наврўз розини айта,  
Тароват бахш этар, оламга минг бор.  
Азим чинорлар ҳам япроқ ёзади  
Кўпчиган у куртак — ҳаётга қадам.  
Қалблар яна янги бир тафт сезади  
Мунаввар ҳислардан ёшарар одам.  
Сойлар пўртанаси минар авжига,

Бўтана оққан сув янги бир ҳузур.  
Тўлқиннинг шу қадар сўлим мавжига  
Майсалар титрашиб, айтишар узр.  
Яна яшнамишдир «Бахтлар водийси»,  
У пайтги чўллар ҳам яшнамиш кўм-кўк.  
Шодликни куйловчи шоирнинг саси,  
Ўзбекистон узра энг янгроқ қўшиқ.  
Урик гуллаяпти қайта ва қайта...

## СЕНДАН ЖАВОБ КУТДИМ

Сендан жавоб кутдим, ачкиқ таъналар,  
Ҳар бир сўз қалбимга бўлгувчи найза.  
Сен эса ҳамон жим, қалбим қийналар,  
Ҳатто эсламайсан, бепарво муза?  
Майли ҳеч эслама, қилмагин парво,  
Майли, ҳеч бағриндан бермагин ўрин.

Майли, муҳаббатинг кўрмагин раво  
Майли, йўлларингда мени зор этгин.  
Сенга атасам ҳам бор муҳаббатим  
Бегона санагин бир умр майли,  
Лекин асло боқма, бепарво ва жим  
Нафратинг раво эт, менга ақалли!

## МАНЗАРА

Денгиз ялтирайди ойнинг нурида  
Кўзни қамаштирар феруза осмон  
Нимадир кўзғалиб қалбим тўрида,  
Оромин йўқотар вужудимда жон.  
Оёғим остига урилар тўлқин  
Юзимга сачрайди ҳузурбахш томчи—  
Чағалай учганда кўтариб шовқин,  
Турнани эслайман — гўзал арғамчи.

Этни жунжуктиргич оқшом чоғида  
Мудраган қалбларда уйғотар ҳавас.  
Дилни қитиқловчи денгиз ҳавоси  
Ҳисларга чорлайди таърифига хос.  
Денгиз чайқалади абадий гўзал —  
Табиатнинг ҳусни, боқий эркаси.  
Қанча ўзгарса ҳам бу нотинч азал—  
Мавжи шўх тўлқиннинг келмас парвоси.

## ШУ ОЛИС ЮРТ

Шу олис юрт аро денгиз бағрида  
Шеъримга бир боқий ҳаёт излайман.  
Шеърларимни ўқиб дўстлар қалбимга  
Рух берад, бир кунни бунни эслайман.  
Балки бу изланиш, бугунги орзу  
Менга оқ йўл тилаб йўлин очади.

Шеърят олдида қалбим ҳам қарзин—  
Оқлаб, ҳисларимни халққа сочади.  
Уша кунни ушбу ғўра ҳисларим  
Уятдан юзига тортади парда.  
Шундай орзу талаб юрган кунларим  
Кечаги кун бўлиб қолажак ортда.

# Абдуваҳоб НУРМАТОВ



1949 йили Андижон область Избоскан районида туғилган, 1975 йили ТошДУнинг филология факультетини тамомлаган. Ҳозир шу район «Пахтакор» газетасида ишлайди.

## САБАБЛАР

Кечки овқатни еб бўлишгач, Азим қизини тиззасига олиб, сочларини ҳидлади. Қизининг сочларидан унинг назарида қандайдир ёқимли, ўзига таниш бўлган бир бўйни туйди. Юраги ҳаприқиб, энгашиб яна ҳидлади-да, чуқур хўрсиниб қўйди. Шу кўйи узоқ ўтирди. Онаси ўғлининг хаёлга толганини кўриб, нимадир демоқчи бўлди-ю, индамади. Дастурхонга ҳам ўзи фотиҳа ўқиб, қозон-товоқларни йиғиштиргани чиқиб кетди.

Азим ҳамон ўтирганича ўтирарди. Қизчаси ҳам уни ачомлаганича ухлаб қолди. Азим қизининг беғубор чехрасига боқар экан, унинг узун киприклари ва чиройли лаблари Кариманинг қуйиб қўйгандек ўзгинаси эканлигини энди пайқайди. Авваллари бунга унча эътибор бермапти. «Худди ойисининг ўзи-я», хаёлидан ўтказди Азим ва қизининг юзларидан ўпар экан, димоғига яна ўша таниш ҳид урилди. Шундагина у тушунди, бу хотинининг ҳиди... Қизининг устига эгилиб уни қайта-қайта ҳидлади. Ҳа, бу ўша таниш, қадрдон бўй!

— Жойингга чиқиб ётарсан, болам.

Азим останада онасининг анчадан бери унга қараб турганини энди пайқайди.

— Ҳўп, неварангиз мен билан ухлар.

У шундай деб ўз уйига чиқиб кетди. Қизи ҳамон унинг оғушида ширингина бўлиб ухлаб ётарди. Уни ўрнига ётқизганида ҳам уйғонмади. Азим қизига термулиб ётар экан, чуқур хўрсиниб қўйди. Қалби аламлар қатлами остида беҳол тўлғанаётганлигини ҳис қилди. Қаердан у бунчалар бахтсиз бўлиб қолди? Нега қи-

зини тирик етим қилди? Нимага?.. Унинг кўз ўнгида уйланганидан буён бўлиб ўтган воқеалар қайта жонлана бошлади.

Азим Каримани ёқтирмасди, деб бўлмайдди. Лекин аввалига севмасди ҳам. Карима ўзини тута билиши, уятчанлиги, одамнинг оғирини ҳам, енгилини ҳам бир қадар тушуна билиши билан унинг диққатини ўзига тортди. Азим ҳам, Карима ҳам ўқишни бир йилда тугатишиб, ишга қайтишди. Иккиси ҳам бошқа-бошқа институтни битиришган. То ишга келгунларича бир-бирларини танишмас эди. Иш юзасидан танишишди. Бир йил ишлашгач, тўйлари бўлди.

Азим табиатан оғир йигит эди. Отаси унинг ёшлигида бошқа бировга уйланиб кетган. Улар уч киши — онаси, синглиси ва ўзи яшашди. Тўйида ҳам кўп одам келгани йўқ. Ким ҳам келарди, маҳалла-қўй ва ишхонасидаги кишилардан бошқа кимни ҳам танирди, дейсиз. Уч йил ҳарбий хизматда, беш йил ўқишда бўлди. Қишлоққа келиб ишлаганига атиги бир йил бўлди, холос. Карима билан бор-йўғи икки йил турмуш қуришгач, ажрашиб кетишди. Бу қандай содир бўлди ўзи?

Уларни унаштириб қўйишгандан сўнг иккаласи бир жойда ишлаганлиги сабабли тўйни тезроқ ўтказишга тўғри келди. ЗАГСга чиқишадиган куни қиз томоқдан никоҳ узуги бўлиши, албатта, зарур эканлиги тўғрисида хабар келди. Бу Азимни довдиратиб қўйди. Тўй қиламан деб анча мунча қарздор бўлиб қолган. Нима қилсин? Охири бир қўшнисидан озроқ пул

топиб, дарҳол арзонроқ бўлса ҳам узук олди. «Ҳа, ҳамма иш шундан бошланган», хаёлидан ўтказди у фикриниб.

Воқеа бундай бўлган эди. ЗАГСдан ўтишгач, куёв келинни ясатиғлик машинада узоқ айлангирмай, олдиндан тайёрлаб қўйилган совғалар билан жўнатиб юборди. Қизини останада кутиб олган Ҳамида опа дарров унинг совғаларини олиб куздан кечирар экан, гапнинг бисмиллосини айюҳаннос солишдан бошлади.

— Вой ўлай, ҳали у сенга шу узукни олибдими? Вой пасткаш-эй. Мен онасининг, айланай қуда, қўлимиз қисқароқ. Сал бу ёғини энгилаштирворинг деганиданоқ сезувдим-а уларнинг пасткашлигини. Кечаги сафар келганида ҳам улангга битта қўйлак қўшиб келмабди. Ҳа...

Карима онасининг дийдиёси тугамаёқ уйга кириб кетди. У Азимни билади, пасткаш эмас, ҳақиқатан ҳам қўлида йўқдир-да.

Шу баҳона бўлди-ю, Азимга тўйда куёв сарпо қилинмади. Бу Азимнинг онасига катта дастак бўлди. Ҳадича хола оқ кўнгил аёл бўлса-да, бирозга ҳақини ўтказмайдиган хотин. Тўй ўтгандан кейин икки қуда бир-бирларини ҳар учрашиганида зимдан гап билан узиб олишадиган бўлишди. Уғлига куёв сарпо қилинмагани учун Ҳадича хола келиннинг қақириндисини атайлаб кечга чўзиб юборди. Шу сабабли Кариманинг ойиси ҳам қақириндида кудасига қимматбаҳо қўйлаклик ўрнига уқ метр шўлкавой қўйди. Бундан дарди-дунёси қоронғи бўлган Ҳадича хола уйга келгач, келинига зуғум қила бошлади. Утирса ўпоқ, турса сўпоқ деди. Бундан зерикиб, сиқилиб, бир оз юрагини ёзгани ўз ойисиникига ўтган қиз бечора у ерда бундан ҳам каттароғини эшитар, икки гапнинг бирида беш йил ўқиган қиз ойлигининг ярмини ойисига бериб туриши лозимлиги ўқтириллар, қатор-қатор қўйлаги, туфли ва рўмоллари бўлишига қарамай, эрига айтиб яна янгисини олдирishi лозимлиги айтиларди. Гоҳида Ҳаמידа опа қизи бориб қолса, уни уч-тўрт кун зўрлаб олиб қолар, шу орқали қудасидан ўч олмоқчи бўларди. Кариманинг эса бунга виждони чидамас, ойисига бундай қилиш яхши оқибатга олиб бормаслигини тушунтирмоқчи бўлар, лекин ойиси, ҳа менга ўргатадиган бўлиб қолдингми? Ундан кўра эрсираб қолдим, эримни соғиндим, деб қўя қол, дея жеркиб ташларди.

Бир куни уйда Карима йўқлигида келиб, Ҳадича холага сездирмай Ҳаמידа опа қизининг тўртта қўйлагини яширинча

олиб кетди. У буни ёмон ниятда (қўйлакларни батамом ўзиники қилиш учун) эмас, балки қудасидан ўч олиш ниятида қилган эди. Лекин бу ёш куёв-келиндар оиласининг бузилишига бош сабаб бўлди. Карима ишдан келгач, кийимларини алмаштираётиб, қўйлакларининг йўқлигини пайқаб қолди. Дарҳол у ёқ-бу ёқни тинтиб, қидирди. Ҳеч қаерда йўқ. «Номошшом атлас», «Шахмат», «Жуҳут атлас» ва шунга ўхшаш қимматбаҳо қўйлаклари йўқ эди. Ҳовлиққанича ҳовлига чиқди. Қайнанаси сўрида ёнбошлаб ётар эди.

— Ҳа, — деди у бир оз кўтарилиб, — нега лозим кийиб олмадингиз? Иккинчи ишдан келгач ҳовлида калта иштонда юрганингни кўрмай. Боринг, кийиниб чиқинг-да, юз-қўлингизни ювиб, чой қўйинг.

— Буви<sup>1</sup>, мен ҳалиги... Бизнинг уйга ким кирди, билмадингизми?

— Йўқ, ҳеч ким киргани йўқ. Мендан бошқа ким ҳам бўларди бу ерда. Нима гап, тинчликми?

— Қўйлақларим йўқ.

— Нима-а?

Бутун можаро шундан бошланди. Уйни бир бошдан қараб чиқишди. Топилмагач, Ҳадича хола бу борада келиннинг ўзидан ҳадиқсиради.

— Сен, ўзинг онангникига қўйиб келгансан, сенинг кўнглингда болам билан уй қилиш фикри йўқ, аслида, — деганича у келинни хўб қарғади. Ноҳақ қарғишларга чидай олмаган Карима ҳам қайнонасини гап билан бир-инки узиб олди ва эри келишини ҳам кутиб ўтирмай ойисиникига қараб жўнади.

Қизини кўз ёшлари билан кўрган онаси унга қараб ялангоёқ пешвоз югурди. Воқеани эшитгач, у ўзича мийиғида заҳархандалик билан кулиб қўйди. Карима ойисининг қўйлақлар йўқлигига қизишиб кетмаганлиги учун ажабланса-да, ичида хурсанд бўлиб қўйди. Чунки, у ойисининг қайнанаси олдига соч юлишгани боришидан чўчиб турган эди-да.

Уша куни Карима онасининг уйда қолди.

Азим ишдан келганида қоронғи туша бошлаган бўлишига қарамай уйнинг чирроқлари ёқилмаган. Ойиси сўрида ғариблардек ёлғиз мунғайиб ўтирар эди. Кундузги аламининг дардида ёниб ўтирган она ўғлининг саломига ҳам алик олмади.

— Ҳа, тинчликми? — деди Азим бир оз кутиб тургач, — бирор ерингиз орияпти-

<sup>1</sup> Бу ви — андижонликлар ўз онаси ва қайнонасини буви деб атайд.

ми, келинингиз қани? Нега чироқлар ёқилмаган?

— Хотининг кетиб қолди, болам. Ўзи уст-бошини онасидан бериб юбориб, мени ўғридан олиб, ўғрига солди-ю, эл-юрт олдида шарманда қилиб кетди. Илоё кафанига буюрсин, шу ердан олганлари болам. Сени шунча йил боқиб, ўқитиб, уйлаб қўйгач ўғри ҳам бўлдимми, ҳали. Эҳ бу шўр пешанам.

Онаси пешанасига тарс эткизиб урганича, ҳўнграб йиғлаб юборди. У ўқсиб-ўқсиб йиғлади.

Мана, ўша воқеа ўтганига уч йил бўлибди. Бу орада шу баҳона сабаб бўлиб оиласи бузилди. Ушанда Кариманинг икки ойлик ҳомиласи бор эди. Қиз кўриб, бахтиёр бўлсин деб исмини Бахтиёрхон қўйди. Бу давр ичида «йўқолган» кўйлақлар ҳам топилди. Қайнанаси бир неча мартаба яраштириб қўяйлик деб, қудасининг олди-га борди, кўча-кўйда Азимнинг йўлини пойлади. Ўзи оғирвазмин ўғлининг янада индамас, бировга ёрилмайдиган бўлиб қолганига юраги ачишган онаси унга бир неча

марта хотини билан ярашиши ёки янги уйланиши ҳақида гап очди.

Бироқ, бўлиб ўтган воқеалар Азимнинг кўнглини оила қуришдан совутиб юборган эди. Хотини билан ҳам ярашмади, бошқага уйланишга ҳам кўнгли бўлмади.


Аммо, бугун негадир кўнгли бошқача бўлиб қолди. Қизининг келиши ёлғизликда уйғонадиган ғамгин туйғуларни унинг қалбидан қувиб юборган эди. Мана, қизи ғужанак бўлганича, унинг кўкрагига муштчасини тираб беозор ухлар, гоҳи-гоҳида енгил чўчиб тушарди. «Нега эркин ётмайдикин, — хаёлидан ўтказди у. — Ёки у ерда кўп сўкиб, уришишармикин? Албатта шунақа-да, акс ҳолда бировдан қўрққандай ғужанак бўлиб ётармиди». Шундай хаёл билан Азимнинг кўнглидаги иккиланиш ва истиҳолани бирдан қатъият эгаллади. «Эртага оилам билан албатта ярашаман, тамом!».

Шундан кейин Азим анча енгил тортиди. Ҳар куни эзилиб, уйқуга тўймай уйғонадиган одам, эрталаб уйғонгач ўзини қушдан енгил ҳис қилди.



**Менинг ёзган асаримда ўз башарам доим кўриниб турсин.**

**САДРИДДИН АЙНИЙ.**



## Нормўмин ОЧИЛОВ

1948 йили Самарқанд область Советобод райони-  
нинг Жом қишлоғида туғилган. ТошДунинг филология  
факультетини битирган. Ҳозир «Бир сафда» журнали-  
да ишлайди.

### КУЗАТИШ

Тонг отиб оқ кўйлак кийганда осмон,  
Серташвиш кишилар уйғонган маҳал,  
Йўл олди бир йигит уфққа томон,  
Қишлоққа хайр деб, омон бўл, омон!

Тевада залворли хаёлга ботган,  
Тоғлар бу йигитга омад тилади.  
Девор оша шамолда силкинаётган  
Жийда кумуш сирғаси-ла бошин силади.

Сўқмоқ ёқасида алиф қад терак,  
Йигитнинг қалбига мағрурлик берди.  
Ҳаётда неларга дуч келса керак,  
Таъзимкор мажнунтол жилмайиб қўйди.

Тонг отиб оқ кўйлак кийганда осмон,  
Серташвиш кишилар уйғонган маҳал,  
Йўл олди бир йигит уфққа томон,  
Қишлоққа хайр деб, омон бўл, омон!

### ТОҒ БАҒРИНИ ТИЛИБ

Тоғ бағрини тилиб бир сўқмоқ,  
Водийларга келиб туташур.  
Тоғлар аро бир сўлим қишлоқ,  
Бу қишлоқни Жом деб аташур.

Орзуларим ниш урган унда,  
Ҳаёт йўлим шундан бошланур.

Шу сўқмоқдан кечаю кунда,  
Манзил томон қадам ташланур.

Сўқмоқдаман, қўшиқ айтаман,  
Барала бор овозим билан.  
Қишлоғим, мен сенга қайтаман,  
Қўшиқ бўлмиш сирдошим билан.

### ИЛҲОМГА

Эй, қалдирғоч илҳом —  
Ҳаволарга туш ур мардона.  
Булултарнинг бағрини теш, сайра бижирлаб.  
Олис ўлкаларга  
Учгин дўстона,  
Парвозинг ҳаволансин, ғамдан бегона!



## БЕДОВГА

Чув, бедовим, йўлимиз узоқ,  
Қанот боғлаб учгин жонивор.  
Толиқишни билмагин мутлоқ,  
Эҳ-ҳе, ҳали қанча довон бор...


Чув, бедовим, йўл босгин жадал,  
Тўқишмагин сўқмоқда тошга.

Бизни энди кутмас у гўзал,  
Булоқ томон бурилма бошқа.  
Чув, бедовим, ўзингга мадад,  
Уча қолгин, қамчини кутма.

Эганг сенга дам берган соат,  
Булоқ сувин симирмай ўтма!



# Ҳабибулло ОЛИМЖОНОВ



1948 йили Тошкент областига қўшни Черняевка қишлоғида туғилган.

Бир неча йил трактор йиғув заводида фрезерчи бўлиб ишлаган. ТошДУ журналистика факультетининг кечки бўлимини тугатиб, ҳозир «Тошкент ҳақиқати» газетасида ишлаяпти.

## БАҲОР ШАМОЛИ

Шоиستا институтга келмай қўйди. Ҳар замонда бир кўриниб қолади. Шунда ҳам дарсга кирмай кетади. Турсунда зарур гапи бор, айтолмайди. Турсун бир неча марта Шоистанинг узоқдан кузатиб турганини сездди, ҳатто кўзлари тўқнашди, лекин на у, на Шоиста гапирди. Қизнинг кўзлари қанчалик илтижо билан боқмасин, Турсун уни кечиролмасди. Шоистанинг ўша кунги қиёфаси йигитнинг кўз олди-дан бир дақиқа бўлса ҳам нари кетмайди. «Эҳ, Шоиста қайси юзинг билан ўша аҳволда кўзимга кўриндинг-а?! У мени севади, бу гал ҳам бошқа енгилтакликларим каби кечириб юборади, деб ўйладингми? Ахир қандай кечириб бўлади, қандай?!» Турсуннинг миясида ҳамиша шу фикр чарх уради. Билади, Шоистага совчилар келаётганини ҳам, Шоиста буни айтмоқчи эканини ҳам билади. Лекин энди унга ҳамма нарса бари бирдек, гўё ҳаммаси ҳал бўлгандек. Ўша куни ҳазилакам ҳақорат қилдимми қизни!

Турсун бир куни аудиторияда болалар билан суҳбатлашиб ўтирганди, Ижобат эшикни очиб, юз ифодаси билан уни чақирди. Чикди.

— Сизни Шоиста чакиряпти, — деди у.

— Қаерда, нима иши бор экан?

— Пастда турибди, кўзлари қизарган, жуда хафа.

«Кўзлари қизарган». Турсун яраси тимдалангандек, бутун вужуди титраб кетди.

— Бориб айтинг, менда ҳеч қанақа гапи қолмаган унинг.

— Ахир тушунсангиз-чи, Турсун, кейин фақат у эмас, ўзингиз ҳам афсус қиласиз.

— Ёш бола эмасман, афсус қилмайман, — унинг оғзига келган гап шу бўлди.

Ижобат кетди. Турсун унинг орқасидан бир зум қараб қолди. «Ўзингиз ҳам афсус қиласиз, кўзлари қизарган». Ижобат бу гапни «роса йиғлабди» мазмунида айтганини энди тушунди. «Ростдан ҳам йиғлаётган бўлса-чи? Унаштириб қўйишса-чи?» Турсун учинчи қаватдан илдам тушиб дарвоза олдига чиқди.

Шоиستا маъюсгина унга тикилди. Турсун бу қарашда ҳеч қандай азият кўрмади. Бу қараш кечирим сўрашдан кўра кўпроқ уни таҳқирлаётгандек, мен бошқага тегиб кетсам афсус қилиб юрмагин, деб шунчаки айтиб кетгани келдим, деяётгандек эди. Турсун беихтиёр Шоистага яқин келди. «Нима гапинг бор?» дегандек афтига қаради.

— Совчилар келишяпти, — деди Шоиста дабдурустан, — нима дейсан?

— Совчилар менга келаётгани йўқ, мен нима дейишим керак экан?

— Нима, айтадиган гапинг йўқми, майлими?

Турсуннинг кўз ўнгида яна Шоистанинг бундан бир ойча олдинги ўша машъум кундаги қиёфаси намоён бўлди: кўзлари уйқусизликдан қизарган, бўйни кўкарган...

— Нима бу? — ғазабдан қалтиради Турсун.

— Кеча ўтиришга боргандим. — Шоиста гуноҳқорона бош эгди. — Қизлар зўр-

лаб ичиришди. Кейин... шу... билмайман! — у йиғлаб юборди.

— Нега менсиз?

— Сен ишда эдинг...

...Шоиستا ҳамон унинг бирон нарса де-йишини кутиб турарди.

— Кимга тегсанг тегавер, ўша кунни бор гапимни айтиб бўлганман!

— Хафа бўлмайсанми?

— Йўқ, ҳечам...

Турсун ҳам, Шоиста ҳам жойидан жилмади. Орага хийла жимлик чўқди. Сўнг Шоиста бирдан мулоимлашган, ўзига бутунлай бегона товушда:

— Кейин ҳам мен билан учрашиб турасанми, юз ўгирмайсанми? — деди.

Турсун Шоиста билан ўн бир йил бирга ўқияпти. Унинг шу гапни айтишини тасаввурига сиғдиролмади. Қулоқларига ишонмай, доводираб қолаёзди:

— А, нима? Нима деяпсан ўзинг? — қаттиқ шивирлаб гапирди у. Лекин бу шунчалар даҳшатга тўлиқ эдики, Шоиста унинг уриб юборишдан қўрқиб, бир қадам орқага ташлади. Сўнг ерга қараганича жим қолди.

Турсун ортиқ чидолмади. Телбаланиб, зинадан шиддатли кўтарилиди, оғир эшикни зарб билан очиб ичкарига кириб кетди. Шоиста нималар бўлаётганини ўзи ҳам англаёлмай, кўчанинг нариёғидаги хиёбонга, сон-саноксиз оқ чироқларга термилиб қолди. Тўсатдан чироқлар ўчди, хиёбон зимистонга айланди, ёнгинасидан ўтиб кетаётган троллейбус сал нари бориб ток йўқлигидан тўхтаб қолди. Қиз қалбининг аллақаери салгина увишди, бирдан тушган қоронғиликдан қўрққандек бўлди. Вужудини жаҳл ила ўкинч қамраб олди. Тез-тез одимлаб, институтдан йироқлашди...

Тўйдан кейин ўн-ўн беш кун ўтгач, Шоиста курсдошларини уйига таклиф қилди. Совға-салом қилиб боришди.

...Қадахлар яна тўлдирилди. Эри Шоистага ҳам шампан виносидан қуйиб, қўлига тутказди. У ўзидаги ароқни шампан билан уриштираркан, пойгакроқда ўтирган ўртоғига қараб мамнуният билан илжайди-да, бир кўзини қисиб қўйди. Бундан, «қалай, зўрми?» деган маънода хотинига ишора қилаётганини сезиб олиш қийин эмасди. Бу йигитни олий ўқув юртининг домласига сира ўхшатиб бўлмасди. Кўринишидан, йўлини топиб жўнгина «ёғлиқ» жойга ўрнашиб олган одамга ўхшарди.

Худди шу дақиқада Турсун ўз ўрнида тўлғаниб ётарди. Дам у, дам бу ёнига ағдариларди, юзини ёстиққа босарди: «ана, қадахлар жаранглаяпти, ўртоқлари Шоиста

ва эрининг бахти учун қадах кўтаришяпти. Ана у, дугоналари даврасида, Ижобатнинг ёнида. Чехраси-чи? Шодми ё сўлгин? Шод албатта, шод. Шод бўлмаса унга тегармиди? Ишонаман, мени севардинг, лекин тез унутиб юборишинга ҳам ишонаман, табиатинг шунақа. Мен эдим сенинг енгилтак севгингни йиллар бўйи қўриқлаб, эъозлаб келган. Чунки ўзим севардим сени, сендан кечолмасдим. Жаҳл устида совчиларга рухсат берибсан. Қанақа жаҳл? Сенинг муҳаббатинг ўз жиноятингни тан олишга ҳам қодир бўлолмади... Ҳалиям менда кўнглинг бор. Дарвоқе, ўзинг айтмаганмидинг: кейин ҳам мен билан... Ким экан ҳозир ёнингда ўтирган, ким! Ким у сени даллоллар орқали сотиб олган? Аразлашимизни пойлаб юрган эканми у аблах? Домла эмиш, сен институтда қалин билан қиз сотиб олишни ўқитасанми? Шошмай тур, домлангни чиқазиб қўяй...»

...Турсун аудиторияга кирди-ю, қизлар орасида турган Шоистага кўзи тушди... «Яна илжайдия, нима, менинг устимдан куляптими бу ёки «йигитмисан?» деганими?»

Турсун ўша, каравотда тўлғаниб ётган кунда туғилган машъум ниятидан эртасигаёқ қайтганди. Шоистани кўрмасам совиб қоларман, деб анча кун дарсга ҳам келмади. Ҳозир эса яна ҳислари фарёд чекди, қалбида нотаниш йигитга бир дунё алам уйғонди, хотини орқали эридан «ўч» олиш фикри беҳаёлларча миясига қайтиб келиб ўрнашди...Ана у, аллақандай тўлқин балққан кўзларини тикиб турибди...

Турсун ҳисларига итоат қилиб Шоистага илжайди...

Дарсга қўнғироқ чалинмасиданоқ иккаласи институтдан анча узоқлашган эдилар...

Шаҳар чеккасидаги қишлоқ. Уша дарё, ўша соҳил. Ҳиди гуркираб димоққа урилиб, дилни қитиқловчи майсалар. Ушл, боғ, ўша таниш дарахтлар. Ойнинг акси сувада жимираб, ажиб манзара касб этган.

Сезяпсанми эй, дарё, сенга қадрдон бўлган икки одам яна соҳилингда ўтиришибди. Улар ўша, ҳар баҳор шу ерда сирли қўшиғингга қулоқ тутиб, орзулар оғушида парвоз этадиган, пок бўсалар то тидан сархуш бўлиб қайтадиган ёшлар. Улар ўша, лекин энди қалблари бўлак. Ҳозир уларни соф туйғу, беғубор орзулар эмас, истак етаклаб келди бу ерга. Ҳл, бемаъни бир истак. Бу, аёл учун истаган холос, йигит учун эса суйқасд. Тиг билан,

заҳар билан қилинадиган суиқасддан оғирроқ суиқасд...

— Турсун, бўлар иш бўлди, лекин ба-ри бир мен сени севаман.

— У-чи?

— Қўйсанг-чи, латтага ўхшамай ўлсин... — аёл йигитга яқинроқ сурилди, юмшоқ билаги унга тегиб кетди. Атлас кўйлак остидаги ҳарорат йигитнинг вужудини аллақандай совуқ жиғирлатди. Дарвоқе, бу ҳарорат унга имгарилари илиқ ҳаяжон бахш этарди.

— Нега тегдинг ёқмаса?

— Сен «рози бўлдинг», уйдагилар роса зўрлашаётган пайтда рози бўлдинг!

— Нега шунчалик зўрлашди?

— Тегли-тугли экан... Ке, қўй шу гапларни, ўтнинг ёқимлилигини қара. Шоиста шундай дед-ю, бирдан хуруж қилиб келаётган туйғусидан, гапидан ўзи кўрқиб кетди. «Нима қилияпман ўзи, нима деяпман? Мен кимман?»

Лекин шу онда унинг ўқишдан келишига овқат тайёрлаб турган эри кўз олдига келди. Ҳаёлан эшикдан кириб бориб, илжайиб кутиб олган эрига «ҳурмат юзасидан» салом берди-ю, ич-ичидан ижирғаниб қўйди. Уйига боргиси келмади. Сўнг, ғам-андуҳни ўйлагиси келмай, ҳамма нарсани унутди. Кафтларини бирлаштириб боши остига қўйди-да, чалқанча ётиб олди...

Турсун Шоистага қаради-ю, бутун вужудини титроқ эгаллади: ой шуъласида хонатлас кўйлак ловиллайди. Аёл чехрасидаги телбаларча мастона жилмайиш, бўртиб турган кўкрак жозибаси ҳар қандай эсни оғдирарди. Аёл ҳам йигитдан худди шуни кутарди. Турсун дарров нигоҳини олиб дарёга қадади. Шу топда йигит миясига яшиндек урилиб, ҳиссиёти-ни тийишга мажбур этган саволни берди:

— Эринг кутиб тургандир, ҳозир?

— Ҳали вақтли, мунча ўшани гапириб қолдинг. Менга қара, шунчалик бағринг тош бўлмаса...

Турсун қарамади. Яна бир қараса тош бағрининг эриб кетиши мумкинлигидан

қўрқарди... Қарама-қарши фикрлар, ақл ва ҳис кураши миясини портлатиб юборай деяпти: «Унда нима айб? Сотиб олса нима қипти? Уқиш билан бўлиб қизларга вақт тополмагандир?... Мен ўзим-чи, бундан кейин нима қиламан, энди бошқа бир қизни сева олармиканман? Борди-ю, вақт келиб менинг хотиним ҳам... Йўқ, йўқ!»— дея ҳаёлан қичқирганича сапчиб ўрнидан туриб кетди...

...Эри кейинги пайтларда Шоистадан шубҳаланиб, дарсга ҳам юбормай қўйди. Лекин у хотинини фақат ташқи томондан чегаралади холос. Шоистанинг ички дунёси эса унга қоронғи.

Шоиста мақсадига эришолмади. У бунинг аламини ичига ютиб юбора олармикан?... Бу қалбни фақат бир киши пок сақлай олиши мумкин эди. Турсун уни севарди, қиз ҳам.

Ярим кечага бориб Турсуннинг энди кўзи илинай деганди, ташқарида пайдо бўлган шовқин тағин уйқусини ўчирди. Ётолмади. Ўрнидан туриб, чироқни ёқди, деразани очиб юборди. Қаттиқ шамол тун сокинлигига раҳна солиб пишқиряпти. Дераза олдидаги ўрик япроқлари гўё бундан норозидек кучли шовиллайди, шамол эса баргларни гоҳ у, гоҳ бу томонга тортқилайди.

Тўсатдан пайдо бўлган бўрон тезда ёмғирни бошлаб келди. Тиниқ томчилар яшил япроқларга қўниб, деразадан тушаётган нур қўйнида жилва қила бошлади. Бу ҳолат Турсуннинг қалбига баттар ғашлик соларди.

Одатдагидек, баҳор шамоли қанчалик тез пайдо бўлган бўлса, шунча тез тинди. Лекин у исзис кетмади. Топ-тоза ҳовлида шамол юлқиб олган яккагина япроқ ётар, шиддатли ёмғир томчилари сачратган ғубор унинг кўркини лойга қориб кетган эди.

Турсун япроққа узоқ тикилиб қолди, вужудидан сизиб чиққан бир-икки қайноқ ёш доначалари киприкларида милтираб турарди...

Борлиқ сукутда. Ярим кеча...



# Муяссар ОТАЖОНОВА



1956 йили Урганч шаҳрида туғилган. Ҳозир у ТошДУ журналистика факультетининг талабаси.

## АМУ БҮЙИДА

Дарё мавж урмоқда, бу азим дарё,  
Қанча саргузаштлар ўтган бошидан.  
Ота-бобомиздан қолган бир дунё,  
Юртимга яшиллик этар бахшида.

Кезиб бормоқдаман унинг бўйида,  
Сузиб бормоқдаман, хаёл кўйида,  
Худди бастакорлар куй оҳангдай,  
Маст бўлиб қолибман Аму кўйида.

Унга роз айладим шу шеър орқали,  
Куйламоқчи бўлдим кўшиқ у ҳақда.

У бўла олсайди шеърим сайқали  
Бахтиёр санардим ўзни ҳаётда.

Мен қанча тебратмай, у ҳақда қалам,  
Қанча саҳифанинг тўлмасин юзи.  
Бари бир топилмас тасвир сира ҳам,  
Унинг гўзаллиги беқиёс ўзи.

Дарё мавж урмоқда, бу Амударё,  
Қанча саргузаштлар ўтган бошидан.  
Ота-бобомиздан қолган зўр дунё  
Юртимга яшиллик этар бахшида.



## СУРАТ ВА СИЙРАТ

Наҳотки гўзаллик шу қадар устун,  
Гўзаллик олдида эгилган бошлар.  
Кутинг ҳали келар шундайин бир кун:  
Эгилган бошларга сочиб тупроқлар  
Кетади гўзал.

Сиз тушунолмабсиз, гўзаллик нима?  
Инсон гўзаллигин тушунмабсиз, ҳеч.  
Сиз жон куйдирасиз, гўзалга нима...

Хумор кўзларини сизга қилиб пеш  
Кулади гўзал.

Шунда тушунасиз, гўзаллик нима?..  
Энди нигоҳингиз хумор кўзламас.  
Энди сиз биласиз қарашни кимга  
Лекин ҳамон шундай мафтунликка  
маст  
Юради гўзал.

## МУҲАББАТ

Муҳаббатни десалар қуёш,  
Кўзга суртай заррасин албат.  
Чунки мени бахтиёр қилган  
Ватанимга бўлган муҳаббат.

Юрагимда ёнар ўт мудом,  
Оқлай дея шу муҳаббатни.

Қуёш нури бўлмас ҳеч тамом,  
Чунки қалбда бор ҳарорати.

Юрақларда авайланиб у  
Олам аро нур таратади.  
Ватаним, халқимнинг меҳри бу —  
Менда муҳаббат уйғотади.



## ОДИЛЖОН ОЛИМОВ

1972 йилдан бошлаб ўз ҳикоя ва шеърлари билан область ва республика матбуотларига қатнашмоқда. Одилжон она шахри Андижонда ўқитувчилик қилади.

### ҚАЛБА ҚУЁШ

Шамдек бўл, шамни кўр:  
кўйиб қалбу тан,  
Узгалар базмини  
қилади равшан.

### ЖОМИЙ

Диловар палаталарга кириб, беморларни кўриб чиқди. Кўнгли бир оз тинчланди: беморларнинг аҳвол-руҳияси бинойидек. Кун оралаб бир-иккитасига жавоб беради. Кеча операциядан чиққан ёш йигит деразадан наврузи оламни кузатганча жилмайиб ётибди. Ҳатто касалхонага энг оғир аҳволда келтирилган кекса аёл ҳам оёққа босиб кетди.

— Умрингиздан барака топинг, она қизим, — деди ўша аёл кетиш олдида миннатдорчилик билдириб. — Ҳаётимни қайтариб бердингиз.

— Энди ҳечам оғриманг, — дея самимий тилак билдирди Диловар.

— Илсҳо, айтганингиз келсин...

У аёлнинг орқасидан ҳушнуд қараб қоларкан, беихтиёр жилмайди. Юрагида шодликка ўхшаш ҳис гупуриб тўлқин урди, кўзлари чарақлаб кетди. Шифо топганидан беҳад мамнун аёлнинг сўзлари чучварадеккина қулоқлари остида майин такрорланди. Бундай сўзларни ҳар кун, лекин ҳар кимдан эшитади. Шу сабабли ҳам гаштли туюлади, врачлик касби билан чексиз фахрланади. «Одамзод ажойиб бўларкан, — ўйланди у, — қувончинг ҳам, ғаминг ҳам дарров юзингга барқ уриб чиқиб, кўзингда жилва қиларкан. Қани эн-

ди доимо хурсанд яшай қолсанг?! Е бахт деганлари шунақа бўлармикан-а?...»

Диловар иш вақти тугаб, оҳорли оқ халатини қозиққа илди. Кийиниб ойнага қаради, ўзига синчиклаб назар солди. Ҳар гал ойна қаршисига сочини тузатиш ёки кўйлагининг у ёқ-бу ёғини ростлаш учунгина келарди. Бу гал на сочини тузатди, на кўйлагини ростлади — ҳеч нима қилмади. Ойна рўпарасида бир неча дақиқа ҳаракатсиз туриб қолди. У бундан олти ойча илгариги кўринишини бутун вужудидан ахтарар, хаста кўнглини тўлдирадиган бирон ўзгариш ё белги топишга қийналарди. Ширмой ёноқлари заъфарон, юмалоқ лўппи юзлари сўлишибди. Ҳамиша ёғдуланиб тургувчи шахло кўзлари киртайган, пешанасига чизиклар тушиб, бўйни ингичкаланган, бошини омонатгина тутиб турибди. Туробжон уни ўтган олти ойдаёқ мана шу кўйга солган бўлса, бу ёғи...

Туробжон билан танишган вақтида медицина институтининг иккинчи курсида талаба эди. Танишувлари жуда қизиқ бўлган. Қаерда денг? Автобусда!

— Битта билет олворинг, — Диловар ялт этиб овоз келган томонга қаради. Қора қош, қора кўз, сερсавлат, истараси

иссиққина йигит беш тийинлик чақа уза-  
тиб турибди. Диловар пулни олиб, билет  
йиртиб берди. Йигит раҳмат айтди.

— Арзимаиди,— деди у бадтар ғашлиги  
келиб.

— О, буни қаранг, — деди йигит бе-  
катда унинг кетидан тушиб. — Қўлингиз  
очиқ экан, менга бахтли билет берибсиз.

Диловар ўзини эшитмаганга олиб, ётоқ-  
хона томон илдам юрди. Йигит эргашиб  
кетаверди. У ташвишланар, дугоналари  
кўриб қолиб майна қилишидан ҳадикси-  
рарди.

— Ҳеч бўлмаса отингизни айтиб ке-  
тинг,— дея илтимос қилди йигит лип этиб  
унинг чап томониغا ўтаркан. Диловар жа-  
воб қилмай йўлида давом этди.

— Атиги бир минутга тўхтанг,— деди  
йигит энди бу ёнига ўтаркан ялинч оҳанг-  
да. Диловарнинг жаҳли чиқди, юзини тес-  
кари бурди: «Худди Шурикка ўхшайди-я,  
сурбет»,— Сизни эртага соат олтида юве-  
лирний олдида кутсам, майлими? «Севги  
можароси»ни кўрамиз.

Диловар тўхтамади, аксинча қадамини  
тезлатди. Йигит сўроғига жавоб ҳам айт-  
мади. «Орқамдан озмунча йигит эргашди-  
ми,— кўнглидан кечирди у,— лекин мана  
бунақа елимни биринчи кўришим.

Нима қилсам экан? Тарсаки тортайми?  
Йўқса ётоққача бориб, ҳаммани ичида кул-  
гига кўяди бу бетамиз...»

— Яхшиси шу ердан орқангизга қай-  
тинг,— деди Диловар қошларини чимирган-  
ча.

— Нима учун?— йигит бўшашганча ор-  
да қолди-ю, бироқ бўш келмади, гап учир-  
ди:— Шунини билиб қўйингки, бари бир сизга  
тинчлик бермайман.

Диловар ётоққа кирди. Ҳамхона қиз-  
лар ҳайратланиб сўрашди:

— Дило, юзларинг қип-қизариб кетиб-  
ди-я? Тумовмисан?

— Йўғ-е,— деди Диловар баттар қиза-  
риб.— Совуқдан иссиққа кирганимга шун-  
дайдир...

Уни ҳеч ким бузолмаган оромини бу-  
гунги йигит бузиб кетганди. Йигитнинг сур-  
лигидан безор бўлибми ё кўздан тезроқ  
йўқолсин дебми, юмшоқ гапирганини ўзи  
билмайди. Туни бўйи ўйланиб, ажриқда ёт-  
гандай ағанаб чиқди. Номаялум йигитнинг  
ундан орда қолаётиб: «Шуни билиб қў-  
йингки, бари бир сизга тинчлик бермай-  
ман», дегани қўлоғининг тагида жаранглаб  
сира тинчлик бермайди.

Диловар эртасига уни бекатда тургани-  
ни кўрди. Эйтибор бермади. Ётоқхонага  
етгунча орқасига қайрилиб қарамади, лекин  
йигит изма-из кузатиб келганини юраги  
сезди. Энди бу ҳар кунни такрорлана бош-

лади, негадир йигит бир оғиз сўз айтмас,  
саломлашарди, холос. Қиз ҳайрон: «Би-  
ринчи кун анчайин гапни тўкиб солган  
йигит бирданга соқов бўлиб қолди-я. Не-  
га йўлимни пойлайди?» «Яхшимисиз...»  
Тўққизинчи кун йигитнинг иродаси сусай-  
ди шекилли, гапирди.

— Илтимос, эртага «Озодлик майдо-  
ни»га келинг, олтига.

— ...

Диловар розилик берган-бермаганини  
билмайди-ю, аммо эртасига юраги буюр-  
ганини қилди. Ахийри йигит тайин этган  
жойга борди. Кўнгли ундан сув ичиб қол-  
ганини чинакам ҳис этди. Унинг Туроб-  
жонлигини ҳам шу кун билди. У пахтачи-  
лик институтида сиртдан ўқиб, колхозда  
механизатор бўлиб ишларкан. Сессияга  
кепти.

Диловар ана шу тариқа Туробжон би-  
лан-тез-тез учрашадиган, гоҳ кинога, гоҳ  
театрга тушадиган бўлди. Тўрт йил бир-  
бирини синашди. Ҳамирдек юмшоқ, ипак-  
дек мулойим Туробжон ҳар бир гапни  
ўйлаб гапирар, худа-беҳудага оғиз очавер-  
мас, айнакча орзуларининг тиниқ, ширин-  
лиги билан уни ўзига тамоман ром этган-  
ди.

— Диловар,— дерди Туробжон унинг  
нафис бармоқларини кафти орасига олиб  
силаркан.

— Нима дейсиз?— дерди Диловар ҳам  
масъумгина.

— Иккаламиз турмуш қурсак, қандай  
ажойиб-а?! Мен — инженер, сиз врач!

— Кечалари навбатчиликда қолсам  
уришмайсизми?

— Қизикмисиз!— дерди Туробжон ач-  
чиғлангандай. — Нега уришар эканман? Ме-  
ни ҳали шунақа деб уйлаяпсизми? Наҳот-  
ки, мен врачлик касбини тушунмайдиган  
бир тўнка бўлсам!

— Жаҳлингиз чиқмасин, шунчаки айт-  
дим-қўйдим-да...

Улар иккаласи ўқишни бир вақтда ту-  
гатди. Шундан сўнг Диловарнинг розилиги  
билан Туробжон совчи қўйди. Совчилар  
хушнуд қайтишди, кўп ўтмай тўй бўлди.

Диловар иш учун йўлланмани Бўзга ол-  
ган эди. Туробжон ҳам кейин ўша ёққа  
тўғрилатди. Колхоз даҳлизли уй берди. Иш  
бошлашди. Уларда бешинчи куни ҳаловат  
бузилди. Ярим кечада бир аёл эри билан  
келиб, боласи бирдан қаттиқ иситмалаб  
қолганини айтди, ёрдам сўради. Диловар  
ёлвортириб ўтирмади, тиббий кўмакка шо-  
шилди.

— Одамларгаям ҳайронсан,— деди Ту-  
робжон у қайтиб келган тўнғиллаб.— Ярим  
кечадаям тинч қўйишмайди-я. Нима, эрпа  
билангача боланг ўлиб қолармиди?

Ундай демак, сизга ярашмаяпти шу ташлар,— деди Диловар босиқ ва аста дивом этди.— Касалга ёрдам кўрсатиш жой ҳам, вақт ҳам танламайди.

— Врач деган ўз сир-кори, обрўйи билли бўлади. Итгаям-битгаям чақирса кетамансангиз, ҳадемай пойпатак қилишади.

Диловар қулоқларига ишонгиси келмасди. Унинг вужуди титраб-қақшади. Туробжон бамайлихотир уйқуга кетди.

Диловарнинг ярим тунда заррача ижирғанмай болага ёрдам кўрсатгани бутун Бўзга тарқалди. Ҳамманинг оғзида: «Ургилиб кетай, Диловархон», бўлиб қолди. Одамлар касалхонага, дам олиш кунлари уйга ҳам тортинмай келаверишди. Диловар уларни очик чеҳра билан қабул қилар, ўзида бор дори-дармонни тавсия этиб, йўғини ёзиб берар, ширин-сухан сўзлаб кўнгил оларди. Айримлари пул узатишди.

— Ие,— деди у келгувчилардан бири — керилганроқ магазин мудирасини уялтириб,— бурчимни пул билан ўлчаётган бўлсангиз, бу қандоқ бўлди?!

Туробжон шу куни, «касалларни уйда кўрманг, керак бўлса иш жойингизга борсин», деган баҳона билан ғалва чиқарди. Диҳанаки жанг бўлиб ўтди...

Диловар ана шуларни хаёлидан ўтказаркан, оғир тин олди. Ойна олдидан жилди-ю, аммо хонадан чиқишга улгурмади.

— Диловар опа,— деганча ҳаллослаб ҳамшира қиз кириб келди, унинг нафаси оғзига тиқилиб қолганди гўё. Диловарнинг кўнглида хозиргина тўниб ётган оилавий ғам-андуҳлар тўзиб кетди. У ҳамширалардаги бундай ҳолат қачон рўй беришини яхши билгани учун шошиб халатини кийди.

— Ҳозир бир касал олиб келдик,— деди ҳамшира қиз ўзини бир оз босиб олгач.— Далада ариқ чопаётган жойида тўсатдан йиқилган.

— Неча ёшда?

— Элликларда.

Диловар навбатчи врач билан ҳамшира қизни олиб қабулхонага кирди. Ёғоч қаровотда ғужанак бўлиб ётган беморни кўришди. Унинг юзлари оғриқ азобидан гоҳ тиришиб, гоҳ ёзилар ва яна тиришарди.

— Авваллари оғриганми?— дея сўради Диловар беморни ўнг биқинини ушлаб кўриб.

— Ик-ки мар-та,— деди бемор. Диловар ялт этиб навбатчи врачга, сўнг ҳамшира қизга қаради. Қуш тилини қуш билади, иккиси ҳам бу қарашнинг маъносини бир хил тушунишди. Кўричак, шошилинч чора кўриш керак!

— Операцияга тайёрланглар!!

Навбатчи врач, ҳамшира қиз шошиб

қолишди. Жарроҳлик назорат иш, унда асло хато қилмаслик керак. Гарчи кўричак операцияси ҳозирги замон медицинаси учун содда ҳисобланса-да, Диловар бунга биринчи бор уннаётгани сабабли ҳаяжонда эди.

«Диққат, операция бормоқда!» ёзуви йигирма икки минут деворда осийлиқ турди. Диловар ҳорғин чиқиб, ўз хонасига йўналди. Креслога оғир чўқди, тин олди. Агар жиндай кечикилса борми, бемор оёқ узатиши эҳтимол эди. Кўричак ёрилиш арафасида турган экан. У касбининг нақадавр масъулиятлигини шу топда тағин ҳам кўпроқ ҳис этаркан, реза-реза тер босган юзини чиройли хитойи рўмончасига артди.

Диловар уйга кеч қоронғисидан кириб келди. Туробжон папирос бурқситганча қовоқ-лунжи осилиб ўтирибди. Гезарган юзлари асабий титрайди. У индамай овқатга уннаб кетди.

— Нега кеч келдингиз?— деди Туробжон кун оша берадиган сўроғини такрорлаб.

«Бошланди»,— деди Диловар ичида.— Оғир бемор кеп қолди, операция қилдим.

— Сиздан бошқа қорин ёриб, сассиқ ичак титкилайдиган одам йўқми бутун бошли касалхонада? Уйда на ҳаловат бор, на фароғат!

Диловар бепарво ўз ишини қилаверди. Ниҳоятда ҳориб тургани учун бу сафар жавоб айтишни ўзига эп кўрмади. Туробжон ғудранишда давом қилди:

— Нима, касалхонадан ой кўрганмисиз? Касалларингиздан ҳечам кўнглингизни узоламисиз, вақтида ишдан қайтингиз келмайди. Ё бош врач олтин тоғ ваъда қиляптими?

— Нималар деяпсиз!— деди Диловар чидолмай.— Уялмайсизми шундай дегани?

— Кимдан уялай, нимадан уялай, айт!— «сен»сирашга ўтди Туробжон.— Ҳафтада бир-икки навбатчиликда қолиб, ишдан ҳар куни уйга кеч келадиган сендан уялайми, а? Бировга ундан тегаркан, бировга бундан. Сенга фақат касаллардан текканига ҳайронман.

Диловар эрини таниёлмай қолди. Унинг назарида, тўйгача Туробжон иккита бўлган-у, ташлашда адашган ва яхшиси қолиб ёмонига текканга ўхшарди. У овқатни сузиб келди. Туробжон емади, унинг ўрнига яна сасиб-жийиди.

— Бемаҳал овқат егандан заҳар ютган яхши!

Унинг иштаҳаси гиппа бўғилди. Оғзиданги бир тўғрам чайналган гўшт ҳам ўтмай қолди. Қўлини сочиқ учига артаркан уялади: «Жанжалнинг кети қачон кўринаркан? Кераксиз бу ади-бадилар қачон тинаркан?



Шу алфозда биримиз икки бўлиб, рўзгоримиз қуюлармикан? Туробжон билан бирга яшаб кета олармиканман? Унга нималар бўляпти ўзи. Одамнинг барча яхши-ёмон хислатини турмуш юзага чиқарар экан-да!»

Диловарнинг оилавий ҳаёти тобора ҳазинлашиб бораверди. Қолган кўнгили чиққан жон билан баробар экан. Уни фақат иш овутадиган бўлиб қолди. Касалхонага келсагина уйни, жанжални, Туробжонни унутгандай, бир қадар эркин нафас олгандай бўлади. Қўлида шифо топаётган беморларни кўриб кўзи қувонади. Уларнинг битта раҳматини юксак муқофот деб билади. Одамларга саломатлик, ҳаёт-умр улашайтганига суюнади. Касби — бахти!

— Туробжон ака,— деди Диловар бир куни мулоимлик билан.— Келинг, мениям қийнаманг, ўзингизням. Нима гап ўзи? Менга очик айтинг, мақсадингиз нима? Врачлик касбининг хислати шу бўлса, нима қилай ахир, мени кўра-била туриб олгансиз-ку!

— Шунақа бўлишини билганимда...

Туробжон юзини тескари бурди.

— Гапиринг,— деди Диловар кескин.—

Шунақа бўлишини билганингизда нима қилган бўлардингиз?

— Сизга уйланмаган бўлардим, вассалом,— деди Туробжон бамайлихотир.

— Шунақами ҳали!— Диловар ичида димлашиб турган йўғига эрк берди. Туробжон юпатмади. У ўпкасини босиб олиб давом этди: — Гапларингиз бари пуч ёнғоқ, севгию ишонч, вафо-садоқат ҳақида қуруқ лоф урган экансиз-да? Энди мендан эшитинг: майли, зорим бор, зўрим йўқ. Бўйнидан боғланган ит овга ярамайди. Мен касбим нимани талаб қилса, шуни бажаришга мажбурман, бу — бурчим! Бурчимга хиёнат қилолмайман, хиёнат-жиноят. Шу касбга бўлган меҳрим, одамларга бўлган муҳаббатим қалбимдаги қуёшдир! Мен бу қуёшнинг ҳаётбахш зиёсини одамларга бағишлашим лозим.

Диловар сўзлашдан тўхтаб, Туробжонга тикилди. У ҳамон тумтайиб ўтирар, бу билан хотинининг гаплари ўзига эриш тую-

лаётганини англатарди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Диловар чаққон қўзилиб бориб, трубкани қўлоғига тутди.

— Сизга машина кетди, йўлга чиқиб туринг!

— Хўп,— Диловар дарров тушунди ва жанжални унутди. «Бирон ҳодиса бўлганига ўхшайди, йўқса навбатчи врач бу қадар зудлик билан чақирмасди. Нима бўлди-кин?...»

У касалхонага етиб келганда бир гўруҳ қария эркак-аёл эшик ёнида тўпланиб турганини кўрди. Уларнинг қиёфаси ташвишли эди. Кимдир: «Ана келди»,— деди мамнун. Диловар улар орасидан ўтиб бориб, кўзи дорга йўналди. Ҳамширалар виз-виз ҳаракатда. Навбатчи врач операция хонасига имо қилганча, унинг кўлига оқ халат тутди.

Диловар навбатчи врач билан олдинмакетин операция хонасига кирди. Операциони столида авариядан боши ёрилиб, кўп қон йўқотган йўғон гавдали йигит ҳушсиз ётар, юраги жудаям суст урар ва қон босими деярли пасайиб кетганди. Унинг асаб торларни тортилди. Операция бошланди. Кўчми зарбдан синган бош суяклари эҳтиёткорлик билан бирлаштирилиб, асли ҳолига келирилгунча уч соат ўтиб кетди. Ниҳоят э тикилди, доқада боғланди. Қон куйилди. Операция муваффақиятли тугаган бўлса-да, бемор ҳадеганда ўзига келавермас, қон босими секинлик билан кўтарилиб боради, юрак уриши эса гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ эди. Диловар бутун тунни унинг қошида бедор ўтириб ўтказди. Оппоқ тонг отиб, офтоб ёйилаётган чоғда бемор ҳушига кела бошлади. Ана кўзини хиёла очди. Дилбери пичирлаб, унсиз нимадир деди...

Диловар яна бир одамнинг ҳаётини сақлаб қололганидан, унинг оиласига тинчсиз хурсандлик бахш этганидан мамнун уйига қайтди. Туробжон уйда йўқ эди. Қишлоғига бутунлай кетганини ёзиб, хат қолдирибди. У кечаги гапларни эслаб ўйга толди. «Яхши бўлмади. Тушунтира билмадим. Гапери бир мен ҳақман, ҳақлигимга ишони ман. Агар бунга эртами-кечми у ҳам ишонса, албатта қайтиб келади».



---

## Замира РАЗЗОҚОВА

---

1954 йили Хоразм областининг Ҳазорасп районида туғилган. Урта мактабни битказган. Ҳозир Ҳазорасп районида савдо ходими бўлиб ишлайди.

---

### ПАХТАЗОР

Қаёққа боқмайин пахта хирмони,  
Чаман юлдузлардай яшнар пахтазор.  
Дилим жўшиб қайнар куёш нурида,  
Деҳқон билагида зўр қудрат, куч бор.

Шу билак кучи-ла бобо деҳқонлар,  
Айтганни, ҳар сўзни қилади удда.

Шу билак кучи-ла қучар шухрат-шон —  
Бахт ва саодатнинг боиси шу-да.

Олтин чаноқларда сут каби қайнаб,  
Ошиб тошмоқдадир оқ момиқ пахта.  
Ҳар гал боққанимда илҳомим жўшиб  
Дейман: Жонимдан ҳам сен ортиқ пахта!

### КҮНГИЛ НАВОСИ

Севги изҳор этолмайман,  
Ёнингдан ҳам кетолмайман.  
Сўхбатингга муштоқман-у,  
Дилда борин айтолмайман.

Хаёлимда бўлиб ўзинг,  
Кўз ўнгимда кулгинг, юзинг,  
Ўйлатганда асал сўзинг  
Қиё боқмай ўтолмайман.

Не десанг ҳам, дедим майли,  
Сенга кўнглим бор туфайли.  
Раво бўлса гулзор сайли  
Сенсиз ором этолмайман.

Майли десанг бўлай ҳамроз,  
Дил навосин чертайлик соз.  
Замира айласа бир ноз,  
Мен бепарво кетолмайман.

### НЕ БЎЛДИ, ДЎСТЛАРИМ

Не бўлди, дўстларим, хаёл дарёси  
Оқизиб кетади билмам қай сари.  
Тунлари кипригим қулфин бузади  
Хаёлим, ўйларим, тушим ҳам бари.

Негадир юрагим титрар бетиним,  
Кимнидир соғинар бир кулча қалбим.

Гўёки ёнимда у сеҳрли зот —  
Кутиб йўллариди безовта дилим.

Гар фалак самога етказса мени,  
Билмадим табиат ер қаъридами.  
Хуллас хаёлларим, ўйларим чалкаш,  
Негадир тушунмам, ҳаёт шундайми?!

## ОНА ЮРТИМ

Ҳазорасп — она юртим, шу ерда мен камол топдим,  
Уйнаб-ўсиб тупроғингда, дардимга юз даво топдим.

Мен ҳам янгилик кашф этиб, кўкларга гар учар бўлсам,  
Кўп донишманд устозлардан, ишқимга чин вафо топдим.

Саодатли ўғил-қизинг йўлини тўтиё билдим,  
Илму фанинг, нурунг бир-ла, кўзимга нур-зиё топдим.


Тупроғингни суртиб кўзга умр бўйи таъзим қилай,  
Сенинг берган таълимингдан, улуғлардан шифо топдим.

Тарихларда сени танҳо кекса донишманд деб билдим,  
Олтин бағрингда ўсганман, қушларингдан наво топдим.

Она-юртим, гул диёрим, кучоғингда униб-ўсдим,  
Сенинг покиза қалбингдан ясалган зар қалам топдим.

Бахту иқболинг порлоқдир, куйла, Замира, бир умр,  
Кувноқ фарзандларинг каби бағрингда барқарор топдим.





## Ражаббой РАУПОВ

1955 йили Бухоро областининг Шофиркон районида туғилган. ТошДУ журналистика факультетининг талабаси.

### ХАЁЛИМДА УЧ КИШИ

Дарвозамиздан киришим билан танамга ёқимли ҳаяжон ёйилди. Бир лаҳза тўхтаб, ҳовлини кузатдим. Менга таниш бўлган ҳамма нарса ўз ўрнида... Фақат, келганимда доим сўри остида нималар биландир машғул бўлиб ўтирадиган онам кўринмай-дилар.

Хоналарни қараб чиқдим, ҳеч ким йўқ. Ҳовлида уч уй наридан келаётган қўшиқ баралла эшитилмоқда. Дарров сездим: «қишлоқда тўй». Бир зум қўшиқ оҳангига қулоқ солиб турдим. Қўшиқ тортдими, ёки узоқ вақт қишлоқ тўйларини кўрмаганимгами, нечундир тўйхонага боргим келарди. «Ҳаммалари тўйда бўлсалар керак. Борсамикин? Ёнгинамизда-ку». Кўчага чиқдим.

Мени хабарчи Арслон ака қаршилади. Бошлашиб тўйхонага кирдик. Бирпасда ўртоқларим, қўшнилари, таниш одамлар билан сўрашиб, уларга аралашиб кетдим.

Катта чодир ясашибди. Уч юз киши бемалол сигади. Томда ўрнатилган карнайдан катталар «Қора кўзим»ни тинглаб ўтиришганидан улар бир оз босиқроқ, бир оз хаёлчан кўринади. Болалар эса болалигича — шўх. Уларнинг қийчуви, мис қозондан буғи айвон тепасигача кўтарилиб турган сопи ош, ер ўчоқдан оловини тортаётган Халил амаки мени бир зум ўйга толдирди. Хаёл кишини олис-олисларга олиб кетади: болалигим ўтган, эртадан-кечгача чангитиб ўйнаган кўчаларимга етаклайди. Халил амаки қишлоқ чеккасидаги пастаккина уйда хотини билан

яшар, одамлар уни «мардикор» деб аташарди. Ёшлигимда уни хўрлайдиган бу сўзнинг маъносига тушунмасдим. Мабодо кўчадан ўтиб қолса, болаларга қўшилиб, «Ана, Халил мардикор», «Мардикор келяпти» деб қичқиришдан чўчимасдим. У болаларни яхши кўрарди. Чўнтагида доим конфети бўлар, олдидан чиққан ҳар бир болага «қанддай ширин бўл» деб битта узатарди. Болалигимда унинг номига «мардикор» сўзини нима учун қўшганликларини англаб етмасдим. Фақат шуниси ёдимда: «Кифтида ғалвирдай кетмонни кўтариб юрарди. Қуёшнинг нури кетмонига тушиб, у қуёшни кўтариб кетаётганга ўшарди. Одамларга янги иморат жойи ҳозирлар, чол-кампирларнинг кузда тепа бўйи қилиб кўмилган тоқларини баҳорда очарди. Урушда кўли, оёғидан ажралган кишиларнинг экин экиладиган ерларини «икки кетмон бўйи» чолиб берарди. Бозор кунлари уни кечқурун, даладан қайтганда бировларникида ишлаётганини кўрардим.

Кейин билсам хизматлари учун ҳеч кимдан ҳақ талаб қилмас экан. Кексалар унинг ҳақиға дуо, баъзилар эса битта сўз — «раҳмат» айтишаркан. Агар қишлоқда аза бўлса, шу хонадон бошига тушган мусибат унинг қалбига тушади...

— Чодир ёқдимми? — хаёлимни бўлди синфдошим Султон.

— Дуруст, — дедим секингина. Кўзим амакида эди.

— Менга қара, Султон, Халил амаки сал кексайиб қолибдими?

— Сенга шундай туйилаётгандир. Чарча-

\* ) Сопи — мис қозонда пиширилади.

ган. Узинг биласан-ку, маъракаларда хизматнинг оғирини шу киши бажарди.

— Ҳали ҳам елиб-югуриб хизмат қилади-я. Мен бориб, бир кўрай амакини.

— Бу ерда нега турибсизлар,— қаршимизда тўй эгаси Қодирхон ака пайдо бўлди.— Нодирни уйга олибкир, Султон, жўрангни тўйимизга насибаси бор экан,— у хурсанд гапирди.

— Хўп,— деди Султон. Тўйчи шошилганича чодир томонга кетди.

— Қани, юр, бу ерда турмайлик.

— Ҳозир. Озгина кутиб тургин,— амаки томон юрдим. У мени кўрди-ю, қўлидаги чоршоҳасини гўзапоя тўдасига суқиб, қаршимга юрди.

— Эсон-омонмисан, мулла йигит? Уқишларинг қандай? Яхши келдингми? Қишлоқ қизларини кўп куттирма. Мис қозонга ўчоқ қазийверайми?

Кўришдик.

Унинг самимий ва бир оз ҳазил аралашган гапидан хижолат тортдим. Ёшликдаги «шўхлигим» учун боладек қизариб, ўзимни унинг олдда гуноҳкор сездим. «Шундай одамни «мардикор» деб кетидан тош отардим-а» — хаёлимдан ўтди. Қорайган, дағаллашиб, тарам-тарам ёрилган бармоқлари «сен учун ҳам хизмат қилганман, бола!» деяётгандай мени қийнади.

— Султон,— қақирдим уни. Келди.

— Шу ерда... Халил амаким билан ўтирайлик.

— Учоқ бошида-я?! Йўқ, Қодирхон ака хафа бўладилар. Ундан кейин, тақсир, сиз меҳмонсиз, Тошкентдай шаҳри азимдан келгансиз-а,— ҳазиллашди у,— тўғрини Халил амаки?

— Ҳа, албатта.

Амакини ташлаб кетгим келмасди: «Хизмат билан бўлиб, овқат ейишга ҳам қўли тегмагандир».

— Юринг,— амакининг билагидан ушладим,— бирга борамиз.

У «қаёққа» дегандай менга тикилди.

— Ошга. Бирга ош еймиз. Қўймаяпти-ку бу,— Султонни кўрсатдим.

— Ишга десанг борай, лекин...

— Лекини йўқ,— гапини бўлдим.— Кетдик.

Султон бизни даҳлизга бошлаб кирди. Хонадаги танишларга, қишлоқнинг «оғзи катта» кишиларидан уч-тўрттасига кўзим тушди: Комил Махсум, Абдуҳолиқ калта, Темирхон ва бошқалар.

— Ия, Нодиржон келибдилар-у! Қани йигит, ишлар қалай, бешми?— сўрашиб кетди Комил Махсум. Сўрашдик. Халил амаки ёнимга ўтирди. Махсум ош буюрди. Дастурхонда нон бўлаклари, шўр данак пўчоқлари ва олма пўсти, анор доналари бир-

бирига аралашган. Кишида беҳузурлик пайдо қилади.

— Халил, буларни йиғиштир,— деди Абдуҳолиқ калта, дастурхонга ишора қилиб.— Яна тошкентлик меҳмон айб қилмасин,— менга қараб тиржайди. Даврада шунча киши туриб, амакига иш буюрилгани нафсониятига қаттиқ тегди. Ранжидим.

— Мана ҳозир,— ўрнидан кўзгади у.

— Қимирламанг,— қўлидан тортдим.— Уят-ку, бизлар турган жойда Сиз хизмат қилсайиз.

Амаки нима қилишини билмай, бир менга, бир Абдуҳолиқ «калта»га қаради. Султон тезлик билан туриб, амакига буюрилган ишни бажарди.

Кимдир олдимизга қизариб пишган бозори кулча билан нишолда қўйди.

— Хўш, Нодирбой, Тошкан жойидами? Нарх-навоси қандай, харажат кўтарадиган нарсалар сероб бўлса керак-ов?— сўради Абдуҳолиқ калта.

— Масалан,— кўзига тик қарадим.— Нимани нархини айтай, сизга нима керак?

— Тошканингга «Ипподром» деган бозор бормиш. Товуқни сутидан бошқа...

— Калта қил!— жеркиб ташлади Темирхон.— Қани, ошдан олчи Нодиржон, хафа бўлмайсан-да аканг ўргилсин.

Индамасдан иштаҳа билан нишолдадан ея бошладим. Махсум пахта гулли пиёла-ларга ароқ қўйди ва бирини менга узатди. Олмадим.

— Ичардинг шекилли. Қўлимни қайтарма.

— Узатманг унга, ичмагани маъқул,— деди Халил амаки.

— Сен аралашма,— Темирхон найзадек юқорига буралган мўйловларини асабий равишда ияги томон қайира бошлади. Бу унинг аччиғи чиқаётганлигини билдирарди. Абдуҳолиқ калта пиёлани олдига қўйди.

— Шунча узоқ жойдан келибсан, битта оласан энди,— Темирхон гап ташлади. Шу чоқ «тарақ» этиб эшик очилди. Қўзлари олазарак Сиддиқ кириб келди. Оёғида катта этик, бошида эски дўппи, устида қўпол гавдасини яшириб турган узун чопон. Болалигидан хаёли қочган дейишарди. У бизлардан уч-тўрт ёш катта эди. Ёшлигимизда чўчирдик ундан. Кейин-кейин кўркмайидан бўлдик. Унинг одамларга зарари тегмасди. Сиддиқ кўрпачага чўкалади ва дастурхондан қўли етганча парварда олиб, олдига тўплади. Ҳовучлаб оғзига солиб, бақувват тишлари билан «қасир-қусур» чайнай бошлади. Чой узатдим. Икки қўллаб тортиб олди. Ачиндим унга. «Ёшгина йигит жинни-я. Шундай иссиқ кунда эғнида чопон».

— Сиддиқ, тур ўрнигдан, уят бўлади!—

деди жаҳли чиққан Махсум. У индамай шифтга, деворга ва дастурхонга қараб, кўзларини ўйната бошлади.

— Ош беришди сенга, тур чиқ!— бақирди Абдухолик «калта».

— Ху-ху! У-зинг чиқ,— деб қўйди Сиддиқ дўриллоқ овози билан. Яна ишини давом эттирди.

Уни жимгина кузатиб турган Халил амаки олдига қўйилган пиёлани қўлига олди. Хайрон бўлдим: «Ичмасдику ёки мени кутказмоқчимми?»

— Мен шу ароқни Сиддиқнинг тузалиб кетиши учун ичаман. Сиддиқжоннинг тўйига ҳам хизмат қилайлик. Сўзимга қўшилганлар ичсин.

Бундай гап ҳеч кимнинг хаёлига келган эмасди. Бир лаҳза кайфдан сузилган кўзлар чарақлаб очилди. Кишлоқда, ҳатто оиласида ҳам унутилиб борилаётган Сиддиқ шу ерда назаримда қайта туғилгандек бўлди. Ҳамма пиёлалардаги ароқни ичиб юборишди. Менда Сиддиққа нисбатан бир меҳр пайдо бўлаётган эдик, буни қандай қилиб унга англатишни билмай қиналардим. «Яхши ниятга ҳамма қўшилди. Бир мен...» Беихтиёр қўлимни дастурхонга узатдим. Жонҳовли битта парвардани оғзимга ташладим. «Ширилик-ку! Зора тузалиб кетса...»

— Сиддиқжон, кетдик, кабога сув ташиймиз,— деди Халил амаки ўрнидан турар экан. Сиддиқ секин қўзғалди. Узи ҳақида бир илиқ гап айтилганини сезди шекилли, ўтирганларга бирма-бир қараб, «хо-холаб» кулиб юборди. Сўнгра бошини эгиб, катта қадамлар ташлаб амакининг кетидан эргашди.

Булар кетгандан сўнг даврадагилар жонланди. Турмоқчи бўлдим. Хонадагиларнинг узук-юлуқ гаплари ёқмади. Гўё бу ердан файз кетгандай эди.

— Халил акангни кетганига хафамисан? Утирсанг-чи, бундоқ, галимиз-гапимизга қовушсин,— деди Махсум чўкалаб ўтираркан. Озроқ сабр қилдим.

— Шу Халилга ҳам хайронман,— гап бошлади колхоз беда қоровули.— Дунёдан бефарзанд ўтма, хотиннинг ҳеч ёққа кетмайди, бошқасини ол десам нима дейди денг: «Сиз колхознинг текин бедасидан боқиб, бозорга сотаётган мол эмас менинг хотиним, тез-тез алмаштириб турсам. Шунчани кўрган худо мени кўрмайдими?»— дейди нодон.

— Нодонга куюнманг,— қўл силтади Махсум ва ошнинг гўштини майдалаш учун гулдор дастали пичоғига илдирди.

— Москвага ҳам бориб келдик, Нодирбой, энди сени олдинга ҳам бир бормоқчимиз,— Абдухолик калта ўтирганларни ўзига қаратди.

— Бориб келлими ё сотиб келлими?— Темирхон чўнтагидан нос қовоғини чиқариб, тиззасига «тип» этиб бир урди-да, сўнг, кўзларини қисиб:— Гапириб беринг у ҳам эшитсин,— деди.

«Қизиқроқ гап бўлса керак» деб Абдухолик калтага қарадим.— Э, булар бир қарич гапни чўзиб осмонга етказди, ишонма Нодир,— деди у айтгиси келмай.

«Бирор нарсани дурустгина пуллаганга ўхшайди» — ўйладим.

— Кўпчиликмидингизлар?— гапга солиш учун сўрадим.

— Ҳа, бир-иккита тожик улфатлар билан.

— Москва ёққими?

— Ёқдику-я, шу десанг Нодиржон, мен ўзбекка ўша ерда тан бердим. Супиргигача пулларкан-э...

Даврадагилар янгилик эшитгандек, унга хайрон бўлиб қарашди.

— Ўзбекка эмас, ўзимга денг!— Шартта ўрнидан турдим. Бу «доно»лар суҳбатини ортиқ эшитгим келмади.

Ароқ ҳиди анқанг уйдан ташқарига чиққанида тўйхонада елиб-югуриб хизмат қилаётганларни кўриб, кўнглим хижиллиги сал тарқагандай бўлди.

— Нега чиқдинг?— икки челакада сув ташиётган Халил амаки тўхтаб сўради.

— Сувни қўятуринг бирпас,— уни четроққа бошладим.

«Айтмоқчи бўлган гапимдан кўнгли ранжимасмикан?...» ўйланиб қолдим.

— Гапир, нима дейсан?

— Майли, кейин... Шундоқ ўзим...

У мени қайта гапирिशга қўстамади.

— Агар уйда кўпроқ бўлсанг, бизникига ҳам ўтгин,— деди у сувга энгашаркан.

Уйгача хаёлимни у банд этди...

Кейинги икки кунда ҳам кўз олдимдан ўчоқда ёнаётган фўзапояннинг кўкимтир ту-тунига қараб ўйга толган Халил амаки кетмади. Шаҳарга кетадиган куним эрталаб уникига жўнадим. «Кўнглимдагини айтаман». Шу қарор билан эшигининг занжиридан ушлаб, бир-икки силкитдим. «Очиқ» деган овоз эшитилди. Бошимни паст қилиб ичкарига кирдим. Торгина ҳовли. Супани каттакон битта тут дарахти қоплаган. Тутнинг тагида чўп қаравот. Халил амаки бир жуфт эски этикнинг кўнжини кесаяпти.

— Сенмисан, киравермайсанми тўғри. Ким экан эрталаб бизникига келадиган дебман.

— Нима гуноҳ қилди бу?— этикни кўрсатдим.

— Бригадир янтоққа борасан деганди, тиззага бойлаб олмасанг шуни, янтоқ оёққа ботади.

«Хамма ишга шу бечорани югуртиришади. Мўмин одам-да...».

— Кўп яхши келибсан-да, Нодиржон, ўт бу ёққа,— у ишини қўйиб мени каравотга бошлади.

— Меҳмон келди, қарамайсанми, хотин?— амаки ошхона томонга қичқирди ва менга юзланиб:— Сут пиширяпти,— деди.

Амакининг хотини бир давра меҳмонни кутаётган бекадек бесаранжом бўлди. Уйга ҳар кирганида, бир нарса олиб чиқиб, дастурхонга қўяди.

— Янга, кераги йўқ буларнинг, овора бўлманг, тураман мен,— гапим қулоғига кирмайди ҳам. «Фарзандлари бўлганда эди...»

— Ҳозир олдим, янги қаймоқ,— хаёлимни бўлди янга ва косадаги қаймоқни олдимизга қўйди. — Дилором сутни жуда яхши кўради. Шу учун сигир олдиртирдим. Уйда бир ўзи зерикади. Энди бузоқчасиям бор. Шу билан овунади,— у уйга кириб кетди.

«Булар одамни шунчалик яхши кўришадими, айримлар эса қочади булардан. Товба. Дилором ким бўлди? Шу учун сигир олдиртирдим деди».

— Онажон!— дарча эшикдан етти ёшлардаги қизча йиғлаб кирди.

— Сенга нима бўлди, қизим?!— амаки отилиб пастга тушди. Унгача қизча уйга кириб кетди. «Нима бўлибди, кимнинг боласи экан»,— деб қараб турдим. Уй ичидан амакининг:

— Ёлгон, ёлгон, сенга айтмаган,— деб титраган овози эшитилди.

— Йўқ, менга айтдила, менга айтдила-ку, ўзим эшитдим отажон!— қизча олдингидан даҳшатлироқ йиғлай бошлади. Мен саросималашиб қолдим. Амакининг хотини югуриб уйдан чиқди. Яна: уйга кириб кетди. Тоқатсизланиб қайтиб чиқди. У телбалардек пешонасини эшикка урди ва осмонга қараб «уф» тортди.

— Янга!— ўзимни каравотдан отдим.— Сизга нима бўлди, ўзи нима гап?

— Укажон, нега қўшнимиз шунақа экан-а?— у зорланди.— Қизимизга Абдихолик «сени ота-онанг ўлган, асрандисан» дебди,— у ўзини тутолмай, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

— Учир овозингни, ёлгон, ёлгон-ку!— амаки тутаяқиб қичқирди ва Дилоромни кўтариб уйдан ташқарига чиқди. Мен уни биринчи марта шундай қиёфада кўриб турардим: сокин чехраси— даҳшатли, эгилиброқ юрадиган боши-тик ва кишига мулоим боқувчи кўзлари— сабр-тоқатсиз, ғазабдан ялтирарди.

— Ҳозир биламиз, сенга айтмаган,— у қизчани кўтариб кўча эшиги томон юрди. Орқасидан мен ҳам юрдим.

Амаки қўшнисни — Абдухолик калтанинг уйи томон бурилди ва дарвозасига етганда, Дилоромни ерга қўйиб, чақирди.

— Холиқ!!!— унинг бўкирган овозидан қизча бир учиб тушди.

Ичкаридан майкачан Абдухолик калта чиқди. Чарчаган ва уйқудан қолганлиги кўзларидан сезилиб турибди. Ҳозиргина Ғиждувон бозоридан қайтганга ўхшайди. Машинаси ҳам шундоқ чанги артилмаганича дарвозахонада турибди. «Бозордан келганда болалари билан Дилором ҳам уйнаб ўтирган. Шунда болага совуқ гапни айтган номард...»

У «овоз эгаси шумикан» дегандай амакига ҳайрон тикилди.

— Ақлинг савдогарчиликка, кучинг гўдакка етдими, ҳароми!— амаки уни силтаб остонадан тортди-да гиппа бўғди. Дилором отасининг ёввойи ҳаракатидан қўрқиб, орқага тисланди.

— Уп оёғини, сенга айтганим йўқ де, ярамас!— Халил амаки ҳамон бўғишда давом этарди. Абдухолик калта ортиқ мувозанатини сақлаб туролмади, ўзини ерга ташлади. Шунда амакининг қўли унинг бўғзидан чиқиб кетди.

— Қизим, қизим, айтганим йўқ, сенга айтганим йўқ,— Абдухолик калта ерга дароз чўзилиб, Дилоромга илтижо қила бошлади.— Сенга айтганим йўқ...

Амаки дарҳол Дилоромни кўтариб олди. — Эшитдингми, сенга айтганим йўқ дейяпти, эшитдинг-а, қизим,— у бапани бир неча марта такрорлади.

Дилором ҳайронликдан ва бир оз қўрқувдан бошини тез-тез қимирлатиб қўйди.

— Тур-е махлуқ, кир катагинга,— амаки шундай деди-да, уйига қайтди.

У Дилоромни ҳали йиғлаб кирган хонага олиб кириб қўйди. Қизча бир оз тинчиди шекилли, амаки уйдан хотиржамдек чиқди. Иккимиз ҳам индамай олдинги жойимизга ўтирдик.

Қизчанинг кимлиги менга ҳам аён бўлди. «Айримлар борни кўролмайди, йўққа беролмайди деганлари шу экан-да». Кўнглимдагини амакига айтиш учун пайт келди, дөб тушундим:

— Тўйхонада айтолмаган гапимни энди айтсам майлими?

— Гапир-чи,— амаки қизиқиб, қулоқ солди.

— Қишлоқдагиларнинг каттасидан кичигигача хизмат қиласиз-у, аммо сизни ҳурматизни, тўғрироғи, қадрини билишмайди. У паст овозда жавоб берди.

— Мана, сен билибсан-ку, нега ундй дейсан?

— ...  
— Киши бировга хизмат қилса, билсин

деб қилмайди. Тўғилибманки, шу қишлоқ суини ичиб, нонини ейман.

— Тўғрику-я, лекин, мана,— этикка ишора қилдим.

— Жазирзада осонми янтоқ чопиш. Бугун янтоққа, эртага қирқимга. Бошқалар ҳам бор-ку!

— Тўғри, одамлар кўп. Лекин, ишим йўқ уларга.

— Нега?

У бир лаҳза жимиб қолди. Бари бир «нега»га жавоб тополмайди. Буни ўйлаб ҳам кўрмаган...

— Хўш, янтоқ чопишга бормадим ҳам дойлик. Унда нимага эришаман? Савдогарчилик қилайми? Пул йиғиб, мошин олай-да, бозор-ўчарга ишлатиб, пулини чиқариб, сотайми? Мен бу ишни қилолмайман! Қўлимдан келадигани мана шу,— амаки супадаги кетмонни кўрсатди,— меҳнат.

У қизча турган уйга ўйчан қаради, энди унинг чехрасида олдинги ғазабдан бошқача ҳолат-сокинлик ва меҳрибонлик пайдо бўлганди.

— Биз ҳам фарзанд ўстиряпмиз,— у юзимга тикилди. Меҳнатим унга сабоқ бўлар. Дилором уйга кирганидаям, чиққани-

даям шу катта кетмоним супада туради. Унинг олдидан терлаб-терлаб меҳнат қилишим керак,— амаки бутун оғирлигини бир қўлига ташлаб, ўрнидан турди. Тутнинг осилиб турган шохидан баргини узди-да:

— Овқатга уннаяпсанми?— сўради хотиндан.

— Поезддан кечга қоламан,— эътироз билдириб ўрнидан турдим. Унинг кўзларига қарашга уялардим. Назаримда кўзлари «Ақл ўргатмоқчимисан» деб мендан кулаётгандек туюлди.

— Озгина ўтир.

Қарадим. Йўқ. Амаки олдингидай самимий соддалик билан термулиб турибди...

Уйимиз томон юраман. Мен билан бирга «Укажон, қўшимиз нега шундайкин-а?» деган овоз ҳам бирга юради. Тўхтайман. Худди амаки: «Қўлимдан келадигани шу, меҳнат» деб қаршимдан чиқаётгандек бўлади. Яна юраман. Хаёлимда Абдихолиқ калтанинг тўғри гапидан даҳшатга тушиб юм-юм йиғлаётган қизча пайдо бўлади. Балки, қизча тўғрисида ҳам ўйлаш керакдир...

«Бу келишимда албатта унга расмли китоблар келтираман»,— дея кўнглимга тугиб қўйдим...



Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак, лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур гапларнигина қолдириш учун талантнинг ўзигина кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак.

АБДУЛЛА ҚАҲҚОР



---

# Адолат РАҲМАТОВА

---



1959 йили Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Ҳозир шаҳардаги медицина билим юртида ўқийди. У ўқувчилик йилларидан буён шеър машқ қилиб келади. Адолат Каттақўрғондаги ёш ижодкорлар уюшмасининг аъзоси.

## ШЕЪР ҲАҚИДА

Унда жам асрлар қўйнидаги ишқ,  
Унда жам неча минг фусункор баҳор.  
Оламни запт этган бу сирли қўшиқ,  
Менинг ҳам қалбимни этибди ишғол.

## УЧҚУНЛАР

Томчилай бошлади баҳор ёмғири,  
Ёмғирмас, қуйилар томчи-томчи дур.  
Мириқар энтикиб она ер бағри,  
Сахий табиатнинг эҳсони будир.  
Навбаҳор фаслидан бергандек дарақ,  
Самода янгради момоқалдироқ.

Бошини кўтарди қирда бойчечак,  
Ёмғирда чўмилди майсалар узоқ.  
Булутлар қатини тилкалаб роса,  
Гулдурас чақмоқлар чақнади тўлиб.  
Чақмоқдан сачраган учқунлар эса  
Қирларда унибди лолалар бўлиб.

## ҚОШЛАР

Шоирлар бор таърифчан  
  буткул.  
Шеър битарлар боқиб  
  чиройга:  
Эмиш киприк найза, лаблар  
  гул,  
Қиёслашар юзларни ойга.

Чимирилмай, турса гар кулиб,  
Юз чиройин очади қошлар.  
Гоҳи қанот, гоҳи ёй бўлиб,  
Ошиққа ўқ сочади қошлар.

Шахло кўзлар нигоҳи илиқ,  
Ухшатишар мовий самога.  
Қошларни-чи? Усма тортғлик,  
Қиёслашар уни камонга.

Гарчи қаро бўлса-да, аммо  
Ундан асли қоралик йироқ.  
Шунинг учун мен ҳам доимо  
Қора қошни мадҳ этгум  
  кўпроқ.

## УМР

Ҳар қуррали, ҳар бир он шамолдек елар,  
Душним, мамуллими ўтган ҳар дамнинг?  
Умр нитобини парақлар йиллар,

Шу китоб ичида севинч ва ғаминг.  
Шундадир очилган толе ғунчаси,  
Бахт билан қорилган оташ ҳисларинг.  
Ташвишли умрингнинг ўтди ғунчаси,  
Яхшилик бобида борми изларинг?



Қадимги шоирлар ўлкаси бўлган ўзбек тупроғимиз-  
нинг ҳар бир қаламкаши овозига ҳурмат ва сергаклик  
билан қулоқ солиб, жозибалик янграқ, шод-хуррам  
қўшиқларни ҳузур қилиб тинглаймиз. Суюнча муҳтож  
қаламнинг, имкони борича, кўмаги бўлишга интиламиз.  
Адабиётнинг келажак чинорлари шу ниҳоллардан ка-  
мол гопади.


**ЗУЛФИЯ.**

---

# Муҳаммад РАҲИМ

(Мадирим САФАРБОЕВ)

---



1948 йил Гурлан районида туғилган. Ҳозир ўрта мактаб ўқитувчиси.

---

## ЭРК ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Энтикиб-энтикиб оқади дарё,  
Қайиқ чайқалади сувнинг бетида.  
Тўлқинларга кўкрак керарди, аммо  
У боғлиқ туради қирғоқ четида.

\* \* \*

Олам мовий либосда...  
Эриниб ёғмоқда ёғғир.  
Гужумлар қуббасида  
Елвизак ўйнар ғир-ғир...  
Олам сархуш, осуда!  
Айтинг, дўстлар, бу не сир?  
— Баҳорий гўзалликдир!

Булбул куйлар саҳарлаб,  
Товланмоқда уфқ алвон ранг...

Гул ийманиб очар лаб,  
Табассумига қаранг.  
Қуёш кимни сўроқлаб,  
Тарар сирли ун, оҳанг?..  
— Баҳорий ғазалликдир!

Ҳаёт — дарахт. Бир боқ,  
Унда мангуга ўсиш бор.  
Новдасига сиғмас оқ,  
Куртак кўзи унга тор...  
Бу не сир, бу не жумбоқ,  
«Ҳар баҳор ҳам шу бўлар такрор»?  
— Баҳорий азалликдир!

## УФҚ ТУБИДА БИР СЎНИК ЮЛДУЗ

Уфқ тубида бир сўник юлдуз,  
Лип-лип этиб турар ҳар замон.  
Бу — туннингми ёнарди қалби  
Ё менингми, кўзим нигорон.

Узун тунлар ололмадим тин,  
Ишқ юлдузи балқигани он.  
Бу — сенингми ёнарди қалбинг  
Ё менингми, кўзим нигорон...

## СЕВГИ

Минг қуёш тафтини беролар эмиш,  
Киприкка кифтини беролар эмиш.  
Кўнгилни маст айлар шундай нарсаки,  
Кўзларингдан излайман ўзим...

Ой юзингга тушган кичик хол эмиш,  
Лаби шабнамдану ёноқ ол эмиш.  
Сеҳрғар жодуга ўхшаш шундай  
нарсаки,  
Юзларингдан излайман ўзим...

Дилларда очилган қизил гул эмиш,  
Ёниб куйлагувчи бир булбул эмиш.  
Фикрга ўт пуркар шундай нарсаки,  
Сўзларингдан излайман ўзим...

Аҳволимни айтсам, ёр қилар ўгит:  
— Кўп овора бўлманг, изламанг  
йигит.  
Мен ҳам кўпдан бери шундай нарсани,  
Ўзларингдан излайман ўзим!..



## Дилшода САИДОЛИМОВА

1952 йили Самарқанд область Оқдарё районида туғилган. СамДУнинг филология факультетини тамомлаган. Ҳозир Ғафур Ғулом номи Адабиёт ва санъат нашриётида кичик редактор.

### УЧИБ КЕЛГАН ҚУШЛАР

#### Қатрала

Сут оппоқ, беғубор, айрон ҳам, лекин  
юксисининг мазаси бир-биридан кеча билан  
гундуздек фарқ қилади.

\* \* \*

Булоқ суви қанчалик тоза ва соф. У тоғ  
юшидан ана шу сифатлари билан нагста  
интилади. Лекин ҳамма вақт ҳам дарёга ти-  
ник этиб келолмайди. Йўлда лойқа қори-  
шиб қолади.

\* \* \*

Ақлга бир лаҳза бўйсунмаслик, ҳис-туйғу  
ни бўшатиб қўйишлик бир умрлик пу-  
даймонликка сабаб бўлади.

\* \* \*

Пинҳона изтироб қанчалик оғир бўлса,  
яширинча қувонч ҳам шунчалик оғир.

\* \* \*

Дунё мавжудотлари жуда қизиқ-да: ни-  
ма учундир чивин эсини таниган кундан  
бошлаб — ахлатга, асалари учини ўрган-  
ган кунидан бошлаб гулга қўнади.

\* \* \*

Фақат ўлимгина одам боласини виждон  
азобидан қутқаришга қодир.

\* \* \*

Инсон йўқотган бойлигини вақт ўтиши  
билан топиши, яна тўплаши мумкин. Аммо  
йўқотган ишончини, тўқилган обрўсини ор-  
тиқ қўлга киритолмайди.

\* \* \*

Етиш мумкин бўлмаган нарсага қўл чў-  
зиш — сувдаги ойни қувлашдек гап.

\* \* \*

Ҳаёт-улкан тўйхона. Бу улғу анжуманга  
ҳар ким топганини, кучи етганини олиб ке-  
лади ва шунга яраша тўёна олиб кетади.

\* \* \*

Дунёдаги барча мавжудотлар ўз шодлик  
ва ғамини ичига сиғдира олади, фақат  
инсонгина бундан мустасно. У ўз дарду ға-  
мига бардош беролмай найни, куй ва ға-  
зални яратди. У ўз севинчини яширолмай  
чирмандани, рақсни ва табассумни ўйлаб  
топди. Балки шунинг учун ҳам у Инсондир?

\* \* \*

Уруш — бамисоли битмай қолган яра. У  
тугагандан кейин ҳам узоқ йиллар кўзлар-  
дан қонли ёш, юраклардан аччиқ фарёд  
отилиб туради.

\* \* \*

Ёлғончи учун рост гапириш уволдек тую-  
лади.

\* \* \*

Саҳоватли одамнинг элга қарам қилга-  
нини бахил кўрса ҳам ич-ичидан куяди.

\* \* \*

Томирларида қон юриб турган ҳайкал-  
лардан кўрқаман...

\* \* \*

Либос ва тақинчоқ танининг, ақл ва сўз  
эса қалбнинг безаги.

\* \* \*

Хаёл шундай бир учқур отки, унга сув  
ҳам, ўт ҳам керак эмас. Фақат жилловини  
бўш қўйсанг бас! Истаган жойингга олиб бо-  
ради, хоҳлаган кишинг билан суҳбат қурди-  
ради ва яна ўз уйингга келтириб ташлай-  
ди

\* \* \*

Муҳаббат — ҳамиша очилиб турган  
шундай масъума гулки, унга шу пайтгача  
гард кўнган эмас, бундан сўнг ҳам қўниши  
мумкин эмас.

\* \* \*

Кўзлар тил калимага келмай қолгандаги-  
на сўзлайдилар. Икки ошиқ юрак талпиниб  
турганини нигоҳларгина барала айтиб бе-  
ради. Ажал чангалидаги бемор атрофга  
умид ва илтижо билан боқади, бунда ҳам  
тил ожиз, аммо кўзлар унсиз сўзлайди.

\* \* \*

Умид — қоп-қора тун қаърини ёритиб  
турган гулханга ўхшайди. Орзу-умидли йў-  
ловчи тун қанча қора ва қўрқинчли, ма-  
шаққатли бўлмасин, гулханга етиб боради.

\* \* \*

Нодон бошқалар фикрини тан олмайди  
ва ўз билганидан қолмайди.

\* \* \*

Тоғ юксакдан ўсиб келиб ерга туташган  
эмас, ердан бошланган. Буюкларнинг она-  
си ердир.

\* \* \*

Кунлар дарёдек шошиб ўтаркан, дилга  
гоҳ шодликдан, гоҳ ғамдан гавҳар ё қуйқа  
ташлаб кетади.

\* \* \*

Ёмон сўз — заҳарли ханжар.

\* \* \*

Керагида фойда бермас оқилдан, керак  
сўзни англалолган гунг афзал.

\* \* \*

Севдим дея сиринг очма оламга,  
Ишқ олмамас улашгани одамга.

\* \* \*

Оқил билан суҳбат курсанг, кўнглинг  
хушнуд этарсан,  
Аҳмоқ билан бирга бўлсанг, ўзинг абгор  
этарсан.

\* \* \*

Бойликка қўл чўзган киши бир умр  
интилган нарсасига етолмайди. Чунки бой-  
лик шунчалик чуқур жарки, унга кўз тикиб,  
интилган кимса тобора тубанликка, қоп-қо-  
ронғу бўшлиққа тушиб, кўзлари нур ва  
рангларни, қалби гўзалликни, димоғи муат-  
тар ҳидларни, қулоқлари куйни эшитмайди.  
Оқибатда вужуди бойлик жарининг совуқ  
бир тошига айланиб қолади.

\* \* \*

Қуёш кулгисидан олам, она кулгисидан  
хона мунаввар.

\* \* \*

Гапириб пушаймон ема, гапиролмай доғ-  
да қол...

\* \* \*

Она меҳри — тошқин булоқ.

\* \* \*

Бахтсизликдан бахиллик туғилади.

\* \* \*

Шодлигимга чек қўймай десанг, кўзи  
очиқ кўрлар бошлаган йўлдан юрма.

\* \* \*

Зиналарнинг мармар бўлгани яхши,  
аммо қалбларнинг эмас...

\* \* \*

Уй остонадан — кашфиёт хаёлдан бош-  
ланади.


\* \* \*

Олма пишиб етилгач, узиб олинмаса тў-  
килади, фикр ҳам.

\* \* \*

Бебаҳо ўтган дамларни қўмсайсан, беҳуда  
ўтган дамларни нетасан?...





---

## Раҳима СОДИҚОВА

---

1950 йили Тошкентда туғилган. ТошДунийнинг журналистика факультетини тамомлаган. Биринчи шеъри 1968 йил «Ленин учқуни» газетасида босилган. Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ишлайди.

### МУРҒАК МУҲАББАТ

Яна баҳор.... Кўзин уқалаб,  
Уйғонмоқда сармаст табиат.  
Ялпиз терар ариқ ёқалаб,  
Қўлларида жажжи бир сават,  
Юрагида сирли муҳаббат,  
Жингалак соч, соҳибжамол қиз.

Ялпиз терар яшил бу олам  
Яшнатади қизнинг кўзларин.  
У унутган онасин «Болам,  
Тезроқ келгин» деган сўзларин.  
Нимагадир ёниб юзлари,  
Ўз-ўзига берар савол қиз.

Қиз билмайди ким экан ўша,  
Тунлар уни бедор этувчи.  
Билмас ҳали ўйлар ҳамиша  
Ким эканин бахтга элтувчи,  
Ким экан у қалбин тутувчи?  
Фақат сурар ширин хаёл қиз.

Бирдан, яна ялпиз оралаб —  
Очилибди бир туп қизғалдоқ.  
Шўх энтикиб кетди мурғак қалб,  
Гулни узиб оларкан, шу чоқ  
Илк бор кучди мурғак бир титроқ...  
Ҳали муҳаббати ҳиллол қиз.

### ЁГДУЛАРГА ҚОРАМАН

Ёлғизоёқ йўлдан мен  
Кетардим ёлғизгина.  
Хаёллари уфқни  
Қуча олган қизгина.

Ёлғизоёқ йўлдан мен,  
Борар эдим олисга.  
Қаршимда пайдо бўлдинг,  
Пайдо бўлдинг оҳиста.

Ёлғизоёқ йўлдан мен  
Интилардим уфқ томон.  
Саодат уфқи бўлиб,  
Узинг бўлдинг намоён.

Ёлғизоёқ йўлда мен  
Ҳамроҳ бўлган ёлғизим.  
Наҳотки тўғри келмиш,  
Сенинг билан юлдузим.

Ёлғизоёқ йўлдан мен  
Сен-ла мағрур бораман.  
Сен бор жойда зулматни —  
Ёғдуларга қораман.

### ҚОЯДАГИ ҚУШ ҚАЙИН

Қоядаги қўш қайин  
Силкинар сирли, майин.  
Ун беш кунлик ойдаин  
Тўлиб келай қошингга.

Толиққанда мадоринг,  
Номинг куйлаб бедоринг,  
Азизинг, вафодоринг —  
Бўлиб келай қошингга.

Ёнингдан қизлар хандон —  
Утганда бўлиб армон,  
Бахтинг куйлаб бегумон  
Кулиб келай қошингга.

Тушганида ҳижрон, ғам,  
Букилмаса иродам,  
Дегаймисан ўзинг ҳам:  
«Қойилман, бардошингга?»

### КЎЗЛАРИМГА ТИКИЛМА ЗИМДАН

Кўзларимга тикилма зимдан,  
Табассумни дема қарашма.  
Юрагимни менинг кўзимдан  
Англолмайсан битта қарашда.

Кўзларимда яширин уммон  
Ҳам қуёшнинг туганмас нури.  
Кўзларимда — бу сирли жаҳон,  
Букилмаган қизлик ғурури.

Кўзларимда — навбаҳор ҳусни,  
Қувончларнинг акси садоси.  
Кечаларнинг тим қора туси,  
Кундузларнинг ёрқин сафоси.

Кўзларимда дарёи азм,  
Акс этади мавжлари билан.  
Кўзларимда — бир дунё назм,  
Ўқий олсанг, авжлари баланд.

Кўзларимда — менинг олашим,  
Қорачиғим — ернинг кўрраси.  
Кулгу билан енгган алашим  
Ғалабамнинг битта зарраси.

Кўзларимга боқма олисдан,  
Баҳо берма қараган замон.  
Ҳар нигоҳим яралур ҳисдан —  
Кўзга кўзлар бўлса таржимон.



---

# Рустам СОЛИЖОНОВ

---



Наманган областининг Чуст районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. Ҳозир «Область газетаси — «Наманган ҳақиқати»да ишлайди.

---

## ЛЕНИН

Қуёшга интилиб яшайман,  
Субҳидам у бўлар кутганим.  
Беҳуда эмасдир, беҳуда  
Уфққа юзимни тутганим,  
Қуёшга интилиб яшайман.

Тандаги томирим ҳар нури,  
Оташи сийнамда жўшган қон.  
Дўстга меҳри,  
Душманга қаҳри,  
Қуёш дилга ато этган жон,  
Тандаги томирим ҳар нури.

У — сахий, билмайди  
не ҳасрат,  
Доимо нур сочиб туради.  
Асрлар оҳ, тортиб ўлкалар  
Қуёшга қўл чўзиб кўради,  
У бўлса билмайди не ҳасрат.

Бошқа бир қуёш бор,  
у лекин —  
Мудраган ўйларни ёритди.  
Чок этиб мазлумлик тўнини  
Толега башарни у элтди.  
Бошқа бир қуёш бор, у лекин  
Кўкдамас инсонлар қалбида,  
Бу — Ленин!

## ИШҚ

Қуёш кетди,  
Қўл силкир япроқ.  
Кенг уфқ бўялмиш қип-қизил рангга,  
Оқшом чўқар —

Тун...  
Қалбимда бироқ  
Эртанги кун  
Олмиш аланга!!!

## ЭЪТИРОЗ БЎЛСА ГАР

Узоқ тунлар ёзган шеъримни  
Нозли Марям йиртиб ташлаган.  
**Шерали ТОШМАТОВ.**

Уйимга шошаман, уйимга,  
Соғиниб кетдим-ку қизимни.  
Нозли бир ғунчадир ўйимга,  
Олгандир ихтиёр-изимни.

Кулгусин таърифлаб ўтирмай,  
Бари бир сизмайди минг шеърга.  
«Дадажон, келсангиз куттирмай,  
Биз бундай соғиндик, биз бирга»—



Дейди-ю, чирт юмар кўзларин,  
Бўйнимдан қучоқлаб олади.  
Шеър қилдим бу кеча сўзларин,  
Шеърим ҳам хушчақчақ бола-да.  
Қизим-чи?— улғаяр йил ўтиб,  
Келажак кутмоқда интизор.

Мен-чи?— қўлга ҳассамни олиб  
Уфқларга етиб боргим бор...  
Уйимга шошаман, уйимга,  
Соғиниб кетдим-ку қизимни.  
Эътироз бўлса гар шеъримга,  
Эртага узарман қарзимни!!!

### КЕТИШИМ КЕРАК

Кетишим керак,  
Манзилга етишим керак;  
Ҳали олдимдадир  
Неча туну кун.  
Оёқларим толса,  
Бардош йўқолса,  
Наҳотки умримга  
Ясарман якун?  
Мени кутар  
Йўлда.  
Е саҳар

Чўлда  
Ҳали юрмаган,  
Ҳали кўрмаган  
Кўп манзилгоҳлар.  
Бошловчи бўлсам,  
Олд томон юрсам.  
Чин йўлдош атасалар,  
Чин инсон санасалар!  
Менинг қалбим  
Фақат  
Шуларни хоҳлар!!!





## Сабриддин САДРИДДИНОВ

1944 йили Тошкентда туғилган. Марҳум шоир устоз Ғайратий раҳбарлик қилган адабиёт тўрагагига қатнашган. Ҳозир Узбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетида ишлайди.

### МЕН ИШЧИМАН

Фахрия

Мен ишчиман,  
Болғам таратган садо  
Салобатли

аммо, тинчликка қафил.  
(Элларни кезувчи эй, боди сабо,  
Ишчи матонатин элга ёй, куй қил.)

Ол байроқ фонида чўғдай порлаган  
Уроқ ила жипс ўша болға — мен.  
Жангларда сафларни олға чорлаган,  
Беш йиллик синовда вазмин дарға—мен.  
Меҳнатда синалган комсомол ўзим —  
Зарбаси шиддатли, қўллари чечан.  
Беш йиллик синовда синалган сўзи:  
Изларимда кулган, толедан чечак.

Она ер фарзанди — мен ишчиман, ишчи,  
Манглайимда бахтдан кўёш балқиган.  
Бир бахтки, мулойим, нурли, бегубор,  
Бахтки, мансуб улуғ совет халқига.  
Шундан юрагимда жўшади илҳом,  
Матонат, иродам сирлари шунда.  
Ерга сайқал бериб дилимда ором  
Соатлар мазмунин топдим секундда.  
Мен ишчиман, танти, оловқалб, сергак,—  
Ер шарин елкада тутмоққа қодир.

Чунки, эл ишқи-ла тепади юрак,  
Чунки, юрагимда эл ишқи бордир,  
Шу ишқдан яралган жисмим аро жон,  
Жон демаким, қалбим, борим, вужудим,  
Одамлар, шу ишққа келтиринг имон,  
Ишқдан олам аро мен одам бўлдим.  
Мен ишчиман,  
Болғам таратган садо  
Ерга солмиш ларза,  
Тўлганмиш денгиз,  
Тоғлар ҳайқиришиб берар акс-садо:

«Мен ишчиман!»  
Болғам садосин тенгсиз  
Уйғоқ қитъаларга етказмиш сабо.  
Тин олмайди болғам,  
Тин олмайди юрак,  
Замину даврлар олмагандек тин.  
Даврлар бор, тарих варағида жим,  
Давр бор йилларга солади сурон.  
Асрлар ташийдир салмоқдор юкин,  
Шу даврни яратдинг Ленин жонажон!  
Шу қутлуғ замоннинг содиқ фарзанди  
Мен болға соҳиби ишчиман, сергак.  
Тўлқиндек шиддаткор, баҳордай танти  
Асримнинг кўксига бахш этган юрак!

## ОҚИБ КЕТМА

Оқиб кетма,  
Оқиб кетма,  
Кўм-кўк денгиз ичра ой.  
Оқиб кетма,  
Қоғоз кема —  
Оққан янглиғ ариқдан.  
Сени кўрсам,  
Тирилади —  
Болалик очар чирой,  
Сени кўрсам,  
«Болам!» деган  
Сас келади борлиқдан.  
Фарзанд бўлмоқ  
Улчовли бахт,  
Қош-кўз орасидай вақт.  
Ёниб-сўнган  
Чақмоқ каби  
Сурондор завқли ва тез.  
Шу дамларда  
Қуриб берсанг,  
Онаизорга олтин тахт,  
Пойларига қўйсанг бошни.  
Термулсанг тўйиб шу кез.  
Оқиб кетма,  
Оқиб кетма,

Кўм-кўк денгиз ичра ой.  
Оқиб кетма,  
Қоғоз кема —  
Оққан каби ариқдан.  
Сени кўриб тирилтирдим,  
Эркалигим қайтди, той —  
Кабии ўйнаб,  
Турмай ўйлаб,  
Қучоғига отилдим...  
Оқиб кетма,  
Оқиб кетма,  
Ойжон, оқиб кетмагил.  
Кетганлар кўп,  
Қайтганлар йўқ,  
Дил безиллар кетишдан.  
Оқиб кетсанг,  
Қайтмас бўлиб  
Мақсадинга етмагил.  
Қайтиб келсанг,  
Чарчамасман,  
Юрагимни чертишдан.  
Оқиб кетма,  
Оқиб кетма,  
Кўм-кўк денгиз ичра ой...





---

## Сирожиддин САИДОВ

---

1958 йили Сурхондарё область Сарийосиё районида туғилган. ТошДУ журналистика факультетининг талабаси.

---

### ҲАЛИ МЕНИНГ ҚУШИҚЛАРИМ...

Хали менинг қўшиқларим гуллар баргида,  
Хали менинг қўшиқларим диллар дардида.  
Қўшиқларим асрор тўла — самоларнинг бағрида,  
Ҳарир-ҳарир ёғаётган шул қорларнинг гардида.  
Дарёларнинг шиддат тўла тўлқинларида,  
Ёмғирларда куйланади менинг қўшиғим.  
Мен улардан қўшиғимни оларман бир кун,  
Ва уларни қўшиғимда жойларман бутун.  
Мен тошларга тил бағишлайман,  
Токи сўйласинлар

нима сабабдан

беғуноҳ Ҳамзанинг боши устига

Улим бўлиб ёғилдилар дўл каби.

Тўйчининг «Она» дея пичирлаган лаби

Қўшиғимда ғунчадай очилиб

куйлар баралла.

Оналар тунлари куйлаган алла,

Она сути каби оқ варақларга,

Она кўзларидан кетган нур шаклида

Қўшиғимда ёзилажак!

Мактаб партасида буюёқлар кўмган

икки ном

Уйғонар ўз қўшиғимда.

Ва муаллим кўриб қолган илк ишқий хатим

тирилар қайта.

Мен уни ўқийман қўшиқлар айта.

Улар кутмоқдадир ўз куйчисини.

...Ушанда,

Ҳамзани, Тўйчини соғинган гуллар,

Дарёлар, ёмғирлар

Дарёлар, ёмғирлар

қўшиқ айтарлар

Қутлаб янги қўшиқчисини!


## БОЛАЛИК ДАРАХТИ

Қўйинг, дарахтимни кесманг, отажон,  
Қаранг беун йиғламоқда эгилган шохлар.  
Сиздан шафқат сўрар яшил япроқлар,  
Раҳм қилинг, кесманг, отажон!  
Эслайсизми,

Бола эдим мен,  
Олма ўғирладим.  
Жаҳлингиз чиқиб,  
Хипчин билан саваладингиз.  
Бу дарахт ўша хипчин!  
Отгандингиз сиз уни ерга,  
Мен-чи, аламинни олай деб  
Ерга кўмгандим уни.  
У дарахт бўлди —  
Мен билан қадма-қад ўсди,  
улғайди.

Мен ҳам улғайдим.  
Орзулар уйғонди мурғак дилимда,  
Олисга йўл олдим,  
Дарахт маъносина кузатиб қолди,  
Ойлаб онам каби боқди йўлимга!  
Қўйинг, дарахтимни кесманг, отажон,  
Қаранг, ахир йиғламоқда эгилган шохлар —  
Қайтмас бўлиб кетган болалик чоғлар —  
Шохларда болалик йиғлар, отажон,  
Шафқат қилинг,  
болалигим кесманг, отажон!  
Менинг дарахтимни кесманг, отажон...





---

## ШУКУР СОДИҚОВ

---

1959 йил Самарқанд область Каттақўрғон районининг Жарқудуқ қишлоғида туғилган.

Тошкентдаги полиграфия техникумининг талабаси. Ҳозир Совет Армияси сафида хизмат қилмоқда.

---

### УҚИТУВЧИМГА

Устоз, сизга тутай ажиб гулдаста,  
Гулдастаки чаманзордан топилмас.  
Тўфонларда сўлиб қолмас бирпасда  
Бир ғунчаки, хазон уни ёпоямас.

Уни эқдим қалбимнинг энг кўрига  
Меҳр билан унга ҳаёт бердингиз.  
Етаклаб сиз илм-фаннинг тўрига  
Дилга меҳр солиб қўйган эдингиз.

### ЕШЛИГИМ

Дарё бўлиб бердинг юракка далда,  
Куч бўлиб ҳайқирдинг билакларимда.

Шунда мен қудратинг сездим, ёшлигим,  
Ҳаёт уммонида, эй куёшлигим.

Булбул куйларида сенинг изминг бор  
Балким изминг эмас худди ўзинг бор.

Булбул гулшанини лол этиб кетар,  
Гулнинг ёноғини хол этиб кетар.

Булбул каби кетсанг ҳамки ёшлигим,  
Бироқ ташлаб кетгил қалб куёшлигим.

### ҚАЛАМИМГА ВА ҚАЛБИМГА

Агар ҳақиқатни ёзмасанг қалам,  
Қалбимда алам.  
Агар ҳақиқатни кўрмаса кўзинг,

Йўқ босган изинг!  
Унда яшамаган бўламыз, ачин —  
На сену на мен...

### ИЛҲОМГА


Қамраганда шодлик вужудим,  
Шеър ишқиде бир дард бўлиб кел.  
Ногоҳ босса ғусса, ғам юки,  
Юрагимга ҳамдард бўлиб кел.

Илҳом, келгил эсганида ел,  
Ром этганда табиат мени,  
Кел, дилимга қўшиқ бўлиб кел —  
Шому саҳар қўмсайман сени.

---

# Жонибек СУВОНҚУЛОВ

---



Сирдарёлик. А. Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатган. Ҳозир «Сирдарё ҳақиқати» газетасида ишлаётир. Шейрлари «Ёшлик сурури», «Ёшлик баёзи» альманахларида босилган.

---

## ҲАВАС

Баҳорги анҳорларнинг тошқинлиги ҳавасли,  
Арғумоқнинг асовли шошқинлиги ҳавасли,  
Умрнинг тутқич бермас қочқинлиги ҳавасли,  
Галнинг ҳам, қасамнинг ҳам ҳақ-чинлиги ҳавасли.  
Эзгуликлардан бешиб, ҳавассиз қолган кўнгил—  
Ҳасадда ёнган кўнгил.

Ҳасадга мубталолик — одамнинг орсизлиги,  
Умрнинг бирор қутлуғ матлабга ёрсизлиги,  
Йилнинг гўё гул фасли — яъни баҳорсизлиги,  
Уткинчи еллар янглиғ изсиз — қарорсизлиги,  
Ҳаваснинг сўнганлиги — сўнганидир юлдузнинг,  
Қалбга кўчгани музнинг.

Меҳрсизлик, дўстсизлик — одамликдан маҳрумлик,  
Дарбадарлик, танҳолик оролига маҳкумлик,  
Ундайларни боғлар ип, дўстлик эмас, машъумлик,  
Улар аҳди хиёнат, улар маслағи — шумлик,  
Ундайлардан жирканиш, ғазабланиш ҳам бахтдир,  
Аксинча қалб карахтдир.

Одамнинг жамолига — само шаффофлиги важ,  
Аламнинг шамолига — суҳаннинг лофлиги важ,  
Қадрнинг саволига — бурднинг исрофлиги важ,  
Одамнинг камолига — ниятин софлиги важ.  
Умидлар манзилига, уфқларга ошиқлик —  
Бу — даврга қўшиқлик.

Сахий, беминнатликда ҳаёт гар қуёшчалик,  
Бир кун ботар кўнглингга тиканчалик, тошчалик.  
Сенга ҳамроҳ топилмас саботу бардошчалик —  
Муваққат бўлсанг ҳамки киприкдаги ёшчалик —  
Ҳавас сени олдинга чорловчи шамчироқдир,  
У билан йўлинг оқдир.

Елғизлар учун ётдир ғурур, тили бурролик,  
Орзусизлик уммонида икки кема аролик.

Дўстлар ҳавас қилмаса сенга — кўнгли қаролик,  
Бундай яшаш, наздимда, ғамдир, мотамсаролик,  
Яхшиликка ҳавассиз, лоқайд, бепарво қолиш —  
Севги, яшашдан толиш!

Юксакликка ҳавасдан — чўққиларнинг қорлиги,  
Ҳавасдандир баҳорнинг умрларга ёрлиги,  
Ҳавасдан болаларнинг руҳан мард-шунқорлиги,  
Ҳавасдан, йигитликка ўлчов номус-орлиги,  
Шунинг учун баралла яшасин ҳавас, дейман,  
Яшасин ҳавас — имон!

## ЮРАКДАГИ ВАТАН

Саболарнинг сийнасида битта кўшиқ бор,  
Саҳарларнинг мудрашида сирли донолик.  
Булоқларнинг ўйинида ўзга йўсун бор,  
Қушчаларнинг нағмасида оламмаънолик —  
Сенинг мадҳинг ва шарафинг эрур бу зотан,  
Юракдаги Ватан!

Одамларнинг боқишида оловкор руҳ бор,  
Давримнинг ҳар одимида самовий шитоб.  
Хаёл кезган фалак бугун инсоний меҳвар,  
Уфқ ортидан ёрқин манзил айлайдир хитоб.  
Булар шаҳдинг ва тезлигинг эмасми зотан,  
Юракдаги Ватан!

Курашларнинг тўлкинида сенга хос меъёр,  
Иқлимларнинг ҳарорати сенинг кўксингдан.  
Сендан сайқал олаяпти ҳар олис диёр,  
Сендан нажот кутаяпти ҳар бир ўксинган —  
Жаҳон сенга толеини ишонган зотан,  
Юракдаги Ватан.

Қайлардадир сени кесар гарчи чегара,  
Сарҳад билмай яшагайсан чексизликсимон.  
Эзгу туйғу соқчи бўлган юраклар аро  
Бахту иқбол тимсолидай қолгунг бегумон —  
Бу курашиб эришилган ҳуқуқинг зотан,  
Юракдаги Ватан.



Халқнинг чин ўғиллари учун халққа самимий хизмат-  
дан кўра юксакроқ, муқаддасроқ нарса йўқ.


ОЙБЕК



---

## Холмўмин ТЎХТАЕВ

---



1954 йил Сурхондарё областининг Шўрчи районида туғилган. Ҳозир Тошкент Политехника институтининг талабаси.

---

\* \* \*

Тунги сокинликдан шивирлар осмон,  
Хаёлимда эса лаҳзалик висол.  
Осойиш қалбимга солдинг сен туғён,  
Хаёл кўзгусида кўрсатиб тимсол.  
Зухро юлдузидан сўрадим сени,  
— Қара-чи, дугонанг бедорми бу тун.  
— Мендан сўроқладинг нечун сен уни,  
Соғинч, ишқ сиригдан келдими устун.  
Унинг хаёлини ўйламагин, қўй,  
Сени ўйламас у бу дамда сира.

Менга халал берма сокин куй тўқий,  
Бедорлик элитгандир уни бу бора.  
— Ахир сезгансан-ку, ҳатто ўзинг ҳам,  
Висол онларига шоҳидсан гоҳо.  
Ё кўзгаб қўйдимми рашқингни бу дам,  
Дугонанг меҳрини қизгандингми ё?  
Майли оромига бермагил халал,  
Ширин орзулари этгандир сархуш,  
Тунги тушларин ҳам бузмагил бу гал,  
Балки хаёллари бўлмиш тотли туш.

\* \* \*

Бир тола сочингни қил тузоқ дедим,  
Қоп-қора товланар жилоли, тиниқ.  
Сенда бу толалар қирқ мингта балким  
Ва қирқ минг йигитни банд этганинг аниқ.

Қирқ минг йигит ёнур сенинг домингда,  
Талпинганда дилин қийноқлар тузоқ.  
Қирқ минг оҳанг олиб ҳар каломингда,  
Қирқ минг тузоғингдан ўтарсан узоқ.

Балким толаларинг қирқ минг биттадир,  
Қирқ минг биринчига илиндим ногоҳ,  
Тузоқда бўлсам ҳам меҳрим тортадир,  
Қирқ минг тузоқ бекор бўлса эди, оҳ!

□

## Эргашали УСМОНОВ



Фарғона областининг Ўзбекистон районидан. У ТошДунийнинг журналистика факультетида сиртдан тахсил кўриб, район газетасида хизмат қилади. Шеър ва ҳикоялари область ва республика газеталарида босилган.

### «РАҲМАТ ОДАМЛАРИ»

Карима опанинг тоби қочиб, шифохонага ётиб олди. Яқиндагина турмушга узатилган қизи, кичик ўғиллари опадан тез-тез хабар олиб турдилар.

Яқин қўшниларига келин бўлиб тушган Турсуной онаси даволангани ётганидан буён кун-кун ора келиб, ўз ҳовлиларидаги юмушларни ҳам уддалаб, укаларини мактаб, боғчасига кузатиб қўйганидан кейингина ишга отланадиган бўлди.

Карима опа, айниқса маҳалладаги кишилардан жуда хурсанд. Уларнинг инсонга бўлган меҳр-оқибатларига энди тан берганди. Шифохонага тушганидан сўнг унинг саломатлигидан хабар олмаган ёш-қари қолмади. Маҳаллада қўшни аёллар опанинг болакайларидан хабар олиб туришдилар.

Карима опа ана шу қўни-қўшнининг

меҳрибончилиги сабаблими, баъзан ўзини койиб кетарди. Ахир каттагина қишлоққа келин бўлиб тушганига ҳам ўттиз йилча вақт ўтибди. Шунча йил ичида майда-чуйда ишлар, рўзғор, деб ён-атрофдаги одамларга унчалик эликавермади. Табиатан ҳам тўй-маросимга унча хуши йўқ эди. Турмуш ўртоғи вафот қилганидан сўнг эса, кўпчиликка сира қўшилмай қўйди.

Мана, шифохонада анча вақт ётди. Одамлар қанчалик кераклигини, қувонч ва ташвишига доимо эшлигини энди дилдан ҳис этди. Қўни-қўшниларини эслаганда кўнгли кўтариладиган, қалбининг қаеридир «жиз» этадиган бўлиб қолди.

...Опа соғайди. Шифохонадан қушдай енгил тортиб чиқди. Ҳа, у бу ерда икки дардига даво топди...

### КўНГИЛ — ГУЛ...

Салимжон ишдан қайтди. Уйда ҳеч ким йўқ. Хотини ҳали ишдан келмапти. Онаси ҳам кўринмайди. У ўзича койинди: «Кеч бўлгандан кейин набираси билан уйни очиб ўтирмайдими. Доимо кўни-қўшниникида, кўчда».

Бир оздан сўнг кўча томондан набирасини отаклаб Меҳри хола кўринди. У ҳовлига кириб келиши билан аччиғи босилмаган Салимжон онасини «чақиб» олди.

— Ойи, нима бўлди сизга? Доимо кўчадасиз. Мундоқ эшикни очиб, бизнинг ишдан

қайтишимизни кутиб ўтирганингизни кўрмадим. Юриш ҳам эви билан-да, ахир.

Кампир шу куни ўғлининг гапларидан бир оз хафа бўлди, тараддулланиб қўшни қишлоқдаги қизиникига жўнаб кетди.

Салимжоннинг кўнгли тонггача ғаш бўлиб ётди. Онасини хафа қилиб қўйганига пушаймон ҳам еди. «Шу гапни бошқача оҳангда айтсам ҳам бўларди. Кўнги — гул-да, онамни ранжитдим.»

Лекин Меҳри хола ўғлининг кўнглидаги гапни билмас эди. Салимжон онасини доимо кўз ўнгида, уйда бўлишини истарди-да.

# Дилбар ХАЙДАРОВА



1952 йили Наманган областининг Учқўрғон районида турилган. Ҳозир Москвадаги А. М. Горький номи адабиёт институтининг талабаси.

## ДИЛИСТОНИМ

Ҳамма қабристондан қайтди. Аммо унинг дадаси қайтмади. Ана шунда онаси уни ва синглиси Ҳалимани бағрига босиб ўкириб юборди. Каримнинг қўллари онасининг белига чирмашган зулукдек қора сочлари-ю, у боғлаб олган дадасининг белбоғига илашди. Ҳамма онасига тўзим тилаб кетди. Шу-шу улар оилада уч киши-онаси, синглиси билан яшай бошлашди. Онаси далада ишлар, ипак қурти боқарди. Карим энди ўйласа, онаси шу норасидаларни деб куйиб-пишиб меҳнат қилар ва шуларнинг ўқисик бошини силайман деб ўзини ҳар ён ураркан. Ҳалима онасидай меҳнаткаш эди. Баъзан Карим қарашмоқчи бўлса, онаси «қўй ўғлим, дарсингни тайёрла, ўзимиз бир амаллармиз», дер эди. Карим, «мен ўғил боламан, ишни қиз бола қилади», деган ҳаёл билан қўлини совуқ сувга урмайдиган бўлиб қолди.

Гоҳи онасининг қорача, сўлғин юзларига, ўйчан қўй кўзларига қараб «ойим бизни деб қийналяпти, мен эса: ўйиндан бўшаман», деб хижолат тортиб қўяр, лекин болаларни кўриши билан буни унутар, ўйинга берилиб кетарди. Каримнинг ўқишлари ҳам сусая бошлади. Уқитувчилари онасини мактабга чақиришиб унинг ўқиши ва ахлоқини муҳокама қилишди. Она мактабдан бошини кўтаролмай қайтди. Буни сезган Карим ўзини қўйгани жой тополмади.

Онаси уришмади, «дадаси бўлмагани учун ўқсингани етар» деган андишага бор-

ди. Андишани отини кўрқоқ қўйган Карим чакки юрадиган болаларга қўшилиб олди. Аввал ўғлини аяб қаттиқ гапирмаган она, энди унга қаттиқ-қурум сўз айтишдан чўчир эди. Карим эса, она насиҳатига жавобан: «Менга ақл ўргатманг, ўзимни билганим етар!» деб тўнғилларди.

— Тўхта! — Бу ҳайқириқдан болалар ўзларини йўқотиб қўйишди. Қоровул уларни милицияга топширди. Маълум кундан кейин милиция ходимлари уларнинг тавба-тазаруларини инobatга олиб қўйиб юборишди. Лекин, Карим қишлоққа қайтмади. Одамлардан юзи шувит эди. Кирмаган кўчаси, қилмаган иши қолмаган Карим кутилмаганда дадасининг эски кадрдони, полкдош дўсти Зухур ака билан учрашиб қолди. Карим кўрмагандек бўлиб ўтиб кетмоқчи эди, бўлмади. Зухур ака биринчи бўлиб қўл узатди, унинг қўлларини маҳкам ушлади. Шу аллозда улар одамлардан четроққа чиқишди.

— Каримжон, ўғлим, саломатмисан? Сўрашинг ҳам келмайди. Ҳеч бўлмаса дўстим Сатторнинг хурмати учун сўзимга қулоқ тут. Онанг қийналиб кетди. Сени шаҳарда кўрганлар «ундоқ-бундоқ» деб гап таркатаиб юришибди. Онанг бечора адойи-тамомж бўлди. Юр энди, ўғлим, шунча ўйнагани етар. Энди онангга мададкор бўл. Сени деб умрини хазон қилган кишини қандай унутасан, ахир!

Зухур ака куйиб-пишиб гапирарди. Кя-

рим эси таъсирланганини сездирмаслик учун:

Хўп, амаки, кейинроқ борарман, ҳозирлару ишим бор, — дерди боргиси келиб турса ҳам.

Амки маҳкам ушлади.

— Йўқ, олдимга туш, ўғлим. Бирга кетамин! — Зухур аканинг қатъий сўзидан кейин, бошқа гапга ўрин қолмади. Улар уйга юнқурун етиб келишди. Овқатдан сўнг, Карим онасининг ёнида хаёл суриб ётарди. У ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди. Энди онасининг ёнидан жилмайди. У онасига «мана келдим, энди сира қийналмаймиз» дегиси, офисларига бош қўйгиси келаётган бир пайтда синглисининг бегонасирашини кўриб, гижиниб қўйди. Лекин, ҳеч нима демеди.

Тонга яқин кўзи илинди... Юзларини, сочларини биров силаётганини сезди, аста кўзини очди: онаси! Карим беихтиёр «онажон» деб пичирлади. Онанинг бармоқлари унга тенгсиз ҳузур бағишлар, севинганидан юраги дук-дук уради.

— Тура қол, ўғлим! Чой ичайлик, синглинг чой дамляпти,—деди онаси, у ўрнидан туриб ҳовлиларидан шарқираб оқиб ўтаётган ариққа бориб, майкачан бўлиб ювинди. У ўзини қушдай енгил сезарди. Унинг хурсандлиги уйдагиларга ҳам ўтган эди.

— Каримжон, синглинг билан анави тутни кесинглар, барг ҳам тугаб бораёпти, ишқилиб етиб қолсин-да,— деди Зайнаб хола.

— Ойи, ғам қилаверманг, эрта-индин даста қўямиз, барг бемалол етиб, ортиб қолади,— деди Ҳалима катталардек ишонч билан.

Карим тутга чиққанда ўзини янаям ҳушлуқ сезди.

— Ушла, ушла, маза қиласан,— деди синглисига катта шохни эгиб ва ўзи ҳам мирварид шодаларидек товланиб турган туддан оғзига солди. «Маза-а» дегандек ўқисига кўз қисди. Она эса, ўзида йўқ шод болаларидан-полопонларидан айланиб-ўргинида, холос.

Кечга яқин кишлоқ айланиб юрган Карим, ёшлигида китоб ўқийдиган энг сеvimли жойи — шаршара бўйига бориб дам олмақчи бўлди. Кўприкдан ўтди-ю, таққа тўхтади. Тўрт-беш метр баландикдан тушаётган бир анҳор сув ботиб бораётган қуёш нурларидан камалак рангида товланар, ёқимли шовиллар эди. Бир томони пайнисиз пахтазор, уч томони анҳор билан урланган бу чорси майдонча кишлоқ ёшларининг сеvimли жойи эди. Майса устига чалқичча ётиб, хаёл сураб экан, кўнглидаги гўборлар тарқалиб, ҳамма-ҳамма нарса

гўзал, жуда гўзал кўриниб кетди. У атрофга маҳлиё боқаркан, ёнгинасидан қаҳқаҳа эшитилди. Карим шошиб юқорига қаради: телаликдан ёшлиқдан бирга ўсган тўрт йигит тушиб келарди.

— Ие, Каримбой?! Борлами, қайси шамол учирди?— дея ишшайиб кела бошлади Сафар даллолнинг ўғли Тўра. Бел олишиб кўриша кетишди. Ғавдаси кичик олифта Тўра йигитларга «қани-бошладик» дея чордона қуриб ўтириб олди-да, карта суза бошлади. Биргина тракторчи Жўра индамай қўлларини бошига чамбар қилиб ётар, уларга қўшилмасди. «Келмайсанми», дегандек кўзи билан имо қилди унга Карим.

— Қўйсанг-чи, ўшанга тобим йўқ,— деди Жўра.

— Каримбой қўявер, у тупроқ кечишдан бошқа ниманиям биларди. Ё сен ҳам шунақа юришни ҳавас қилиб қолдингми? Тупроқ кечиб донг таратгандан шаҳарда кўзга кўринмай яшаган яхши, тўғрими? Театр, кино, ресторан... оҳ, қандай ёқимли,— дер экан Тўра тилини танглайига тақиллатиб, кўзини сузиб қўйди. У бир вақтлар мол боқиб юрганда сигирнинг шохи теккан тиртиқли қошини кўтарди.

— Узинг-чи, нима қилиб юрибсан бу ерда,— сўради Карим қизиқсиниб.

— Менми... ҳалиги... ҳа, папашадан пул олгани келдим. Мен келмасам бориб менадан аҳвол сўрамайди ҳам. Уқишни ташлаб ишлаётганимни билди-ю, тўнини тескари кийиб олди. Аммо, начора? Бошга тушгани кўз кўраркан. Эртага кетаман, сен ҳам мамашкангни қоқиштириб чик, бир ялло қиламиз-а?

— Кетсанг кетавермайсанми? Сен билан нима ишим бор. Онам даданга ўхшаб даллол эмаски, текин пул топса. Сени қара-ю...

— Нима дейсан,— деди Тўра қўлидаги карталарни тап этказиб ерга ташлар экан. — Шаҳарда чўнтак кесиб юрганингда ҳам ҳалолминдиг? Магазинга тушганингда-чи?.. Сени ўғирлик устида ушлаб олган Толиб ака ҳали ўлгани йўқ-ку! Энди ўла-ўлгунингда ўғрисан! Сен...

Оғир мушт унинг кичик ғавдасини ерга қапиштирди, дами ичига тушиб кетди. Ғазабдан лаблари титраётган Карим роса дўппослаб ҳуморидан чиқмоқчи эди. Лекин, йигитлар ажратиб қўйишди. У устидаги чангларини қоқиб, бир сўз демая кетар экан, ҳамма «ана, ўғри келяпти, ўғри», деяётгандай бўларди. Уятдан, ғазабдан титраб-қақшаб, қоқиниб, суриниб келаётган Каримга онаси пешвоз чиқди.

Карим тилини ютиб юборгандек, чурқ этмади. Унга дунё қоронғи эди. Унинг отасидан қолган орияти жунбушга келган,

тўхтатиб бўлмас эди. Туғилганига пушаймон ер, ҳеч қаерга сизмас эди. Туни билан қийналиб ухлолмай тўлғониб чиқди. У ёнбоши билан бу ёнбошига ағнаивериб ўзи ҳам зерикди. Одамларнинг кўзига қандай кўринаман деган савол вужудини ўртаб юборарди. Тонгга яқин бир қарорга келди. У қишлоқдан бутунлай кетади...

Вокзалда ҳу ўша ота қадрдон Зухур амакига рўбарў келди. Шошиб қолди. Сўрашсинми ё... Йўқ, Зухур амаки қучоқ очиб келди.

— Қачон келдинг? Оббо сен-е, тўлишиб кетибсан. Сатторнинг ўзи бўлиб кетибсан. Эҳ, ўғлим, кўз тегмасин... — амаки гал бермай сўзлар экан бақалоқ бўйинларини, юзларини ялтиратиб юборган терни янги рўмолча билан артди.

— Зайнабхон айтгандир курортдалигимни? Қара, ишим юришганини, бугун келаман, сени кўраман деб ўйламагандим. Ишларим беш-да. Ҳа, айтгандек яна хизматгами, ойинг, синглинг қани?

— Биласизми, амаки... — Карим гап топа олмай гўлдираб қолди.

— Қишлоққа боролмадим... Шунақа бўлиб қолди.

— Нима дединг?! — Зухур амаки туюқиб кетди.

— Ойингни, синглингни кўрмай кимни кўрдинг. Кимнинг боғлоғида турдинг шунча вақт. Ҳалиям ақлинг кирмапти-да.

Калта юбка кийиб, турли тақинчоқ ва бўёқлар орасида кўғирчоққа ўхшаб турган Сабо Каримни сурма қўйган кўзлари билан четга имлади.

— Ким у, Каримчик? — деганида юпқа лаблари чўччайди.

Анграйиб турган амаки қизга нафрат билан тикилиб, Каримга сўзланди.

— Ие, бу пошшахон сенга қарашлими? Ойингдан эшитувдим-а...

Карим амакисининг бошини сараклатишига қараганча хижолатдан қизариб-бўзариб тузукроқ гап тополмади. Нима деб хайрлашганини, амакининг таънасини-ю, Сабонинг фироқларини ҳам англай олмасди. Поезд ўрнидан залворли кўзғаларкан, аламидан лабларини қаттиқ тишлади. Қисмига етиб келганида ҳам кўнгли очилмади. Анчадан кейин синглисидан хат олди. Бу хат эмас, нишонга отилган овозсиз ўқ эди. Карим изтиробдан ўзлигини йўқотди. «Сиз бизга, онамга тиргак бўлмадингиз. Онажонимни кўзларини гирён қилиб ташлаб кетдингиз». «Сиз разил одамсиз», «Сиздан нафратланаман»... Бу каби сўзлар йигит юрагига наштар бўлиб санчилди. У онасини, қишлоғини ўйлаб туни билан мижжа қоқмай чиқди. Эртаси синглисига узундан-узун хат ёзиб, кечирим сўради. Уларга теле-

грамма юбориб, 8 март байрами билан тибриклади. Хатларининг бирида олти ойлик қизчасининг суратини қўшиб жўнатди!..

Анчадан буён касал ётган хола ёстиқдан бош кўтарди дегунча тараддудга тушиб қолди. Ҳа, у буви бўлганидан терисига сизмасди. Инқиллаб юриб кулча ёпди. Яхши ният билан набирамга деб тикиб қўйган қўйлакча ва қалпоқчани олиб, Ҳалима билан қудасиникига борди. Уларни совуқ кутиб олишди. Сабо ҳам қовоғини очмади. «Вой жонингни олгур, қишлоқи-ей, сenga кимни кўзи учиб турувдики, инқиллаб келмасанг», қуданинг ҳовлидан шанғиллагани эшитилди. Қиқирлаб кулаётган Гулбаҳордан кўзини узолмаётган Зайнаб хола «худди болагинамнинг ўзи-я», деганини сезмай қолди. У чақалоққа қалпоқ кийдираб экан: «Бахтли бўлгин, қизим, умринг узун бўлсин», — дерди овози титраб. Уйдагиларнинг рўйхуш бермаётганини ич-ичидан сезиб турган Ҳалима «кетамиз» деб туриб олди. Хола эса Гулбаҳорни бағрига босиб дәрдли термилар, набирасидан кунгил узолмасди. Жигаргўшаси ҳам ҳадеб унга талпинарди...

Онани йўл азоби толиқтириб қўйди. Унинг соғлиғи баҳор ҳавосидек, гоҳ ундай, гоҳ бундай бўлиб турарди. Ҳалима гоҳ касалхонага, гоҳ далага югуравериб тинкаси қуриди. Ранги-рўйи эса эндигина касалдан турган одамни эслатади. Акасидан тез-тез хат келса-да, қалбининг бир четидаги «муз» эримасди. Акасининг «яқинда хизматим тугайди, ҳамма нарса ўз ўрнига тушадими» деб ёзган хатларига парвосиз эди. Лекин онасига ўқиб берса йиғлаб тинглар, хатни кўзларига суртиб ўпарди. Шу кеча ҳам ўша хатни ёстиқдан олиб кўзларига суртиб, ўпди. Алаҳлай-алаҳлай ҳушидан кетди. Йиғидан кўзлари қизариб кетган Ҳалима илтижо билан докторга термилди:

— Тузалармиканлар?..

Каримнинг «бугун-эрта бориб қоламан» деб ёзган хати келганда уни ҳеч ким олиб ўқимади. Оназор Каримнинг дийдорига зор бўлиб кўз юмган эди. Карим, албатта, онамининг ёнига бориб, оёқларига йқирилиб ёлвораман, кечирим сўрайман, деган ширин хаёллар билан хурсанд юрарди. Зухур амаки имзосидаги телеграмма унинг бошига тош теккандек зарба берди...

Уйга кириб келганда унинг йўлига ҳеч ким чиқмади. Уй уни ютиб юборгудек, гўё ўқрайиб тургандек эди. Уйга кирмади, тўғриси киролмади. Чамадонини ҳовлига ташлади-да, оёқлари қалтираб қабристон томон йўл олди. Йўлда синглисини учратди. У индамай қабристонга бурилди. Карим эса, худди шу қора либосли, ёш туриб қадди бир оз букилган, қоқсуяк қизининг орқасидан

ни олткорона юриб борарди. Дардли нигоҳ  
билан синглисига қарайди. Бояқиш озиб-  
тузиб кетибди. Маънос кўзларида яшириниб

ётган маънолар Каримга аён. У ўйларди:  
«Дилистоним-онанг изларидаги қатра туп-  
роқни топиб ол-чи энди»...



**Тил — тафаккур қуроли. Тилга палапартиш муносабат-  
да бўлиш — палапартиш, ноаниқ, тахминан, нодуруст  
фикр қилиш ҳамдир.**

**АЛЕКСЕЙ ТОЛСТОЙ**

# Отабек ФАРМОНОВ



Бухоро областининг Навоий районида туғилган.  
Ҳозир у Навоий районидаги «Гигант» совхозида од-  
дий ишчи.

## БАМ ЕЛҚИНИ

Осмон қаърин ёриб чақин,  
Бир лаҳза солгандек из.  
Тайга кўксин ёриб ёлқин  
Мангуликка солар из.  
Бир ёлқинки, шуъласидан  
Алвон Сибирь уфқи ҳам.  
Бу ёлқиннинг номин дерлар:

Тинчлик,

Дўстлик,

Ёшлик,

БАМ!

Шундай ёлқин алангаси,  
Само қадар етажак.  
Олов тафти пўлат қуйиб,  
Узоқ шарққа кетажак.  
Шу ёлқиндан балқиб Сибирь

Кўз-кўз қилар хуснин ҳам,  
Гўзал ёлқин номин дерлар:  
Тинчлик,

Дўстлик,

Ёшлик,

БАМ!

Олов юрак, чўян танлар,  
Пўлат муштар зарбини.  
Тотиб кўриб титраб ётар,  
Кўҳна Сибирь замини.  
Сокинликни тарк этгандан  
Завққа тўлиб замин ҳам,  
Шодлигидан ёлқинни дер:  
Тинчлик,

Дўстлик,

Ёшлик,

БАМ!

## ЕШЛИГИМ

Тоғ бағрида ўйноқ шалола,  
Зилолингдан унибди лола,  
Тошга сакраб сен оҳу мисол,  
Юзларимга қўйдинг зумрад хол.

Шўхликларинг ва бебошлигинг,  
Эслатади менинг ёшлигим.  
Оҳ ёшлигим, мангу навбаҳор!  
Қуёш каби ёрқин, беғубор.

Чўққилардан юксак, сервиқор,  
Шалолодек тошқин ва қувноқ  
Тортқилайсан қалбимни йироқ,  
Билмам уни қайга элтарсан,  
Балки сўнгра ташлаб кетарсан...

Лекин сендан олға борарман,  
Сени қалбда сақлаб қоларман!  
Сочларимга қўнганида қор,  
Сен дилимга бўлиб ифтихор  
Ва бахш этиб кўзларимга нур,  
Юзларимда ён, бўлиб шуур.

Тенгдошларим кўнглин этмай ғаш,  
Фақат солай қалбига оташ.

— Ҳа, қурғур чол, ҳали ёш, — десин, —  
У баққуват, сербардош, — десин.  
Юрагида уйғонса ҳавас,  
Шунинг ўзи етар менга бас.

## ОНА ҚАЛБИ

Ҳар кун тонгда шу йўлдан ишга бораман,  
Утаман жангчи қабри олдидан ҳар кун.  
Мунис бир онани бунда кураман,  
Утади шу қабр ёнидан ҳар кун.

Билсам, унинг ёлғизи жангдан қайтмаган,  
Ҳатто ундан келмаган бир хату хабар.  
Она дардин ҳеч кимга бирор айтмаган,  
Уғлига деб гул терар ҳар кун тонг маҳал.

Майин шамол тортқилар доқа рўмолин,  
Гўдак каби силайди қордек сочини.  
Тонгда қуёш қаршилар мунис жамолин,  
Тўкма, дегандай боқар, кўзинг ёшини.

Она буни сезгандай кўтарар бошин,  
Кўзларида барқ урар илиқ табассум.  
Меҳри билан сийпалаб қабрнинг тошин,  
Билмам неларни ўйлаб узоқ қолар жим.

Балки ўйлар ўғлининг жангда мардлигин,  
Қирғин солганини ёвнинг бошига.  
Фарзанди тупроқда олмақдадир тин,  
Ёш қўшилиб унинг ўн саккиз ёшига!

Шунинг учун ҳар тонгда гуллар тераркан,  
Канда қилмай келаркан унинг бошига.  
Мангу сўнмас оловга салом бераркан,  
Иссиқ қафтларин қўйиб қабр тошига.

## ҚУШЧИНОР

Поездимиз силжир жойидан,  
Ҳамроҳ экан бир йигит, бир чол.  
Чол узатиб менга чойидан,  
Саволларга кўмди у дарҳол.

— Омонмисан, ўғлим, йўл бўлсин?  
— Раҳмат, дедим, — Сизга отахон,  
— Омон бўлинг, Сизга йўл бўлсин?  
— Бораяпман пойтахтга томон.

Чойни хўплаб, чолга боқаман,  
Кўзларида ўйнар табассум.

Чол қалбида қувонч топаман,  
Гарчанд менга тикилса ҳам жим.

Сухбатимиз этади давом:  
— Ота-онанг омонми, ўғлим?  
— Иккиси ҳам ҳаёт, соғ-омон,  
Шодлик билан тошади кўнглим.

— Ота-она давлатдир, ўғлон  
Уларга жон бахш этар фарзанд.  
«Қўш чинорнинг бор экан омон,  
Улар сенга толедир баланд.

## ТОҒЛИКЛАР НАФОСАТИ

Дўстим агар йўлинг тушса яйловга,  
Меҳмон бўлиш тўғри келса ўтовга,  
Тоғликларнинг одатини билиб бор,  
Тортинчоқлик одатинг тарк қилиб бор.  
Сўраб турмай салом бериб кириб ол,  
Энг биринчи кампир, чолнинг қўлин ол,  
Чой устида моли-жонин сўраб қўй,  
Вақтим зиқ деб шошма улар сўяр қўй.  
Қолдирмасдан егин қатиқ-қаймоғин,  
Тортинмасдан сўра уруғ-аймоғин.  
Чой бўлди деб қайтариб пиёлани,  
Уялтирма чой берган қиз болани...  
Билмай қўйсанг, пиёлани тўнтариб,  
Яна тўқсон пиёла чой сипқариб,  
Ичмоғингга тўғри келар ўшанда,  
Чўпон қизи шодон қилади ханда.  
Пиёлани ёнбош қилиб қўя қол,  
Чой ичишдан қутуласан сен дарҳол.  
Бўйдоқ бўлсанг чўпон қизга кулиб боқ,  
Бир қарашда юрагига олов ёқ.  
Агарда қиз кўзин олиб қочса бас,

Билгин унда куртак отди зўр ҳавас.  
Йигит кўзин олиб қочса кулади,  
Аямасдан уни мазах қилади.  
Қиз кўзига тик боқмоқлик кўп қийин,  
Лекин қизга ёқмоқлик ҳам кўп қийин.  
Иродангни тўплаб дўстим сен бир оз,  
Тап тортмасдан боқиш учун қил илож.  
Диққат билан қилиб тургин эътибор,  
Мийиғида кулиб чиқса тезда бор.  
Ёрдам қилгин қудуқдан сув олишга,  
Қарашиб тур охурга ем солишга,  
Болтани ол саксовулдан ёриб бер,  
Челак билан янганга сув олиб кел.  
Овқат пишгач бешбармоқдан тўйиб ол,  
Устидан сўнг қимиздан ҳам қўйиб ол.  
Гаплашиб ёт сўнра, ўтган-кетгандан.  
Билганингча айтгин яқин ўтгандан.  
Тонгда сени узатишиб қолади,  
Кўп йўлгача кузатишиб қолади,  
Сен уларнинг меҳрин олиб кетарсан,  
Юрагига яқин қолиб кетарсан.



Лекин қалбинг яна келмоқ истайди,  
Сени ҳар дам яйлов томон қистайди.  
Бу тоғликлар қалбининг соф-поклиги,


Олиҳиммат ва кўнглининг оқлиги.  
Бу уларнинг расми-русми одати,  
Бу тоғликлар қалбининг нафосати.

### УМР

Умримни дарёга тенг қилиб кўрсам,  
Кўп экан ирмоқлар унда дарёдан,  
Дарё тўлқинлари туғён урса ҳам  
Кучсиздир дилдаги ҳар муддаодан.

Умрни бир денгизга қиламан қиёс,  
Денгиз гоҳ шамолсиз муаллақ, сокин.  
Умрим денгизини ҳеч вақт беқиёс,  
Тўлқинсиз тасаввур қилолмам локин.





## Мели ФАРМОНОВ

1947 йили Нарпай районида туғилган. Ҳозир Каттақўрғон шаҳрида чиқаётган «Зарафшон» газетасида ишлайди.

### КОМСОМОЛ МОНОЛОГИ

Буюк асримизнинг дастлаб нидоси,  
Шонли Авроранинг ўчмас садоси,  
Менга йўл кўрсатди Ильич даҳоси,  
Кун сайин улғайиб топдим камол ман,  
мен комсомолман!

Бахт учун қўлимга қуроли олдим илқ,  
Сув, ўтга, ўлимга доим боқдим тик.  
Дилдаги мақсадим фақат эзгулик,  
Дунёда мен асло топмас заволман,  
мен комсомолман!

Қўрғошин селини ёғдириб ажал,  
Оғзин очиб бизга қараган маҳал,  
Матросов, Суянов бўлиб галма-гал,  
Дўстларнинг кўксига эсган шамолман,  
мен комсомолман!

Олдга интилдим-у, мен топдим имкон,  
Саодат топмоқлик бўлмайди осон,

Мен кучажак Қарши ва БАМдаги шон,  
Юртим теграсида балққан иқболман,  
мен комсомолман!

Ишчиман, кончиман заводда, қонда,  
Дарахт кесувчиман қалин ўрмонда,  
Тракторга миндим кечиб кетмондан,  
Яшнайти Мирзачўл, Сибирь, хушқолман,  
мен комсомолман!

Ватан саодатин ўйлайман мудом,  
Бахт, тинчлик қўшиғин куйлайман мудом,  
Уқиш, ўрганишни қўймайман мудом,  
Само юлдузларин кучган хаёлман,  
мен комсомолман!

Не-не синовлардан мардона ўтиб,  
Ҳар тонгни шодумон қаршилаб, кутиб,  
Коммуна байроғин қўлларда тутиб,  
Башарият қилган орзу, имконман,  
мен комсомолман!

### БАТАН ҚУШИҒИ

Қўшиқ — юрагимга қўшиқ солади,  
Олам ҳам кўзимга қўшиқ кўринур.  
Қўшиқдан гул, ҳаёт, тонг уйғонади  
Ҳар саҳар қалбимдан қўшиқ қуйилур.  
Ҳар неки бўларкан ҳаётда пайдо,  
Қўшиқ куйламасдан асло туролмас.

Ҳар кимки қўшиққа бўлмаса шайдо,  
Қўшиқ тўғрисида хаёл суролмас...  
Агар юлдузларда бўлса мавжудот,  
Албатта топамиз, ё улар бизни...  
Узга бир оламда қилсак ҳам инжод,  
Қўшиғин куйлаймиз ўз еримизнинг...

## БАҲОР МАНЗАРАСИ

Тушида болани қўрқитди кимдир,  
Сесканди, лабига жуфт учуқ тошди.  
Тонгда — хонасига аста киргач нур  
Бола ҳадиксираб кўзларин очди.  
Она ер боладек ухларди тунда

Бирдан гулдуради момоқалдироқ,  
Тушида қўрққан у боладек — шунда  
Бир силкиниб тушди, тутди қалтироқ.  
Сўнгра, ер лабида тошгандек учуқ  
Бўртиб-бўртиб чиқди жайдар замбуруқ...



Мен меҳнатнинг нималигини биламан: бу ер юзиде  
барча шод-хуррамлик, барча яхши нарсаларнинг ман-  
баидир.

А. М. ГОРЬКИЙ



## УСМОНЖОН ШУКУРОВ

1946 йил Андижон областининг Андижон районида туғилган. 1966 йилдан бери шеърлари область ва республика матбуотларида босилади. Ҳозир у Андижон шаҳридаги 50-урта мактабда тил ва адабиётдан дарс беради.

### ТОНГДА

Қушлар чуғурлашар саҳарни қутлаб,  
Баланд чўққиларга ёйиларкан нур.  
Сабо ғунчаларга босиб кетар лаб,  
Дилимда кўзголар қиёссиз сурур.

Ҳар нафас — заҳматкаш юрак тепиши,  
Улчов бўлолмайти умрга чама.  
Лаҳзада мангуга яшади киши —  
Фазодан Заминга кўнганда кема.

Зиё чопишидан илдамроқ бугун  
Ҳаётнинг илгари қадам ташлаши.  
Ерда жаҳолатга ясапти якун  
Ғолиб Коммунанинг мағрур яшаши!

Бизларда кундалик ҳақиқатдир бир  
Боғлар кўкартириш, шаҳарлар қуриш.  
Вақтнинг сийловин билмасанг ахир  
Телбалик саналур ордан югуриш.

Ошиққа ҳар қандай шаробдан зўрдир  
Маъшуқа лабида милдираган нам.  
Гарчи кўзи қора, юракка чўғдир  
Икки кўз нурланиб учрашган бир дам.

Қуёшни сиғдирар инсон ҳовучи,  
Ақли гул очади ҳар бир тилсимда.  
Мен оппоқ шу тонгни хаёлан қучиб,  
Мардона юрибман Коммунизмда...

### МУҲАББАТ

Иккимиз бир вақтда толганмиз уни,  
Ушанда оламга сиғмай кетганмиз.  
Ушанда биздайди отнинг учқури,  
Унда юлдузларга зумда етганмиз...  
Денгизлар, уммонлар, томчилар янглиғ  
Тоғлар ушоқ каби туюлган эди.  
Мисоли жамики олов, нур, яллиғ  
Бизнинг юракларга қуюлган эди.  
Тўғрай парвозида орзу парвози,  
Сукунат сўзида — дил изҳоримиз.  
Гуллар япроғида — булбул овози,  
Шу муштоқ кўзларда — ошкор боримиз  
Барглар қарсағида табрик кўрардим,  
Тонгнинг отишида — оппоқ поёндоз.

Қуёш ёнишида — дилдаги дардим,  
Ойнинг ботишида — гўзалона ноз.  
Маълум эмас эди ушанда исми,  
Номлаш қийин эди иккимизга ҳам.  
Меҳр деб атасак чала эмасми,  
Дўстлик деб атасак қилар эди кам.  
Иккимиз бир вақтда толганмиз уни,  
Бир вақтда толган у иккимизни ҳам.  
Кўзимизга сиғди, ажаб, шу куни  
Хаёлга сиғмаган поёнсиз олам.  
Оламни яширган қорачиғларда  
Олам ташвишлари бўлди жамулжам.  
Олам ташвишларин енгилшга далда —  
Куч энди етарли иккимизда ҳам!

## ОНА

Жигарпорасини бағрига босар,  
У шундан топади лаззат, ҳаловат.  
Қутлуғ оғушида бир инсон ўсар,  
Қалбида чексиздир унга муҳаббат.

Покликни ўрганиб шу пок сийнадан,  
Не улуғ инсонлар топгандир камол.  
Бу — одам наслини доим ардоқлаб,  
Олам бешигини тебратган Аёл!

## БАҲОР ЧЕЧАКЛАРИ

Баҳор чечаклари безаган сўқмоқ  
Мени етакларкан катта йўл сари.  
Дер: «Олиб чиққанман ўшал йўлга, боқ  
Ундан ўтаётган кишилар барин».

«Манзилга боргунча етарми сабот?»  
Сўқмоқ йўл-йўлакай саволга тутар.  
Мен дадил сураман катта йўлга от,  
Катта йўл уфққа туташиб кетар...

## БОҒДА

Ўрик оқ рўмолин йиғиштирибди —  
Фарзанд меҳри билан бахтиёр жувон.  
Олма қанот ёзиб гулга кирибди,  
Иқболи кулган қиз янглиғ шодумон.

Нопармон ранг қўйлак кийди шафтоли  
Содиқ навбаҳордан мамнун, миннатдор.  
Унда боларининг дил ўртар боли,  
Унда қиз лабининг майин мўйи бор.

Ариқ қўшиқлари нафис таралар,  
Сабо қанотида гуллар элига;

Боғ ўз куйчисини илиқ қаршилар,  
Барра майсаларни тўшаб йўлига.

Яшашнинг залварли юкин кўтариб,  
Чумоли карвони чиқибди йўлга.  
Ернинг манглайдан ажини ариб,  
Хурсанд қулоқ солар куйчи булбулга.

Боғнинг ҳавосида оловли бир руҳ,  
Боғнинг танасига яшил югурмиш.  
Боғда ҳукмрондир кўкариш, шуқуҳ,  
Боғда бошланибди бир ширин турмуш.

## УМИД

Гулбаҳор тонги, қалам,  
Ёз ишқ деган мавзуда ҳам,  
Бўлсин ул наврўз каби  
Тўғёнлигу осуда ҳам.  
Лоланинг бағрига ишқ чўғин,  
Не тонг, солмиш қуёш,  
Шул сабаб япроғида  
Ул нам тутар, бергида ҳам.  
Сен қачон пинҳон нигоҳ-ла  
Ташладинг кўнглимга ўт,  
То хануз кўзимда сув,  
Оташ ёнар бағримда ҳам.

Бу олов авжи баланд,  
Сўнмас умр сўнгигача,  
Кўзларим сели унга  
Кор этмасу, беҳуда ҳам.  
Лабларинг кўрдим неча ғарқ  
Қатра тер маржонига,  
Бир ажиб лаълқим лабинг,  
Ёғду сочар у сувда ҳам.  
Ғунчалаб, шеърим ҳаёт  
Ғули каби этсанг қабул...  
Шу умид ўртар мени  
Ўнгимда ҳам, уйқуда ҳам.





## Назар ШУКУРОВ

1955 йили Шаҳрисабз районида туғилган. Ҳозир ТошДУ география ва табиатшунослик факультетининг талабаси.

### СОНЕТЛАР

\* \* \*

Танҳо шамс юлдузлар учун бир рўё,  
Самода кечса ҳам ҳаёти зотан.  
Тийра шом шодумон таратиб зиё,  
Тунларни атагай табаррук Ватан.

Измигда бўлсин деб бу икки жаҳон,  
Танҳолик дардида ёниб тобора —  
Кунни ҳам, тунни ҳам этолмай макон,  
Оқибат ўртада ойдир овора.

Недир тун, ситора ва недир кўлка,  
Кўёш ҳеч биридан чақолмас маъни.  
Кўргани, билгани шу ёруғ ўлка,  
У борки шу маъво суюк маскани.

Ватаним, мангуга она этайин,  
Кечирма, юрсам гар беюрт, бетайин!

\* \* \*

Харсанглар туфайли тоғлар вазмин, тик,  
Беҳасрат яшайди салобат тўкиб.  
Уларсиз бир кун ҳам кўролмай хурлик  
Пурвиқор қомати қоларди чўкиб.

Сарафроз зирҳини этиб кенг гўша,  
Оқ наво тўқийди ором топган қиш.  
Қалблардан иштиёқ уйғотган, ўша —  
Харсанглар тоғларнинг фарзанди эмиш.

Бошига кўтариб айлаб эҳтиром,  
Чўққини илк бекат этган Кўёшга.  
Ирмоқлар қуйилиб баланддан беном,  
Куйлайди урилиб шу содиқ тошга.

Шунинг-чун бир ҳарсанг кетса, тоғ-дара  
Оламни титратиб тортаркан наъра!

### МАЖНУНТОЛ

Сочи билан тўсиб юзини,  
Ғамгин турар Мажнунтол мудом.  
Еллар эса юпатиб уни,  
Севинч этмоқ бўлади инъом.

Узоқларга боқмай зинҳор тик,  
Уртанади ғам оташида.

Ҳар дам яшар қомати эгик,  
На кунлардан туйгай нашида.


Ичга ютиб дардларин ёлғиз,  
Ўзгартирмас шаклу вазият...  
Яшагани учун мевасиз,  
Бош кўтармай чекар азият.

## ОРЗУЛАР

Юлдузлар жимирлаб оташин, ёниқ,  
Бир орзу васлини сўзлар мастана:  
— Юксакдан кўзларга ташланиб аниқ,  
Ажралиб турсайдик ойдек ягона.

Тонг отгач ой юзи тортади хира,  
Ўзича пичирлар шунда дармонсиз:  
— Қуёшдек бўлсайдим, қутлуғ нур ичра,  
Бир умр яшардим ўкинч, армонсиз.





## Муҳаммаджон ХАЙДАРОВ

1950 йили Тожикистоннинг Оржоникидзеобод районида туғилган. ТошДУ журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқимоқда. Ҳозир Тошкентда қурувчи бўлиб ишлайди.

### ОЛОМОН ИЧИДА КЕТИБ БОРАМАН

Оломон ичида кетиб бораман,  
Қоқилиб, йиқилиб.  
Тураман, энтикиб чопаман яна,  
Нафасим оғзимга тиқилиб.

Катта йўл тугайди, тарқар одамлар,  
Бир ўзим қоламан шу чоқ.  
Катта йўл тугайди, чиқар олдимдан,  
Мен юриб кўрмаган сўқмоқ.

### КЕЛМАДИНГ

Келмадинг, севгилинг кетди оҳ уриб,  
Сени севганига қилиб пушаймон.  
Тасодифга тўла дунё мулкида  
Яралди ўша кун аламли ҳижрон.

Лекин ошиқларга қилиб мурувват  
Муҳаббат яратди оромбахш висол.  
Висолни яратган буюк муҳаббат  
Садоқат олдида бўлиб қолди лол.

### ДЕРАЗА ОЛДИДА

Дераза олдида ўтириб ўйчан,  
Шоир шеър ёзарди субҳи сабода.  
Варақларни тортқилаб қўлидан ногоҳ,  
Қайгадир учириб кетди шаббода.

Ҳеч ким тан олмаган шоирнинг номи,  
Бўлди юртлар аро жуда ҳам машҳур.

Одамлар топишиб йўлнинг четидан  
Шеърларни ўқиб қилишди ҳузур.

Тонг чоғи шаббода учирган қоғоз  
Шоир юрагидан этганди парвоз.

### ОНАЖОН, ЗАМИН ЁНАЯПТИ

Онажон!

Замин ёнаяпти, кўраяпсизми,  
Уни ёндирмоқда нобакор одам.  
Даҳшатли дорларни кўраяпсизми,  
Одамдир уларни қурган зотлар ҳам.

Онажон!

Еримиз титраяпти, сезаяпсизми,  
Ўтказиб инсонни давр элагидан.  
Қонхўрлар ёстигин қуриб аста  
Чил-парчин қилмоқда тутиб билагидан.



Онажон!

Қайдадир оналар чекмоқда фарёд  
Тирик юрганига қилиб пушаймон.  
Жаллод фарзандининг қилмишларидан  
Қон ютиб шўрликлар қилмоқда армон.

Улар ёқаётган олов ичида  
Жизғанақ бўлмоқда бу кўҳна жаҳон,  
Қани бутун дунё бизга ўхшаса,  
Оналари сизга —  
Онажон.

### ТАБИАТ ҲАЗИЛИ

Қизлар сурмасини тортиб кўзига  
Кечага айланди нурафшон кундуз.  
Узуклар кўзидан нусха кўчириб,  
Кўкда чарақлади саноксиз юлдуз.

Қизарди тонг чоғи хижолат бўлиб  
Синглим хиносидан ранг олиб само

Кейин яратмоқчи бўлиб кундузни  
Унга ранг тополмай лол қолди аммо.

Дераза олдида пардозга машғул  
Гўзални кўрганда бўлди у мафтун.  
Унинг қутисидан упа ўғирлаб  
Аста юзларига сепиб олди кун.



Шоир, биринчи навбатда ўз элу юрти-  
нинг граждани, халқининг камарбаста  
жангчиси, партиянинг дастуридир.

**М. ШАЙХЗОДА**



---

## Эркатош ШУКУРОВА

---

1952 йилда Каттакўрғон районида туғилган. 1976 йили Самарқанддаги педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. Ҳозир ўқитувчи бўлиб ишлайди. Эркатошнинг шеърлари республика вақтли матбуоти ва «Шарқ юлдузи» журналида босилган.

---

### ШОИР ОВОЗИ

Бу кун эгилди бошлар,  
Қалбга урилди ларза,  
Қолди ижодий ишлар,  
Шеърят тинди лаҳза.

Орадан кетди шоир,  
Қолдириб шеърый дoston.

Сўнги йўлга кузатиб,  
Йиғлаб қайтди оломон.

Лек айтолмам ушбу тоб,  
Синди деб шоир сози.  
Мана қўлимда китоб,  
Янграб шоир овози.

### САККИЗЛИКЛАР

Ҳазал битдим белбоққа,  
Тунлари бўлиб бедор.  
Тезроқ келгил биз ёққа,  
Кутмоқдаман интизор.

Ел бўлиб кўнглим учун,  
Кела қол ошиб тоғлар.  
Сен келмасанг мен эмас,  
Сарғаяр ҳатто боғлар.

\* \* \*

Бўлса ҳамки хушторинг,  
Сенинг-чун харидоринг,  
Чертолмаса ишқ торинг,  
Уни ёрим демагил.

Агар бўлса боғда гул,  
Зор бўлса ошиқ булбул.  
Вафо қилмас экан ул,  
Гулизорим демагил.

□

# Ўқтам ҲАҚИМАЛИ



Юқори Чирчиқ районида туғилган. Тошкент театр рассомлик санъати институтини тугатган. Ҳозир Муқимий номли музыкали драма театрида адабий эмакдош бўлиб ишлайди.

## ЖАЖЖИ БАРМОҚЛАР

— Дада! Дадам келди! — деган хитоблар янгради-ю, бир тўда болалар даҳлиздан ҳовлига тушиб кела бошлашди. — Дада! Дадажон! Нон олиб келдингизми?

Шиддат билан ҳовлига кирган Ашур худди шундай шиддат билан орқасига тисарилди. Гавдаси оғирлигини қўлларига ташлаб, қўлтиқ таёғи тутқичини қаттиқ сиққанича деворга суялди. Аста-секин кўзлари олди қоронғилашиб, мияси қарахт бўлиб қолди. «Дадаларинг ўлмади, сенлар қутулмадиларинг», дея кўнглидан ўтказди кейин у ва қўл-оёқлари бўшашиб кетганини ҳис қилди-ю, йиқилишга келганда деворга қаттиқроқ суялиб, аранг ўзини ўнглаб олди. Тўнғичи ўн тўрт, кенжаси уч ёшли тўққиз бола йиқилиб-сурилиб ҳамон Ашур томон яқинлашиб келар, Ашур ўзи томон чўзилган саноксиз жажжи бармоқларни кўриб турар эди. Ана шу саноксиз жажжи бармоқлар қутилмаганда унинг тушунча ва хотирасига михланиб борарди. Вужуди титрагандан титрар, юраги ургандан урар, томирларидаги қонлар кучли босим билан оқа бошлаган эди.

— Дада! Дадажон! Нон олиб келдингизми? — Ашурнинг қулоқлари остида гоҳ ингичка, гоҳ йўғон овозлар шу тахлит жанрагларди. Овозлар қулоқларидан гўё вужудига кўчаётганди. Сал ўтмай унинг биллак ва елкаларида момик, ёқимли бармоқчалар сийпалана бошлашди. Мана шу жажжи бармоқлар бир ҳафтадан бери нон илинжида билакларини тинимсиз силаётганди.

— Нон! Нон!

— Нон! Нон! — қичқириб юборди Ашур

ва бирдан гўлдираб қолди. — Ас-асолат! Бол-болаларингга қара! Ним-ниммага, келишим билан олдимга қўйиб юборсан!

— Ҳой, қани орқаларингизга қайтинглар, дадаларингизни тинч қўйинглар, — даҳлиздан асабий, титроқ овоз эшитилди ва ҳовлига узун бўйли, ориқ Асолат тушди. — Қани, уйга қиринглар. Йўқ нонни дадангиз қаёқдан олиб келиб беради.

Асолат болаларини итариб даҳлизга киргизди. Эшикни зичлаб ёпди-да, ташқаридан тамба қўйиб беркитди. Ичкаридан яна «дада, нон!», деган овозлар эшитилди ва узоқ жаранглаб турди-да, охири эшик тақиллай бошлади.

Ашур орқасига ўгирилди ва гўлдирай-гўлдирай кўча эшикни тепди. Эшик уч бор ёпилиб, уч бор очилди-да, ниҳоят ғичирлаб тўхтади. Ашур гандираклаб ташқаригачиккиди. Тўхтади. Қўлтиқ таёқлари тутқичини сиқди, шу қадар қаттиқ сиқдики, бармоқлари увишиб ҳам қолди ва анча вақтгача беҳол бўлиб турди. Бир пайт ҳушини йиғиб, бармоқлари чигалини ёзди, мушаклари тиришини ҳам аввалги ҳолига қайтарди. Кейин у тор-тиғиз, эгри-бугри тош йўл бўйлаб тепа томонга кўтарилиб кетди. У тинмай гўлдирай, қадокли қўллари билан қўлтиқ таёғи тутқичини сиққандан сиқиб борар, елкасидаги почта халтасига ҳам бугун диққат қилмаётганди. У бир неча бор қоқилиб, охири катта кўчага чиқиб олди ва кун чиқиш томонга бурилди-да, бўёқлари кўчиб кетган сариқ дарвозани қоққишга тутинди. Дарвоза уч бор қоқилгандан сўнг ичкаридан оёқ шарпаси эшитилди.

— Кимсан? Нима гап? Уруш тугабди-ми? — дераза ортидан ингичка, хирилдоқ овоз янгради. — Ўғлим қайтганга ўхшайди. Собир! Нега индамайсан? Гапирсанг-чи? Юрагим ёрилиб кетади.

— Онажон хола, очинг, мен Ашурман.

— Ашуржон, тинчликми? — занжир туширилди ва ташқарига чиққан кампир Ашурга термилиб қолди. — Нима гап? Нимага пикирляяпсан? Собиржондан бирор... кўрқмай айтавер...

Бели букилиб, қовоқлари салқиган, заҳил юзли кампирнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди ва қалт-қалт титраб Ашурни бағрига босди. Қорасоч исмли бу кампир уч йил муқаддам ўғлини ҳарбийга жўнатган, ҳамон қайтишини кутар, «тиқ» этса эшикка югурарди.

— Онажон хола...

— Болам, гапир. Собиржондан бир ёмон хабар эшитдингми?

— Йўқ, тинчлик. Бола... болаларим оч. Уйга киролмаяпман. Киришни билан «нон» деб чиқишади. Хотиним Асолатга ҳам қийин бўлди. Болалар уни ҳам қийнаб қўйишди. Инсоф қилинг. Егулик бирор нарса беринг. Сизда...

— Урушнинг номи ўчсин, болагинам. Одамларни итдай тентиратиб қўйди. Қани ичкарига кир-чи. Раҳматли Али амакинг тегирмончилик қилган кезлари қотган нонларни болохонага чиқартириб кўярди. Мана, энди асқатапти, — кампир Ашурни ичкарига бошлаб кирди ва эшикни занжирлади-да, қийшиқ нарвон тираб қўйилган болохонага кўтарилиб кетди. Салдан кейин эса кўйлаги этагида қотган нон олиб тушди.

— Мана, болаларинг билан баҳам кўр. Фақат ҳеч кимга айтма. Ҳар ҳолда аҳвол оғир.

— Онажон хола! Онажон... Худо хайрингизни берсин. Уруш босилса, албатта қарзимни узаман. Илоё ўғлингиз соғ-саломат, тезроқ ҳарбийдан қайтсин. Ўзим бошлаб келай.

— Тилингдан ўргилай. Айтганинг келсин. Бор, болаларингни тинчит. Эртага худдо пошшо.

Аёлманд Ашур ҳаяжондан титраб, кампирнинг шўртаб юзидан ўпиб қўйди ва қотган нон солинган почта халтасини елкасига ташлади-да, орқасига қайтди. Кампир унинг орқасидан узоқ қараб турди. Қўзлари ёшланди. Ашур шиддат билан уйи томон пастлаб борар, энди уни на деворга урилиб кетиш, на қоқилиб йиқилиш хавфи таҳликага соларди. У шу дақиқа эсидан ажраган, лекин миясининг қаеридедир ҳали ҳам соғлом фикри сақланиб қолган одам қиёфасига кирганди. Бугун у мутла-

қо бахтиёр эди ва бахтиёрлик туйғуси уни мана шу аҳволга солганди. У ҳозир уйига киради, болалари ва хотинини тинчитади, сўнг оёқ-қўлларини ёзиб, ўзини кўрпачага ташлайди-да, эрталабча миқ этмай ухлайди.

Кун бўйи чанг-тўзондан хиралашиб қолган осмон хийла тиниклашган, фақат уфқларгагина бирдай бўзариб турарди. Шу уфқлардаги чанг-тўзонларгина ҳали тарқалиб улғурмаган, кишлоқ устида ҳам тутун ва чангнинг ҳарир пардаси осилиб турарди. Қачонлардир одамлар ғужгон бўлган, кунтун болалар шовқин-сурони тинмаган ана шу инсон кулбалари уруш бошлангандан бери ҳувиллаб қолганди.

Ашур мана шу кулбалар аро тор-тиғиз, эгри-бугри тош йўли бўйлаб ўз кулбаси томон пастлаб борарди. Унинг болалиги, болалиги билан боғлиқ бўлган қувончли ва қайғули онлари ҳам шу кишлоқда кечганди.

Бу, уруш бошланмасдан олдин юз берганди. У ўша кезлар, яъни оёғини йўқотмасдан, болаларидан қочиб юрмасдан илгари тоғли кишлоқда мана шундай оқшом қўнган палладаги бесаранжомликнинг бир неча бор гувоҳи бўлган эди. Қайбатли тоғ чўққиларининг учлари қип-қизариб туриб, бирдан қорамтир рангга бўялган кездеги итларнинг ҳуришлари, эшакларнинг ҳанг-рашларини ҳам кўп бор эшитганди. Ашур болаларига қотган нон олиб кетаётган шу дақиқа бу манзара яна ҳам ғаройиб ва саховатли туюлиб кетди-ю, юрагини керагидан ортиқ даражада жўшдириб юборди.

У ҳамон уйи томон пастлаб борар, хунук жилмаяр, тиржаярди.

Ниҳоят у уйига етиб келди, қийшиқ эшикни очиб ичкарига кирди-да, даҳлизга назар ташлади. Торгина ҳовли ўртасида кекса тут дарахти қаққайиб турар, шохларига болаларнинг кийимлари ёйилиб қўйилганди. Икки уй, бир даҳлизли шу ҳовлида Ашурнинг болалиги кечганди. Ашурнинг отаси ҳам, онаси ҳам шу уйда умр ўтказишган, шу уйда оламдан ўтишган, икки синглиси ҳам шу ердан узатилганди. Ашур уйлиниб шу уйда қолганди. У шу уйда тўққиз боланинг отаси бўлди, урушга ҳам шу ердан жўнади. Жўнади-ю, ўнинчи боласи туғилмай қолди. Уруш уни туғилмасидан ўлдирди. Шу кулбага у бир оёқли бўлиб, қўлтиқ таёқ билан қайтди.

Ашур оқсоқланиб даҳлиз томон илгариледи. Қўлтиқ таёқ овозини кўпдан бери кутиб ўтирган болалари ва хотини Асолат шу заҳотиёқ югуриб ҳовлига тушишди. Қичқириқ ва хитоблар билан Ашур томон яқинлашишди. Ун саккиз маъюс ва сўлгин кўзлар унга термилди, ўн саккиз ориқ, жажжи бармоқлар яна олдинга чўзилди.

Кейин лаблар ҳам бир пайтда шивирлади:  
— Дада! Дадажон! Нон олиб келдингизми?

— Мана, мана, жўжаларим! — Ашур елкасидаги почта халтасига кўлини тикиб, нонларни олиб улаша бошлади. — Олинглар, олинглар. Маза қилиб енглар. Фақат сувга ивители енглар. Тиқилиб қолмасин.

— Дадаси, дадаси, — Асолатнинг кўзлари жикқа ёшга тўлди. — Ким берди? Шундай оғир кунда ҳам нон берадиган инсофли одам бор эканми? Худога шукур. Озгина қулоқларимиз тинчийдиган бўлибди. Эшикни беркитиб, болаларни ташқарига чиқармай ўтирувдим, овозингизни эшитиб тикилинч қилишди. Қўйиб юбордим.

— Яхши қилибсан. Онажон хола берди. Илоё умри узоқ бўлсин. Уёли тезроқ ҳарбийдан қайтсин.

— Илоё айтганингиз келсин.

— Қара, сувга увитиб бер, тиқилиб қолмасин.

Уйга киришди. Қотган нонлар тишлар орасида «қасир-қусир» сина бошлади ва бу ҳол узоқ давом этди. Эр-хотин ҳам шу кунни баҳоли қудрат тамадди қилишди.

Галдаги кун шу тахлит ўтди. Уруш давом этар, болалар отадан нон сўрайдиган саноксиз кун ва тунлар яна навбат кутиб турарди.

Ашур шу тун хотинининг ёнига ёнбошлаб узоқ тўлғаниб ётди ва охири уйкуга толди. У ҳарбийдан кийиб келган яшил гимнастёрка ва галифе шимини ҳамон ечмаганди. У қаттиқ ҳуррак отар, баъзан чўчиб тушар, бир нималар деб гўлдирар, яна жими қоларди. Туш кўрар, бугунги тушига ҳам яна болалари кирарди. Тушида жажжи бармоқлар галма-гал Ашурнинг чўнтақларини титкилар, билак, елкаларини силар эди. У тушида ҳам болаларидан қочиб борарди. Болалари уни қувар, у эса кўлларини одамларга чўзиб садақа сўрар, ҳатто тушида ҳам унга ҳеч ким садақа қилмаётганди. Одамлар садақа қилмагач, энди у тушида тун чўкиши, болалари ухлаб қолиши, сўнг уйига жимгина кириб, ётиб олиш йўлини излар, лекин тун ҳам чўкмаётган, болалари ҳам ухламаётганди. Тушида доим шундай ҳол юз берарди.

У уйига кириш йўлини тополмай турган, болалари ухламаётган кез у чўчиб уйғониб кетди-ю, хошилинч болалари ётган томонга назар ташлади. Кутилмаганда у ўзи томон чўзилган саноксиз кўлларни кўрди. Ҳақиқатан, шундай ҳол юз бераётганимиди, ё хаёлида шундай жонланаётганмиди у бунинча вақтгача фарқ қилолмади. У иккинчи бор болалари ётган томонга назар ташлади. Шундан кейингина болалари ухлаб ётгани, фақат хотини қорнини чангаллаб тўл-

ғанаётгани маълум бўлди. «Бечора Асолат,— ўйлади кейин у,— очликдан тиришиб ётибди». У юзини четга бурди-ю, ишраб юборди. Кейин сапчиб турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Тонг ёришиб, яна итлар ҳуруши ва эшаклар ҳанграши эшитила бошлаганди. У апил-тапил почта халтасини олқасига осди-да, кўча эшик томон илгариларди.

— Худога шукур, — деди у кўчага чиқиб олгач. — Худога шукур. Болаларим кўришмади. Азоблардан қутулдим. Кечаси жимгина кираман-да, ётиб оламан. Кейин менга деса болшимга чиқиб тепишсин. Ур син, ўлдиришсин. Бу ёғи мени қизиқтирмади.

У катта кўчага чиқиб олди-да, одатдан қўшиғини хиргойи қилиб, тош йўл бўйлаб юқорилаб кетди.

Қандай яхши,  
Қандай яхши,  
Ёлғиз қолмоқлик.  
Қандай яхши,  
Қандай яхши,  
Санғиб юрмоқлик.

Кеч кирди. Районга дон ортиб кетган машиналар орқаларига қайта бошлашди. Биринчи бўлиб қишлоққа Солининг политеркаси қайтди ва уни биринчи бўлиб Ашур қарши олди. Рулга тиралиб қолган Соли Ашурнинг шарпасини сездди, лекин эътибор бермади. У тинмай йўталар, дастурмолига тупурарди. Ашур жимгина машина эшигини очди ва бошини эгнганча ўриндиқда сочилиб ётган хатларни йиғиштириб, почта халтасига солишга тутинди.

— Ҳорма, Соли, — деди кейин у ва Солининг шундай аҳволга тушиб қолишига гўё ўзи сабабчи бўлгандай мунғайиб қолди.

— Тезроқ хатларингни ол, — деди Соли оғзини очиб ҳаво сўрар экан, — уйга тезроқ етиб олай. Қон тупурялман.

— Иложинг қанча, дўстим, — шивирлади Ашур. — Қўлимдан келса сени даволардим.

«Бечора Соли, — ўй урилди унинг миёсига. — Қон тупуряпти. Ҳадемай ўлиши мумкин. Қон тупураётган бўлса, ўпкаси туганган-да. Уруш босилса, районгами, шаҳаргами олиб тушиб, ўзим даволатардим. Беморлиги учун бояқишни ҳарбийга олишмади. Уруш босилса, албатта шундай қиламан. Лекин дўстим, тўққиз болани боқиш ҳам сенинг қон тупуришингдай гап».

Ашур хатларни почта халтасига солиб, орқасига ўгирилди. Лекин бугун ҳам очиб ўқишга ботинолмади. Шундай қилмасдан иложи ҳам йўқ эди. Уқиган кезлари баъзилари бахтиёр қилар, баъзилари эса қайғуга чўмдирарди. Бахтиёр қилган хатларни эшик-

ни бемаллол қоқиб, суюнчи сўрар, мағрур бериб қайтар, қайғуга чўмдирганларини эл секингина эшик ёриғидан ташлаб, қочиб қоларди. Қочмай кўрсин-чи. Гўё урушни у бошлаган, кўнгилсиз хатларни унинг ўзи ёзиб олиб келгандай, одамлар сўкишар, ҳақоратлашарди. Одамлар қизиқ. Уларга нимани ҳам тушунтириб бўлади ўзи. Хат узоқдан келади, ҳарбийдагилар ёзишади, баъзиларини ҳукумат жўнатади, деб қутулиб кўр-чи. У урушдан олдинги ёрайиб кунларни яхши эсларди.

Уша кезлар отаси Темур ака колхозда ҳосилот бўлиб ишлар, онаси эса колхозчиларга нон ёпар, хонадон юмушлари ўнгидан келган эди. Хонадондаги уч фарзанднинг эғни бут, егани олдида, емагани ортида эди. Колхоз бугдойдан мўмай ҳосил олар, колхозчиларга тарқатарди. Кўчалар болаларга тўлиб кетган, қишлоқда кун бўлиб шовқин-сурон тинмас, йилнинг тўрт фаслида ҳам хонадонлардан тўй аримасди. Одамлар бир-бирларининг тўйларига йиғилишар, йўн-кулги қилишарди. Қишлоқ аҳли азалдан бир-бирини қондош деб билар, кексалар фахр билан қачонлардир ота-оналари бир бўлгани, бундан буён ҳам бир-бирларини қадрлашларини қулоқларига қуйишарди. Қондошлар бир-бирларини камситишмас, бир ёқадан бош чиқариб, қабилида иш кўришарди. Уруш бошланди-ю, халқ бошига кулфат тушди. Қутилмаганда орадан меҳр-оқибат кўтарилди. Эшиклар занжирланди. Ҳатто бир-бирларининг молларини ўғирлайдиган одат ҳам чиқаришди. Уруш шу тариха ота-она, ака-ука орасига ҳам совуқлик солди, ҳатто бир-бирларидан оғват беркитадиган бўлишди. Ашур буни ҳарбийдан қайтгандан кейингина англади.

Аёлманд Ашур қош қорайгунча уйма-уй юриб хат тарқатди. Кейин тун чўкиши, болаларининг ухлашини кутиб кўча кезиб юрди. У турли томонга бориб келар, фикрга толарди: кўзлари олдидан гоҳ ҳарбийда юрган кезлари, гоҳ уч кунлик оғир жанг, гоҳ тўпга ўқ солаётган кездеги портлаш, гоҳ ҳўшини йўқотгани, гоҳ госпиталь, гоҳ ўнг оёғини тиззасидан пастини кесиб ташлагандаги аҳволи ўтаверарди. Кейин бунга ҳарбий хизматдан бўшлагани, районга келгани, машина кутишга тоқати етмай қишлоққа яёв қайтгани, эшикдан кириши билан болалари нон сўрашиб югуришиб чиқишгани қоришиб кетарди. Қишлоққа қайтганидан сўнг чиндан ҳам ҳаммаси аён бўлганди. Уруш узоқларда кечар, даҳшати эса қишлоқда юз бераётганди. Болалар уззукун қўлларини чўзишиб нон сўрашар, бу ҳол кейин ҳам такрорланаверди. Колхоз дон бермай қўйганди. Чунки бунинг иложи ҳам

йўқ эди. Ахир ғалла ҳарбийга жўнатилаётган эди-да. Ғалаба шу ҳарбийдагиларга боғлиқ бўлганидан кейин, истасанг-истамасанг ғаллани ўшаларга юборишга мажбурсан. Ашур буни яхши тушунарди. Ғалла жўнатилмас-ю, худо кўрсатмасин, мағлубият юз берса, халқ қулликка тушиб қолиши ҳам Ашурга маълум эди. Ҳа, ҳарбийдагиларга ғалаба керак эди.

Тун чўқди. Қишлоқ узра жимлик қуйилди. Лекин Ашур уйига қайтишни ҳали-бери ҳаёлига келтирмасди. Ниҳоят тун яримдан ошганда Ашур қирқ ямоқ почта халтасини елкасига ташлади-да, тош йўл бўйлаб пастлаб кетди. У букчайиб, қўлтиқтаёғини ерга иложи борица қаттиқ босмасликка тиришар, кўзлари олдида эса яна болалари ва уларнинг чўзилган бармоқлари намоён бўлар, қулоқлари остида эса «нон» сўзи бир маромда жаранглаб турар эди. У зўр бериб қўлтиқтаёғи тутқичларини сиқар, бу билан болалари ва уларнинг чўзилган бармоқларини кўзлари олдидан қочиришга, овозларини эса тиндиришга уринарди. Кейинги пайтларда кўзлари олдида биргина шу жажжи бармоқлар гавдаланадиган, қулоқлари остида эса биргина «нон» сўзи жаранглаб турадиган бўлиб қолганди. Бу уни тобора даҳшат ва ваҳимага солиб бораётганди.

Ашур қийшиқ эшик қаршисига келиб тўхтади. Пешанасини енг и билан артди-да, секин эшик тирқишидан бошини суқиб, ичкарига қаради. Ҳовли жимжит бўлиб, бирон бир қора кўринмасди.

— Худога шукур, — шивирлади у ва бирдан вужуди жимирлашиб кетганини ҳис қилди. — Болаларим ухлашибди. Хотиним ҳам ухлаганга ўхшайди. Уйга кирманан-у, ётиб оламан. Бошимни беркитганимдан сўнг, менга деса, уришсин, тепишсин, ўлдиринсин. Миқ этмай ётавераман. «Бошимни ёрларинг, ур, ўлдирларинг, сенлар ҳам қутул, мен ҳам қутулай», дейман. Қани эди, уриб ўлдириб қўяқолишса...

У секин ҳовлига, ундан даҳлизга кирди. «Худога шукур, — кўнглидан ўтказди кейин у. — Болаларим ухлашибди. Ақалли бир тун тинч ухлайдиган бўлибман. Бугун худо чиндан ҳам менга раҳм қилди».

У шаргладай судралиб даҳлиздан катта уйга ўтди. Уй ичи қоронги ва осойишта бўлиб, бу ҳол Ашурни хийла таҳликага туширди. Бироқ сал ўтмай: «Дада, дадам келди», деган овозлар эшитилди-ю, уни мутлақо даҳшат ва саросимага солиб қўйди.

— Эй худойим! — қичкириб юборди у ва бошини орқасига ташлаганди деворга уриб олди. Гўё қоронғилик қаҳридан сон-

саноқсиз оловли игналар учиб келиб, унинг вужудига санчила бошлади ва бирдан кўзлари тиниб, боши айланиб кетди. Кўзлари олди ёришган эса қаршида ўзи томон чўзилган бармоқларни кўрди. Жажжи бармоқлар яқинлашгандан яқинлашиб келар, уй ичи бармоқлар ва «нон» деган овозларга тўлиб кетганди. Бир... икки... ўн саккиз... бармоқ... кўз... юзлар...

— Дада, нон!

Ашур қаҳр ва ғазаб билан орқасига ўгирилди-да, телбаларча эшик занжирига ёпишди.

— «Дада, нон! Дада, нон!» — гўлдиради кейин у. — Дадаларинг нон эмас, бало олиб келди. Жонимга тегдиларинг. Нега ҳарбийдан қайтдим! Нега ўша ёқда ўлиб кетмадим! Сенларни кўрмай ўлиб кетсам қандай яхши бўларди...

— Ҳой, дадаси ундай деманг, — Асолат болаларни орқасига итариб ташлаб, эри томон яқинлашди. — Уруш ҳам босилар, нон ҳам кўпайиб қолар. Боланинг тирноғига зор одамлар бор. Ношукур бўлманг. Қани, болаларим уйга киринглар, дадаларингизни тинч қўйинглар. Эртага нон олиб келиб беради. Дадаси, келинг, ётинг. Болаларингизнинг эслари кириб қолган, ҳозир ётишади, нон сўрашмайди.

Асолат болаларни уйга олиб кирди ва дарҳол орқасига қайтди. Ашур хотини томон яқинлашди-да, беихтиёр пешанасини кўксига қўйди. У шу кез инграб туриб хотинини яхши кўриши, унга кўникиб қолгани, ягона суянчиги ҳам шу хотини эканлигини аниқ ҳис қилди. Дарҳол дард-аламларини унутди. Салгина олдин у: «Болаларинг жонимга тегди, мунча кўп туғавермасанг, пуштинг қуриб кетсин», демоқчи бўлганини эслади ва шундай фикрга боргани учун ўз-ўзидан нафратланиб кетди. Кўкси кўтарилиб тушди ва уй ичи торлик қилаётганини англаб, орқасига ўгирилди-да, кўчага чиқди.

Тош йўл бўйлаб яна тепага кўтарилла бошлади. Ниҳоят қотган нон берган кампирнинг уйи қаршидаги кўк дарвозага етиб келди ва жазавага тушиб тепа бошлади. Уч бор тепилгандан сўнг ичкаридан:

— Ким? — деган қиз боланинг овози эшитилди.

— Оч, — Ашур яна дарвозани тепди. — Оч, бўлмаса тепиб синдираман.

— Дада, бу ёққа чиқинг, кимдир дарвозани тепяпти. Жиннига ўхшайди.

— Кимсан, нима керак?

— Очинг, очмасангиз мендан яхшилик кўрмайсиз.

— Ашур, сенмисан? Нима гап? Тинчликми? — дарвоза очилди ва ташқарига бўй-

дор бир одам чиқди. — Нимага тинчликми сан? Тинчликми?

— Тинчликмас, — гўлдиради Ашур.

Тинчлик бўлса келармидим.

— Ука, секин гапир. Юрак туцқанганим борлигини биласан-ку. Нима гап?

— Жонимдан тўйдим. Болаларим ош. Ни мага ҳолимиздан хабар олмайсиз? Ким ани тади сизни раис деб?

— Ашур. Уруш. Аҳволингга тушунман. Иккаламизга ҳам осонмас. Ғаллани ҳарбинга жўнатаяпмиз. Ҳарбийдагилар тўқ бўлмаган ғалабага эришиб қийин. Оч аскар урушмайди. Мен ҳам сендан яхши кун кўраётганим йўқ. Ишонмасанг кириб тинтув қил. Бирор нарса топиб олсанг, судга бер. Кич, келиноинг ёвғон гўжа қилганди, озгина...

— Болаларимга...

— Ҳой, Анор, бу ёққа чиқ, ҳали тоғри мондан олиб келган унингдан озгинасини Ашурга бериб юбор.

Ичкаридан кўзлари катта, қошлари қалин аёл кичкина халта олиб чиқди-да, Ашурга узатди.

— Сотти ака, мени кечиринг, — дедди Ашур халтани ола туриб ва хўнграб юборди. — Қийналиб кетдим. Бўлмаса...

— Мени хафа бўлади, деб ўйлама. Уруш бўлмаганда, менга таёқ кўтармасдинг. Ёзи, болаларингни тинчит.

Ашур орқасига қайтди. Йўлни бугун уч бор тезлик билан босиб ўтди.

— Ҳой, Асолат, бу ёққа чиқинглар, — кичқирди у ҳовлига кирар экан. — Тезроқ, тезроқ!

— Дада, дадажон!

— Мана, ун олиб келдим. Сотти амликларинг бериб юборди. Мана, ҳозир, ойиларинг атала пишириб беради.

Асолат аталани пишириб келди. Ичдилар. Болалар аста-секин уйқуга толишди. Эр-хотин эса узоқ бир-бирларига термилиб қолишди.

— Асолат, мени кечир.

— Дадаси, сиз мени кечиринг.

Ашур хотинини кучли бир иштиёқ билан бағрига босди...

Ашур эртаси кунни яна хат улашиш билан банд бўлди. Тунни ярим қилиб, уйга қайтди. Эшик тирқишидан ҳовлига мўралади ва дарҳол бошини тортиб олди. Болалар ухлашмаганди. Бу кунлар яна узоқ давом этиши, болалари ҳам кутишини тарк этмасликлари, ўзи ҳам яна узоқ қочиб юриши мумкинлиги ҳақида узоқ бош қотирди. Лоқин ташвишни енгиллаштирадиган бирор йўл тополмади. Энди ўзи хам, болалари, хотини, умуҳан ҳаёт ҳам унинг учун чидаб бўлмас даҳшатга айланиб бораётганди. Энди у олдинга интилиш бекор эканлиги ва бунга

ҳожат ҳам йўқлигига амин бўлди. Бу урушнинг инсон тушунчасидаги даҳшатга айланган сўнги ваҳимаси эди ва бундан қочиб қутулишнинг чиндан ҳам иложи йўқлигини Ашур аниқ тушуниб турарди. Мана шу тушунча ва туйғу кутилмаганда уни сапчиб туришга, турганда ҳам чинқириб туришга мажбур қилди. Турди. Тўғри кун ботиш томондаги ташландик молхонага кирди, кўпдан бери унутилган арқонни олиб орқасига қайтди. Кўчага чиқди. Кейин одатдагидай тепага эмас, пастга сой томонга йўл олди. У гандираклар, ихраб борар, «сўнги йўли»ни босиб ўтаётганди. Сой устидаги кўприк орқада қолди. У тепалик томон кўтарилиб кетди. Ниҳоят қишлоқнинг кунгай томонидаги қабристонга кирди. Уни энди, на оёқлари остида эзилаётган хазонлар, на тунги сукунат, на қабристон ваҳимаси, на ёлғизлик даҳшати кўрқувга, саросимага соларди.

Қабристон ўртасида бир туп қайрағоч дарахти қаққайиб турар, тунги сукунатда яна ҳам ваҳимали туюлаётганди. Мана шу қайрағоч дарахтигина унинг жонига оро кириши — азоблардан қутқариши, яна нон излаш, уйига киролмаслик таҳликасида нон озода қилиши мумкин эди.

У шошилмай қайрағоч дарахти тагига яқинлашди, шошилмай арқоннинг уч томонини боши сиғадиган даражада тугди-да, шохни ўшлаб тирмашди. Чиқди, арқоннинг бир учини бошидан ўтказди, иккинчи учини кундага боғлади. Кейин дарахт танасини кучоқлаб пастга сирпана бошлади. Сирпанар экан, кўзлари олди бирдан қорайиб кетди

ва сал ўтмай ёришди-ю, ёришган ерда болалари намоён бўлди. Болалари! Улар турли эшикларни қоқишар, кўлларини чўзишиб: «Хайр қилинглар, отамиз йўқ», дея садақа сўрашарди. Ашур титраб кетди, шу қадар қаттиқ титрадики, қичқириб ҳам юборди.

— Йўқ! Йўқ! Болаларим одамлардан садақа сўрашни истамайман! Менинг болаларим садақа сўрамаслиги керак!

Ашур жимиб қолди. Энди болалари назарида қабристон томон югуриб келишар: «Дада, дадажон! Қайтинг! Қайтинг! Бизга нон керакмас, керакмас! Узингиз...» дейишарди. Асолат ҳам сочлари тўзғиган, рўмолини чангаллаган ҳолда югуриб келар, бир нималар дер, лекин овози чиқмасди.

— Болаларим... Болаларим... — шивирлади Ашур ва ғайритабиий бир куч билан тепага кўтарилди. Гулдираб, сўкиниб аввал арқонни ечди, кейин шохни синдирди-да, пастга тушди. Шох ҳам, арқон ҳам сал ўтмай тошлар орасида парча-парчаларга бўлиниб кетди.

У орқасига қайтди. Йўл бўйи йиғлаб келди.

У уйига қайтганда тун яримдан ошган, тўлин ой мовий бўшлиқлар аро сузиб борар, хонани ёритиб турарди. Хона ичи сув сепгандай жимжит бўлиб, фақат нафас олишларгина эшитиларди. Ашур пиқирлаб, инграб турли томонга юрди ва бирдан қичқириб юборди:

— Нега, нима учун ухлаб қолдиларинг?! Нега нон сўрамаяпсизлар?!



Адабий асарда ҳаракат қилувчи кишилар жуда катта ўрин тутадилар. Чунки айрим кишининг руҳий аҳволи бутун бир синфнинг, ҳеч бўлмаганда айрим ижтимоий гуруҳнинг аҳволи руҳияларини очиб беради.

СОТТИ ҲУСАЙН



---

# Мўмин ҲОТАМБОЕВ

---



Сирдарё областининг Ховос районида туғилган.  
Тошкент Халқ хўжалик институтини тугатган.

Ҳозир Мирзачўл қурилиш бошқармасида катта  
иқтисодчи бўлиб ишлаётир.

---

## ВАТАН МАДҲИ

Дилимдан айтайин кўшиқ-наволар  
Сенинг номинг-ла тўлсин самолар.  
Рубобим торидан чиққан садолар —  
Кўшилиб гул рақсига шоддир саболар.

Менинг қалбимда бор ишқинг зиёси,  
Зиё бирлан ўсар меҳр тўтиёси,  
Ҳеч кўринмас сенинг мадҳинг адоси  
Бу ёш қалбимда кўпдир санолар.

Жамолинг васли менга яхши дилдор  
Шунинг-чун дилда завқим бўлди бисёр.  
Ҳазон бўлмас бу гулшан энди зинҳор  
Сўлим боғингда кўп нозик адолар.

Садоқат бирла мен бағрингда доим,  
Ҳалол меҳнат ила ижод чиройим.  
Яна тинчлик эрур зўр муддаоим  
Ватан, сенга қилай жонни фидолар!

## ИШҚИНГ БИЛАН

Келган эдим бу чаманга илк баҳор ишқинг билан,  
Кўз узолмай кўзларингдин навбаҳор ишқинг билан.

Бу умид боғига келдим, севгини шавқи тошиб,  
Соғиниб келдим сени, гул юзли ёр ишқинг билан.

Келди айёми баҳор гул-ғунчалар ёрмиш лабин,  
Булбулинг мен назминг айтай, эй нигор ишқинг билан.

Бу чаман гулларга тўлган, тўлдириб боз устига,  
Пахтадин мўл ҳосил олгай деб нисор ишқинг билан.

Меҳнатим бирлан вафо аҳдимдадурман барқарор,  
Севгимиз бўлсин ниҳоят беғубор ишқинг билан.

Эл-юрт олдида содиқ Ҳотамийдек ҳар қачон,  
Бул муҳаббат боғида сен барқарор ишқинг билан.

## ГУЛ

Боғ аро кўргач жамолинг ўзни ҳайрон этди гул,  
Рашкидин айлаб яқо чок, дилни вайрон этди гул.

Гул юзинг рухсори гуллар ғунчасин айлаб хижил.  
Ўзни япроқ остига оҳиста пинҳон этди гул.

Таъна кўрди гул ўзин япроғидан ҳам сен учун  
Бу туфайли кўп маломат, жабри райҳон этди гул.


Даҳр боғи ичра гар кирмас эдинг сен, эй пари,  
Шармдан ўзни ҳижолат ичра ниҳон этди гул.

Кирмас эрди юз очиб, боғ ичра гул юзли нигор,  
Айлабон булбулни ашқин, ўзга тўфон этди гул.

Ул сиҳи сумбул, қадди сарви санобардин сўлим,  
Ҳотамийни оразига энди боғбон этди гул.



# Ғаффор ХОТАМОВ



1953 йил Бухоро областининг Навоий районида туғилган. Илк ҳикояси «Ойдин кеча» («Ленин учқуни» газетасида босилиб) Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг болалар ҳаётини акс эттирган энг яхши асарлар конкурси мукофоти билан тақдирланган. Ҳозир «Тошкент оқшоми» газетасида ишлайди.

## СОМОН ЙҮЛИ

Авал бу ҳақда ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган экан. Қиш уйларнинг томларига қадар қалин, оппоқ қор-чойшабини ёпган аёзлик кунларнинг бири эди. У ҳаммасини англади. Кейин эса, Сомон йўлига тушиб олди у...

Бу воқеа содир бўлган сарғиш гиштин иморат район марказида ҳали ҳам ҳеч ўзгаришсиз талтайиб турибди. Фақат кўкиш дарвоза тусини йўқотган. Пештоқидаги ойнада хира ёзувлар кўзга ташланарди: «Район газетаси редакцияси»...

Бола бу ерга ҳайбатли, серқирра тоғлар ортидаги дим, дудтўзонли, сершовқин шаҳардан мулзам бўлиб қайтгач, тоғасининг қистови билан қадам босганди.

— Боргин-чи,—деганда тоғаси,— эҳтимол олишар-а? Чўлда нима, сенга пишириб қўйиптими? Раз, журналист бўлмоқчи экансан...

У ийманиб, бир-бир босиб борар, чанг босган асфальт йўлнинг икки бўйидаги самбиттоллар боши узра энгашганча «эсизгина-я! Уқишга ўтолмадинг-да, бўлмасам ғурурланиб юрармидинг-а» дея шовиллаганча бош чайқабгандай туюларди. Шамолда дир-дир ўйнаётган бахмал япроқларнинг орти кумушдай «ярқ» этиб товланар ва яна мақом қилаётган раққосадай соллона-соллона чайқалар шовилларди: «эсизгина-я...»

Боланинг иши юришди. Уни корректорликка олишди. «Шу бугунданоқ ишга киришаверинг», деди редактор. Борлиққа чўккан маънос, ҳасратли туман йўқолгандай бўлди. Олам ёришиб кетди.

...Бола илк бора навбатчилик қилган ўша ойдin тунда кечалаб қишлоғига қайтар

экан, баҳри-дили очилиб, яйраб-яйраб келаятганди. Гоҳ, ўз-ўзича маънос, гоҳ жўшиб хиргойи қилар; теран сукут оғушидаги ойдin далаларга боқиб тўймасди. Ногаҳонди у фалакка қаради ва боши узра қизнинг сийнасидай чайқалиб ётган осмонга термулганча туриб қолди. У — тиник, артилган шишадай хиёл кўкиш эди. Унинг бағрида майда шиша синиқларидай шаффоф юлдузлар нурланганча сочилиб ётар; чинни парчасидай ой тўлишганча қалқиб турарди. Ёруғ оламнинг у бошидан бу бошигача чўзилган сомон йўли улғувор бир тусда тўшалиб ётарди. Унинг бир боши ҳу юксак Оқтовга бориб туташган-у, худди Оқтовга тирмашиб чиқсангми, бас, сомон йўлига кўтарилиш мумкин бўларди...

Шундай қилиб Алибек табаррук жойда ишлай бошлади. Авваллари муҳаррири Қобилбековнинг салобатли қоматига кўзи тушса ёки товушини эшитса, у қалбида ажиб бир улғуворлик туяра ва мийиғида жилмайиб кўярди. Кейинчалик эса...

Тушлиқдан қайтди-ю, у бу гапни кўққисдан эшитиб қолди.

— Кичкинтой бошлиқни кўрдингми-а? Им-м!?

— Ким у?

— Э, ана у — Мавжуданинг ўғлини айтаяпман-да, ҳа-ҳа! Ҳа...

— Тс-с!!

— Э-э, биродар, қўйсанг-чи! Нима, кўрқадиган жойим бормиди? Рост-да, бу! Ахир Қобилбековнинг худди ўзгинаси-я! Ҳа-ҳа-ҳа!.. Наҳотки эри шуни билмаса? А?! Ё тауба-эй!..

Кимдир безовталанганча эшикка яқинлашди. Шундагина бола эс-хушини йиғиб олди ва эшик ортидан нари кетди. Олдин ҳеч нимага тушунмади у. Кейинчалик эса... Қобилбековнинг совуқ, сўлғин ва қонсиз юзларидаги салобат, осилган қовоқлар гўё аллақандай машъум қабиҳликни яшириб тургандай бўлиб туюла бошлади. Боланинг синчков нигоҳи унинг мудҳиш қилмишларини илғаётгандек эди. Эҳтимол, бунга унинг навбатсиз навбатчиликка қўйлиши, ким билсин, балки, умуман бошқалардан норозилиги сабаб бўлгандир? Қизик, боладан бир ой аввал ишга кирган Мирбақо ҳам уни менсимасди: «Қани, ҳой болакай, битта чой ҳозирлагин-чи!..» «Уни қилгин, буни бажарин!..»

— Нега энди?..

Катта эмиш. Хў-ўш, катта бўлса ўзига!.. Алибекка нима? Тав-б-а-а!

Алибек гарчи ўн саккизини тўлдириб, ўн тўққизга қадам қўяётган бўлса-да, лекин бу ерда кўпчилик уни «бола» деб атарди...

— Алибек-ки! — Дағал, дўриллаган бу товушда амирона оҳанг сезилиб турарди: Қобилбеков. У ўнг тарафдаги кенг хонада ўтирарди. Қарама-қарши хонада муовина қизча ишларди. Мана шу — Алибек билан муовина қиз орасида шалвираган қора шим ва ниҳоят, Қобилбековнинг йўғон ва бесўнақай гавдаси пайдо бўлди.

— Бўтам, чой!..

— Йўк, — бўғилганча қатъий эътироз билдирди бола.

Бироқ товушини ўзи ҳам эшитмади. Аламидан қовоғини осилтириб, тумшайганча столга қапишиб олди. Рост-да, ахир у бу ерга хизматкор бўлиб келгани йўқ-ку! Нега уни таҳқирлайди? Ана, бошқаларга буюрсин! Эҳ-ха, майли! Ҳали улғаяр, ана ўшанда ҳаммасини эслатиб қўяди.

Бола бир оз енгил тортди. Шу орада муовина қиз билан унинг орасида турган кўланка ҳам кўздан ғойиб бўлди. Қани энди ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсанг! Шармандалик-ку бу! Қаршингда чиройли очилган, сарвқомат бу қиз сенга термилиб турса-ю! Унинг шахло кўзларида меҳр-муҳаббат пориллаб турса-ю, икки ёш орасидаги энг дилрабо ва ёқимли ҳисларни кўнгли муз, ярмас бир киши қўполлик билан босиб-янчиб ташласа!

Бола қизга айбдор кишидек кўз остидан мўлтираб термилди. Сўнг, яна. Меҳру шафқат ила мулоим боқиб турган нигоҳларга чўмиб кетгиси келарди унинг. Гўё қизгина тасалли бераётгандай, «қўйсанг-чи, Алибек! Шунга хафа бўляпсанми? Бунинг ўзи ким эди-ю, гапи нима бўлсин?! Қўя қолгин энди, ўксима! Мен шуни тушунмасмидим, сени,

билмасмидим?!» дея юпатаётгандай бўларди. Унинг кўнглидаги аламзада ҳислар пайсал топди, ҳаяжони босилди. Қалбида навқирон ёшликка хос сурурли ишонч кўзғалди ва жўш ура бошлади. «Бу — Қобилбеков деганлари қанақа одам ўзи-а? — нафрат билан ўйларди у. — Наҳотки кишини тушунмаса? Шундай экан, қандай қилиб у чинакам бошлиқ бўла оларди, дейсан? Бутун ҳаётни ўз истагига бўйсундирмоқчи бўлади-я. Ҳамма ундан чўчиб, ҳайиқса».

«Хўш, ҳўжайин. Қандай юмушингиз бор эди? Бажарайлик!» — дегандай ёлворган кўйи мўлтираб, қўл қовуштириб турса! Шундай бўлишини истайди бунақа одамлар. Қаёқдан ҳам булар шундай мартабага кўтарилганикан-а?!

Алибек тантиқ ўсган ва ўзининг қилиғи ўзига ярашишини биладиган ҳамда бундан лаззатланадиган кишиларга хос бир чиройли ҳаракат билан бошини силкиб кўтарди, қоматини орқага ташлаб, ясланди. Шундагина кўзи чойнак кўтарганча бошлиқнинг хонасига кириб бораётган қизгинага тушди. «Дарҳол-а! Каерда чой қайнаб тура қолган экан!» — дея ўйлади у кулимсираб. Ва қиз бу ишни «Алибек Қобилбековдан гап эшитмасин» деган мақсадда қилаётганлигини фаҳмлагач, ўзини ниҳоятда ожиз, ғариб ҳис этди. Унга ачинипти-да! Эҳ-х, агар шу қиз бўлмагандами, Алибек бунчалик қийналмасди. У бўлса...

Алибекнинг юзлари сўлғинлашди ва унда таҳқирланган киши юзларида акс этадиган аломатлар — хиёл умидсизлик, тундлик ва қаҳру ғазаб зоҳир бўлди. Ҳа, ёлғиз угина Алибекни тушуниши, кўнглидагини сезиши ва ҳис қилиши мумкин бўлган юрагига ўзгача яқин киши эди. Лекин шу тобда у ҳам Алибекдан йироқлашиб кетди. Бола уйқудан уйғонгандек бошини кўтарди-да, нафрат билан ўқрайиб қўйди.

Қиз билан йигит орасида йўғон гавда — қора кўланка пайдо бўлди. Унинг фарзгўйлик билан бақрайиб турган кўзларида шу маъно англашиларди: «Ҳа-а? Ҳали шунақа дегин? Эҳ тирранча-ей! Ҳали бизнинг гапимизни назарга илмайдиган бўлиб қолдингизми? Шошилмасдан туринг-чи, бир оз! Шоҳчангини шундай синдириб қўяйинки! Ўзинг ҳам хабар тополмасдан қолгин! Об-бо сен-эй!

Бу дейман: зўрсизлару-а? Ким билан ўйнашаётганингни биласанми ўзинг!..»

...Хуллас, қишининг сўнги кўнларини шу тарзда ўтаётган эди. Қош қорайди. Алибек тўзиган пальтосини кияётган эди, Қобилбеков қақириб қолди: «Бугун қолсанг,— деди у.— Навбатчига ёрдамлаш.»

...Тун яримдан ошди. Газета эса ҳали

босишга тайёр бўлмаганди. Хона дим ва илик, кишини элитарди. Бола газетанинг сўнгги хатоларини тузатиш учун алтироқ стол ёнида оёқларини салмоқли айқаштирганча ҳорқин ўтирарди. Уйқусизликдан кўзлари қизарган. У яланг дашт, ҳайбатли тоғлар ортидаги олис улкан шаҳар ҳақида, ўқиш ҳақида ўйлар, сершовқин кўчаларда шамолдай елишни истаб, антикиб ўтирарди шу тобда.

Эшик ғижирлади. Хонага совуқ ва ёқимсиз, муздай қор ҳавоси кирди. Сўнгра эса ўша — ёқимсиз шалвираган қора шим, шалвираб турган саҳифа ва ниҳоят, йўғон бе-сўнақай гавда кўзга ташланди.

Бола уни хушламагандай бурнини жийрди. Тамакининг димиқ қўланса ҳиди ва совуқ қор нафаси боланинг димоғига урилганча яқинлаб келди ва олислашди. Сўнгра босма бўёқнинг ўткир ҳидигина гупуриб анқий бошлади.

Алибек эгилганча саҳифага тикилиб ўтирар ва шу кўйда барчасини кўнглада турарди. Ана Қобилбеков негадир унга бошқача қараб қўйдичо, кенг ва қоронғи хонасига шунғиб кетди. Бу хонадан ҳар доим аллақандай ёқимсиз қўланса хид — си-рета ҳиди аралаш зах, бадбўй ҳаво анқиб турарди.

Мана, ўтиб бораётган жувоннинг буғдой ранг, силлиққина сонлари. Бу ўша — Мавжуда. У бошлиқнинг хонасига томон кетиб бормоқда. Масыул навбатчилик ҳам унга бир пул!.. Тавба! Эҳтимол Қобилбеков имлаб қақиргандир-а? Ҳойнаҳой шундай бўлса кераг-ов! Хў-ў-ш, шундоқ бўлган тақдирда ҳам, сенга нима?

Бола ўзича бу жувоннинг бўлим бошлиғи мартабасига кўтарилиши сирини ҳам топган бўлди. Сўнгра ўз-ўзича ўдағайлаб такорлади: «Рост-да, сенга нима?.. Сенга нима?» Нохуш ҳаво Алибекнинг нафасини бўғар, у тутқақарди.

Дераза ортида қоронғи тун. Шамол увиллайди. Гўё у инсоннинг хосиятсиз қилмишидан норози бўлаётгандай қор аралаш қум ва майда тошчаларни қорамтир деразага келтириб беаёв урар, гўё Алибекдан деразани очиб юборишни ёлвориб сўрар, гўё бу икки ярамас кўланкани ер юзидан супуриб, улоқтириб ташламоқчи бўлаётгандай кутуради. Э шўрлик, бечорагина беҳуда уринади-да; болага шундай бўлиб туюлди. Унинг ҳам бу тафсилотни рад этгиси ва қудратли ҳаёт оқимидан нарига суриб ташлагиси келарди. Ҳазабини босолмасди у. «Бу қандай ярамаслик?!»

Шунга қарамасдан Алибек сўнгги саҳифани ўқий бошлади. Э-а, бошқа бирон иш қўлидан келса экан, унинг! Бу — газета-

нинг қайсидир анъанага бағишланган саҳифаси эди. Уни ўқиш эса кишидан алоҳида масъулият талаб қиларди. Байрам саҳифаси, бу сенга ҳазилакам гап эмас! Ундан кейин эса, материалларни ҳам редакторнинг ўзи ёзган.

Тун алламаҳалдан ошган, навбатчи бола паришонхотир ва масъулиятини ҳис этган кишиларга хос назик бир эҳтиёткорлик билан ўқишда давом этарди: «!Оз минглаб кишилар жонларини фидо қилиб, ҳаётнинг бўйнидаги жаҳолат сиртмоғини олиб ташлашди! Унга эрк ва озодлик ҳақда этишди! Сўнгра эса уни ёвуз чангаллардан асраш лозим бўлиб қолди. Яна юз минглабча ҳаётни жони-дилидан севган кишилар дунёнинг жамики яхшиликлари эвазига, бутун инсониятнинг истиқболи эвазига жонларини фидо этдилар...»

Бола миқ этмасдан сerratйганча ҳангманг бўлиб қолди: «Бу қанақаси бўлди-а? Наҳотки шуларни Қобилбеков ёзган бўлса?» Алибек шу қадар теран ва олижаноб гапларни қалбидан чиқариб айта олган кишининг бунчалик паст кетишини сира ақлига сиғдирилмасди.

Дераза ортида ғира-шира тун. Ташқарида шамол бетақот, норози оҳангда юлқиниб-юлқиниб увилларди. Алибек яна саҳифа узра энгашди. Жонсиз, хира, қорамтир ҳарфлар узра, энди унинг бутун бир ажодлари жонланаётганди.

Боланинг тасавури аста-секин олис ҳаётнинг кўз илғамас бошланғич даври сари оқиб борарди. Мана, мана сарғайган саҳифа узра ҳаммаси тиниқлашяпти!

Баланд ва мустаҳкам қалъалар. Чанг-тўзон кўкка ўрлар, аллақандай ғаройиб махлуқсифат кишилар эса қутурганча ўзларини ҳар ёнга ура беришарди. Бу — ўша: замонларнинг замонида мамонтларга ёпирилганча қий-чув солиб юрган молсифат, тушунча ва тафаккур ёт бўлган гурас ва гурас тўдаларнинг сўнгги набиралари эди. Улар аллақандай зўровон ҳукмдорнинг оғир юмушларини сабр-тоқат билан бажарар экан, юк ташийташий елкалари яғир бўлиб кетган. Узлари эса жазирама иссиқда қорайган, руҳсиз ва буюк қалбли кишилар эди. Улар енгил-елпи ҳаёт кечирини, эҳтимол, истамасди ҳам. Эҳтимол бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмагандир? Ким билсин, балки вақтлари ҳам бўлмагандир-а? Энг оддий, жўнгина ва буюк тилаги — ҳурликка эришиш учун қўзғалганди бу чоқ...

Бола тарих саҳифасини даярли ёд биларди. Тасавури эса жуда кучли эди унинг. Қўз ўнгида чанг-тўзонга қўмилган қалъа. Жон талвасасида ётган: орқа-олди-

га қарамасдан аллақәәққадир қочиб бора-  
ётган ва қутурган ҳайвон каби дарғазаб,  
оғзини иржайтирганча оппоқ садафдек  
тишларини ғижирлатиб хўжайини билан  
олишаётган қўлларни тўзон орасида аниқ  
ва яққол кўриб турарди у.

Ниҳоят тасаввурлар хиралашди. Мамонт-  
лар ҳам, нигоҳдаги оғир ва сўнгсиз ҳас-  
ратни ифодалаб турган қўллар ҳам, улар-  
нинг қалб охи каби кўкка бурқсиётган  
чанг-тўзон ҳам хира тортган кўйи олисла-  
шиб, қорамтир бўшлиққа шўнғиб кетди.

Бола севимли қаҳрамон ҳалок бў-  
ладиган кинони кўргандаги каби чуқур  
хўрсиниб кўйди.

Ҳаёт эса, яна ҳеч нарса бўлмагандай,  
ўз йўлида давом этарди. Алибек шу чоғ  
кутилмаганда ўз-ўзича ҳаётни юксақ,  
тоғнинг осмонўпар, муз босган чўққилари са-  
ри ўрмалаб бораётган йўловчиға қиёсла-  
ди. Бу фикри ўзига ҳам ёқиб тушди ше-  
килли, севинчдан илжайди. У бутун бор-  
лиқни унутган, хиёл тафаккур оламғи,  
хиёл мозий бағрига шўнғир ва бундан  
лаззатланар, ўзини аллақандай улғаяётган  
каби ҳис этарди.

Хира сатрлар жимирлашиб, боланинг  
тасаввури чайқалиб кетди. Мана, ниҳоят  
айқаш-уйқаш тасвирлар тиниқлашди. У  
энди «Ёвқур Жалолиддин» ҳақида ўқирди:  
«Кенг бепоен дала. Чулғаниб оқаётган ул-  
кан дарё. Худди афсоналарда ёзишган  
каби саман йўрға қутуриб оқаётган қо-  
рамтир, ваҳимали дарё узра сапчиб ўт-  
моқда. Отнинг орқа туёқлари остида, дарё-  
нинг даҳшатли ва ёвуз тиллари узра сарв-  
қомат, сулувгина жувон, жажжигина ёқим-  
той болалар муаллақ туришарди. Уларнинг  
юзларида ажабланиш, қўрқув ва даҳшат  
ифодаси қотиб қолган. Отлиққа бақрайган  
кўзларида «қутқар!» дея ёлвориб ҳамда  
адолатсизликка нафрат ҳисси акс этарди.  
Шўрлик бадбахтлар, ҳа, демасданоқ тубсиз  
дарё қаьрига чўкиб кетишади!

Отлиқ эса, барваста суворий. У орқа-  
га, ўшаларға ўғирилиб талпинганча аламза-  
да бир кўйда эди. У илтижо билан ёлво-  
риб термилганча қотиб қолган, юз-кўздан  
қандайдир бовар қилмайдиган даҳшат-  
дан саросимага тушганлигини, қотилона  
ожиз кўрқувни, фарзандига меҳри товла-  
ниб бораётганлигини, ёрига шафқат, ачи-  
ниш, хуллас жамики инсоний ҳисларни  
кўриш мумкин бўларди».

Қани энди уларни ҳалок этмаслик мум-  
кин бўлсайди! О-о, қани энди уларни қут-  
қариб қолиш мумкин бўлсайди!..

Бола энди айқаш-уйқаш сатрларга беҳу-  
да кўз югуртираётган эди. Хиралашган ни-  
гоҳлари ҳеч нарсани илғамасди. Бошини

кўтарди. Кўз ўнги тиниб кетди. Атроф,  
деворлар чайқалиб, гир айланарди. Сўнгра  
у оппоқ девор — оппоқ бўшлиққа унсизгина  
термилиб қолди. Унинг нигоҳи, ҳорғин юз-  
лари бирон нимани ифодаламас, биноба-  
рин, шу тобда у бирор хусусда ўйламасди  
ҳам. Алибек ўта хотиржам кўринар, бу эса  
яхшиликдан далолат бермасди. Одатда  
узоқ ва басма-бас бахтсизликка йўлиққан  
кишигина шу кўйга тушиб қолади. Дарвоқе,  
у бирор хусусда ўйламасди шу тобда. Шў-  
нинг учунки, у Жалолиддиннинг севимли  
ёри ва фарзандларини ўз қўли билан дарё  
бағрига чўктириб юборганлигини азалдан  
яхши биларди. Бироқ ўшанда — мактаб та-  
рихидан шу ҳақда ўқир экан, қанчалик тўл-  
қинланмасин, бугунгичалик таъсирланма-  
ганди. Айни чоғда эса бу тафсилот рангли  
дунёнинг сирли томонларини очаётгандек,  
Алибекни шу ёқларга бошлаб бораётгандек  
туюларди.

«Эй, худойим-ей! Қандай одамлар бўл-  
ган-а? Қон кечиб келган ёвуз ва пасткаш  
душманинг ифлос бармоқлари тегмасин  
учун, эҳтиросли нигоҳи тушмасин учун  
жон-дилидан севган кишини, ўз жигар-  
бандини ўз қўллари билан ўлдирган-а».

Бола бир пайтлар ҳаётни аллақандай ға-  
ройиб ва айни чоғда ниҳоятда оддий, нур-  
дан ясалгандай тасаввур қиларди. Унинг  
бағрида шундай даҳшатли воқеалар ҳам  
юз бериши мумкин. Бояги кўрган киносини  
айтмайсанми! Уҳ-хў! Қандай қўрқинчи-а?!

Дарвоқе, бола ишдан сўнғ, кечки нават-  
чиликдан илгари кинога тушганди... Нима  
бўлмасин, вақтни ўтказиш лозим эди-да.  
Аввал у оппоқ экранга тикилиб ўтира бер-  
ди. Экран худди мана бу деворлар каби  
оппоқ ва совуқ, тилсиз бўшлиқ эди. Кейин  
эса шу жойда қўққисдан бир парча ҳаёт  
жонланиб кетди!

Бола деворга қадалиб қаради. Оппоқ де-  
вор узра ўша ҳаёт қайта жонланаётгандай  
бўлганди. Кино лавҳалари унинг кўз ўнгида  
лип-лип акс этаётган, қайта жонланаётганди.

«Эҳ, сен қизгина, қизгина, шўрлик қиз-  
гина, — куюниб эсларди у. — Қаёқдан  
ҳам!.. Ай-яй-яй. — Ачингандек бош чайқа-  
ди Алибек. — Агар сен, шу бадавлат тў-  
ранинг қўлига тушмаганингдами... эҳтимол,  
бахтли бўларминдиг?»

Сочлари попуқдай қизгина эса унинг кўз  
ўнгида мағрур жилмайиб турарди. Ана, энг  
даҳшатли сўнги дақиқалар: шўрлик қизги-  
нани мана шу ерда — кенг дала этагидаги  
пичанзорда тутиб олишганди. Картиналар  
бир-бир лентада жонланар. Хўкиздай қў-  
пол, елиндай юзлари йилтираб турган тўра  
бечора қизнинг бошига не балолар ёғдир-  
масди, шу тобда.

«Эҳ-ҳ, сендақа ифлос бетамизни!..»

Ана шундан сўнг қизгина ориятдан ўзига ўт қўйиб юборди. Ўт бурала-бурала ловиллаб ёнар, ёвуз аланга сенинг ҳам раҳм-сизларча нафасингни бўғарди. Вужудинг дир-дир титрар, юрагинг увишиб кетарди. Шунда беихтиёр димиқиб кетасан. Кимдир томогиндан бўғаётгандай. Беихтиёр кўйлагининг ёқа тугмаларини бўшатасан. Кўзларинг ёшланади. Кўз ёшингни артгинг ҳам келмайди! Билмайсан нега?

Аллақандай номаълум қорамтир кўланка ҳамон лов-лов ёнар, қизгина эса кўз ўнгида мағрур жилмайиб турарди. Бола софлиги билан мағрур жилмайиб турган бу соддадил қизни тасаввуридан қува олмас, айни чоғда у бунни истамасди ҳам.

Дераза орти ғира-шира ёришиб борарди. Бола эс-хушини йиғиб улгурмасдан, яна ўткир бўёқ ҳиди фуриб турган саҳифа узра энгашди. Кўз илғаган жойидан ўқишда давом этди-ю, аллақандай чигал, тушунмаган сўзига қадалиб туриб қолди. Бунинг тўғри ёки хато эканлигини навбатчи жувондангина сўра билиш мумкин эди. Алибек шундагина беғубор ва чексиз тасаввур оламиндан куп-қуруқ, тақир ерга қайтиб тушгандай бўлди. Редакцияда навбатчи эканлиги ва худди шу кенг иморатнинг бир бурчида бошлиғи ҳам навбатчи жувон билан бирга ўтирганлиги хаёлига келди. Ким билсин, улар шу маҳал... Эҳтимол бутун дунёни унутиб юборишгандир-а?

Алибек бўлса биргина хатони тузата олмайд хуноб. Газета кечикаётганлигини айтмайсанми?

У тутоқди, ғазаби қайнаб кетди. Сўнгра, «эй-й» деган каби кимларгадир бепарво қўл силтади-да, чигал сўзини белгилаганча ўқишда давом этди.

Сатрлар ҳолсиз жимирлар, тасаввур чайқаларди. «Совуқ қиш кунларининг бири. Аччиқ шамол увилларди. Ер музлаб қотган. Ботқоқлик. Музлаган ерга илиқ бағрини босганча ўрмалаб бораётган жангчи».

Саҳифа узра жасур, номаълум жангчи ўрмалаб борар, унинг шинели, оёқ кийимлари музлаб қолганди.

Ана, жанг бошланди. Қирғин ва шиддатли отишма. Даҳшатли портлаш! Эҳ-ҳ, жангчига нима бўлди-кан-а?

Бола кўзларини чирт юмиб олди. Худди шу чоғ қулоқларни батанга келтириб жангчининг ҳайқириви жаранглади:

«Олға-а-а!» Бу унинг энг сўнги, қалбининг туб-тубларидан отилиб чиқаётган, улугвор ва аламзада, даъватли унлари эди. Ниҳоят, сачраган қор, тутун каби бурқсиган қуёнлар тарқалиб, кўкрагини чангал-

лаганча, қаддини мағрур тутиб турган жангчи саҳифа узра намоён бўлди.

Афтидан у болага алланимадир демоқчи эди-ю, лекин демади. Шунчаки, ўкингандок аччиқ таъна билан қараб қўйди, холос. Шу алфозда таг-томири билан кўпориб ташланган улкан дарахтдай гурсиллаганча қулаб тушди. Бола жунжикиб кетди. Алланимадан чўчиган каби бошини елкалари орасига тортди. Унинг чакка томири «лўқ-лўқ» урар, гўё «сен, сен учун ҳалок бўляпмиз» деярдди аллаким. «Сен учун!..» кейин эса томир лўқиллаши бутун хонага ларза сола бошлади. «Сен! Сен учун!..» таъна аралаш ҳайбатли ва улугвор бу овоз оламини бузиб ҳайқирарди. Унинг юраги сиқилар, гўё ёвуз бир куч ҳеч шафқат қилмасдан нафасини бўғарди.

Юракнинг гупириб уриши ҳамда чакка томирларнинг лўқиллаши гўё бутун борлиқни ларзага солаётган шовқинга айланган ва у тобора машинканинг қақшашига қўшилиб бораётганди.

Бола талмовсираб ўриндиқдан турди, мажоли қуриб, эшик томонга ҳорғин судралди. Коридорда у машинкада алланимадир ёзаётган Мавжудани кўрди. Қобилбеков унинг тепасида энгашиб ўтирар, у бўлса эшилиб буралганча нозланар, ҳиринглар ва яна ёзишда давом этарди. Улар болани сезишмади. Эҳтимол атай парво қилишмагандир?.. Дарвоқе, улар маст эди...

Боланинг оғирлашиб кетган боши айланарди. У деворга суяна-суяна ҳовлига чиқди. Ташқари салқин ва тоза, ҳаво муздай, ёқимли, миянгни чарақлатиб юборарди. Алибек деворга суянганча туриб қолди. Дим хонада бўғилган нафасини ростлаётганди у. Қайтиб ичкарига киргиси йўқ. Илгари ҳеч қачон миясига келмаган оғир ва салмоқли, улугвор хаёллар унинг хаёлини банд этганди шу тобда. Бу ердан кетгиси, тез кетиб қолгиси келарди унинг. Ундан кейин, энди билишча ҳаёт ҳам бу анчайин оддий, жўнгина нарса эмас экан! Қисмат деганлари улугвор — Оқтовнинг осмонўпар қорли чўққиларидан ҳам юксакликда, кўркам бир тусда намоён бўлди. Ҳеч қутилмаганда вазмин тортиб, ўзида ҳам улугворлик ҳис этди. Ғурурланиб қўйди у.

Ташқари ёришиб қолганди. Ҳовлида пайдо бўлган бошлиқнинг Алибекка кўзи тушгач, хангу манг бўлиб қолди. Ахир у Алибекнинг тунги кечинмаларидан беҳабар эди-да. Фақат қаршисида бошини мағрур кўтарган улугсифат, жиддий қиёфадаги йигитни кўрди. Ана шунда балки у ҳам, ўзининг нақадар пасткаш ва ярамас киши эканлигини қалбан ҳис этгандир? Алибек эса пок-

домонлиги билан ғурурланган каби кўкрак кўриб турарди.

Сархуш Қобилбеков шу дақиқалардан бошлаб ўзидан, бутун вужуди билан қалбан илфратланган инсон туғилганлигини, эндиликда у билан бирга шу ёруғ дунёда курашиб яшашга тўғри келишини ҳали хаёлига ҳам сиғдиролмасди.

Ҳу олис Оқтов даралари ёришиб борарди. Энди Алибек қандайдир пастликда қолган мана шу нопок хилқатни тарк этиб котади. Ҳа, яхшиси шундай қилгани маъқул. У қорга бурканиб ётган кенг далалар бағридан ўтади-да, дара ва тоғлардан ошиб қўриқ ерлар бағрига боради. У ерда оли-

жаноб кишилар билан инсоний муносабатда ҳаёт кечиради. Сўнгра — ўқийди. Ана шунда у, бошқаларга ҳам ҳаёт, бу анчайин оддий, ҳазилакам нарса эмас эканлигини уқтириб қўяди.

Парқлари чиройли очилган қизғина. Афсус, у сени ўзи билан бирга олиб кетолмади. Эҳтимол ана шунда сенга у кўп нарсаларни тушунтирган бўлармиди? Соддадил қалбингда эса ёруғ дунёдаги жамики яхшилик ҳислари жўш уради!

Йигит ҳовлидан чиқди-да, оппоқ қорга бурканганча тўшалиб ётган кенг йўлга тушди. Бу — Сомон йўлининг худди ўзгинаси эди.





... бадий асарни бир марта ўқиган китобхон ўша асарни яна бир марта қўлга олиб ўқигиси келсин ва ёки бадий асарни ўқиган киши танқидий асарни ўқиб, «Ҳа, асарни ўқиган эдим-у, бироқ унинг мана бу томонларига эътибор қилмаган эканман-да», дейдиган бўлсин. Шундай бўлсагина танқидий асар ўз олдига қўйган вазифасини бажарган бўлади.

**МАТЕҲУБ ҚУШҶОНОВ.**



# БОЛАЛАР АДАБИЁТИ





Устоз Уйғун бошчилигидаги бир гуруҳ адиблар андижонлик қурувчилар орасида.  
М. Тўйчиев фотоси.

---

# Омонулло НИЁЗОВ

---



Нарпай районида туғилган. Ҳозир Тошкентда шофёр бўлиб ишлаётир. Омонуллонинг шеърлари «Тошкент ҳақиқати», «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» газеталарида босилган.

---

## ОРЗУМИЗ КАТТА

Бизлар уч қўшни:  
Индамас Сабо,  
Шўх Шокирвой — мен  
Ва жажжи Зебо.

Бир-биримизни,  
Қилиб кўп ҳурмат,  
Ота-онамиз —  
Қиламиз хурсанд.

Орзумиз катта,  
Сабо дер такрор:  
— Уқиб албатта  
Бўламан доктор.

Анов Зебо-чи,  
Бўлгач каттакон  
Зўр Турсунойчи —  
Бўлармиш «полвон»...

Мен-чи улғайсам,  
Ракетам миниб,  
Зухро юлдузининг  
Кифтига қўниб,

Ватаним гербин —  
Қиламан ҳадя.  
Дўстлар, қисқаси,  
Бизлар ўсиб, тез  
Ватанга содиқ  
Фарзанд бўламиз.

## ТАЪЗИМ

Мен ва акам икковлон,  
Шаҳар бўйлаб айландик,  
Байроқлар алвон-алвон,  
Яшнар шаҳрим байрамдек.

Мана, таниш хиёбон,  
Сўлим, суюк чароғон.

Доҳий Ленин бобомнинг  
Ҳайкалига боқаман.

Ёритиб ҳамон йўлим,  
Турар бобом — азизим.  
Кўксимга қўйиб қўлим,  
Бобомга қилдим таъзим.

## УЛОҚЧАНИНГ АҲВОЛИ

Сурувларда сурилиб  
Қолмас эди улоқча.  
Қолмаганда гар чиқиб  
Қаршисидан булоқча.

Булоқчадан сув ичди,  
Чўкка тушиб, эмгашиб.

Сувда кўриб аксини,  
Сузмоқчи бўлди шошиб.

Гар келмасайди етиб,  
Чўпон йигит — Мирвали.  
Ёмон эди жуда ҳам,  
Улоқчанинг аҳволи.

## ҲОЛАТ

Булут кезиб юради,  
Ҳам кундуз, ҳам тунлари.  
Шаррос ёмғир қуяди,  
Айни баҳор кунлари.

Авжга чиқар қалдироқ,  
Битар гумбурдан қулоқ.

Қўлга олиб шамширин,  
Кўк бағрин тилар яшин.

Кўркам гуллар тагидан,  
Паноҳ излар капалак.  
Ёмғирдан сўнг ранго-ранг,  
Турланади камалак.





Фарғона область, Бағдод районидаги «Авангард» район газетасига муҳаррирлик қилади.

## ҚОДИРЖОННИНГ ГАЛСТУГИ

Хуснобод қишлоғидаги ўрта мактабнинг мажлислар залига ҳеч қачон бунчалик кўп киши йиғилмаган эди. Олдинги қаторда учрашувга таклиф этилган ота-оналар ўтирибди. Синфлар бўйича зални тўлдириб ўтирган ўқувчилар шод-хурсанд. Бўйниларидаги қизил галстук ажиб рангда товланади.

Залда қарсақлар янграйди. Президиумга мактаб директори Умарали ака бошлиқ бир гуруҳ кишилар чиқиб келишди. Улар орасида Сталинград остонасида бир оёғидан ажралган Мадумар ота, Днепрни кечиб ўтишда кўрсатган қаҳрамонлиги учун 3-даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотланган Солижон ака, душманни Берлингача қувиб борган Акрам тўпчи, урушда разведкачи бўлиб ном қозонган Карим оталар бор эди. Учрашув қатнашчилари орасида айниқса Карим ота ажралиб турарди. Эғнида эскириб қолган қора лас тўн. Бошида чанги ҳам қоқилмаган кўқон дўпписи. Белбоғига қистирилган боғ қайчиси ҳам бор.

Карим отани олиб келишга борган шофёр ўт йигит экан. Отани ҳоли-жонига қўймади. Тезроқ бўларкансиз, сизга қарашиб турибди, дея роса шоширди. Устидаги жомакорини ечиб тузукроқ кийиниб олишга фурсат бермади. Фақат Карим ота газетага ўроғлик бир нарса билан гулдор носқовоғини олди, холос.

Мактаб директори Умарали ака узоқ гапирди. Бугунги азиз меҳмонларнинг фақат номларини айтди, холос. Чунки улар Хуснобод қишлоғининг етти яшаридан етмиш яшаригача маълум, шу ерда туғилиб ўсиш

ган. Ватанимизни мудофаа қилишга шу ердан жўнаб кетишган.

Гулдурос қарсақлар остида учрашув қатнашчилари фахрий пионерликка қабул қилинди. Аълочи ўқувчилар эса азиз меҳмонларнинг бўйинларига қизил галстуклар тақийди. Карим отанинг негадир безовта бўлаётганидан бу ердагилар беҳабар эдилар. Ота дам бўйнидаги қип-қизил галстукни ушлаб қўяр, дам қўли қўйнидаги ўроғлик қоғозга бориб-келарди.

Ўқувчилар учрашув қатнашчиларининг мароқли ҳикояларини берилиб тинглашарди. Худди улар кўз ўнгига Улуғ Ватан уруши ҳақида ҳикоя қилувчи кинолента бирма-бир ўтгандай бўлди. Мактаб директори Карим отага сўз берилганини эълон қилганида ота бир қалқиб тушди. Ана у минбар томон секин одимлапти. Кўксига тушган соқоллари оппоқ. Бели сал букчайган бўлса-да, юзидан қарилиги билинмайди. Карим ота титроқ қўллари билан қўйнидаги қоғозга ўроғлик нарсани яна бир бор ушлаб қўйди. Унинг кишига меҳрибонлик билан боқувчи кўзлари зал бўйлаб айланади. Гуё ота бир нарчасини йўқотган кишидай безовта. У бирпас гапиролмай қолди. Кўзидан ёш думалаб юзига тушди ва бетидеги чизиклар орасида йўқолиб кетди.

— Жигаргўшаларим, — деди Карим ота анчадан кейин, — болаларим... сизларга...

Карим ота қўйини пайпаслади. Қоғозга ўроғлик нарсани титраб туриб очди. Кейин бу ҳолатдан ҳаяжонланиб турган директорга узатди. Қизил галстук,ғижимланган, кўн жойига қон теккан. Ҳозиргина тинч ва

осойишта зал ҳаяжонга тўлди. Залдагиларнинг нигоҳи дам Карим отага, дам директор кўлидаги қизил галстукка тикилди.

— Азизларим, жигаргўшаларим. — Карим ота анча дадилланди, —бу кимники, биласизларми? Йўқ, асло билмайсизлар. У Қодиржонники. Ҳа, ҳа, Қодиржонники.

Карим ота белидан белбоғини ечди. Кўзларидан думалаб тушаётган ёшларни эртди. Унинг ич-ичига ботган қоп-қора кўзлари зал бўйлаб худди Қодиржонни излаётгандай.

Залга сув селгандай жимжитлик чўкди. Ҳамма қизил галстук ҳақида, қолаверса Қодиржон ҳақида тезроқ билишни истарди. Ота бўлса шошилмасди. Хаёлларини бир жойга жамлаб олмоқчидай, залдагиларга ўйан боқарди.

— У сизлардақа эди. Қодиржон ёруғ дунёга келиб нимани кўрди. Гўрингда тикка тургир қон ялаган иблис кўрбошиллар гўдак жонига қасд қилди. Ун гулидан бир гули ҳам очилмаган Қодиржонда нима гуноҳ эди? Қизиталоқлар ўзи ҳам гўдаклар уволоига қолди. Иг азобида қийналиб ўлди. Ҳа, ҳа қийналиб ўлди.

Худди кечагидай эсимда. Инсон боласи уни унутармиди? Қани энди кўлимда курулим, билагимда кучим бўлганида Қодиржонни бўри панжасидан кутқариб қолардим. Иложимиз бўлмади. Тўплаган бир тўп ушимиз билан қаерга ҳам борардик. Бунинг устига отам раҳматли кўл кўтаргани кўймади.

Ҳали-ҳали афсусланман. Кейинги пушаймон ўзинга душман. Ҳали-ҳали дейман, ўша ҳолатни кўрган мана бу кўзларим кўр бўлмасмиди? Биламан, сизларни Қодиржон қизиктиряпти. Шошманглр, ўзимни тугтиб олай. Бир бошдан айтиб бераман.

Карим отанинг илгариги ҳаяжонланмишдан асар ҳам қолмаган эди. Унинг вужудида босмачиларга нисбатан нафрат Қодиржонга эса катта ҳурмат хисси бор эди. Ота гўё ўз фарзанди, ўғли ҳақида залдагиларга гапириб бераётгандай эди.

— Ушанда ўн яшар бола эдим. Гўрингда тўнғиз тўнғир босмачиларнинг дастидан юрак олдириб қолгандик. Қон ялаган ювиндихўрлар кундузи писиб ётиб, кечалари эл ишига бош бўлганларнинг уйини босиб, ястигини қуритарди. Шунанқа, босмачилар дастидан биз шўринг қурғурлар томда ётардик. Олдимизга тош териб қаёқдан келиб қоларкан ит эмганлар деб кечаси билан мижжа қоқмасдик. Аниқ эсимда, ёз пайти эди. Ой кўтарилиб тепага келган. Отам иккаламиз томда ётардик. Уйимиз Марғилон-Кўқон йўлидан сел ичкарида эди, холос. Мен сизга айтсам, ҳозир у ерлар

бузилиб кетди. Катта оғибор тушган. Ичига поезд кириб, поезд чиқади.

Ой пастликка шўнғиб кетгунича ҳам ухламадик. Энди кўзим илинган экан, от тўёқларининг товушидан уйғониб кетдим. Қарасам, отам уйғоқ. Иккала кўлига тош олиб тек ётибди. Мен унинг пинжига тикилдим. Бир пайт қарасам, Марғилон тарафдан бир гуруҳ босмачилар от солиб келиб қолишди. Шўримиз қуриди, деди отам. Қишлоққа бизнинг уй тарафдан кириб келишса-я. Қозонимизни ҳам сувга ташлайдиган бўлдик. Отам менга пичирлади.

Бир вақт қарасак, босмачилар уйимиз рўпарасида тўхташди. Улар ўн чоғли эди. Ёнбошлаётган ой ёруғида уларнинг юзларини ғира-шира кўрардик. Ҳаммасининг елкасида милтиқ. Шу пайт бошимни шойи қийиқ билан танғиб олган бир йигит шоп мўйловли босмачи ёнига келиб, норозилик оҳангда деди:

— Ҳа, хўжайин, буларни ортиқча юк қилиб нима қиламиз. Кичкиниси бўлса, қишлоқдан чиққандан бери йиғлагани-йиғлаган. Ҳоли-жонимизга қўймаяпти. Каттаси эса оғзига толқон солиб олган. Улар қиз бола бўлса бир нав эди. Бир йўла овозини ўчириб, қўя қолайлик... Бекорчи юк қилиб олиб юрамизми?! Болам деб отаси ўз оёғи билан кириб келармиди. Бунинг устига бирорта қишлоққа кирайлик. Ахир эртанги кунимизни ҳам ўйлашимиз керакми, хўжайин?

— Тўғри айтасан,— деди ҳалиги шоп мўйловли босмачи. Афтидан бошлиқ бўлса керак. Кейин қўшиб кўйди:— Доим ичимдагини топиб гапирасан-да, Аҳмад кал. Отдан тушир! Ҳа-ҳа-ҳа.

Аҳмад кал тўдаси кўллари орқасига боғланган икки болани отдан туширишди. Шу пайтда менда кўрқувдан асар ҳам қолмаганди. Ёстиқни нарига суриб, икки кўлимга тош олдим. Отам кузатиб турган экан. Бир кўли билан кўлимни босди. Иккинчи кўли билан оғзимни беркитди.

— Жим,— деди у,— билиб қолишади.

— Отанг қаерда,— босмачиларнинг бошлиғи йигитнинг иягига қамчи сопини тиради,— ўрусларга сотилган отангни айтяпман? Қаердалигини айтсанг, топиб берсанг омон қолсан. Бизларга сенлардан нима фойда. Отангни топганимизда-ку, эркакчасига гаплашиб кўярдиг-а. Ўттиз иккита тишини суғуриб олардим, у аблаҳни!

Боладан садо чиқмади.

— Балки, хўжайин, укаси айтар,— деди Аҳмад кал,— боя өйтдим-ку, оғзига толқон солган деб.

— Ҳа, бўлмаса сен айта қол!— Босмачиларнинг бошлиғи йигитчанинг укасига яқинлашди.— Жонинг ширин бўлса керак.

Отаннинг дарагини айтсанг, бамисоли ўғлимдай кўраман. Лақиллатсанг бошинг узилади.

— Айтаман,— деди у.— Қўлимни ечинг.

Шу топда акасининг кўзлари ўтдай ёнди. Ғазаб билан укасига тикилди.

— Қодир,— деди у овозининг борича қичқириб,— бу итларнинг олдида оғзингни оча кўрма! Отаннинг қарғишига қоласан...

Акаси охириги гапини айта олмади. Аҳмад кал боланинг юзи аралаш қамчи тортиб юборди.

— Бўрининг боласи бўри бўлади,— деди босмачиларнинг бошлиғи Аҳмад калга,— овозини ўчир. Фақат милтиқ билан эмас. Уқлар ҳам ҳайф кетади. Бамисоли жўжаҳўроздай сўй!— Босмачиларнинг бошлиғи қамчисининг сопини Аҳмад калнинг томоғи тагига олиб бориб кўрсатди.

— Акамни ўлдирманглар,— кўллари ечилган Қодиржон Аҳмад калга ёпишди,— ҳаммасини айтаман. Фақат ўлдирманглар. Унда айб йўқ.

— Уҳа,— деди босмачилардан бири,— бу баччагарни тили чиқиб қолди-ку.

— Қани гапир-чи,— босмачиларнинг бошлиғи кўзининг пахтаси чиққудай бўлиб Қодиржонга тикилди.

— Ҳаммасини айтаман. Аммо барчаларнинг кулоқларингга яхшироқ қилиб қуйиб олинглар. Эсларингдан бир умрга чиқарманглар.

Шу пайт Қодиржонга ҳавасим келиб кетди. Унинг мардлиғига, ўлим олдида ҳам ўзини дадил тутаётганига қойил қолдим.

— Дадам тўртинчилардан бўлган большевик. Ҳали қараб турсаларинг адабларингни шундай берсинки. Бир дадамнинг қўлига тушганларингда эди, кўрардиларинг. Чин кашшофлик сўзим...

Қодиржоннинг кейинги сўзи оғзида қолди. Юзи аралаш қамчи билан тепки тушди.

— Тинчит, Аҳмад!

Ака-укани икки томонга олиб кетишди. Акасининг айтган сўзлари кечагидай эсимда:

— Қодиржон, сенга ишонардим, раҳмат! Бу сўзларингни дадам эшитганда борми сени бошига кўтарарди,— деганди акаси.

Тош бор қўлимни ҳавога қандай кўтарганимни сезмай қолибман. Отам қўлим ара-

лаш елкамдан босиб қолди. Кўп ўтмай ўша тарафдан шир-шир этган қон овози эшитилди. Босмачилар йўлни қўлга буришиб, кўздан ғойиб бўлишди. Отам, қўшнимиз Ёрмат ва мен учаламиз ўзимизни йўлга отдик. Қайси кўз билан кўрайликки, жигаргўшаларим, қонга беланиб ака-ука шоҳ ариқда ётарди. Қодиржоннинг бўйнидаги галстукка уни кўтариб олаётганимизда кўзимиз тушди. У қирларда очилган лола қизғалдоқ рангида эди. Иккаласини уйга олиб кириб, сўрига ётқиздик. Кўп ўтмай уйимизга бутун қишлоқ йиғилди. Станцияга ҳам хабар қилдик. Тонг ёришай-ёришай деганда Марғилон томондан уч отлиқ от солиб келишди. Улардан биттаси чувақкина, бошидаги фуражкесиди қизил юлдуз ёниб турарди. У Қодиржонларнинг отаси эканлигини кейин билдик. Ака-укани олиб кетишгаётганда устунга илинган қизил галстукни бериб юбориш ҳеч кимнинг хаёлига келмабди. На отам, на Ёрмат тоға уларнинг қаерлик эканлигини суриштирмасданок, жўнаб кетишди.

Шундан бери, жигаргўшаларим, эллик етти йил ўтди. Ушандан бери Қодиржоннинг қон аралаш галстугини эҳтиётлаб сақлабман. Бугун эса уни йўқотмай, эсон-омон сизларга топширганимдан хурсандман. Омонат қарзимдан узилдим. Охирида айтадиган гапим бор. Душманларга Қодиржондек шафқатсиз, танлаган йўлингизга бардошли бўлинглар. Уқишда аъло, меҳнатда намуна кўрсатинглар. Биз кексаларнинг сизларга айтадиган гапимиз, мана шу!

Зал гулдурос қарсақка тўлиб кетди. Ушлу куни мактаб пионерлари Қодиржоннинг порлоқ хотирасини муқаддас сақлашга, галстугини авайлаб асрашга, ўзлари эса меҳнатда ва ўқишда Қодиржондек бўлишга тантанали ваъда бердилар.

Яқинда Ҳуснободдаги ўрта мактабда бўлдим. Қарим отанинг айтганлари аъло даражада бажарилаётганини кўзим билан кўриб қувондим. 4-«А» синфда Қодиржон номида парта ташкил этилибди. Энг аълоли, интизомли, жамоат ишларида намуна бўлган ўқувчилар шу партада ўтираркан. Ҳар жиҳатдан аълочи пионерлар тантанали сборларда Қодиржоннинг галстугини тақиб бахтига муяссар бўларкан.

Мард пионер Қодиржоннинг хотирасини шундай эъзозланмоқда.





## Юнус ТОЛИПОВ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси. У ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидан шеърятга шайдо. Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Ғайратийнинг «Еш адабиётчилар тўғараги»да таҳсил кўрган. Болаларга атаб ёзган шеърлари билан республика газета ва журналларида актив қатнашиб келади.

### БИР СИНФ БОЛАСИМИЗ

Бизда қоида, тартиб  
Туфлини киринг артиб,  
Синф ифлос бўлмасин,  
Кийинг, мактаб формасин,  
Дарс ҳам чиқмасин ёддан  
Сўранг, берамиз ёрдам.  
Ҳамма одоб сақласин,  
Доска — билим саҳнаси,

Билими бўлса пухта  
Гапида қолмас тўхтаб.  
Тутилмайди довдираб,  
Кўзи турмас жовдираб,  
«2» га ўқ отамиз,  
«2»ни йўқотамиз.  
Аҳил, иноқ ўғил-қиз  
Бир синфда ўқиймиз.

### КЕЧИР, ОҒАЙНИ

Кўмирга деди шу чоғ  
Самовар қилиб жаҳл,  
— Оппоқина юзимни,  
Ифлос қилдинг-ку, ахир?  
Кўмир деди:  
— Уйламай  
Менга боқдинг олайиб,  
Ерда кўп ётавериб  
Юзим кетган қорайиб,  
Сувинг қайнар шақиллаб  
Менинг оташ-ўтимда

Ланғиллаб оловлансам  
Қорам кетар бетимдан.  
Аланга-оташимда  
Сувинг кетса парланиб,  
Тагин эриб қолмагин,  
Юрма мендан зорланиб.  
Самовар ҳам кўмирдан  
Секин сўради узр,  
— Кечир,— деди оғайни —  
Сен-ку жонимга ҳузур.

### ТОМОШАГА КЕЛИНГЛАР

Тарқалди шундай миш-миш —  
Пьеса қўйилар эмиш.  
Ролларда ўйнайди ким?  
Бош ролда ўйнар Нажим.  
Грим қилиб бўлар чол,  
Улайди узун соқол.  
Насиба ҳам талабгор  
Унга ҳам битта роль бор.

Баҳор хола ролида  
Уйнашга моҳир жуда.  
Ким бўлар катта доктор  
Карим ўйлаб деди:  
— Зўр!  
Менга боп экан бу иш,  
Қийинми укол қилиш?  
— Сўзини қотирсанг бас,



Катта докторларга хос.  
Болалар хўп қулишди,  
Ҳазил-ҳузул қилишди.  
— Дангасани ўйнар ким?

Ҳамма бўлиб қолди жим.  
Одам топилса агар  
Уйин бўлар муқаррар.

### СУМАЛАК

Тоғлар ортидан қуёш  
Чарақлаб чиқаётир.  
Тарновдаги сумалак,  
«Тушмай»,— дер бежавотир.—  
Тушиб кетсам беҳосдан  
Бир фалокат бўлмасин,  
Ўтаётган йўловчи  
Мендан озор кўрмасин,  
Шўх ўйноқи сув эдим,  
Яйраб оқардим, бироқ, —


Совуқ тутди қўлимдан,  
Қотириб, берди қийноқ,  
Ўзим юввош, бўш эдим  
Менда бор нима айб?  
Ҳеч кимсани тўсатдан  
Қилгим келмайди, майиб».   
Ташвиш тортар қийналиб,  
Зўрға турар сумалак.  
Рози эдим тарновдан  
Сув бўлиб оқсам чак-чак.

### ГАПДОН БОЛА

Кўча-кўйда Эшматни  
Дейдилар гапдон бола.  
Сира бермас гапини  
Ҳайрон қоласиз қараб.

Муаллим: — Масалани,—  
Деса,— келдингми ишлаб?  
Бошин кўтарса қани,  
Гапиролмас мум тишлаб.





## Махмуд ШОМАНСУРОВ

1956 йилда Тошкентда туғилган. ТошДУнинг сиртқи бўлими талабаси. Болаларга аталган жажжи ҳикоя ва лавҳалари билан матбуотда тез-тез кўриниб туради. Ҳозир Совет Армияси сафида хизмат қилмоқда.

### КАТТА СОВҒА

Муниранинг акаси ўзининг биринчи маошидан ойисига кўйлақ, синглисига рў-молча совға қилди.

Онаси ўғлини дуо қилиб:— Умрингдан барака топ, полвоним-пахлавоним...— деди.

«Қани энди мен ҳам ойимни шундай хурсанд қилсам. Мен қачон пул топадиган бўлар эканман?» деб ўйлаб қолди Мунира. Қиз юрганда ҳам, турганда ҳам шуни ўйларди.

«Қандай қилиб пул топсам экан?» У бирдан катта бўлгиси, акасига ўхшаб ишлагиси келар эди. Афсуски, у эндигина бешинчи синфда ўқияпти. Бир куни у мактабдан қайтаётган эди, орқасидан биров чақиргандай бўлди. Ўғирилиб қараса, бир қўлида катта сумка, иккинчи қўлида тугун кўтарган аёл турибди.

— Айланай қизим, шу сумкамни кўтаришиб юбор, жуда чарчадим,— дея илтимос қилди. Мунира пул ҳақида ўйлаб келаётгани учун бирдан:

— Пул берасизми?— деб юборганини сезмай қолди.

Аёл:— Майли, қизим,— деди ва ичиди: «Қизи тушмагур ҳазиллашаяпти», деб ўйлади. Мунира сумкани кўтариб холанинг орқасидан эргашди. Анчагина юрғач, кўк эшик ёнида тўхташди. Шу пайт эшик очилди-да, ёқимли овоз билан салом бериб бир қизча чиқди. Мунира таниш овозни эшитиб, ўғирилиб қаради-да:

— Вой...— деб юборди.

— Ие, Мунир, қайси шамол учирди?— деди дугонаси. Мунира қизариб кетди, ғўлдираб қолди.

Хосият уни:

— Мунир, кир уйга?— деб астойдил таклиф қилди.

— Йў-ўқ, шошиб турибман,— деди Мунира зўрға ўзини ўнглаб. Фазилат хола эса чўнтагидан танга чиқариб беришини ҳам, индамай қўя қолишини ҳам билмасди. Хосият дугонасига: «хайр», «раҳмат»,— деди хурсанд бўлиб. Мунира ғизиллаганча уйига жўнади. Қиз уйига келганда ойиси супада нимадир тикиб ўтирар эди. Қизининг ранги оқариб кетганини кўрган она ташвишланиб сўради:

— Вой, қизгинам, нима бўлди, рангингга қара...

— Ойижон,— дея бағрига отди ўзини Мунира.— Сизга совға, катта совға олмоқчи эдим, бўлмади,— Муниранинг томоғига бир нима тикилгандай бўлди-ю, у ёғини айтолмади. Бир оз ўзини босиб олғач, бўлган воқеани айтиб берди. У ўйлаб-ўйлаб, одамларга у-бу ишларда ёрдам бериб пул ишламоқчи, пулига онасига совға келтирмоқчи бўлганини сўзлади. Ойиси эса кулди:

— Вой, қизгинамдан айланай-ей, менга унақа совға керак эмас, бировларга ёрдам берганинг, яхшилик қилганинг— мана шунинг ўзи катта совға!

Чиндан ҳам фарзандлари озгина бўлса ҳам одамларга фойда келтирганини кўрган ота-оналарнинг қувончи чексиз бўлади.

Бир куни кечкурун Зокир акасига «Мен дарсхонада» деган темада иншо ёзиб беринг, ҳеч ёзолмаяпман», деб ялинди. Шокир укасига қараб: «Ўзи дарсхонангнинг тайини йўқ-ку, қандай қилиб иншо ёза олардинг?»— деди. Аммо бу кесатиклар укасига заррача ҳам таъсир қилмасди. Зокир акасида ҳаттич бир ёруғлик чиқмагач, индамай уйга кириб кетди. «Ҳозир ётади кўрпага ўралиб, эртага тагин «2» олиб келади, уф-ф...» деб қийналди Шокир. «Ҳа-а топдим,— деб ўз-ўзига шивирлади у бир оздан сўнг, — балки синфдошларидан уялар. Боплаб ёзиб берай иншосини, кўрсин кейин хангомани».

Шокир стулга ўтириб, дарҳол иншо ёзишга тушди. Сўнг соат 10—11 ларда тугатиб, иншони укасининг портфелига солиб қўйди.

Эрталаб нонушта вақтида укасига «иншонинг тайёр» деб унинг портфелига имо қилди. Кейин: «Агар «беш» олиб келмасанг кўрсан», деб қўшиб қўйди у, сўзининг тўричилигини тасдиқлаш учун. Зокир алвон галстугини тақар экан «Сиз ёзасиз-у, «беш» бўлмай неччи бўларди», деди севиниб. «Кўрамиз», деб кулиб қўйди Шокир.

\* \* \*

Қўнғироқ чалинди. Биринчи дарс бошланди. 6-«В» синфиди она тили ўқитувчиси Зарифа опа йўқламадан сўнг уй вазифаларини текшира бошлади ва бирдан: «Қани Соҳибов ёзган иншонингни ўқи-чи», деб

қолди у Зокирга қараб. Зокир эса бу пани да портфелини очаетган эди. «Аттанг, дафтаримнинг ичини кўрмагандим-а, ишқиниб акам «беш»га бўлмаса ҳам, «уч»га лойиқ ёзган бўлсин-да» — деди у ўзига-ўзи дафтарини қўлга олиб. У доска ёнига чиқиб, иншосини ўқий бошлади: «Ҳурматли Моҳира опа, укам Зокирнинг қадрдон синфдошлари...» Бу гапларни эшитиб синфдаги ўқувчилар ҳайрон қолишди. Зокир эса иншонинг бундай кескин бошланишидан эсанкириб, нима қиларини билмай, икки кўзини орқа қадаганча жим тураверди. Ҳамма ўқувчилар қулоғини динг қилиб, Зокирнинг оғзини пойлаб, жим ўтиришарди. Бир оз фурсатдан сўнг сукунатни Зарифа опа бузди:

— Ҳа, ўқисанг-чи, нега қаққайиб турибсан?

Ойдек оқариб кетган Зокирнинг энди ўқишга мажболи қолмаган эди. Шунда Зарифа опа унинг дафтарини юлқиб олди-да, баланд овоз билан иншони ўзи ўқиди. Маълум бўлишича, Шокир бу гал иншо ёзиб бериш ўрнига, укасининг синфдошларига қарата хат ёзиб юборган экан. Шокир ўз хатида Зокирнинг дангасалигини, ҳар сафар ўзи иншо ёзиш ўрнига гоҳ акасига, гоҳ адасига тижалинч қилиб, ялиниб-ёлбориб уларни ишлатганини бирма-бир айтиб чиққан эди.

Ер ёрилмади-ю, Зокир ерга кириб кетмади. У ўз жойига ўтирар экан, аранг: «энди... ўзим...», дея олди. Балки, энди иншони ўзим ёзман, демоқчидир. Кошки шундоқ бўлса!



## ДУСТОНА ҲАЗИЛ

Саъдулла бир соатдан бери дарс тайёрлолмай хуноб. «Яна Элбекдан кўчириб олсаммикин-а?» деб ўйлади у ичида ва дарров бу фикридан қайтди: «Ўлиб-тирилиб зўрға беради. Яна олдингидек оққа кўчирганини эмас, устма-уст ёзиб-чикиб ташланган ажи-бужи черновойини тутқазадим». Саъдулла берилган вазифани яна бир бор кўздан кечириб, анча вақтгача бош қотирди. Уддасидан чиқолмагач: «Э, бор-э, бу гал ҳам кўчирсам кўчирибман-да!» деганча, велосипедини миниб, Элбекларни-кига зинғиллади.

«Менинг ҳам фойдам тегиб қолар, айтмоқчи, тунов куни пероси синиб қолганда ручкамани бериб турдим-ку!»

— Элбек, немис тили дафтарингни бериб тур,— деди шу хаёл билан ўртоғининг уйига етиб келган Саъдулла.

— Янами, олдинги сафар кўчириб олувдинг-ку!

— Вой-бў бу гал ҳам бериб тура қол ўртоқ, менга ҳам ишинг тушиб қолар.

— Бериб туриш у ёқда турсин, энди сенга дафтарингни рангини ҳам кўрсатмайман. Ўзинг меҳнат қил.

Шунда Саъдулла «кичкина укам оғриб қолди, дарс тайёрлашга сира имконим йўқ» деб кўзларини жавдиратди. Унинг гапи ёлғон эканлиги бари бир сезилиб турарди. Қизиқ, шуни сезиб турса-да, Элбек негадир ўртоғининг ваз-карсонларига чиппа-чин ишонди-қўйди.

— Майли, охирги марта,— деди в ва зум ўтмай, Саъдуллага таниш дафтарни кўтариб чиқди. Сўнг унинг кўз олдида берилган вазифаларга қўшимча қилиб, нима-ларнидир ёзиб қўйди.

Саъдулла: «Ўртоғим дарсни жуда ўрнига қўйиб тайёрлайди-да, бир жумла чаласини ҳам мана ҳозир ёзиб қўйди», деб ўйлади.

— Дафтарингга ёзишингдан олдин ўзбекчага таржима қилиб чиқ. Бўлмаса, тушунмасдан кўчириб хато ёзиб қўясан,— деб огоҳлантирди Элбек табассум билан.— Албатта таржима қил!

Саъдулла ўртоғига «хўп бўлади, раҳмат»,— деди-ю, ичида: «Таржима қилиб бошимни қотириб ўтираманми? Шартта кўчираман қўяман!» деб ўйлади ва велосипедига ўтирди...

Эртасига Элбек дафтарини қайтариб олаётиб, сўради:

— Қалай, яхши ёзибманми? Хатоси йўқми? Охирги жумла жуда зўр тузилган-а?

Саъдулла эса «Ҳа, ҳа, зўр, балосан дўстим» деб уни мақтади.

Қўнғироқ чалиниб, дарс бошланди. Муаллима Саъдуллани доскага чиқарди.

— Қани, олдинги дарсда берилган уй вазифани ўқи-чи.

Саъдулла Элбекдан кўчириб олганларини бирпасда шариллатиб ўқиб ташлади. Муаллима негадир қошини чимириб, уни энди кўриб тургандай ғалати қараш қилди:

— Сўнги жумлани қайтадан ўқи.

Саъдулла такрорлади. Шунда ўқитувчи:

— Ҳа, шундайми, бўпти, илтимосингни бажо келтираман,— деди ва унга «икки» қўйди.

Танаффусда Элбек Саъдулланинг ёнига ҳовлиқиб келди:

— Нима қилиб қўйдинг!— деди.— Охирги жумлани черновойга ҳазиллашиб ёзсам-у, сен бўлсанг шуни ҳам кўчириб ўтирсанг! Аввал таржима қилиб, кейин кўчир дегандим-ку! Қани ҳозирок ўша жумлани таржима қил-чи.

Саъдулла луғатини қўлга олиб, Элбекнинг ёрдами билан таржима қилди.

Маълум бўлишича, Элбек Саъдулланинг номидан немисчалаб «Менга «икки» қўйишингизни сўрайман, машқни бир ўртоғимнинг дафтаридан кўчирган эдим», деб ёзган экан.

□

---

# Бердимурод ЮСУПОВ

---



1942 йили Самарқанд область, Пастдарғом районидаги «Москва» колхозида туғилган. Касби — ўқитувчи.

1965 йилдан бошлаб шеърлари район, область ва республика газеталарида босилиб келаётир.

---

## РАИС БУВА УЯЛДИ

Бир тўп бола сой бўйида,  
Ўйнаб ўтирар эди.  
Раис кўриб болаларга:  
— Ҳорманглар, энди,— деди,—  
Уҳ-ҳў, қойил, чаккимас,  
Болажонлар, зўр-ку иш!

Айтинглар-чи, хўш, қани,  
Бу қанақа қурилиш?  
— Буми?— деди бир бола,—  
Боғча қуряпмиз. Битди.  
«Боғча» сўзин эшитиб,  
Раис уялиб кетди.

## ОЙМОМАЖОН, БОТМАЙ ТУР

Оймомажон,  
Оймома,  
Шўх кулгига.  
Бой мома.  
Бувим эртак  
Айтмоқда.  
Ботишингни  
Кутмоқда.  
Сен ётганда  
Айтармиш.  
Сен ётганда  
Ётармиш.

Шошма бир оз  
Ҳаммамиз,  
Сўнгра бирга  
Ётамиз.  
Эртагимиз  
Тугасин.  
Эштайлик  
Ҳаммасин.  
Жон оймома,  
Ботмай тур.  
Озроқ қолди  
Ётмай тур.

## ҲУВ БОЛА

Ўндан ошса ҳам ёшинг,  
Пишмаган қовоқ-бошинг.  
Чошгоҳгача ухлашинг,  
Инсофданми, ҳув бола.  
Сен куларсан қуёш ҳам,  
Жажжи уканг Қўлдош ҳам,  
Бунча бўлмасанг беғам,  
Тур, юзингни юв, бола.

Ўқиш, ишда ўрناق бўл,  
Дўстлар билан ўйна, кул,  
Ҳар кишига керак бил,  
Ҳафсала, ўқув, бола.  
Шундай ўтар ёз, қишинг,  
Яхши эмас ўқишинг.  
Йиғиб олгин эс, ҳушинг,  
Танбалликни қув, бола.

## ҚУҒИРЧОҚ

Магазиндан олиб келсам  
Гулнорага қўғирчоқ.  
Бир дам ўйнаб уй бурчига  
Элтиб қўйди ўша чоқ.

Нега ундай қилдинг, десам,  
Дер тикилиб кўзимга:  
— Ака, унга «жазо» бердим,—  
Дер,— кирмагач сўзимга...

## НИНАЧИ

— Ҳой, ниначи, ниначи,  
Нинангдан сот менга ҳам.  
Қанотингдай чиройли,  
Кўйлак тикай соз, ихчам!

— Ҳой, жажоки қиз, жажоки қиз,  
Дема менга унақа.  
Ишим нина сотишмас,  
Исмим ўзи шунақа.

## ЛОЛА БИЛАН БОЛА

— Ҳой, Лолахон, Лолахон!  
— Ҳа, нима дейсан, ўғлон?  
— Чўққида ўсдинг нега,  
Қани айтгин-чи менга?  
Уссанг бўлмасми пастда.  
Лола сўз қотди аста:  
— Тинчлик учун курашган,  
Бахтли замон улашган,

Боболарнинг қониман,  
Ҳар йил баҳор чоғи ман,  
Олов бўлиб боқаман,  
Ялов бўлиб боқаман.  
Табаррук ушбу қонни,  
Табаррук шу инсонни,  
Сақлаб доим дилимда,  
Кўз-кўз қилгум элимга.



# ЁШЛИК ТАБАССУМИ





Ёшлар билан ишлаш советининг аъзолари навбатдаги машғулотдан кейин.  
М. Тўйчиев фотоси.



# Нурмамат АЛМУРОДОВ



1950 йили Булунгур районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Республика радио эшиттириш ва телевидение Давлат Комитетида ишлайди. Шеър ва ҳикоялари 1970 йилдан бери, республика матбуотларида босилиб келмоқда.

## ҲЕЧ КИМ КЎРМАСИН

Жасур қанчалик ҳаракат қилмасин ҳаёт тўлқинлари уни бир зарб билан етти ухлаб тушига кирмаган жойларга олиб келиб ташлади. Шунисига ҳам шуқуруна айтиб, мана ҳозир институтда ишляпти. Касби журналист бўлгани учунми домлалар, студентлар жуда бошқача кўз билан қарашади. Баъзан кафедра мудирини Ҳошим Ҳакимович илмий ишларининг у ер-бу ерини кўрсатади-да, «бадийлаштириб юборинг», деб ҳоли-жонига қўймайди. Мана бугун ўша киши негадир Жасурни ҳузурларига чақиртирибдилар. У ҳар хил хаёлларга бориб, эшикдан тортинибгина кираркан:

— Мени чақиртирган экансиз,— деди.

— Келинг, келинг, қани бу ёққа ўтирингчи,— деди жой кўрсатиб Ҳошим Ҳакимович,— хуш, кабинетда кимлар бор?

— Зафар Мингбоевич...

— Ана ўша қилтириқни алоҳида кузатиб борасиз. Эшитдингизми? Домлалар ичида энг песи шу одам. Мен айтган дафтарга ёзиб боряпсизми?

— Йўқ, домла,— деди қатъий ҳолда Жасур,— менинг қўлимдан бунақа ишлар келмайди.

— Нега келмас экан. Уйлаб гапиряпсизми?— ҳайрон бўлди Ҳошим Ҳакимович.— Биз сизни шунақа ишларни ҳам ҳал қилади деб ишга қабул қилганмиз.

Жасурнинг юзларига ғоят машаққатли ўқиб-ўрганишлардан сўнг эндигина ранг кира бошлаган эди. Йўқса, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг деб қўлига қалам-қоғоз тутақазса нима бўлади. Лом-мим демасдан шу ондаёқ рози бўлиб сўради:

— Кечирасиз, дафтарга қанақа тартибда ёзиб боришим керак, домла?!

— Мен Сизга айтган эдим-ку, ишга ўз вақтида келиб-кетмаганларни ва бошқа махфий гапларни,— деди эсига солиб,— ҳан душанба куни дафтарни менга кўрсатиб турасиз. Буни ҳеч ким билмаслиги керак.

Яхшими, ёмонми, ёзиш деганда Жасур ўзини томдан ташлай олса ҳам дастлаб ҳарчанд уринмасин дафтарга ҳеч нарса ёза олмайди. Журналистлар ён дафтарига сира ҳам ўхшамас экан. На чора... Айтилган кунига қуп-қуруқ бўлса ҳам дафтарни кўрсатишга мажбур бўлди. Ҳошим Ҳакимович юмшоққина уришиб:

— Жуда бўшсиз, ишлашни ўрганинг, укам!— деди.

Иккинчи ҳафта ҳақиқий ишга киришиб, катта-ю кичик ҳаммани баб-баравар зимдони кузатиб борди. Одам ҳаракат қилса ҳамме ишни эпласа бўларкан. Ниҳоят, дафтарнинг биринчи саҳифасига шундай ёзиб қўйди:

«17 январь, душанба, 19... йил.

Нодир Пўлатов соатбай дарслари учун олган пулидан эллик сўм бериб кетди. Ҳошим Ҳакимович чўнтагига тикқаркан:

— Тузуқ одамга ўхшайди,— жилмайди.— Келгуси йил ҳам дарс берсамкикин?

Уринбосари елка қисди.

19 январь, чоршанба, 19... йил.

Кафедрада бегона киши бор эди. Студентлардан бири беш-олти кило яхши қорла майиз олиб келган экан. Ҳошим Ҳакимович уришиб-уришиб чиқариб юборди. Кейин у киши кетгач, чақиртирди-да, раҳмат айтиб, майизни олиб қолди.

Сиртдан ўқиётган студентлар яхши ниятлар билан сессия олдидан ош қилишган экан. Ҳошим Ҳакимович бир пара дарсини ташлаб чойхонага — ошга кетди-қолди».

Одатдагидек Жасур душанба куни яна дафтарни олиб кириб кўрсатди. Ҳошим Ҳакимович ўз исм-шарифларини кўраркан,

ававал жилмайган киши бўлди. Кейин ҳар қандай доворак одам кўрқадиган даражада тиржайиб:

— Дафтарни дарҳол йўқотинг,— деди,— ҳеч ким кўрмасин.

Шуни яхши билиб қўйингки, Жасур Ҳошим Ҳакимовичга сўз берса-да, дафтарни ҳеч қаерга йўқотгани йўқ. Ҳар куни ёзиб-чикизиб борапти...

## ТОНГ ОТА ҚОЛСА

Сизга айтсам, илгаридан бир ғалати одатим бор. Албатта, ётиш олдидан беш-олтита шеър ўқимасам ҳеч уйку келмайди. Негадир бу дафъа китобни қўлга олишим билан донг қотиб ухлаб қолган эканман, эшикнинг қаттиқ тақиллаганидан чўчиб уйғониб кетдим. Эшикни очсам, қўшни хонадаги қизлардан бири илиқ табассум билан қўлимга бир дона хат тутқазиб кетди. Яна отамдан. Хатни эринчоқлик билан ўқий бошладим.

«...Бу мухбирлик ўқишини жуда яхши биламан. Шундай бир касофат ўқишки, бир умр даврага қўшилмай ўтиб кетасан. Улфатчилик бўлган жойга боргудек бўлиб қолсанг соянгни кўриши биланоқ ёп дастурхонни, беркит, анави қизиталоқ келаяпти. Бир нима деб ёзиб кетади дейишиб, дастурхонни ёпиб, туриб кетишади. Ҳа, кўрганмиз. Вақти келганда ўзимиз ҳам бир неча марта шунақа қилганмиз. Сенга пуркурорлик ўқишига кир, пуркурорликка кир деб мен ҳам, Эшмат аканг ҳам зор қақшабмиз-а. Йўқ, журналистикадан бошқасига киролмайман деб икки оёғингни маҳкам тирадинг. Журналистикага кирган одам унга ҳам кирардинг. Ана энди ўзингдан кўр. Менинг пенсия пулимдан ўн сўм, ўн беш сўм умидвор бўлиб Тошкентдан келиб юрмасдинг. Пуркурорликка ўқишга кирганингда ҳар ойига юз сўмдан десанг ҳам Эшматнинг ўзи орқангдан етказиб, ҳолингдан хабар олиб турарди. Анқабойни кўрдингми? У ҳам сенга ўхшаган бола, пуркурорликка ўқишга кириб, ялло қилиб ўқиб юрибди. У қишлоққа келса қўл-қўлга тегмайди. Уша куни катта тўю томоша дезвер. Шунча ёшга кириб, худонинг бунақа суйган бандасини энди кўрмаялман. Униси, бизниқдан чой ичиб кетинг, буниси, бизниқдан нон еб кетинг, деб каттадан-кичик ҳаммаси пойи патак бўлишади. Бай-бай, кетаман деб қолгудек бўлса борми, бири йўл пули қилиб кетинг, деб у чўнтагига, яна бири студент одамсиз, ука, қийналиб қолманг тагин, чой пули қиларсиз, деб бу чўнтагига муллажиригдан тиқишгани-тиқишган.

Сен келсанг-чи, ҳеч уйдан чиқмай, китобни қучоқлаб ётиб оласан. Сенга шаҳар олиб берадиган китобингдан ўргилдим-э. Тошкентингда шу вақтгача қучоқлаб юрганнинг етар. Энди келсанг, мундоғ одамга ўхшаб қўни-қўшниларикига кириб-чиқадиган бўлиб кел... Ҳа, айтмоқчи, ўтган сафар уйга келганингда бу ўқишни қўйиб пуркурорликка ўтаман, дегандинг. Яна бизни лақиллатиб юрган бўлмагин. Утган бўлсанг, ҳат эъ, телеграмма юбор. Нега ҳамон жимжитсан. Эшматдан суюнчи олаверайми? Одамнинг гапига кирмай ўзингни-ўзинг қийнаб юрибсан. Ана шундай шахри азимда беш-олти йил юрганнингга яраша сени катта одам бўлсин, дўст кўриб қувонсин, душман кўриб, қуйиб ўлсин деймиз-да, ўғлим! Сенинг бу ҳозирги ўқишингдан шэфёрлик минг марта яхшимасмиди. Эҳ, аттанг, тўрт ойда битириб қўлингга бир ҳужжат олиб чиқардинг. Шундоқкина уйимизнинг ёнгинасида эди-я. Ортиқбой аканг ҳам ўша ерда ўқиб чиққан. Мана, ҳозир райониимизда унга тенглашадиган одам йўқ. Бир неча йилдан бўён пуркурорнинг машинасини ҳайдайди. Утган куни кўчага чиқсам, «Шарқ ҳақиқати» колхозининг ферма мудури, битта бўрдоқи букамиз бор эди, келинпошша, Ортиқбой келса айтиб қўйинг, ўрталикда сўяйлик, бизга ичак-чавоғи қолса ҳам бўлаверади, янги пуркурор билан таништириб қўйсин, деб уйининг олдига хотинига ялиниб-ёлавориб ўтирибди. Одамларнинг гапига қараганда, янги пуркурор «Сиз катта пуркурорларнинг ёнида юриб кўп нарсаларни билиб қолгансиз, унисини унақа, бунисини бунақа қилса қанақа бўларкин», деб Ортиқбойдан сўраб иш қилармиш.

Энди биз томондан янгиликларни сўрасанг, Отабек қассобнинг Ленинграддаги аспирантурада ўқиб юрган ўғли, худди сутга чайиб қўйгандек, бир олима қизга уйланиб олибди. Утган яшанба куни келиб кетишди. Шу пайтлари Отабек қассобнинг оғзи қулоғига етиб юрибди. Балки эшитгандирсан, ўртоғинг Уткир армиядан кел-

ди. У ҳам Боқудан одамлар ўн гапирганда бир гапирадиган оғир-босиқ Зулфия деган бир қизни эргаштириб келибди. Қуриб кетгур муштдеккина бўлсаям қўлидан келмайдиган иш йўқ эмиш. Районда бош врач бўлиб ишляпти. Қурбон ота бечоранинг уст-боши доим меникига ўхшаб кир-чирга ботиб юрарди. Ҳозир Қурбон отани кўрсанг, Хизрми дейсан. Одамларнинг бола-сига хотиннинг тайёр турганига ҳайронман. Сен ҳам ўқиб юрибсан. Уткир икки йил хизмат қилиб келган армияда сен уч йил юриб келган эдинг. Мени намунача куйдир-

масанг, кўзингни очиб атроф-теварақни қара!

Хайр, омон бўл, бўтам!».

Янглишмасам, бу отамнинг минг биринчи хати. Чидаб туrolмадим. Дарҳол уйга кетишга ҳозирлик кўрдим-да, учинчи қаватга тушиб, илгаридан қатъий аҳду паймон қилиб юрган курсдошим — Лайлони кўярда-қўймай хонамга етаклаб чиқдим. Бахтимни қарангки, ғиринг демасдан у ҳам пардоз-андозни қилиб, бирпасда тайёр бўлди. Бир-биримизга қараб термилиб ўтирибмиз. Қани энди тонг ота қолса!..



**Агарда ялқовлик устун келса — чиқади-ган китобимизнинг энг муҳим, энг қимматли қисми бўла оладиган тафсилотларини кўлдан бериб кўямиз.**

**КОНСТАНТИН СИМОНОВ**



## Саидмурод САЙДУЛЛА

1948 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг талабаси. Ҳозир Саидмурод Тошкент шаҳаридаги чинни заводда оддий ишчи бўлиб ишлайди. Унинг ҳажвий ҳикоя ва хандалари «Муштум», «Шарқ юлдузи», «Гулхан» журналларида ва вақтли матбуотларда кўп босилган.

### ЛАТИФАЛАР

Уйингиз-ку!

Афанди ҳушёрхона томондан ўтиб кетаётган эди, гандираклар юрган маст қарши келди:

— У, тақсир! Уйим шу томондамиди-а?

— Ия, кўриб турган уйингизни нимасини ахтаряпсиз? — деди Афанди.

Чапак

Бир байтини ўзбекча, иккинчи байтини русча куйлаган ашулачи Афандидан нолиб сўради:

— Насриддин амаки, нега энди кафтингизни кафтингизга, кафтингизнинг орқасини кафтингизга уриб чапак чалаяпсиз?

— Бу икки тилда чалинган чапак!

Ярим соат

Афанди иккинчи бор соатсоз дўсти билан учрашган эди:

— Насриддин ошна! Беш минут эмас, ярим соат куттирдингиз-ку?

— Авваллари беш-ўн минут кечикиб юраётган соатим сиз тузатганингиздан сўнг ярим соат кечикиб юрадиган бўлди.

Эй хотин

Афанди кир юваётган эди, хотини эркаланди.

— Яхши ҳам онам сизни куёв қилганлар бошқа эркакка текканимда ҳолим нима кечар эди?

— Эй хотин, қайнана мени куёв қилмаганларидан бир эркакнинг шўри қурир эди,— ишини давом этди Афанди.

Фарқи нима?

Афанди ошнасига ёзиб берган мактубининг остига ўз имзосини қўйган эди, ошнаси ҳайрон бўлди:

— Насриддин дўстим, менинг номимдан ёзган хатингизга ўзим имзо қўйишим керак-ку!

— Фарқи нима, янаги сафар ҳам жавобини ўзим ёзаман-ку!

### ҚУВНОҚ ХАНДАЛАР

— Кеча сиздан бир жуфт ботинка олган эдим, иккови ҳам ўнг оёқники экан!

— Бир чеккада кутиб турунг, чап оёқникини олган харидор ҳам келиб қолар!

\* \* \*

— Пивога пақирлаб сув қўйгани уялмайсизми?

— Узингиз уялинг! Мен пақирлаб эмас, резинка ичак билан қуйганман!..

\* \* \*

— Ҳой дадаси, ўғлингиз бугун ҳам: «Сопол косада овқат ичмайман», деяпти!

— Э... Уғлингга айт, эркалигини бориб чинни заводдагиларга қилсин!

\* \* \*

— Атласни газета-журналларда кўра-  
миз-у, дўконда кўрмаймиз. Бу қандай  
гап?

— Менингча бу сўроқ гап.

\* \* \*

Уришқоқ эр янги йил арафасида рафи-  
қасига гул узатиб, деди:

— Жонгинам, сизни янги йил билан  
табриклайман!

— О, қанийди. Янги йил бизникида ҳар  
куни бўлаверса!

Маошимизга қараб муомала

Эр: — Ҳар сафар қаршимиздаги мага-  
зиндан бирор нарса олганимда сотувчи беш  
тийиндан уриб қолади.

Хотин: — Демак ойлигимизга қараб му-  
омала қилар экан-да, мендан эса уч тийин-  
дан олиб қолади.

Кўз-кўз

— Қизим, ҳадеб ўзингни пардозлаган-  
дан кўра, уйга ҳам пардоз берсанг-чи!

— Қизикмисиз оёйи, уйни кўчада кўз-кўз  
қилиб юрардимиз?

Ўша

Келин: — Биласизми оёйи, совчиликни  
бормасингиздан аввал, беш кишининг жаво-  
бини бериб юборган эдим.

Қайнона: — Айланай, келин, ўша совчи-  
ларнинг бахти бор экан!

## ҚАТРА ХАНДАЛАР

Лаганбардор

Баъзи сартарошларнинг ширин сўзи,  
ҳисоб-китоб қилгунча!

\* \* \*

Мавжудахон, иш жойингиз ўзгарганидан  
бери биз билан гаплашмайдиган бўлиб қол-  
дингиз-а?

— Вой дугонажон, эзмаликни эски  
жойимда ташлаб кетдим-да.

Ароқ берайми?

Харидор аёл: — Мен чекмасам, қайти-  
мимга нега сигарет бераяпсиз?..

Сотувчи: — Ия, ичкилик ичасиз деб  
ароқ берайми?

Фовлаган севги

Йигит: — Менинг севгимга ишонинг Му-  
аттархон, Лобар билан Донога ёлғондан  
севги изҳор қилганман.

— Фовлаб кетган севгингизга мени қўш-  
май қўя қолинг, Мансурвой.

Тантиқ қиз

— Мунираҳон синглим, уйдаги катта-ки-  
чикни сансираб гапирганинг гапирган, иш-  
хонадаги ака-опаларингни сизлаб гапирсанг  
бўлмайдимиз?

— Гапингни қера, ота-онамни сансира-  
маганимга хурсанд бўлаверсанг-чи!

Шу мажлисни

— Ҳей! Нима учун мажлисни магнито-  
фонга ёзиб оляпсан?

— Уйқум келмаётган пайтларда шу маж-  
лисни эшитиб ухлайман!

Ўзим ҳам

Спектакль давомида олдинги ўриндиқда  
ўтирган аёл орқада ўтирган мўйсафиддин  
сўради:

— Отахон, турмакланган сочим сизга  
халақит бермаяптими?

— Буни ўтирганлардан сўра, мен келга-  
нингдан бери тик турибман, қизим.





## Ра'нохон ҚАМБАРОВА

Фарғоналик. Ҳозир ўзининг ҳажвий ҳикоялари билан кўзга ташланиб турган умидли ёшлардан. Сиз унинг асарларини «Шарқ юлдузи», «Мушғум» журналларида тез-тез ўқиб турасиз.

### ҚУЛОҚ СОЛИНГ, «БЕДАНАЛАР» САЙРАЯПТИ

Шоҳсанам ишдан қайтаётганида дугонаси Муқаддасни учратиб қолди:

— Ҳой, Муқад, ўзингмисан... Қара-я, орқангдан танимабман. Мунча очилиб кетмасанг. Кўйлагинг бирам ўзингга ярашибдики. Қаерда причёска қилдирдинг, ўртоқжон? Менга ҳам адресини бер.

Муқаддас дугонасининг бунақа булбўл бўлиб сайрашларига ўрганиб қолганди. Шунинг учун ҳам унинг сўзларига жилмайганича, индамай қулоқ соларди.

— Айта қол, ўртоқжон. Мен ҳам бораёй. Эрим чиройимдан илҳомланиб, кўпроқ шеър ёзармиди.

— Ҳали ҳам ўша-ўшасан, ўзгармабсан, — деди Муқаддас.

— Эҳ, дугонажон, мен гапирмай, сен эшитма.

— Ҳали ҳам турмушингдан нолиб юрибсанми?

— Узинг биласан, Муқад, менга кимлар совчи кўймади. Кўнмадим... Севги... Севги деб ўзимни ўтга ташладим. Ёш шоир деган номи бор, фақат шуни ўйладим...

— Қўйсанг-чи, Шоҳсанам, турмуш ўртоғинг жуда яхши. Баъмани одам. Сени ҳурмат қилади. Турмушинг ҳам ёмон эмас...

— Номи улуғ, супраси қуруқ. Уялмай айтавер. Буни ўзим ҳам биламан. Кимсан, фалончи шоирнинг хотини, шундайми? Ростини айтсан мен ундан кўпроқ топаман.

— Гап пулдами.

— Шундай дейсан-у, одамларга қараб туриб, хўрлигим келади, — деди кўзига ёш олиб Шоҳсанам.

— Юр, четроққа ўтайлик, одамлар қа-

раяпти, — деди Муқаддас дугонасини четга тортиб.

— Узинг ўйла, мана, неча йил бўлди ахир турмуш қурганимизга. Бирон марта кўлимга катта пул ушлаб, бемалол нарса сотиб ололмайман. Олган пули ўзидан ортмайди. Меҳмон устига меҳмон, уруғи кўплигини айтмайсанми!

— Қўй, ундай дема, бор экан келишади.

— Уруғи бунчалик кўплигини билмагандим-да... Ахир, ҳеч кимим йўқ деганди-да.

— Қўявер, шунга ҳам сиқиласанми, Шоҳсанам.

— Қачон қарасанг, ёзгани-ёзган, пулининг тайини йўқ. Катта-катта пул олиб келиб берсин, уруғи менга деса келиб ётиб олмайди. Ишим нима.

— Менга қара, Шоҳсанам, сен ўқиган тушунган аёлсан. Ҳамма гапирсам сен тушунишинг керак. Илҳом, кайфият деган гаплар бор.

— Нима, унга илҳомни сотиб олиб берайми? Менинг қўлимдами?

— Ҳа ҳаммаси сенинг қўлингда. Сен мана шундай булбул бўлиб сайраб турсанг... Бечорага раҳмим келади.

— Тавба, унга ҳамманинг раҳми келади. Мен билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Ке, қўй. Узингнинг ишларингдан гапир, дугонажон. Болалар катта бўлишяптими?

— Менинг ишларим яхши, ишлаб юрибман. Болалар ҳам катта бўлиб қолишди. Уларни ҳам яхши-яхши кийинтирдинг келади. Кўрдингми, ҳаммаси бориб пулга тақалади.

— Ношукур бўлма.

— Шундай дейсан-да. Бировга айтсанг, эридан нолияпти, дейди. Айтмасанг, яна бўлмайди. Кимга бориб дод дейман. Мана сенга гапириб, анча ёзилдим.

— Ўзинг ҳам нолиганинг нолиган-да, дугонажон.

— Майли, бу гапларни кўяйлик. Қара, сендан ҳол-ахвол сўраш ҳам ёдимдан кўтарилибди. Қалай, тинчмисан, болаларинг яхши юришибдими? Эрингинг топиши яхшими?

Муқаддас кулиб кўйди.

— Топиши тузук, ҳар қалай ўзимизга етиб турибди.

— Ҳа, ўзи юришингдан ҳам кўриниб турибди.

— Яна бошладингми? Вой-бўй, дугонажон, ўзиям роса гаплашибмизда,— деди Муқаддас соатига қараб.— Болаларни боқчадан олишим керак.

— Ҳай майли, бора қол. Мен-ку шошилаётганим йўқ. Болаларни отаси олади. Шунга ҳам ярамасинми. Ҳой Муқад, бизникига бир келгин, бамайлихотир гаплашамиз. Мен ҳар кун пешиндан кейин уйда бўламан.

— Хўп, хайр. Борарман.

— Тавба, шошилишини қаранг. Эрингга айт, боқчадан болаларини олсин. Уй ишлари етмайдими сенга, — деб гулдиради Шоҳсанам.

Шоҳсанам уйга келганида эри ҳам, болалари ҳам аллақачон келган, газ плитасида эса овқат биқиллаб қайнаб ётарди. У дугонасининг гапларини ўйлади. Яхши гапирсам, кулиб турсам, мендан нима кетади. Кўпроқ ёзиши мумкин-ку. Шу нарса ҳеч ҳаёлимга келмабди-я. У апил-тапил чой дамлади, пиёлаларни ювди-да, ичкери уйга кирди. Шавкатжон болалари билан телевизор кўриб ўтирарди.

— Адажониси, чой дамладим, — деди Шоҳсанам илжайиб.

— Яхши, келинг, ўтиринг, — деди Шавкатжон бу муомаладан ҳайрон бўлиб. Ичиди, яна пул деса керак деб ўйлади.

— Биласизми, Шавкат ака, сизнинг ижод қилишингиз учун тинчлик керак. Дам олишингиз керак. Агар хўп десангиз болаларни бирон ҳафтага оймиларникига олиб бориб кўяман.

«Болалар ҳеч ҳалақит бермайди менга. Аксинча... Ойингникига ўзинг кетсанг майли-я...» деди ичиди Шавкатжон.

— Ҳай майли, биз бошқа хонага чиқа қолайлик, бўлмаса сиз ишланг, дадажониси.

— Йўқ-йўқ, ўтираверинглар. Ҳозир яши эшиттириш бўлади. Тинчликми ўзи? — сўради Шавкатжон.

— Тинчлик, тинчлик. Ижод қилинг дегман-да, дадажониси. Ахир ўн қатор ёзсангиз ҳам... қаторига бир сўмдан тўлаганди.

— Бас, — деди Шавкатжоннинг жаҳим чиқиб. — Шеър мажбуран ёзилмайди-ку, ахир! Неҳотки шунга тушунмасанг? Нима, сенга қараб ёзаманми?

— Ҳа, — деди кўзлари чақнаб Шоҳсанам. — Менга қараб ёзмай, кимга қараб ёзмоқчисиз. Чиройлироғи борми, қараб ёзгани? Биламан... — у йиғлаб диванга ўтириб олди.

— Бошланди, — деди Шавкатжон. — Сайранг, сайранг, армонингиз қолмасин.

— Нима, қараб ёзсанг арзимабманми?

— Қизиқ, одамга ҳам қараб шеър ёздиларми? Нима, мени рассом деб ўйлабсанми?

— Бўлмаса болаларга қараб ёзинг, — деди у ҳамон йиғлаб.

Шавкатжон бошқни чангаллаганича бошқа хонага чиқиб кетди...

Шоҳсанам дам олиш кунини бўлишига қарамай барвақт уйғонди. Нонушта тайёрланди. Ҳаммаёқни саранжом-саришта қилиб йиғиштирди. Бу орада Шавкатжон ҳам, болалар ҳам уйғонишди. Биргалашиб нонушта қилишди.

— Бугун шеър ёзасизми?

— Йўқ, ишлагим йўқ. Бир оз дам олам, мазам йўқроқ.

— Агар ишласангиз, болаларни олиб оймиларникига борарман.

— Сиз кетсангиз, кимга қараб ёзаман, — деди захрини сочиб Шавкатжон. У хотинининг ўйламай гапирётган гапларидан жаҳли чиқарди. Наҳотки, хотинини шунчаллик калтафаҳм, бўлса деб, ўйларди у.

— Мунча пичинг қиласиз? — деди ўзини босишга ҳаракат қилиб Шоҳсанам. — Ишгарилари мен ҳақимда жуда кўп шеърлар ёзгансиз. Энди-чи...

— Келинг, бугун дам олайлик, — деди гапни қисқа қилиб Шавкатжон.

— Майли, мени ёзманг. Ташқарига бир қаранг, бугун кун жуда ажойиб. Эшитингиз Карим ақанинг беданаси сайраляпти. Шу ҳақ сизга илҳом бермайдими?

Шавкатжон қулоқларини беркитганича отилиб кўчага чиқиб кетди.

— Бедананинг сайрашини эшитгани чиқиб кетдилар чамамда,— деб ўйлади Шоҳсанам. — Қизиқ, нега унда жаҳл билан чиқиб кетдилар?..

## СЕВАРХОННИНГ ОРЗУСИ

Данғиллама участка. Ҳовлининг бир четида гараж. Севархон орзу қилган ҳаво ранг янги «Волга» машинаси офтобда ярақлаб турибди. Севархон хонатлас кўйлақда, бармоқларида кўша-кўша узуклар, оёғига амиркон кавуш кийиб олган. Босайми-босмайми деб чўғдек тилам тўшалган уйга кириб боряпти. Кўзни қамаштирувчи қандиллар-у, чет эл гарнитурларини айтмай-сизми! Бир ёнда «Хелги» серванти савлат тўкиб турибди. Э-ҳе, токчалардаги биллур идишлар-чи?

— Наҳотки, ҳаммаси меники бўлса?! Нима қилибди, шундай уйнинг бекаси бўлишга арзимабманми, кимдан камман?!

Севархон ойнага қаради. Қаради-ю, юраги ҳаприкиб кетди. Юзидаги ажинлари йўқолиб, гул-гул очилиб кетганмиш. Бундай пайтда қўшиқ ҳам ўз-ўзидан кела қолади:

Айни ёшлик чоғимда ялла жоним, ялла,  
Давлат менинг бошимда-ё ороми жоним,  
ялла...

Ташқаридан эри Каримжоннинг овози келди.

— Севархон, ойиси, менга қаранг.

Севархоннинг жаҳли чиқди:

— Ойиси деманг деб сизга неча марта айтаман ахир, кўшнилари эшитади-я! Ҳеч бўлмаса хоним денг. Яна бу киши ёзувчилар-а!..

— Кечирасиз, хоним, билмабмиз, — деди Каримжон кўлини кўксига қўйиб.

— Нима дейсиз? — сўради Севархон қошларини чимириб.

— Чой тайёр, куймоқни ҳам пишириб қўйдим. Нонушта қилиб олинг, маликам!

— Ҳозир! — деди Севархон эрининг «маликам» деган сўзидан яйраб, тантиқланиб.

— Ишга кеч қолмайлик, — деди Каримжон.

Нонушта қилиб бўлгунимизча Наима билан Дилбарнинг ҳам ишга борадиган вақтлари бўлади. Улар «Москвич»ларини тариллатгунларича биз «Волга»да физиллаб жўнаб қоламиз. Кўриб қўйишсин, дейман-да!

...Улар Севархоннинг ишхонаси ёнида машинадан тушишди.

— Энди, бирпас турасиз!

— Ишга кеч қолдим, хоним, — деди Каримжон бўшашиб.

— Одамлар кўрсин-да, машинада келганимни, намунча шошилмасангиз?!

У аста-секин зинадан кўтарила бошлади. Ҳамма унга кўлини кўксига қўйиб салом берарди. Хонасига етиб бормасдан қизлар ўраб олишди.

— Қўлингиздагини менга беринг, Севар опа чарчаганга ўхшайсиз, — деди Дилфуза унинг кўлидан сумкасини олар экан.

— Утиринг, чсй тайёр, — деди Нилуфар столнинг чангини артаркан.

— Опажон, марҳамат! — деди Феруза пиёлада чой узатиб.

Ҳамма унинг атрофида гиргиттон.

— Қизлар орасида гулдай очилиб туришингизни қаранг, Севара опа, — деди ташкилот бошлиғи таъзим қилиб.

— Ҳа, энди, Салим Умарович, биз — зуваласи пишиқларданмиз...

Шу пайт Феруза чой қўйиб бераман деб чойнакни кўлидан тушириб юборди.

— Вой!

Ошхонада чой дамлаётган Каримжон уйга югурганча кириб келди.

Севархон кўзларини катта-катта очганча анграйиб ўтирарди.

— Сизга нима бўлди, хоним?

Севархон атрофга аланг-жаланг қараркан, йиғлаб юборди.

— Туш экан, туш!.. Пешонам кўрсин...



Шарқираб оққан сувлар гўё ерларнинг тилидан сўйлайди, ариқ бўйлаб юриб қолсангиз ҳамроҳ бўлиб куйлаб боради.


Ариқларнинг шундай куйлаши учун сув ортидан доим сув келиб туриши керак, оқим ҳамиша олға юриши лозим.


Адабиёт халқимизнинг дилидагини тилига чиқариб беради. Адабиётнинг ҳам тинмай олға кетиши ва янграши учун доим авлод ортидан авлод келиб туриши лозим.

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ



# АДАБИЙ ЎЙЛАР





Осиё-Африка ёш ёзувчилари, Тошкент кенгашининг қатнашчилари билан суҳбатда.  
М. Тўйчиев фотоси.

## Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ



1943 йили Бўстонлик районида туғилган. ТошДУнинг филология факультетини тамомлаб аспирантурада таҳсил кўрган. «Мақсуд Шайхзоданинг эстетик қарашлари» мавзuida илмий иш олиб борапти. Ҳозир «Шарқ юлдузи» журналида танқид ва адабиётшунослик бўлимини бошқаради.

### ШЕЪРИМИЗНИНГ ТИНИҚ ОСМОНИ

Шеърят сеҳрли санъатдир. Шеърда инсоннинг маънавий дунёси, шоир қалбидати фикрлар ва туйғулар оламининг нозик, ранг-баранг тасвири биринчи ўринда туради. Шоир инсон ички кечинмалари, ҳиссиётларини тасвирлаш орқали ўзи яшаётган даврга, характерини шакллантирган муҳитга муносабатини билдиради, ўз эстетик идеалларини, ижтимоий-сиёсий қарашларини акс эттиради. У биз яшаётган кўҳна дунё гўзалликларини, одам қалбидаги ниҳоят ҳақиқатли йўқ хилма-хил кечинмаларни, ҳаёт зиддиятларини нафис чизилган, нозик илғаб олиб, ёрқин, таъсирли гавдалантирилган шеърый образлар воситасида тасвирлайди. Бу шеърый образларнинг гўё сеҳрли тили бор. Уларни яратиш жараёнида шоир ҳаётнинг чексиз парвозига, рамзийликка, межозийликка кенг йўл очиб беради. У қалбидаги ҳис-ҳаяжонлар, ғалаёнлар шиддатини бериш учун сўзларнинг қаймоғини тотиб ишлатишга, фикрни разон, муסיқий ифодалашга интилади. Шоир бунёд этган шеърый оламнинг гўзалликлари бизни ҳайратга солади.

«...лирик поэзия... инсон табиатининг ички моҳиятини ташкил этувчи образсиз ва шаклсиз туйғуни ифода этиш учун образ ва картиналар қўлайди»,— деб ёзган эди В. Г. Белинский. Образ шеърятда (умуман бадиий ижодда) асосий элемент бўлиб, асарнинг мазмуни ва шакли уни яхлит намоён қилишга бўйсундирилади. Давримизнинг машҳур новатор шоири В. В. Маяковский «Шеърни қандай ёзиш керак» номли мақоласида шеърый образлар ҳақида

тўхталиб, ўз қарашларини қуйидагича баён қилган эди: «Шеърда юқори даражадаги таъсирчанликка эришиш лозим. Таъсирчанликнинг кучли воситаларидан бири — образдир. Ишнинг бошида ижтимоий заковат жавоб тарзида ҳали аниқ тасаввур ҳам чизилмаган, туман ичидагидек турган асосий образ ҳақида гапираётганим йўқ. Ана шу асосий образнинг ўсишига кўмак берадиган ёрдамчи образлар ҳақида гапирияман». Шоир бир-икки жумладан кейин фикрни янада аниқ ифодалаб, шундай ёзади: «Бундан ташқари — образ ҳам кураш кўроли бўлиши керак, яъни катта мавзуда ёзаётганда учрайдиган кичик образлар ҳам курашга, адабий ташвишга хизмат этиши керак». Синчиклаб қарасак, шоир шеърятга хос асосий хусусиятни зукколик билан айтиб бераётганини сезамиз. Ҳақиқатан ҳам шеър ғояси мўрказий, бош образда ифодаланади. Аксарини лирик шеърларда образ шоир «мен» лирик қаҳрамоннинг бой кечинмалари, ўй-хаёллари, ташвиш-қувончларини гавдалантириш орқали воқе бўлади. Воқеали лирик шеърларда (Ойбекнинг «Ришан», «Машраб», Уйғуннинг «Назир ота» ва «Ҳазаб», Мақсуд Шайхзоданинг «Катта Гастелло», «Олма», Мирмуҳсиннинг «Қорни кўзойнак», Асқад Мухторнинг «Теримда», «Чолу кампирлар» каби) эса ёрқин образларда тасвирланган, маънавий дундан кенг очилган характерларни кўрамиз. Ўзгача ҳолларда эса шоир ҳаёт, табиат мунзараларини куйлаш орқали биз кунда кўравериб кўникиб кетган нарсалардан

(масалан, дарахт, дарё, булоқ, олма, хизон барги каби) яширин ички гўзалликларни, номаълум қирраларни кўрсатиш, уларни рамзий умумлаштириш орқали оригинал шеърий образ яратишга муваффақ бўлади. (Шеърий образ тушунчасини образли ифода ёки образли тил маъносида тушунмаслик керак, албатта.)

Шоир кечинмалари шиддатини мукамал ёритиш учун шеърнинг деярли ҳар мисрасида «ёрдамчи образларга», «кичик образча»ларга муурожаат қила боради. Бу «образчалар» асарнинг таъсирли, ҳароратли чиқишида катта роль ўйнайди. Жажжи булоқчаларнинг сувлари кўшилиб ирмоқ ҳосил қилгани каби улар ҳам бирлашиб, асосий образнинг салмоғини кучайтирадилар ва шеърнинг умумий ғояси ҳақида яхлит тасаввур берадилар. Шеърият ҳақида гап кетганда ана шу асосий ва ёрдамчи образларнинг маълум шеърда қандай ривожланиб, ҳадди аълосига кўтарилиб боришини кузатиш даркор.

Шоирнинг ўзига хос бадий олами, услуби, маҳорати ҳақида гап кетганда, у яратган шеърий образларнинг қалбига қулоқ солиб, шакл-шамойилини кўздан кеңирсак, мазкур шоирнинг иқтидори ҳам, адабиётга олиб кирган янгилликлари ҳам, маҳорат соҳасида эришган ютуқлари ва камчиликлари ҳам ойнада кўрингандек яққол намоён бўлади. Ана шу нуқтаи назардан шу кунги шеъриятимизга бир назар солайлик.

Совет даврида камолатга етган устоз шоирлар замонамизнинг улғувор воқеаларини, кишиларимизга хос ажойиб фазилатларни, курашчанлик ва бунёдкорлик руҳини куйловчи асарлар яратдилар. Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Миртемир каби шоирларнинг шеърларида замонага ҳам-оҳанг янгича оригинал шеърий образлар дописиб уриб турганини кўраемиз. Уларнинг ҳар бири ўз такрорланмас услубини, ўз бадий оламини бунёд этди. Биз, масалан, Ойбек, Ғафур Ғулум, Шайхзоданинг шеърий дунёсига кириб борсак, улардаги тутилмаган тароватли бўёқларда товланувчи шеърий образлар сеҳрига асир бўламиз, уларга сингдирилган теран фикрлар таъсирида хаёлга толамиз, кўксимизга илиқ шабада теккан каби яйраб кетамиз. Буларнинг ҳаммаси улкан, заҳматли меҳнат ва изланиш мевалари — бетакрор, ботимсол образлар самарасидир.

Ойбек шеърий дунёси учун образларнинг ёрқинлиги, ҳаёт гўзалликлари, инсон руҳини нурли бўёқлар, кўтаринки ёниқ мисраларда куйлаш хосдир. Унинг шеърларида рангларнинг хилма-хил жилвасини,

оламнинг ёрқин тасвирини, бутун вужуди билан ҳаётга мафтун, маҳлиё инсоннинг юксак заъқ-шавқлари, ҳаяжонларини ўқиймиз. Мана, Ойбекнинг «Кўклам ҳислари» шеъри:

Дарахтлар кўтармиш гул қадаҳчалар,  
Кўкламнинг, ҳаётнинг соғлиғи учун...  
Ясанса, қувонса, қирлар, боғчалар,  
Нега меҳнат, ерни мақтамай бугун!!

Бу мисралар бағрида катта самимият балқиб турибди. Шеърда лирик қаҳрамоннинг туйғулари орқали замондошимизнинг руҳан бой дунёси, маънавий қиёфаси ҳассослик билан чизилган. Биринчи бандда инсон қалбининг буюклиги, улканлиги яхши шеърий образда («Инсоннинг қалбига қуёш — жинчиरोқ») жуда тиниқ очилган. Иккинчи бандда эса ҳаётга шайдо шоирнинг мафтункор хаёллари билан янада яқинроқ танишамиз. Чаман бўлиб гуллаган дарахтларнинг ўзи бир гўзалликдир. Аммо шоир ана шу гўзаллик бағрига янада чуқурроқ кириб боради ва ўз қалбига ҳамоҳанг нафис қирраларини топиб, шоирона суратлантириб беради. Жажжи гулкосачалар қадаҳга ўхшатилади. Дарахтлар кўкламнинг, ҳаётнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтардилар! Бу ажойиб жонлантириш, бу равшан фикрлар бизни ҳаяжонга солади. Уларда шоир қалбидеги мафтункор ҳислар жўш уриб турибди. Бу шеър ҳаёт гўзалликларини куйловчи ёқимли мусиқадек дилимизга ҳузур бағишлайди. Айна замонда шеърда янги давр — социалистик тузум кишининг ҳаётга муносабати, унга берган эстетик баҳоси аниқ ифодаланганлиги ҳам қимматлидир. Шоир замонамизнинг улғуворлиги, афзаллигини, одамзодга бахт келтирганлигини санъат тили билан акс эттирган.

Ойбекнинг бошқа бир шеърда шеъриятга берилган ҳайратомуз бир таърифини учратамиз:

Дейдиларки, шеър — юлдуз киприги...  
Мантиқин туяди ҳассос кўнгиллар.

Бу ерда ажойиб шеърий образ ва тафаккурнинг учқурлигидан ташқари бошқа нозик нуқта ҳам бор. Шоир шеърда туйғуларнинг гўзал ифодаланиши кераклигини, ундаги нафосатни қадрига етиш лозимлигини зукколик билан таъкидлаб кетган.

Шайхзода эса ҳақиқий шеърни «чин гўзаллик сингисини» деб атайди. Ҳатто шеърдан, нафосатдан бебаҳра юрган кўнгли пуч одамлар шоирнинг назарида жуда ғариб, маънавий қашшоқ кимсалар бўлиб туюлади:

Шеърсиз қалбларга ачинаман мен,  
Уларда на тонглар кундузни бошлар,  
На баҳор чоғида сайрайди кушлар,  
На оқшом юлдузлар уфқин очар кенг.

Шеър билан ошна бўлган қалбларнинг ҳуснига ҳусн кўшилади, яхши фазилатлари ортади, феълидаги ёмон иллатлари йўқолади. «Ҳар бир коммунист офтобнинг ходими» деб ҳисоблаган шоир мисраларига яхшилик, эзулик туйғуларини сингдиради, одамни, оламни олқишлашни муқаддас санайди. Шоир жуда камтарлик билан ўз кўшиқларини бир пиёла сувга ўхшатади ва йўловчининг чанқоғини қондиришни истайди... Буларнинг ҳаммаси порлоқ образлардир.

Ҳозирги адабий жараёнга назар солсак, иккинчи бўғинга мансуб бўлган Зулфия, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобонов, Шукрулло, Туроб Тўла сингари ижодкорлар оҳангдор лирик шеърлари, сермазмун дostonлари билан шеъриятимизнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшганини кўрамиз. Услуб ва образларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан ёрқин ажралиб турадиган, ўз шеърий оламини ярата олган бу шоирлар ижоди ҳам ёшлар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўташи табиий.

Адабиётни авлодлар, янги истеъодлар оқими ривожлантиради. Юқорида тилга олинган шоирлар билан изма-из ёки кейинроқ кириб келган истеъодли ёшлар авлоди тобора ўз овозига эга бўлиб бормоқда.

60-70-йиллар шеъриятидаги бош фазилатлар замонавий руҳнинг, гуманизмнинг кучайганлиги, ғоявий-ижтимоий мазмуннинг чуқурлашганлиги ва тиниқлиги, халқчилликнинг тобора ортганлиги билан белгиланади. Шоирларимиз ҳаёт қатламларини кенг тадқиқ қилишга, инсон қалбидаги мураккаб туйғуларни ёрқин ифодалашга дадил қўл урмоқдалар. Кейинги йилларда шеъриятимиз эришган энг катта ютуқлардан бири қуруқ риторика ва баёнчиликнинг камайгани бўлди. Шеърга масъулият, талабчанлик билан қараш, ижодкорнинг давр ва инсоният олдидаги бурчини ҳис қилиш кучайди. Бунинг устига ҳозир китобхон диди ва талабидаги ўзгаришлар ҳам ижодкорлар олдига жиддий вазифалар қўймоқда. Бу хусусда Жуманиёз Жабборовнинг қуйидаги сўзлари ибратлидир:

Адабиёт  
Абадият билан ёнма-ён,  
Қўлингга қаламни ушлашдан олдин:  
Унинг дахшатларин ҳис этгин, эй жон,  
Ҳар бир ялтироқ жез бўлмагай олтин.

Ҳа, ана шундай. Чинакам истеъод эгаси бўлган одамгина қалам ушласа арзийди. Шунда ҳам уни ўйлаб, масъулиятини англаб қўлга олиш лозим. Бугунги кун ўқувчиси заргар жез билан олтинни адашмай ажратгани каби чинакам шеър билан сўзлар тизмасининг фарқини яхши билиб қолган. Эртанги ўқувчи эса бундан ҳам зунқороқ, сезгирроқ бўлади. Улар билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Ҳозирги шеърининг ижтимоий салмоғи ошиб кетди. Поэзияда интеллектуаллик кун сайин кучайиб бормоқда, фалсафийлик чуқурлашмоқда. Ҳаёт ва оламни яхлитликда, тараққиётда ҳис қилиш, инсон умрининг мазмуни ҳақида теран фикрларга берилиш, даврнинг энг қайноқ, энг долзарб мавзуларини публицистик жўшқинлик билан куйлаш бугунги кун шеърларига чуқур мазмун бағишламоқда. Замондошимиз образи Миртемир шеърларида теран ўйларга чўмган донишманд чол киёфасида кўринса, Асқад Мухторда у яратиш ишида беором, бир умр юрагининг ортидан югуриб, келажакка дадил бораётган инсон тарзида гавдаланади. У Зулфия, Саида Зуннунова ва бошқа шоирларнинг шеърларида бокира аёл, коммунистик жамиятнинг илғор курувчиси сифатида улуғланади. Давримиз кишиси Омон Мухторов шеърларида фақат «уфқни кўзлайман бари бир» деган юксак ишонч, улуғвор ниятлар билан ҳамнафас. Машраб Бобоевда эса у ҳаммаша «беғубор, ложувард» осмонни орзу қилади, «баҳорда ҳам баҳорнинг иши билан» яшайди... Асримизга хос башарий ўйлар Абдулла Ориповнинг «Генетика» шеърида ҳам кучли ҳаяжон билан ифодаланган:

Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ,  
Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз.  
Гоҳ эса куёшдек порлоқ ва йироқ  
Ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз.  
Ташна яшадик биз турна, зиёга,  
Қаён кетмоқдасан, эй учқур замон!  
Оқибат бел боғлаб келди дунёга  
Бизнинг асримизда коммунист инсон.

Шоирнинг маҳорати шундаки, у юрак сўзларини содда, самимий тилда китобхонга етказди, уни мушоҳада юритишга, ҳаёт ва умр мазмуни ҳақида ўйлашга чорлайди. Келажак авлодлар олдида масъулият, жавобгарлик ҳисси шеърининг қон-қонига сингиб кетган. Бундай фазилли бошқа шоирлар ижодига ҳам ҳосдир.

Шуниси қувонарлики, бундай фазилли деярли барча шоирлар ижодидида ҳам намоғла етиб бормоқда. Юксак ишонч, улуғвор ниятлар билан ижод қилган Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Аб

дулла Орипов, Муҳаммад Али, Маъруф Жгилли, Рауф Парфи, Омон Матжон, Машраб Бобоев, Абдулла Шер, Муҳаммадалли Қўшмоқов кабиларда, фикрни тиниқ ифодалашга, қалб кечинмаларини, ҳаёт манзараларини образлар билан тасвирлашга интилиш кучли. Масалан, Абдулла Орипов «Саратон» шеърисида ўлкамиз ёзини лирик оҳангларда куйлар экан, шундай чиройли бўёқлар, тutilмаган образлар, нозик деталлар топа олганки, шеърни ўқир эканмиз, беихтиёр ўзимизни ўзбек диёрининг оташ саратони офтоби остида юргандек ҳис қиламиз. Бу фазилат шоирнинг катта маҳоратидан далолат беради.

Рауф Парфининг кўп шеърларида ажиб бир майинлик, туйғуларнинг табиий тиниқ тасвирини, мусиқийликни кўрамиз. Улардаги дилрабо оҳанг бизни мафтун этади. Ўз сехри билан аллалаб кетгандек бўлади:

Қалқиб-қалқиб кўяди қараб  
Табассумлар ёзилган тупроқ.  
Чапак чалиб, сочини тараб  
Бош ювади бир ҳовуч япроқ.

Шоир тиниқ нигоҳ билан оламни кўради ва уни қалб призмасидан ўтказиб, ҳароратли, тutilмаган образлар либосида бизга етказди. Тупроқнинг табассумини илғай олиш, ҳаётдан, яшаш наҳидасидан маст бўлиб турган япроқчаларнинг поэзиясини топа олиш катта санъат. Бу тўртлик ҳам рўҳимизни кўтариш, ҳаётга муҳаббатимизни оширишдек шарафли вазифани беминнат ўтай олган.

Яна бир мисол:

Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал,  
Майсалар эгилиб ўқийди китоб.  
Шодланиб хандалар отар бир лаҳза,  
Бир лаҳза оҳ тортиб кўяди офтоб.

Бу ердаги ёрқин образлар ҳаёлимизга қанот бағишлайди, мисралардаги ажиб нафосат юрагимизга илиқ туйғулар олиб киради. Биз дарё мавжларидаги ғазални (образнинг оригиналигини қаранг-а!) ўқигандек, эгилиб турган майсаларни кўргандек шодланиб кетамиз...

Шу билан бирга Рауф Парфи мана шу тиниқликни мазкур шеър охиригача сақлаб қолмаганини ҳам айтиб ўтиш керак. Сўнги мисраларда фикр маъҳумлашиб, туманга чулғаниб кетади. Уқувчи шоир нима демоқчи бўлаётганини тушунишда қийналиб қолади. «Бир қўшча деразам ёнида» шеъри ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Ҳатто буларда образ («қўшча») айнан тақдорланган. Шунингдек, шоирнинг сарбаст шеърлари ўқувчиларга яхши сингмаётганини

айтиб ўтиш керак. Бармоқда «Ҳижратда она алласи», «Ҳабиб Абдулла хотираси», «Абдуллажон марсиyasi», «Битик тош» каби ажойиб шеърлар ёзган шоирнинг бу мураккаб вазндаги изланишлари дуруст самара бергани йўқ.

Маъруф Жалилнинг шеърларида классик аъёналарни давом эттириш соҳасидаги изланишлар ўзига хос тарафда кетаяётганини кўрамиз. Унинг шеърлари соддалиги, халқ шеъриятига яқин оҳанглари билан, нафис гўзалликка интилиши билан яққол кўзга ташланади. «Сени ўйлаб», «Нотаниш йўллар» тўпламларидаги кўп шеърлари бунга яхши мисол бўла олади.

Шу билан бирга Маъруф Жалилнинг айрим шеърларида фикрнинг жўн, образларсиз ифодаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Баъзан яхшигина ёзилган шеърнинг ҳамма бандларида бирдек ҳарорат етишмаётгани сезилиб туради:

Беш залварли поғона оша  
Сув келмоқда, нажот келмоқда.  
Малҳам олиб Қарши чўлига  
Тўлиб-тошиб ҳаёт келмоқда.

Бу бандда эсда қоладиган шоирона образ йўқ.

Бундай камчилик бошқа кўп шоирларда ҳам бор. Сўзга эътиборсизлик, шеърга катта маъсулият билан қарамаслик, асл образлар яратиш йўлида изланмаслик оқибатида ўртача савияда ёзилган шеърнамо тизмалар кўпайиб кетмоқда. Урта-миёначилик шу кунлар шеърятининг юксак парвозига халақит бераётган асосий иллатлардан биридир. Ҳатто ҳаммага маълум фикрларни шеърга солиб, реклама қилишга уриниш ҳоллари пайдо бўлмоқда. Масалан, Олимжон Холдор «Гулноз» шеърисида ҳаётни бадий тадқиқ қилиш, инсон маънавий дунёсини ич-ичидан нурлантириб ёрқин тасвирлаш ўрнига нотикликка берилади:

Меҳнат билан яшнар ер,  
Жоним унга меҳринг бер,  
Шунда халқим раҳмат дер,  
Юртга бер пардоз —  
Гулноз.

Кўрамизки, бу ерда маълум ижтимоий мазмун бор, ammo шунга яраша гўзал шакл — шеърый либос етишмайди. Фикрлар ўта соддалашиб, ҳатто жўнлик даражасида ифодаланган. Соддалик — бадийликнинг асосий шартларидан бири, лекин унинг ҳам маълум чегараси бор. У бузилса, шеърят нафосатдан маҳрум бўлиб қолади. Демак, шеърда маълум ғоянинг ўзи етарли эмас, уни қандай ифодаланиши ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шеърят пайдо бўлгандан бери юксак парвозларга интилади. Қадимги рим шоири Горацій шеър юксакликдан салгина четласа бас, жуда тубанликка тушиб кетади, деб ёзган эди. Ижодкор бу ҳақиқатни ёдда тутиши, ҳар бир сўз салмоғини ҳис қилиши, адабиётнинг ижтимоий бурчини унутмаслиги лозим.

Баъзан шеърга эътиборсизлик билан қараш тажрибали шоирларда ҳам учраб туради..


Ушандай шеърларни ўқиганда беихтиёр оташин шоир Шайхзоданинг мана бу фикрлари ёдга келади: «Шоир сувни ва сувнинг турли кўринишларини сезиб тасвирлаб тараннум этгани яхши гап, албатта!.. У шўх ёмғирни, ўйчан кўлларни, эрксевар булутларни, меҳнаткаш ариқларни, асос денгизларни, ифбатли булоқларни, интизомли каналларни, танбал ҳовузларни, дostonвори дарёларни, нозик шудрингларни куйласин, майли! Аммо, зинҳор унинг байтлари «паспортсиз» сувларга тўлиб кетмасин». Ҳақ гап! Ана шундай сер-

суз, образларсиз, ҳис-ҳаяжонсиз ифода-ланган шеърый тизмалар қанча кам бўлса, шунча яхши. Аммо шуни айтиш керакки, ҳозирги шеърятимизнинг умумий йўналиши аниқ, Ҳавоси мусаффо. Истеъдодли шоирларимиз улўғ замондошларимизнинг маънавий дунёсини шакллантиришдек эзгу ният йўлида ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Л. И. Брежнев Партияимизнинг XXV съездида сўзлаган Ҳисобот докладада адабиёт ва санъатнинг шу кунлардаги камолотини кенг таҳлил қилиб, бадийий сўз усталари олдига катта вазифалар қўйди.

Партия ва ҳукуратимизнинг доно ғам-хўрлигидан руҳланган ижодкорлар ҳалқимизга муносиб асарлар яратиш йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар. Эзгу орзулар, олижаноб мақсадлар куйчиси бўлган шеърятимиз ҳам шу йўлда хизмат қилаверади. Унинг осмони ҳамиша тиниқ, ҳамиша беғубор бўлаверсин.





## Ўрол ЎТАЕВ

1950 йили Қашқадарё область, Чироқчи районида туғилган. ТошДунинг журналистика факультетини тамомлаган. Ҳозир Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетида муҳаррир бўлиб ишлайди.

А. С. Пушкин номи тил ва адабиёт институтининг сиртки бўлимида аспирант.

## ШОГИРДЛАР УСТОЗЛАР ҲАҚИДА

### ТАНҚИДЧИНИНГ ЭСТЕТИК ПРИНЦИПЛАРИ

«Шундай кишилар борки,— деб ёзганди улуғ танқидчи В. Г. Белинский,— (бундайлар жуда кам) ҳақиқатан ҳам улардаги эвокатда ижодий ташаббускорлик бор. Улар ҳамма нарсага қандайдир бошқача, янгича қарайдилар, ҳамма нарсадан ҳам уларсиз ҳеч ким кўра олмайдиган томонларни пайқаб оладилар. Улардан кейин эса ана шу томонларни ҳамма кўради ва ҳамма ҳам илгари шуни пайқамagan эканмиз деб таажжубланади...»

Адабиётимиз бахти учун туғилган ана шундай талантлар ўзига хос услуби жиҳатидан ҳар хил бўлгандек, уларнинг ижод оламига кириб келиш йўллари ҳам бири-бирдан фарқланади. Уларнинг айримларида бадиий ижоддек мураккаб жараёнда гоҳ пастга тушиш, гоҳ юқорига кўтарилиш ҳоллари юз беради. Баъзиларнинг эса йилдан-йилга асардан-асарга бадиий маҳорати ошаверади, ҳар бир янги асари билан талантининг янги қиррасини кўрсатаверади.

А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор, Ш. Рашидов, Ҳ. Фулом, О. Ёқубов маҳоратига бағишланган тадқиқотлар муаллифи, Ҳамза мукофоти лауреати, филология фанлари доктори МАТЕҚУБ ҚУШЖОНОВ ўзбек совет адабиётимиз талантларининг иккинчи гуруҳига мансуб ижодкордир.

Адабий танқидда ўзига хос услуб ярата

олган М. Қўшжонов серқиррали, илм доираси кенг олимлардан.

У ҳозирги адабий жараён, классик мерос, жаҳон адабиёти ҳақида ўз сўзини айтиб келаётган танқидчилардан.

Танқидчининг бадиий асарни таҳлил қилишда ўзига хос принципи, асар туфайли қалбида туғилган фикрини баён қилишда ўзига хос ифода йўли бор.

Мазкур мақолада М. Қўшжонов эстетик принципларининг ёш танқидчиларга сабоқ бўларлик айрим жиҳатларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Давр талабини, адабий танқидчи бўлишдек қийин соҳанинг масъулиятини чуқур ҳис этган М. Қўшжонов Н. Владимированинг Зафар Диёр ижодига бағишланган танқидий биографик очерки муносабати билан матбуотда босилган илк мақоласидаёқ китоб авторининг ўзбек адабий танқидида шаблонга айланган бир хил йўналишдан, яъни ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид материалларни йиғиш ва шу асосда ёзувчиларнинг ғоявий-тематик йўналишини кўрсатиш, бадиий асарларни эса тематик планда текшириш билан чекланганини бу хилдаги ишлар адабиётшунослигимиздаги аҳволни яхшилаш олмаслигини ачиниш билан қайд этди:

«Ҳозирги кунда жамоатчилик шоир ёки



ёзувчиларимиз ижодининг ўзига хос томонини, асарларнинг бадиийлик даражасини очиб берувчи, уларни бадиий жиҳатдан чинакам таҳлил қилувчи илмий асарларга муҳтож, улар санъаткорларимизнинг характерлари яратишдаги, сюжет ҳамда композицияни қуришдаги принципларини, асарларда олинган конфликтларни ечиш йўлларини, ниҳоят бу йўлда қўлланган бадиий ифода воситаларини, асарларнинг бадиий тил воситаларини кўрсатиб берувчи тўлақонли танқидий-биографик очерклар яратишни кутмоқда».

Шу йилларда юқоридаги талабларга жавоб берадиган мукамал адабий портретлар ўқиш адабиёт мухлислари учун орзу, М. Қўшжонов ва унинг тенгдошлари учун эса ёзилажак режалар эди...

Адабий жамоатчиликка асосан «нарсашунос» ва назарий ён олим сифатида кенг танилган М. Қўшжонов кейинги йилларда «ёзувчиларимиз ижодининг ўзига хос томонини, асарларининг бадиийлик даражасини очиб берувчи адабий портретлар» ёзишга киришди.

Жумладан у А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор, К. Яшин, Ш. Рашидов, И. Султон, Ҳ. Фулом, К. Муҳаммадий, Қ. Ҳикмат, О. Ёқубов, П. Қодиров, А. Орипов, Ш. Холмирзаев, О. Мухторовларнинг адабий портретларини яратар экан ўзига хос йўлдан борди ва ҳар бирининг кўпчиликлари номаълум маҳорат «сир»ларини кашф этди.

М. Қўшжонов «Ҳаёт ва ватан мадҳи» номли портретига Абдулла Орипов ижодий индивидуаллигига хос бўлган, шу вақтгача адабиётшуносларимиз сезмаган қатор янги фазилатлар топди. У Абдулла шەърятдаги ўзига хос образликлари шундай ёзади: «Абдулла образларда теран фикр қила оладиган шоир. Аввало у шەърда айтадиган тугал фикрнинг ўзини, сўнг эса фикрнинг ҳар бир парчасини, ҳар бир бўлагини образга сола олади».

Ёки Абдулла шەърларидаги сюжетлилик хусусиятларига тўхталиб: «Унинг баъзи шەърлари шەърый нутқдан ташқари зарур пайларда ҳаётий деталлар, кичик воқеачалар, афсоначалар билан тўлдирилади. Шу маънода унинг кўпгина шەърлари ҳам нәср ҳам назм қонуниятлари асосида яратилгандир», — дейди. Танқидчининг бошқа портретлари ҳам янги фикрларга бойлиги, ижод жараёнини текширишда мақсаднинг аниқлиги, ижодкорнинг етакчи томонларини аниқлашда масалани тўғри қўя билганлиги билан кўпчиликлари манзур бўлди.

Хусусан «Олим ва драматург» портретига Иззат Султон ижодидаги марказий проблема хусусида тўхталиб шундай ёза-

ди: «Қаҳрамонлик санъат, санъат ва адабиёт эса қаҳрамонлиқни улуғлайди. Санъаткор Иззат Султон ҳар доим инсоннинг қаҳрамонлик хислатларига бой бўлган даврларини танлайди, асар учун қаҳрамонларни улуғ бурилиш даврларидан ахтарайди».

Драматургнинг «Алишер Навоий», «Бургуннинг парвози», «Номаълум киши», «Имом» асарлари билан таниш китобхон олим фикрларининг нечоғли тўғрилигини ҳис этади.

«Адабий танқид ихтиро қилади, ихтиро қилинган талантларни ардоқлайди», — бу Қўшжоновнинг эстетик принципларидан яна бири. У ўзининг бу принципига доимо содиқ қолиб келаётган адабиётимиз жонқуярларидан бири сифатида кўпгина ёшларимизнинг адабиёт майдонига кириб келишида мураббийлик қилмоқда. Уларнинг илк асарларини холисона баҳолаш билан ижодий парвозига мадад бўлмоқда. У Одил Ёқубовнинг илк тўпламига ёзган тақризида ёш ёзувчининг ўзига хослигига тўхталиб шундай хулосага келганди:

«О. Ёқубов республикамиздаги ёш ёзувчиларнинг пешқадамидир. Унинг ижодий йўли ҳали жуда қисқа. Лекин бой келажакка эга. Одил Ёқубов ҳаракатчан, изловчи, бадиий маҳоратни эгаллашга, китобхонга янги фикр айтишга интилувчи ёзувчидир».

Ёки Шуккур Холмирзаевнинг «ТЎЛҚИНЛАР» повестининг босилиши муносабати билан унинг ижодига «ОҚ ЙЎЛ» тилаб шундай ёзганди: «Тўлқинлар» повестининг марказида Ойна образи туради. У ҳаёт тажрибасига бой, кўп ишларни бошидан ўтказган аёл! Асарнинг бошидан охиригача ёзувчини Ойна оланинг икки хусусияти банд қилади. Бири — у халқ ишига содиқ, шу асосда ўз принципларида мустақим турадиган раҳбар: иккинчиси кўнгли дарёдек кенг олийжаноб бир киши... Ёзувчи Ойна опадаги шу икки хислатнинг бири кишида қандай қилиб бирлашиб кетишини кўрсата олган... Мана шундай мураккаб фикрларни айта билиши, Шуккур Холмирзаевнинг талантли ёзувчи бўлиб етишмакчидан дарак беради» деб адабиётшунослар ёзувчининг келажакдан катта умид қилганди. О. Мухтор, З. Аълам, М. Маҳмудов, Қ. Кенжа ижодидаги ўзига хослиқни ҳам илк бор М. Қўшжонов кўра олди ва уларнинг ижодий парвозига мададкор бўлди. М. Қўшжонов айрим адабиётшуносларнинг ўхшаб талантларни кашф этиб унинг юлжагига бефарқ қараб кетадиганлардан эмас. У бирор талантни кашф қилгани, унинг ҳар бир асарини, адабиётдаги ҳар бир қадамини синчковлик билан қўлинг

борадиган, унинг ютуқларидан қувониб, камчиликларидан ташвишланадиган олимлардан.

«Далилсиз танқид куруқ сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмас», — мана М. Қўшжоновнинг эстетик шиорларидан яна бири.

Зотан, танқидчи санъат асарига баҳо берганда ўз ҳукмига барчани, ҳатто ёзувчининг ўзини ҳам ишонтира олиши даркор. Шундагина танқидчи ўз муддаосига эришган, танқид ўз функциясини бажарган бўлади. Фигуримизни далиллаш учун мунаққиднинг ёзувчи Сайёрнинг «Хулкар» асарига бағишланган «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» мақоласи таҳлилини бир кўриб чиқайлик. Мақолада Матёқуб Қўшжоновнинг далиллаш санъатини кўрсатувчи белгилар маълум даражада ўз ифодасини топган.

Мақоланинг ёзилиш услуби ҳам янгича. Мақола танқидчининг гоҳ китобхонлар, гоҳида ўз-ўзи билан суҳбат олиб бориши асосида ёзилган.

«Мана кўлингизда яқиндагина чиққан асар. Уни китоб магазинидан яхши ниятлар билан сотиб олгансиз. Уқисам, маънавий озиқ олсам деб ўйлагансиз. Китобга яхши ном толиб қўйилганига ҳам хурсандсиз. «Хулкар». Борди-ю, оддий ўқувчи бўлмасдан, ёзувчимиз, шоирми ё танқидчимиз бўлсангиз адабиётимиздаги кейинги вақтларда рўй бераётган жанр изланишларини ўйлаб кетасиз, ривоят ва қиссалардан ташкил топган роман, бир неча қиссалар бирлигидан жамланган китоб, бир неча ёзувчилар бирлигидан битилган ҳашар қисса...

Изланиш бор жойда янгилик бор. Бундан қувонасиз албатта».

Мақола юқоридаги «сирли воқеий ҳалқа» билан бошланади. Сўнгра тадқиқотчи бирин-кетин «сирли воқеий ҳалқа»ни ечимга олиб кела бошлайди.

Танқидчи адабиётимизнинг йирик намоёндаларидан тортиб, эндигина катта адабиёт майдонига кириб келаётган ёш ижодкорларнинг илк асарларига муносабат билдирганда ҳам бир хил принципда ёндашади. Яъни танқидчи учун бош мезон — ҳаётийлик.

Танқидчи «Хулкар» таҳлилида ҳам худди шу принципга амал қилади.

«Биринчи қиссада Феруз ва Лобар муқаббати қаламга олинади. Улар кўпгина қийинчиликларни бошдан кечиришади, лекин қисса сўнггида (Феруз Москвага ўқишга ютиши билан) севги йўқолади. Ҳеч асосиз йўқолади. Беихтиёр ҳар бир китобхонда ҳақли савол туғилади. Севги қипи? Қиссени ўқиш жараёнида аён бўла-

дики, Феруз ўқишга кетган, Лобар Ферузга хат ёзмай қўяди ва собиқ синфдошларининг бирига турмушга чиқади. Шундай экан, севги ҳақида шунча сафсата соғишнинг нима кераги бор?».

Танқидчи биринчи қиссадаги воқеалар ҳаётий чиқмаганлигини, агар ҳаётда шундай бўлиши мумкин бўлса, бундай ҳолда ёзувчи ҳаётнинг сирини ёшларга очиб бериши, ажралишнинг сабабларини кўрсатиши, шу сабабларга ўз муносабатини билдириб эҳтирос билан ёқлаши ёки қоралашини лозимлигини таъкидлайди.

Ферузнинг ҳарбий хизматдалики пайтида бошидан ўтказган тасодифий воқеалар ҳаётий чиқмаганлигининг асосини эса шундай изоҳлайди: «Тўғри тасодифлар адабиётда жуда кўп учрайди. Тасодифлар ҳаётда ҳам кам эмас». Бироқ адабий асарда воқеанинг тасодифлиги очик-ойдин сезилиб қолганлигини, натижада бу воқеаларга ҳеч ким ишонмаслигини китобхонга маълум далиллар билан асослаб берган.

Ёки бўлмаса Ферузнинг Москвада бошпана излаб юриши, бир неча кун ичида икки кампир «фарзанди» бир қизнинг севган йигитига айланишини ёзувчи ишончли фактлар билан далиллаб олмаганини шундай асослайди:

«Автор Ферузни бир ойча олдин олиб келиб, Лариса унинг онаси Мария Сергеевна ва мактаб қоровули Серафима Васильевналар билан учраштирмоқчи, уни фестивалда қатнаштирамоқчи...

Демак, қаҳрамон ҳаёт мантиқи, ўз характери мантиқи асосида эмас, балки ёзувчи ихтиёри асосида юрибди. Буни адабиётда зўрма-зўракилик, воқеаларни сунъий равишда тўқиш, реал ҳаёт билан ҳисоблашмаслик деб атайдилар».

М. Қўшжоновнинг далиллаш санъатини шундан ҳам билса бўладики, у ёзувчига ҳеч қандай асосиз эътирос билдирмайди. Ҳатто ёзувчининг ҳаётини яхши билмасликда айблаганда ҳам изчил мантиққа суяниб иш кўради. Шунга бир мисол:

«Биринчи қарашда китобнинг номи ўқувчига қандайдир маъно бераётгандек туюлади. Аммо китоб бошида берилган қиссача мазмун баёнида қизиқ бир фикр айтилган, «Хулкар» Етти юлдуз демақдир». Автор Хулкарни санаб кўрдимикин? Хулкар кўп юлдузлар туркуми эмасмикин?!

Шу хилдаги мантиқан далилланган фикрлари учун ҳам бу мақола барчага манзур бўлиб, ўзбек адабий танқиднинг кейинги йиллардаги жиддий ютуқларидан бири деб ҳақли равишда тан олинди.

Буни «Шарқ юлдузи» журнали редакциясига танқидчи фикрларини маъқуллаб

келган юзлаб хатлар билан ҳам изоҳласа бўлади.

Мана танқидчи номига келган хатлардан бири: «Хурматли редакция! Мен М. Қўшжоновнинг «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» мақоласини эър қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Китобни ўқигач, ўзимча: «Борди-ю Феруз ҳам, Лобар ҳам бир-бирини севса, нима учун иккаласининг юрагида ҳам бошқа севги бор экан» деб ҳайрон бўлгандим. Танқидчи М. Қўшжонов фикрларини жуда тўғри деб биламан. (В. Лутфуллаева, Нурота райони). Танқидчи учун шу хилда ўз ҳукмини жамоатчиликка мензур қилишдан ҳам улкан бахт бўлмаса керак.

М. Қўшжонов ҳар бир мақола ва илмий монографиясида ўз фикрини образли баён этиш санъати билан китобхонларнинг бадиий асардан олган таассуротларини бойитиб ва уларнинг эстетик дидини ўстиришга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Олимнинг фикрича «бадиий етук асарга бағишланган танқидий таҳлил шундагина ўзини оқлайдики, токи уни (танқидий мақолани таъкид бизники — У. У.) ўқиган одамнинг бадиий асардан олган маълумот ва эстетик ҳисси икки барабар ошин».

Зотан, ҳар бир ёзувчи ўз қарашларини ўқувчига етказишда ҳар хил бадиий воситалардан фойдаланиб, шу орқали китобхон қалбига таъсир этишга интилар экан, танқидчи ҳам бунга тўлиқ амал қилиши, бадиий асарни баҳолашда шу асар туфайли қалбида туғилган ҳис-ҳаяжонларини илмий йўсинда ифодалай олсагина китобхонда ҳам кучли ҳис-туйғу уйғота олади.

Танқидчи М. Қўшжонов «А. Қодирийнинг тасвирлаш маҳорати» асарида «Утган кунлар» романи ва унинг бош қаҳрамонларини таҳлил қилиш жараёнида ўзининг қалбида туғилган ҳис-ҳаяжонларини китобхонга ҳам сингдиришга, унда ҳам шундай эмоционал туйғу уйғотишга интилади. «Ота-она орзуси...» ўзбекчиликнинг бу одати қанча-қанча соф инсоний ҳис ва муҳаббатни, инсоний гўзалликларни ўз оловидида куйдириб юбормади. Ота-она орзуси деб қанчадан-қанча гул-ғунчалар очилмай сўлмади. Бу мудҳиш ўтмиш сарқити ҳозир ҳам озода, бахтиёр ёшларимизнинг олдида баъзан ғов бўлиб турмайdimи?» — дея ачиниш билан ёзади танқидчи Отабекнинг «ота-она орзуси» йўлида иккинчи марта уйланишга мажбур бўлаётгандаги психологик ҳолатини таҳлил этаркан. Тадқиқотчи қалбида туғилган бу изтироб тезда китобхонга ҳам «юқади» ва унинг ҳаёлини ўтмиш сари етаклайди.

М. Қўшжоновнинг А. Қодирий, Ойбек,

А. Қаҳҳор, Ш. Рашидов, О. Ёқубов, А. Орипов ижодига бағишланган китоб ва мақолаларини ўқиганимизда уларнинг бадиий асарларини қайта ўқигандек таъсирланамиз, эстетик завқ оламиз.

Асар қаҳрамонларининг қиёфаси кўз ўнгимизда янада ёрқинроқ ғавдаланади. Беихтиёр сизда олим таҳлил этган бадиий асарнинг кўп жойларини қайта ўқиб чиқиш иштиёқи туғилади.

М. Қўшжонов ўз мақолаларининг ҳеч бирини шунчаки адабий ҳаётдан орқада қолмайин деб мажбуран ёзмайди. Шунинг учун ҳам унинг мақолалари учун бирорта ҳам ўртамийена асар объект бўлиб хизмат қилмайди.

Мунаққид бадиий асар юзасидан фикр юритар экан, асарнинг фазилат ва нуқсонларини ўзининг ҳаёт ҳақидаги кузатиш ва ўйлари билан боғлашга интилади.

Буюк танқидчи Н. А. Добролюбов мақолаларининг бирини «бадиий асар муносабати билан ҳаётнинг воқеа-ҳодисаларини шарҳлаш»ни танқидчилик фаолияти учун асосий метод қилиб олганлигини қайд этганди. Конкрет асар муносабати билан давр проблемаларини шарҳлаш, адабий ҳаёт ҳақида мулоҳаза юритиш М. Қўшжоновнинг дярли барча асарларига хос характерли хусусиятдир.

Унинг тадқиқотларида конкрет асар шунчаки, кўнгилдаги «дард»ларини, ҳаёт ҳақидаги ўйлари айтиб олиш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Фикримизни оидинлаштириш учун М. Қўшжонов ижодидан кўпплаб мисол келтиришимиз мумкин эди. Яхшиси унинг танқидий принципи хусусида ўз иқдорномисини келтира қолайлик.

М. Қўшжонов А. Қаҳҳорнинг «Аяжонларим» комедиясини «Утган кунлар» романи билан қиёсий таҳлил қиларкан буни изоҳлаб шундай ёзади: «Бу ерда ҳам «Утган кунлар» билан «Аяжонларим» бири-бирдан узоқ, параллел қилиб бўлмайди-ган асарлар-ку, деб бизга эътироз билдиришлари мумкин.

Бунга шундай жавоб қилган бўлар эдик: «Биз бу икки асарни параллел таҳлил қилаётганимиз йўқ. Биз бу асарлар муносабати билан икки санъаткор яратган асарлар асосида икки замонни таққослашимиз. Танқидий фикрлар воситасида инсонларга муносабатимизни билдиришимиз».

Шу маънода биз М. Қўшжоновни бирор ёзувчи ижодини ёритиб бергани ёки конкрет адабий асарларга тўғри баҳо бериб келаётгани учунгина эмас, балки биринчи навбатда бирор ёзувчи ижоди ёки конкрет асар баҳонасида китобхонларнинг қалбини

тўлқинлантираётган масалаларга жавоб бераётгани учун ҳам адабиётимиз жонкуярларидан бири деб биламиз ва эъзозлаймиз.




**Китоблар билан хилватда ўтириш —  
нодонлар жамиятида бўлишдан яхшидир.**

**П. БАУСТ**

# МУШОИРА





Адабиётшунос олим, «Литературная учёба» журнаlining бош муҳаррири А. Михайлов бир гуруҳ ёш шоирлар билан суҳбатда. Москва, март 1978 йил.  
М. Тўйчиев фотоси.

## ХОМТОК

Токлар тароғига югурар кўзим,  
Бачкисини юламан қолдириб доғда.  
Офтоб жилвасига тутишиб юзин,  
Таралиб туришар ҳосилдор новда.

Сархил новдаларга куч берар хомтоқ:  
Яйраб ором олар нуру сабодан.  
Кулсимон ширалар ёпишса андэк,  
Аёвсиз қирилур меҳнат-даводан.

Меҳнат-ла тотийман боғбонлик  
гаштин,  
Нафсиз новдаларнинг пайин қирқаман.  
Ҳосилга йўғираман ишқомлар кучин  
Бугундан тарозга тошлар уяман.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

## ПАЧКАМАР

Илҳом нозик билагини бўйнимга солиб,  
Оқшомлари етаклайди сокин сой томон.  
Баъзан дилбар келажакнинг ўйида оқиб,  
Завқларимда барқ уради бепоён бўстон.  
Туннинг кўрки нигоҳимни айлар маҳлиё,  
Борлиқ тинглар булбулларнинг қувноқ сатрини.  
Ой мўралар, теракларнинг учида зиё—  
Парвонадир, ел уфурар гуллар атрини.  
Бойчечаклар очилгандай қирларда тўлиб  
Қишлоқларни буркаб ётар миллионлаб чироқ.  
Осмон тўла юлдузлар-ла суҳбатда бўлиб,  
Мангуликнинг хаёлида оқаман узоқ...  
Дилни мафтун қилар қўшиқ битиш ишқида,  
Бедор ўтган тунларимга ташлайман назар.  
Йўлимдаги орзуларга етиш машқида —  
Телмураман, баъзан ўтмиш уфқиға қадар.  
Кўксин тутиб саратоннинг олов тафтига,  
Боболарим галла эккан бу даштга қадим.  
Қувраб битган майсаларни олиб кафтига,  
Дейишарди: «Раҳм айла, ёмғир бер, танграм!»  
Табиатдан нажот кутиб ўтган аждодим,  
Авлодлари бахт боғида этишар сайр.  
Пачкамарни боғлаганлар мўъжиза эмас,  
Режадаги оддийгина юмуш-ку, ахир.  
Чўл юртимнинг жамол очган сўлим кўксида  
Дўстлигимиз қудратининг кўркин кўраман.  
Пачкамарнинг гавҳарини олиб кафтимга,  
Сен асрлар умиди, деб кўзга сураман.

Ортиқ ЖУРАЕВ

## НАВРУЗ

Уйғонди қир-адирлар, жонга кирди мавжудот,  
Дил қитиқлар гунафша, бойчечак табассуми.  
Яшил либосин кийди ҳатто хўмрайган бўғот,  
Бу она табиатнинг келинчаклик мавсуми.  
Кўк бағрида тўлганар турналар арғимчоғи,  
Қалбларни энтиктирган қизларнинг сочи мисол.  
Кимни яйратмас бу кун она юртнинг қучоғи,  
Ким қайлардан тополгай ахтариб бундай висол.  
Ана, лол қолди шошиб олам чопари-қуёш,

Кўриб қолган сингари севганини дафъатан.  
 Бир-бирини қистайди девор оша икки ёш:  
 Қани кетдик оғайни, кеч қолмайлик улоқдан!  
 Яшил хиёбон ичра ёниб куйлар чанқовуз  
 Бўйи етган қизларнинг пинҳоний ҳаяжонин.  
 Хиргойи қилар жарда малларанг жилға ёлғиз:  
 — Йилимиз тонготари, баҳор келдингми, жоним?  
 Арғувоннинг остида бош тебратар икки қиз,  
 Қошлари аро силқир қуюқ нилий ўсмаси.  
 Юракларни ўйнатиб кезар аллақандай ҳис,  
 Оҳ, бу сўлим юртимнинг шу кундаги меваси.  
 Кимдир меҳмон кутади, кимдир дамлар сумалак,  
 Кимдир арғимчоқ учар, дилда наврўзи олам.  
 Ёғар абри найсонлар, қутлагандек бу фалак,  
 Ер-кўкка ларза солиб чақмоқ чақар дам-бадам.  
 Товусдек жилваланур рангларга тўлиқ диёр,  
 Навоий бобом суйган шеърят чамани бу.  
 Дўстгинам, ҳали олдда уч ажойиб фасл бор,  
 Бу фасллар тўнғичи, фасллар санами бу.

Бозор НОМОЗОВ

### БИРГА КУЛИШАЙЛИК

Утли нигоҳ ташлашингдан,  
 Сенга боқиб тургим келур.  
 Меҳринг ила кулишингдан,  
 Мен ҳам қониб кулгим келур.

Секин қўлим қўлга олиб,  
 Севги изҳор этганингда,  
 Ҳаё ила ерга боқиб,  
 Яна энди кулгим келур.

Ёнган шафақ гулгунлигин,  
 Ўхшатибсан севгимизга,

Рашк ўтида ўртанган қалб,  
 Сездирмайин кулгинг келур.

Кулгин порлоқ юлдузгинам,  
 Ёрқин само рашки келсин,  
 Эй қошлари кундузгинам,  
 Шафақни кўр, кулгинг келур.

Келгин бирга кулишайлик,  
 Жарангласин шалоладай,  
 Севги маҳжин куйлашайлик,  
 Хандон отсин гуллоладай.

Моҳтоб НОСИРОВА

### БАХТ

Қуёш, бугун менинг сендай чарақлашимни кўргин,  
 Орзуларим остонангда қулоч кериб турибди.  
 Вужудингга сингиб кетдим, ярақлашимни кўргин,  
 Туйғуларим ўт бағрингда шодон кезиб юрибди.  
 Қуёш, қара, замин қизи бугун сенинг қаршингда,  
 Оловланиб кўзларингни қамаштирсин камоли.  
 У турибди мағрур-масрур сенинг аъло-аршингда,  
 Кўзларимда жилва қилар она-юртин жамоли.  
 Мен қуёшман. Озод ўзбек қизларининг тимсоли.  
 Рўпарангда Майна бўлиб, Нурхон бўлиб нур сочай.  
 Мени шундай тўкис бахтга ҳамроҳ қилган Ватаним—  
 Она юртим осмонида парвозга қучоқ очай.  
 Мен қуёшман! Қуёш, сенинг рўпарангда порлаган,  
 Утиб кетган авлодларим орзу, бахти мендадир.



Бахтим менинг замонимдан, истиқболим қуёшдан,  
Замин ишқи, қуёш тафти ёниқ юрагимдадир.  
Қара, қуёш! Мен тобора қуёшга айланаяпман,  
Рўпарангда порлаш учун қарашга шайланаяпман...

**Меҳринисо ОЙДИНОВА**

### **СЕН ШУЪЛАСАН**

Сен — шуъласан олисдаги, талпиниб яшагумдир,  
Ёдинг эзгуликка чорлар, ундан ёруғ ўйларим.  
Талпинтирган шуъланга мен топиниб яшагумдир,  
Дилда номинг пинҳон қўшиқ, ғамдан фориг куйларим.  
Кўз илғамас бир ришта бор ўртамизда меҳрдан,  
Садоқатдан. У риштани узиш келмас қўлимдан.  
У шундайин қудратли ҳис, юракларни сеҳрлаб,  
Дилни-дилга боғлаган аҳд бузиш келмас қўлимдан.  
Уни узмоқ истаганлар, айтиб қўяй, адашгай.  
Нурдек тоза туйғудан у, нурни узолгай ким ҳам?!  
Ғарчи ҳамроҳ бўлмасак-да, дилларимиз — туташ най.  
То умрбод бир қўшиқни, битта куйин куйлагай,  
Уни фақат иккаламиз тинглагаймиз, дўстгинам.

**Ойнисо ОРТИҚБОЕВА**

### **БУХОРО МИНОРАСИ**

Аҳли донолар даҳоси тўлқин отган чоғида,  
Тиклади меъмор минора кекса юрт тупроғида.

Чўққилардан нусха олди, қўйди тоғ устига тоғ,  
Бир юзу тўрт зина солди сарбаланд сўқмоғида.

Ҳар нафис тошига нақш ўйди меҳр офтобидан,  
Зеҳнидан гулзор яратди ярқироқ ҳар ёғида.

Бебаҳо ўз дастхатини сирли ёзувлар билан  
Битди у усто Бақо, деб гумбазин белбоғида.

Ҳар қулочда кўзгудек ул дарчалар очмиш назар,  
Шуълаи ойдан асар бор гардиши-қирғоғида.

Саккиз юз йилдан буён яшнаб турар юз турли ранг,  
Ярқираб минг бир фаслнинг чақнаган чақмоғида.

Шаҳримиз осмонида савлатли бир посбон ўзи,  
Сояси ҳам бир поёндоз элимиз гулбоғида.

**Розиқ РУЗИЕВ**

### **ИНҚИЛОБ**

Сен жуда юксакда эдинг, юксакда  
Ва ҳамон яшардинг эртақда.  
Қўшчининг судраган омоч тишида  
Кулолнинг кечалар кўрган тушида

Чўпоннинг оҳ чеккан най ноласида  
 Деҳқоннинг қакраган бий даласида  
 Фақат сен яшардинг бир рўё бўлиб  
 Бахшилар куйларди сен ҳақда тўлиб.  
 Оналар чор девор ичида ночор  
 Шамчироқ мисоли сарғайиб, нолиб,  
 Сени ипак билан орзу этарди  
 Истагин бу гўзал палакка солиб.  
 Ою, қуёшлардан нажот кутарди.  
 Ва лекин тилагу, нажотлардан ҳеч  
 Чиқмади, чиқмади мадҳ этган орзу  
 Бахт дея курашга бошлади эрлар  
 Озодлик шуқуҳи кўнгилда мангу.  
 Курашда эркини қўлга киритди  
 Ҳазрати Инсон деб эъозлаб бу кун  
 Ақлу заковатга қойилдир олам.  
 Советлар юрти деб ҳавас-ла боқар  
 Тенглик деб курашган ҳар битта одам.  
 Олтимш йил инқилоб офтоби балқар  
 Беғубор Ватаннинг сарҳадларидан,  
 Қалбимда юртимга чўнг меҳрим ортар  
 Чунки мен Коммунист авлодиданман.

Муҳаббат ҲАМИДОВА

### ОХИРГИ КўНҒИРОҚ

Бугун ҳар бир нарса ўзгача гўё,  
 ўзгача сабоқ.  
 Ўзгача шивирлар ям-яшил япроқ ва  
 майин гиёҳ.  
 Ташвиш, ҳаяжонга тўлган дилимиз  
 ғамгин ҳам қувноқ,  
 Эшит синфдошим, меҳрибон дўстим,  
 тинглагин ўртас,  
 Охирги кўнғироқ.  
 Қандай тез ўтдингиз мактаб йиллари  
 шод, ўйинқароқ,  
 Кулгу, насиҳату хаёлларга бой жўшқин  
 ва қувноқ.  
 Сермазмун, серижод ўтдингиз бир зум  
 кутмасдан узок,  
 Аммо шунча тез кутмаган эдик биз  
 сени мутлоқ,  
 Охирги кўнғироқ.  
 Нима бўлди ўзи энг сержаҳллар  
 ҳам бу кунда юмшоқ,  
 Сўзга чиққанларни ё қалқир ёши, ё  
 босар титроқ.  
 Ғам, шодлик, ғуссаю севинчга тўлган  
 ҳамма, ҳаммаёқ  
 Сўнги ўқув йили тамом бўлгандан  
 этади огоҳ,  
 Охирги кўнғироқ.  
 Гўё ўз базмини бугун ўтказар бир  
 азим қирғоқ,  
 Ахир бир дарёдан бугун ажралар қанчалар ирмоқ.

Ирмоқларга эса йўл ёруғ ҳар он, йўл  
ёруғ ҳар ёқ  
«Сизларга оқ йўл тилайман» дейди  
гўёки шу чоғ —  
Охирги қўнғироқ.

Кавсар ТУРДИЕВА.

### ДАРАХТЛАРНИНГ САРДОРИ

Асл номи «Ёғи қоқ»,  
Ер шаридек думалоқ.  
Улуғ Мичурин бобом,  
Деганлар: — Холис баҳом.  
Ёнғоқ — келажак нони,  
Турли офат қалқони.  
Ёнғоқ бебаҳо дарахт,  
Фойдаси кўпдир беҳад.  
Экилса тоғ бағрига,  
Ҳатто қир-у адирга.  
Очар шу он сув кўзин,  
Кўркам қилар ер юзин,  
Пахтазорга нам берар,  
Дилларга илҳом берар.

Усар тез ёзиб қулоч,  
Мева тугар нақ қийғоч.  
Истеъмолга хўп керак,  
Соғаяр асаб, юрак.  
Хасталанмас ошқозон,  
Кўплар дер «Яшил полвон».  
Чиндан ҳам олтин дарахт  
Эъозланар ҳамма вақт.  
Пешонадан тер тўккан,  
Ҳар жойга ёнғоқ эккан.  
Минг раҳмат, бобо деҳқон,  
Яшайвер, ёнғоқсимон.

Сиддиқ УМАРОВ

### ФАРДЛАР

Осондир сўз билан тегирмон қурмоқ,  
Қийиндир янги бир ишга қўл урмоқ.

\* \* \*

Бир умр хатодан ўрганар киши,  
Айбин тан олмаслик номарднинг иши.

\* \* \*

Ким биров дардига бўлса эш, ҳамдам,  
Ўзин дардига ҳам топгуси малхам.

\* \* \*

Ёшлиқда бир касбнинг этагин ушла,  
Беминнат тер тўкиб кўнгилини хушла.

\* \* \*

Айб эмас бўлса гар қўл, оёқ майиб,  
Уйламай сўйламоқ—энг катта айб.

\* \* \*

Минг ёмғир ёғса ҳам кор қилмас тошга,  
Кор қилур жиндек бир ғам тушса бошга.

\* \* \*

Ноҳақ сўз зимдан ич-этингни узар,  
Асабнинг энг нозик торларин бузар.

\* \* \*

Ҳа, баъзан янглишсанг тан ол, қушёр бўл,  
Тан олмай қайсарлик қилсанг дерлар гўл.

\* \* \*

Зуваласи пишиқ инсонман, аммо,  
Кўнглим нозик жонон пиёланамо.

\* \* \*

Ҳа, зотан, тош қолар сув оқиб кетиб,  
Оғир бўл, сомондек ёнма лоп этиб.

\* \* \*

Ишонган тоғинга суянсанг суян,  
Ва лекин суяниб қолишдан уял.

\* \* \*

Орзуга айб йўқ, тоғай десанг шон,  
Ўз ақл-идроқ, ўз кучинга ишон.

\* \* \*

Кўз хира тортса-ку қилурсан тоқағ,  
Ақлинг кўзи кўр бўлмасин фақағ.

\* \* \*

Бу кун соз, эртамиз ундан ҳам гўзал,  
Яхши жанг-жадалдан ёмон сулҳ афзал.

\* \* \*  
Шифобахш дорининг ўз меъёри бор,  
Меъёрдан сал ошса етказар озор.

\* \* \*  
Сабр қилишнинг ҳам вақт-соати бор,  
Сабр айлаб бўлурму дўппи келгач тор.

\* \* \*  
Сиртдан ғоят гўзал ўргимчак тўри,  
Лекин ким илинса қуриydi шўри.

\* \* \*  
Орамиздан ҳатто ўтмасди бир қил,  
Лекин бир сўз ўтиб муз бўлди кўнгил.

Ғайрат МАҲМУДОВ

### МУҲАББАТ

Муҳаббат! Илоҳий қудрат бер менга,  
Шу қудрат ёндирсин ҳижрон азобин.  
Шод ўтган кунлардан сўзлайин сенга,  
Пинҳона варақлаб ишқим китобин.  
Шу қудрат сеҳридан топайин малҳам,  
Бир чақмоқ каби у ёритсин дилни.  
Бир чоғлар эдинг-ку, дилимга ҳамдам,  
Ёлғиз кезмоқдаман бу кун соҳилни.  
Туйғумизга гувоҳ шу сой бўйида  
Унсиз боқишлардан излардик маъно,  
Ёндирувчи ёниқ орзу кўйида

Қалбдан қалбга мўл оқарди зиё.  
Хаёлчан кўзлардан уқардим вафо,  
Ё мен-чун у шундай туюлганмиди.  
Бу кун у кўзларда кўрмайман маъно,  
Ёшларим беҳуда қуйилганмиди.  
Муҳаббат! Сен берган  
қудрат туфайли  
Барисин яширай юрак қатига.  
Муҳаббат! Қалбимни тарк этгин майли,  
Барча қийноқларга қўяй хотима.

Ҳолида ПАРДАБОЕВА

### ЧИГИТ

Шода маржондек тизилган меҳри уммоним чигит,  
Бойлигим ҳам, ҳам насибам, ҳарна имконим чигит.

Кўзга суртиб мен экибман она-Ернинг бағрига,  
У униб очгай жамолин, фасли кузу жоним чигит.

Эл севиб ҳар толасин асрагай дурдонасин,  
Шу сабаб бошимда эъзоз, меҳри осмоним чигит.

Кўкка бўй чўзиб жамоли ой билан тенг бўлгани,  
Шодлигим ҳам, кўхлигим ҳам, бебаҳо коним чигит.

Завқ билан териб Иноят ҳосилин маҳсулини,  
Борлигин айлар мунаввар Ўзбекистоним чигит.

### БИР ГЎЗАЛ

Бир гўзал боқди қиёлаб жилва, ноз, иффат ила,  
Тенглашур сайёраларга ой юзи талъат ила.

Бу малоҳатда жамолинг ганжини дурдонаси,  
Деб эдим, айтди кулиб: «Мен бахтлиман меҳнат ила».

Икки шаҳло кўзларингнинг ошиғи бўлдим десам,  
Ул гўзал деди: «Аввал ўзни танит хизмат ила».

Биз вафо топдик мусаффо меҳнат-у, ҳам ишқ ила  
Элга манзур бўп, яшаймиз иккимиз ибрат ила.

Инатулла РУСТАМОВ.

## МУНДАРИЖА

|                                      |    |   |    |
|--------------------------------------|----|---|----|
| <b>ШЕЪРЛАР, ҲИКОЯЛАР</b>             |    | <b>Яхшибой Жабборов</b>                     |    |
| <b>Ғайрат Асраилов</b>               |    |   |    |
| Яхши . . . . .                       | 7  | Мен қишлоқда яшайман . . . . .              | 23 |
| Мустазод . . . . .                   | 7  | Исёнкор ҳислар . . . . .                    | 24 |
| Ҳабибий ғазалига муҳаммас . . . . .  | 8  | <b>Фарҳод Йўлчиев</b>                       |    |
| <b>Ёқубжон Аҳмаджонов.</b>           |    | Синов . . . . .                             | 25 |
| Ўзбекистон . . . . .                 | 9  | <b>Алижон Йўлдошев</b>                      |    |
| Она . . . . .                        | 9  | Баҳор . . . . .                             | 27 |
| Сабо тонгда титратди гулни . . . . . | 10 | Чирок . . . . .                             | 27 |
| Ҳаёт . . . . .                       | 10 | Саккизлик . . . . .                         | 27 |
| Менинг икки бобом . . . . .          | 10 | Томчи . . . . .                             | 28 |
| <b>Матназар Абдулҳакимов</b>         |    | <b>Ғозил Комилов</b>                        |    |
| Турналар қўшиғи . . . . .            | 11 | Онажон . . . . .                            | 29 |
| Оппоқ дамлар . . . . .               | 11 | Номаълум солдатга . . . . .                 | 30 |
| Оталар кўз юмса . . . . .            | 12 | <b>Низомиддин Маҳмудов</b>                  |    |
| <b>Салим Азимов</b>                  |    | Соғинч . . . . .                            | 31 |
| Пахтазор мавжлари . . . . .          | 13 | Юксаклик . . . . .                          | 31 |
| Бир ўлка бор . . . . .               | 13 | Ҳаёл сендан сўрайди, шафқат . . . . .       | 32 |
| Кел, қалдирғоч . . . . .             | 14 | <b>Ўткир Муҳаммад</b>                       |    |
| Деразангда ялтирайди нур . . . . .   | 14 | Кўрмана . . . . .                           | 33 |
| <b>Иброҳим Азимбоев</b>              |    | Тоққа солдатим машаққатли йўлимни . . . . . | 33 |
| Қочиб бораётган оҳуға . . . . .      | 15 | Бахт кўшиғи . . . . .                       | 33 |
| Она куйламоқда . . . . .             | 16 | Она юртим . . . . .                         | 34 |
| Кўҳна олам . . . . .                 | 16 | <b>Иброҳим Мусоев</b>                       |    |
| Сеҳрли кўшиқ . . . . .               | 16 | Сукут . . . . .                             | 35 |
| Тиниқ кўм-кўк осмон . . . . .        | 17 | Ўрик гуллаяпти . . . . .                    | 36 |
| <b>Қўчқор Бекмуродов</b>             |    | Сендан жавоб кутдим . . . . .               | 36 |
| Пахта мадҳи . . . . .                | 18 | Манзара . . . . .                           | 36 |
| Кўз . . . . .                        | 18 | Шу олис юрт . . . . .                       | 36 |
| Ҳайкал . . . . .                     | 18 | <b>Абдуваҳоб Нурматов</b>                   |    |
| <b>Садриддин Бозоров</b>             |    | Сабаблар . . . . .                          | 37 |
| Бир қафт тупроқ . . . . .            | 19 | <b>Нормўмин Очилов</b>                      |    |
| Баҳор . . . . .                      | 19 | Кузатиш . . . . .                           | 40 |
| Бирпас гўдак бўлгим келар . . . . .  | 20 | Тоғ бағрини тилиб . . . . .                 | 40 |
| Гул . . . . .                        | 20 | Илҳомга . . . . .                           | 40 |
| <b>Зайниддин Баҳриддинов</b>         |    | Бедовга . . . . .                           | 41 |
| Бахт . . . . .                       | 21 |   |    |
| Комтик нон . . . . .                 | 21 |   |    |

**Ҳабибулло Олимжонов**

Баҳор шамоли . . . . . 42

**Муъяссар Отажонов**

Аму бўйида . . . . . 45

Сурат ва сийрат . . . . . 45

Муҳаббат . . . . . 45

**Одилжон Олимов**

Қалбада қуёш . . . . . 46

**Замира Раззоқова**

Пахтазор . . . . . 50

Кўнгил навоси . . . . . 50

Не бўлди, дўстларим . . . . . 50

Она юртим . . . . . 51

**Ражаббой Раупов**

Хаёлимда уч киши . . . . . 52

**Адолат Раҳматова**

Шеър ҳақида . . . . . 57

Учкунлар . . . . . 57

Қошлар . . . . . 57

Умр . . . . . 58

**Муҳаммад Раҳим****{Мадириим Сафарбоев}**

Эрк ҳақида кўшиқ . . . . . 59

Уфқ тубида бир сўник юлдуз . . . . . 59

Севги . . . . . 59

**Дилшода Саидолимова**

Учиб келган қушлар. (Қ а т р а л а р) . . . . . 60

**Раҳима Содиқова**

Мурғак муҳаббат . . . . . 62

Ёғдуларга қораман . . . . . 62

Қоядаги кўш қайин . . . . . 63

Кўзларимга тикилма зимдан . . . . . 63

**Рустам Солижонов**

Ленин . . . . . 64

Ишқ . . . . . 64

Эътироз бўлса гар . . . . . 64

Кетишим керак . . . . . 65

**Сабриддин Садриддинов**

Мен ишчиман . . . . . 66

Оқиб кетма . . . . . 67

150

**Сирожиiddин Саидов**

Ҳали менинг кўшиқларим . . . . . 68

Болалик дарахти . . . . . 69

**Шукур Содиқов**

Уқитувчимга . . . . . 70

Ёшлигим . . . . . 70

Қаламимга ва қалбимга . . . . . 70

Илҳомга . . . . . 70

**Жоннибек Сувоикқулов**

Ҳавас . . . . . 71

Юракдаги Ватан . . . . . 72

**Холмўмин Тўхтаев**

Тунги сокинликдан шивирлар осмон . . . . . 73

Бир тола сочингни . . . . . 73

**Эргашали Усмонов**

«Раҳмат одамлар!» . . . . . 74

Кўнгил — гул . . . . . 74

**Дилбар Ҳайдарова**

Дилистоним . . . . . 75

**Отабек Фармонов**

БАМ ёлқини . . . . . 79

Ёшлигим . . . . . 79

Она қалби . . . . . 80

Кўшчинор . . . . . 80

Тоғлиқлар нафосати . . . . . 80

Умр . . . . . 81

**Мели Фармонов**

Комсомол монологи . . . . . 82

Ватан кўшиғи . . . . . 82

Баҳор манзараси . . . . . 83

**Усмоножон Шукуров**

Тонгда . . . . . 84

Муҳаббат . . . . . 84

Она . . . . . 85

Баҳор чечаклари . . . . . 85

Боғда . . . . . 85

Умид . . . . . 85

**Назар Шукуров**

Сонетлар . . . . . 86

Ҳарсанглар туфайли . . . . . 86

Мажнунтол . . . . . 86

Орзулар . . . . . 87

**Муҳаммаджон Ҳайдаров**

Оломон ичида кетиб бораман . . . . . 88

Келмадинг . . . . . 88

|                                 |     |                                      |     |
|---------------------------------|-----|--------------------------------------|-----|
| Дераза олдиди . . . . .         | 88  | Саидмурод Сайдулла                   |     |
| Онажон, замин ёнапти . . . . .  | 88  | Латифалар . . . . .                  | 124 |
| Табиат ҳазили . . . . .         | 89  | Қувноқ хандалар . . . . .            | 124 |
|                                 |     | Қатра хандалар . . . . .             | 125 |
| <b>Эрнатош Шукурова</b>         |     | <b>Раъноҳон Қамбарова</b>            |     |
| Шоир овози . . . . .            | 90  | Қулоқ солинг, «Беданалар» сайраепти. | 126 |
| Саккизликлар . . . . .          | 90  | Севархоннинг орзуси . . . . .        | 128 |
| <b>Уктам Ҳакимали</b>           |     | <b>АДАБИЙ УЙЛАР</b>                  |     |
| Жаҳоки бармоқлар . . . . .      | 91  | <b>Ортиқбой Абдуллаев</b>            |     |
| <b>Мўмин Ҳотамбоев</b>          |     | Шеъримизнинг тиниқ осмони . . . . .  | 131 |
| Ватан мадҳи . . . . .           | 97  | Урол Утаев                           |     |
| Ишқинг билан . . . . .          | 97  | Шоғирдлар устозлар ҳақида.           |     |
| Гул . . . . .                   | 98  | Танқидчининг эстетик принциплари     | 136 |
| <b>Ғаффор Ҳотамов</b>           |     | <b>МУШОИРА</b>                       |     |
| Сомон йўли . . . . .            | 99  | <b>Ғани Абдуллаев</b>                |     |
| <b>БОЛАЛАР АДАБИЁТИ</b>         |     | Хомтоқ . . . . .                     | 143 |
| <b>Омонулло Ниязов</b>          |     | Ортиқ Жўраев                         |     |
| Орзумиз катта . . . . .         | 107 | Пачкамар . . . . .                   | 143 |
| Таъзим . . . . .                | 107 | Бозор Номозов                        |     |
| Улоқчининг аҳволи . . . . .     | 108 | Наврўз . . . . .                     | 143 |
| Ҳолат . . . . .                 | 108 | <b>Моҳтоб Носирова</b>               |     |
| <b>Журавой Саримсоқов</b>       |     | Бирга кулишайлик . . . . .           | 144 |
| Қодиржоннинг галстуги . . . . . | 109 | <b>Меҳринисо Ойдинова</b>            |     |
| <b>Юнус Толипов</b>             |     | Бахт . . . . .                       | 144 |
| Бир синф боласимиз . . . . .    | 112 | Ойнисо Ортиқбоева                    |     |
| Кечир, оғайни . . . . .         | 112 | Сен шуъласан . . . . .               | 145 |
| Томошага келинлар . . . . .     | 112 | <b>Розиқ Рўзиев</b>                  |     |
| Сумалак . . . . .               | 113 | Бухоро минораси . . . . .            | 145 |
| Гапдон бола . . . . .           | 113 | <b>Муҳаббат Ҳамидова</b>             |     |
| <b>Маҳмуд Шомансуров</b>        |     | Инқилоб . . . . .                    | 145 |
| Катта совға . . . . .           | 114 | <b>Кавсар Турдиева</b>               |     |
| Иншо . . . . .                  | 115 | Охирги кўнғироқ . . . . .            | 146 |
| Дўстона ҳазил . . . . .         | 115 | <b>Сиддиқ Умаров</b>                 |     |
| <b>Бердимурод Юсупов</b>        |     | Дарахтларнинг сардори . . . . .      | 147 |
| Раис бува уялди . . . . .       | 117 | <b>Ғайрат Маҳмудов</b>               |     |
| Оймомажон ботмай тур . . . . .  | 117 | Фардлар . . . . .                    | 147 |
| Хув бола . . . . .              | 117 | <b>Ҳолида Пардабоева</b>             |     |
| Қўғирчоқ . . . . .              | 118 | Муҳаббат . . . . .                   | 147 |
| Ниничи . . . . .                | 118 | <b>Инатулла Рустамов</b>             |     |
| Лола билан бола . . . . .       | 118 | Чигит . . . . .                      | 148 |
| <b>ЕШЛИК ТАБАССУМИ</b>          |     | Бир гўзал . . . . .                  | 148 |
| <b>Нурмамат Алмуродов</b>       |     |                                      |     |
| Ҳоч ким кўрмасин . . . . .      | 121 |                                      |     |
| Тош ола қолса . . . . .         | 121 |                                      |     |

На узбекском языке

Коллектив

**Альманах**

Стихи, рассказы, произведения для детей, юмор, литературные  
раздумья, поэтическое состязание.  
Издательство «Еш гвардия», Ташкент — 1978.

Тупловчи ва масъул муҳаррир Шамси Одил  
Расом Л. Шарифжонова  
Расмлар редактори Қ. Алиев  
Техн. редактор Г. Аҳмаджонова  
Корректор М. Мирзаев

ИБ № 258

Босмахонага берилди 26/VI-1978 й. Босишга рухсат этилди  
7/ХП-1978 й. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босма листи 9,5. Шартли  
босма листи 11,11. Нашр. листи 10,64. Тиражи 30000. Ҳоғоз № 1.

Р—18294 Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия»  
нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 35—78. Ваҳоси 90 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат  
Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент, «Правда  
Востока», 26. Заказ № 3584.